

# **Мухолифат фаоллариға 10 савол**

**(Сұхбатлар)**

**Муаллиф: Юсуф Расул**

“Янги Дунё” интернет нашрида эълон қилинган ушбу сұхбатлар ўзбек мухолифати ташкил топганининг 20 йиллиги муносабати билан уюштирилган.

“Янги Дунё” нашри.

**Швеция - 2009 йил.**

## **Ёдгор Обид: “Хеч қачон умидсиз бўлманг...”**



**Ёдгор Обид - ўзбек мухолифати фаоли, шоир - дисидент, Австрия.**

**Юсуф Расул: -Ўзбекистондаги мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?**

Ёдгор Обид: -Бу ерда гап сиёсий мухолифот ҳақида кетаябди. „Мухолифот“ бизнинг тилимига четдан кириб келган сўзлардан бири. Табиатан одамлар ва ҳалқлар орасида бўлгани каби, уларнинг тилларини ҳам бир- бирларига таъсирлари ўтиб туради. Тарихда асрлар давомида ўз асосий тилларини йўқотган ва бошқа хукмрон тилларни бутунлай ўзлаштириб олган ҳалқлар ҳам йўқ эмас. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бизнинг ҳалқимиз тилини, она тилимизни ўзгартириш учун ҳам кўп уринишлар бўлди. Жумладан- араблар босқинидан кейин араб тилини зўрлик билан тарғиб қилдilar. Кўплаб олим, ёзувчи ва шоирлар араб тилида ёза бошладилар. Афсуски, кўплаб олимларимиз, шоирларимиз асарларини бугунги кунда фақат таржима орқалигина ўқий оламиз. Мавлоно Аҳмад Яссавийнинг буюкликлари шундаки, биз Ислом динида бўлишимиз билан бирга, ўз она тилимизга эга ҳалқ эканимизни исботлади ва соф туркийда ижод қилди. Шеърларининг юксак бадиийлиги, таъсирчанлиги ўз кучини кўрсатди, туркистонликлар орасида кенг эътибор қозонди. Тархий манбааларда кўрсатилишича, Соҳибқирон Темур Йилдирим Боязид билан жанг пайтида Оллоҳдан мадад илтижо қилиб, Яссавий ғазалларини ўқиб турган.

Руслар босқинидан кейин ҳам шунга ўҳашаш ҳодисалар юзага чиқа бошлади. Яъни, кейинги пайтларда рус тилида ёзадиган ёзувчи ва шоирлар пайдо бўла бошлади. Уларни, турган гапки, ҳукмдор давлат маркази ҳам қўллаб- қувватлаб турди. Қизиғи шундаки, улар ҳам „биз жаҳон тилида, яъни- рус тилида ижод қилиб, ҳалқимизга ҳизмат қилаябмиз. Ҳалқимиз обрўсини кўтараябмиз“ деб даъво қилишарди. Гёё ҳалқимиз бундай обрўга муҳтождай... Уларнинг кўплари ҳозир ҳам ҳаёт, кўпчилик зиёлилар танийдилар. Ҳукмрон тузум биз учун дунё йўлларини беркитиб, фақат рус тили орқалигина кичкина эшикча қолдирганди. Тил мустақиллиги учун кураш даврида, бир неча кўзга кўринган ўзбек ёзувчилари, ўзлари ўзбек тилида ижод қилиб элга танилганларига қарамай, „ўзбек тили давлат тили бўлолмайди“ деб

даъво қилгандилар. Ҳатто матбуотда ҳам катта- катта мақолалар билан чиққанлар. Масалан- Ўлмас Умарбеков, Жамол Камол ва бошқалар. Табиийки, уларнинг бошида ўша пайтда Ислом Каримов турганди...

Яратганга минг қатла шукрлар бўлсинки, бундай тарихий жараёнлар қаърида ҳам ҳалқимиз ўз тилини сақлаб қола олди. Зеро ҳалқимизнинг тарихий илдизлари чукур ва бақувватдир. Бир неча бор буюк империялар яратган, ўз давлатчилигига эга бўлган Туркистон турклари учун буни табиий ҳол деб тушуниш керак. Унинг таркибиға кириб келган баъзи сўзлар эса умум табиий ҳолат- тилларнинг ўзаро таъсири, интеграцияси масаласидир. Мухолифот сўзи европаликларда лотин тилидан олинган „оппозиция“ шаклида ишлатилади. „ Позиция“- эгаллаб турилган жой ёки мавкеъ, „О“ ҳарфи кўшиб ёзилса, „оппозиция“ шаклида акс маънони билдиради. Бу эса биз қабул қилган ва ишлатаётган „мухолиф“ ёки „мухолифот“ сўзларининг бошқа тилдан кириб келган шакли. Коидага кўра „мухолиф“ бирликни, „мухолифот“ кўпликни билдиради. Киши- кишига қарашлари, фикри, харакати орқали мухолиф бўлиши мумкин. Яъни, қарама- қарши қарашлари, қарама- қарши фикри, қарши харакатлари билан. Шахсий ва сиёсий мухолифлик ҳам шу сирада.

„Неки қилдим- кенгаш билан қилдим“ деган сўзлари бор Соҳиқирон Темурнинг. Демак, кенгаш даврида бошқалар билдирган турли фикрларга қулоқ солган. Албатта, турли бўлгандан кейин, маълумки, мухолиф фикрларни ҳам тинглаган ва эътиборга олган. Кенгашиш талаби Куръони Каримнинг бир неча оятларида ҳам келади.

Сиёсий мухолифот асосан давлатчилик билан боғлиқ. Давлат ва у давлатнинг хокимияти бор ерда албатта хокимият сиёсатига мухолиф сиёсий фикрлар бўлади. Туркистон ҳалқлари бир неча минг йиллик давлатчилик тарихига эга экан, демак қадимда ҳам мухолифот бўлган. Хокимият сиёсати ва мухолифот фикри, қарашлари, харакати эгиз туғилади ва ёнма- ён яшайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Бутун умрини жиноят ва хатолар ичida ўтказаётган Исом Каримовнинг „бизда мухолифот йўқ“ дейиши унинг қанчалар ҳам сиёсий, ҳам фикран кўрлигини, ақли ноқислигини кўрсатади. У фақат „одамларни қўрқитиб олсан бас, ҳаммаси қўлимга қараб қолади“ деб ўйласа керак. Бу ҳам ниҳоятда ақли ноқислигини билдиради. Ҳалқни бир марта алдаш ёки қўрқитиш мумкин. Нари борса икки ёки уч марта... Ҳалқ қўрқишдан чарчайди.

Демак, Туркистонда мухолифот тарихи унинг давлатчилик тарихи қадар узун. Маҳмуд Торобий оддий элакчи бўлган. Афсуски, тарихи чукур ўрганилмаган. Лекин ҳалқни мўғул босқинчиларига қарши бирлаштира олди ва биринчи жангдаёқ ҳалок бўлди. Аммо унинг сафдошлари ғалаба қозондилар. Тарихда бундай мисоллар жуда кўп. Тарихимиз ҳали очилмаган қўрик.

Охирги мухолифотчиларни олайлик. 1920 йилларга қадар жадидлар харакати билан баробар „Туркистон бирлиги“ партияси фаолият кўрсатган. Бошқарув ҳайъатида кимлар бўлгани, қандай йўналишда харакат қилганлари ҳақида маълумотлар фақат Москва КГБси архивида сакланади. Мағжон Жумабоев, Шокарим каби қозоқ шоирлари шу партия таркибида бўлганлари ҳақида маълумотлар бор. Масалан, Мағжоннинг „Туркистон“ шеъри ўша йиллари оммавий қўшикка айланиб кетган.

Советлар даврида мухолифот бўлмаганлиги ҳам тўқима афсонадан бошқа гап эмас. Машҳур қўрбошилардан бири Иброҳим Қўрбошининг (Иброҳим Лақай номи билан ҳам машҳур) 1939 йили кўлга олинганини ҳисобга олсан, мухолиф сиёсий харакат шу йилга қадар тўхтамаганини кўрамиз. Мустафо Чўқай, Вали Қаюмхон, Боймирза Ҳайитларнинг курашларидан кўз юмиш – гумроҳлик бўлар эди. Кўриниб турибдики, сиёсий мухолифот харакати иплари бирон қатимда узилиб қолган эмас. Раҳматлик Боймирза Ҳайит ўлимидан бир хафта олдин телефон қилиб: „Ёдгорбек, сиз билан бизни фақат умид асрайди. Ҳеч қачон умидсиз бўлманг“ деганди. Дарҳақиқат, умидсизликка тушган мухолифот – мухолифотлигини йўқотади.

Бугунги сиёсий мухолифот ҳам аслида осмондан тушгани йўқ. Олдингиларнинг узвий давоми деб караш керак. „Бирлик“ харакатига ҳам, ким нима деса десин, аслида талабалар асос солганди. Ҳозирги пайтда йўқ обрўни талашиб, мухолифотнинг ривожига тўсқинлик қилаётганлар кейин, раҳбарликка таклиф қилинганлари учунгина пайо бўлишди. Уларнинг орасида ҳаракатга астойдил, сидқидилдан ҳизмат қилганлар ҳам бўлди, вазиятдан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб қолиш мақсадида кириб келганлар ҳам бўлди. Бу-энди бошка масала. Кейинги воқеъалар жараёнини ўргангандар буни яхши биладилар. Хуллас, сиёсий мухолифот ҳар доим бўлган, ҳозир ҳам бор ва бундан кейин ҳам бўлади.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифотининг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнини 1989 йилда „Бирлик“ ҳаракати билан боғлайдилар. Сизнингча Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларни пайдо бўлиши сабаблари нималар билан боғлиқ эди?**

Ё.О.: -Гарчи „Бирлик“ халқ ҳаракати фаолияти Ўзбекистондагина эмас, балки бутун Туркистон тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлсада, умуман сиёсий мухолифотнинг пайдо бўлиши ва шаклланишини фақат „Бирлик“нинг пайдо бўлиши билан боғлаш унчалик тўғри бўлмайди. Мухолиф фикр, мухолиф қарашлар ва мухолиф ҳаракатлар Туркистон миқёсида доим у ёки бу шаклда мавжуд эди. Вали Қаюмхон, Боймирза Ҳайитлар ташкил қилган Туркистон Легиони юз минглаб одамларни гитлерчилар крематориясидан асраб қолгани ва уларнинг Ватан озодлиги ҳақидаги шиорларини, ҳимнларини, қўшиқларини олиб қўрайлик. Бу-халқимиз тарихининг катта бир бўлраги ва уни унутишга ҳаққимиз йўқ. Легиончилар билакларига „ОЛЛОҲ БИЗ БИЛАН“ сўзлари ёзилган лаҳтакларни тақиб юришган. Ҳимн сифатида Абдулҳамид Чўлпоннинг „Гўзал Фарғона, сенга не бўлди...“ шеърини куйга солишган ва биргалиқда куйлашган. Бу ҳаракатнинг иштирокчиларидан кўплари бу дунёни тарк этган бўлсаларда, баъзилари ҳаёт, табаррук ёшга етиб юрибдилар. Уларнинг хотиралари-халқимиз тарихининг катта бойлиги, ҳаммамиз учун ғанимат.

Бу – мухолифат тарихининг бир қаноти бўлса, яна бир қаноти- кўрбошилар ҳаракатининг иштирокчилари хотиралари. Бу ҳаракатнинг сардорларидан бири- Шерматбекнинг оламдан ўтганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо у кишининг фарзандлари, яқинлари, сафдошлари бор. Менда Шерматбекнинг ва у кишининг ўғли овози сақланиб қолган. Шерматбек: „Биз Ватан озодлиги учун курашдик, жанг қилдик.“ дейди. Кўп жангларда ғалабага эришганлари ва оқибатда сотқинлар сабаб мағлуб бўлганларини айтади.

Қозогистонда Мустафо Чўқай ҳаёт йўлларини ёритувчи фильм яратишибди, Китобларини чиқаришибди. У расман тан олинган Туркистон Мухториятининг биринчи президенти эди. Унинг овози қайд этилган кассетада шу сўзлари сақланиб қолган: „Биз Буюк Туркистон учун курашдик. Лекин хато қилдик. Душманнинг сўзига ишониб қўйдик“. Шу сўзлардан кейин у шоир Мағжоннинг „Туркистон“ шеърини жуда ўрнига қўйиб, чиройли ўқийди. Буюк курашчи Мустафо Чўқай Уруш бошланган йилнинг ярмида тиф касалига йўлиқиб, дунёдан кўз юмади. Афсуски унинг кўрсатган фаолияти, ҳаёт йўллари, асарлари ўрганилмаган ва ўрганиш, сиёсий мухолифот тарихи билан янги авлодни таништириб бориш учун бугунги Ўзбекистонда шароит йўқ. Ҳатто давримизнинг улуғ муттрафикларидан бири Боймирза Ҳайит ҳақида ҳам, агар Туркияда нашр қилинган баъзи китобларини ҳисобга олмасак, келаётган авлодга тавсия қилгудек бирор маълумот йўқ. Ҳеч бўлмаса у одам ҳақида бир хотиралар китоби тайёрлаш, бир вақтлар радио орқали қилган чиқишлиарини йиғиб, нашр эттириш мумкин эди. Лекин ким бўйнига олади бу бироз маблағ талаб қиладиган ишларни... Боймирза Ҳайит – олдинги бўғин сиёсий мухолифотнинг буюк вакили эди.

Булардан ташқари ҳам кўплаб мухолиф партиялар, ҳаракатлар, гурухлар фаолият кўрсатганлар. Ҳали тарихимиз харитасида ўрганилмаган оқ доғлар жуда кўп. Буларни юзага

чиқариш, ўрганиш ва ўргатишни йўлга қўйишдан халқимиз фақат катта манфаат кўриши мумкин. Ҳозирги жинояткор ҳукуматнинг бундай савобли ишга тиши-тирноғи билан қаршилик қўрсатиши табиий ҳол. Фақат жинояткор ҳукуматгина мухолифотдан мутлоқ юз ўгириши, Ислом Каримов айтганидек „бизда мухолифот йўқ“ деб, кўриб-кўрмаганга олиши мумкин, Зеро табиатан жиноятчилар ҳақиқатнинг юзига қарашдан қўрқадилар. Жиноятга қўл урганларини, қўллари қонга ботганини, энди бу жинояларни ҳеч ким кечира олмаслигини жуда яхши биладилар...

Хуллас, кўрганимиздек, „Бирлик“ ва „Эрк“ партиялари осмондан узилиб тушганлари йўқ. Уларнинг пайдо бўлишларида асос мавжуд эди. Қолаверса, Советлар ҳукмдорлигининг бир неча ўн йиллик умри давомида мамлакат катта жазо лагерига айланган эди. Мен умумий қабул қилинган гапни такрорлаш учун бу сўзларни айтиётганим йўқ. Фараз қилиб кўринг: Сталин ўлиб, Никита Хрушчев хокимиятга келган олтмишинчи йилларнинг биринчи ярмига қадар қишлоқ ахлига паспорт берилмаган эди. Бу майда – чуйда гап эмас. Чунки паспортсиз одам аслида шу мамлакатнинг ватандоши (граждани) ҳисобланмайди. Чет элга чиқиш у ёқда турсин, ҳатто ўз мамлакатлари шахарларига ҳам бемалол бориб келолмасдилар. Асосий ҳужжатлари- колхоз берган меҳнат дафтарчалари эди. Мен ўзим қишлоқда туғилиб ўсганим учун яхши эслайман: одамлар кечалари колхоздан қочиб кетмасликлари учун қишлоқ четларига милиционер бошчилигига кўнгилли комсомоллардан иборат кўриқчилар кўйиларди. Егулик етишмасди. Йўл устида очлиқдан ўлиб қолганларни кўп кўрганман. Етти ёшдан етмиш ёшгача пахта теримига мажбуран олиб чиқиларди. Чиқишдан бош тортган одамнинг эшиги олдида эртасига ёқ милиция гурӯҳи пайдо бўларди. Уларда бўйин товлашга журъат қилган одамни уришга, ҳеч қандай суд ҳукмисиз қамаб қўйишига, ҳар ҳил баҳоналар билан йўқ қилишга ҳуқуқ берилганди. „За сопротивление представителю власти“ моддаси уларнинг ҳар қандай ваҳшийликларини оқлай оларди. Пахта теримига чиқа олмаган ҳомиладор аёлни бир милиционер отиб ташлаганинг гувоҳи бўлганман. Ўша милиционер ҳеч қандай жазо олмаган, аксинча, янги лавозимга тайинланган эди. Ватанпарварлиги учун!

Бу даҳшатли аҳволнинг охири кўринмайдигандек эди. У пайтларда инсоннинг инсоний ҳуқуқлари ҳақида ким ҳам ўйларди дейсиз! Айниқса солиқларнинг кўплиги, одамларда солиқ тўлаш имконларининг йўқлиги, халқ ибораси билан айтганда, чипқон устига чипқон бўлди. Уй солиғи, томорқа солиғи, гўшт солиғи, сут солиғи, жун солиғи, тухум солиғи, сув солиғи, тутун солиғи, ҳатто қишдан омон-эсон чиққанлиги учун деган солиқ ҳам бор эди. Уйланмаган ёшлардан эса фарзандсизлиги учун ҳар ойда бир солиқ олинарди. Ҳукуматнинг мантиқ билан иши йўқ, Масалан, уй эгасининг моли, товуғи бор ё йўқлигидан қатъий назар гўшт, сут, жун, тухум солиқлари тўлаши шарт эди.

Худди шу ҳолат турли кўринишларда Михаил Горбачев даврига қадар давом этиб келди. Ҳолдан тойган, пичоқ бориб сугига қадалган халқ, табиийки, нажот йўлини излай бошлиди. Аввал Болтиқбўйи республикаларида, кейин Озарбойжон ва бошқа Кавказ республикаларида мустақиллик учун курашлар бошланди. Қозоғистонда, 1966 йил Чимкент кўзғолони ҳақида ҳали қўпчилик билмайди. Биз Чимкентга олиб борадиган йўл ёқасида яшардик. Кечаси билан Чимкент томон ўтиб бораётган танклар овози уйқу бермасди. Баъзи тафсилотлардан фақат миш-мишлар орқали хабардор бўлардик. Орадан кўп вақт ўтмай Олма отада „Желтўқсон“ кўзғолони бошланди. Кўп қон тўкилди. Кўп ёшлар қамоқقا олинди. Бу воқеа шоир Мухтор Шахановнинг „Адашган цивилизация“ шеърий китобида яхши аксини топди. Бундай воқеалар кўп бўлган, лекин Совет даврида информация воситалари қаттиқ назорат остида бўлгани учун кўпчилик бехабар қолар эди. Ҳозир Олма отада „Желтўқсон“ майдони бор. Шунинг ўзи ҳам Қозоғистондаги бугунги сиёсий вазият Ўзбекистондагидан фарқ қилишини кўрсатади.

Михаил Горбачев даврига келиб информация тўғонлари дарз кета бошлиди. Бошқа ҳалқларнинг сиёсий чиқишлиаридан хабар топган Ўзбекистон аҳолисида ҳам қўзғолишга тайёр ҳолат пайдо бўлди. Бир неча сиёсий ташкилотлар, партиялар, харакатлар, жумладан „Бирлик“, „Эрк“ ҳаракатларининг пайдо бўлиши худди шу даврга тўғри келади. „Бирлик“

халқ ҳаракатини дастлабки даврида бир неча раисдошлар бошқара бошлади. Улар орасида таникли бастакор Зохид Ҳақназаров, олим ва профессор Шуҳрат Исматуллаев, Бек Тошмуҳаммедовлар бор эди. Учалалари ҳам ҳалқ орасида танилган, илмлик етук сиёсатчилар эдилар. Зохид Ҳақназаровни ва Шуҳрат Исматуллаевнинг ҳалқ орасидаги обрў- эътиборлари Абдураҳим Пўлатовга тинчлик бермай қўйган эди. Мустақиллик учун кураш жараёни яқинлашган даврда „аввал демократия, кейин мустақиллик“ шиорини дастак қилиб олган А. Пўлатов ўз сафдошлари бўлмиш Зохид Ҳақназаров билан Шуҳрат Исматуллаевни сафдан сиқиб чиқариб юборишга зўр бериб урина бошлаганига гувоҳман. У кўтарган шиор аслида мустақилликка қарши эди. Чунки, ҳаёт қонуниятига асосан демократия йўли оғир ва узок. Мустақиллик- бугунги долзарб масала. Шиор – Каримовга маъқул келадиган шиор эди. Ҳуллас унинг ҳудбинларча қилган уринишлари устун келди ва Ҳаракатнинг бошида бир ўзи қолди. Шу даврдан бошлаб мухолифот йўқота бошлади.

**Ю.Р.: -90- йиллар бошида пайдо бўлган Ўзбек мухолифоти мамлакат ва ҳалқ учун асосан қандай қўзга кўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга ошириди?**

Ё.О.: – Асосан раисдошлар бошқараётган даврда “Бирлик” ҳалқ ҳаракати ўз номини оқлай оладиган даражада фаолият кўрсата олди дейиш мумкин. Яъни, ҳалқнинг сиёсий фаоллиги ошди. Бу жуда муҳим ютуқлардан бири эди. Ундан ташқари тилимизнинг қадри учун курашди ва тил ҳақида қонуннинг пайдо бўлишига катта ҳисса қўшди. Мен ҳисса қўшди деябман. Зеро, бу фақат “Бирлик” ташкилотининг эмас, балки она тилимиз ҳимояси учун майдонга чиқсан ҳалқнинг ва бошқа кўплаб демократик руҳдаги партияларнинг ютуғи деб қураш керак. Экология масаласида ҳам кўп фаол ҳаракатлар бўлди. Тўғри, бу ҳаракатлар Орол денгизини тўлдириб бера олгани йўқ. Лекин эзгу ният билан ҳаракатга тушишнинг ва бу масалага ҳалқ эътиборини жалб қила олишнинг, қолаверса, муаммонинг муҳимлигини жаҳон жамоатчилигига кўрсата билишнинг ўзи қўзга кўринарли, сўралганидек, тарих учун эслашга арзирлик иш эди.

**Ю.Р.: -Сизнингча ўзбек мухолифотининг ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди? Мухолифат нималарга эришди-ю, нималарни бой берди?**

Ё.О.: -Тўғри, камчиликлар, хатолар, ҳатто хоинлик даражасида жиноий ҳаракатлар ҳам кўп бўлди. Мен буларни умуман мухолифотга мансуб деб ўйламайман. Мухолифотнинг асосий ўзаги -ҳалқимизнинг илғор қисми эди. Бошқарув ташкилотларига суқулиб кириб олган баъзи шахслар айнан шу ўзакка заҳм етказа бошладилар. Ҳалқнинг қўзи очиқ, ҳамма нарсани қўриб, билиб туради. Бошқарувдаги баъзиларниг ҳудбинликлари, мунофиқликлари қўзга ташлангач, ҳалқ улардан юз ўғира бошлади. Фақат сўзамоллик, уста нотик бўлиш билан иш битмайди. Ҳалқни алдашга уриниш эса – жиноят. Эслаб кўринг: Мусо саллолоҳу алайҳи вас салом туғма дудук бўлганлар, ҳар бир сўзни қийналиб гапирганлар. Шунга қарамай Оллоҳ пайғамбарликни шу кишига муносиб қўрди. Қалб ва тил бирлиги эътиборга олинди. Қуръони каримда мунофиқлик қаттиқ қораланади. Ҳозирги кунда баъзи бировларнинг қуръони каримни ислоҳ қилиш даъвосида юрганлари сабаби ҳам шунда бўлса ажаб эмас. Чунки улуғ китоб уларга қўзгудек ўз башараларини кўрсатиб қўйди. Агар имкон топсалар ҳудди шу мунофиқлик ҳақидаги оятларни ислоҳ қилсалар керак...

Мисол сифатида бир воқеани айтай: Ҳалқ ҳаракати штаби ёзувчилар союзининг биринчи қаватида эди. Штабда Абдураҳим Пўлат ва яна уч- тўрт киши бор. „Бирлик“нинг ўша

пайтдаги фаоли ҳисобланган бир шоира ёнимга келиб (хурмат юзасидан исмларини айтмай қўяқолай) : „Ёдгоржон, эртага бир норозилик намойиши ўтказсак нима дейсиз?“ деди. Мен „яна нимага норозилик билдирамиз? “дека сўрадим. “Абдураҳимжонни партияга тиклашларини талаб қилсан...“ Мен Пўлатовнинг коммунистик партиядан ўчирилганидан бехабар эдим. Ҳайрон бўлдим. Ҳозир қўпчилик ўзлари коммунистлар партиясини тарқ этиб турган пайтда биз уни партияга тикланишини талаб қиласми? Қолаверса, бу унинг шахсий иши эмасми?“ Ҳуллас мен бундай норозиликка норозилик билдирамиз. Абдураҳим Пўлат бу сухбат давомида орқамизда қулоқ солиб турганди. Бир нарса демади. Эртаси кун, эшитишмча, намойиш ўтказилган. Намойишга ўша шоира раҳбарлик қилган. Бир неча одам калтакланган, қўплар қамоққа олинган. Бу воқеанинг энг қизиқ томони кейин бўлди. Паркент фожеъалари юз берган кунлар эди. Кон тўкилди. Коммунистлар партиясига ( Ўзбекистон ком.партияси биринчи секретари Ислом Каримов) ишончнинг сўнгги томчилари ҳам тўклиб бўлди. Бир неча киши партия билетларини компартия марказий биноси олдида намойишкорона улоқтиришга келишдик. Адашмасам, еттинчи март куни эди. Оқ уй олдида одам кўп. Кинооператорлар суратга олиб турибди. Абдураҳим Пўлатов ҳам шу ерда. Ҳамма партбилетларини ташлади. Мени ҳайрон қолдирган нарса шуки, Пўлатов ҳам кўп қатори „партбилетини“ улоқтириди. Ахир унинг партия билети йўқ эди-ку?... Кейин маълум бўлишича, у шу ерда ҳам мунофиқлик қилиб, партия билети ўрнига билет қопламасини улоқтирган экан. Бу ҳодисани, майли, бир тадбир деб, оқлашга уриниб кўрайлик. Лекин бундай „тадбирлар“ кетма- кет, сўнгсиз давом этса-чи? Уларни санаб саноғига етолмайсиз. Зарурат пайдо бўлса вақти билан айтармиз. Лекин ҳозир бир нарсани айтмай иложим йўқ. Ҳаракат сайтида „53- 54“ ни, яъни Муҳаммад Солихни камситиб, обрўсини туширишга мўлжалланган мақолалар пайдо бўлиб туради. Рақамлар- квартиralарнинг кўрсаткичлари. Шоир, „Эрк“ партиясининг раиси, ўша вақтларда олий мажлис депутати бўлган Муҳаммад Солих фарзандлари вояга этиб қолгани сабабли, қонуний равишида қўшимча квартира олган. Маълумки, оиласи кенгайган ҳар бир одамнинг бундай қилишга ҳаққи бор. Ҳалқимизда „иштони йўқ- тиззаси йиртиқдан кулиби“ деган гап бор.

У вақтлар ёзувчилар уюшмасида шеърият бўйича адабий консултант бўлиб ишлардим. Кабинетимда кўпинча “Бирлик” фаоллари йиғилиш ўтказиб туришарди. Бир куни икки аёл кириб келди ва бирданига менга таънали гаплар қила бошлишди: „Сизлар ўзларингчаadolat учун курашаябсизлар. Демократия деб жон куйдириб, жар соласизлар. Бошликларинг эса бир бева бечорнинг уйини тортиб олса, бу қанақаadolatу, қанақа демократия бўлди!“ Мен аввалига тушунмадим. „Нима гап? Нега унақа дейсиз? Биздан бирор хато ўтдими?“ Аёллар яна хуноб бўлиб, тушунтиришди. Маълум бўлишича, Абдураҳим Пўлатов доим соясида юрадиган адвокат Миролим Одилов ёрдамида бир бева, серфарзанд аёл оладиган квартирани ноқонуний йўллар ишлатиб, тортиб олган экан. Тўғри, Бокуда учрашганимизда Абдураҳимнинг ўзи шу ишидан афсусланиб, „ ўшанда Миролимнинг ёрдамига суюниб, нотўғри иш қилган эканман“ деганди. Тан олиш -мардлик белгиси деб ўйлагандим. Лекин қонуний йўл билан кватирасини кенгайтирган Муҳаммад Солихни камситишга уринишлари, квартира рақамлари билан аташи, ўзи ҳаром йўл билан худди шундай квартира олган одамнинг ўта пасткашлигини, мунофиқлигини кўрсатмайдими? Мен бу билан Муҳаммад Солихнинг ёнини олмоқчи, паришта қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Фақат ҳақиқатни, юз берган ҳодисани айтаябман. Агар кишини квартираси рақами билан аташ керак бўлса, нега Пўлатовни ҳам ноқонуний йўллар билан бир бечора аёлдан тортиб олган квартираси рақами билан аташ мумкин эмас. Лекин ишонаманки, шоир Муҳаммад Солих бундай пасткашлика бориб ўтирамайди. Пўлатов билан кўп сухбатлардан келиб чиқкан ҳолда айтишим керакки, унинг асосий даъволаридан бири ҳалққа сидқидилдан, ҳалол хизмат қилиш эмас, амаллаб ҳалқ эрки учун курашган қаҳрамон сифатида тарихга кириб олиш. Нима ҳам дердик, марҳамат, кираберинг. Тарихнинг даргоҳи кент. Унга ҳатто ғозлар ва чўчқалар ҳам кирган.

Ташкилотдаги ахволни кўрсатувчи яна бир сурат: Ҳаракатнинг Бишкеқ кўчасидаги қароргоҳи. Мен у ерда кун- кун ора навбатчилик қилиб турардим. Қиши кунларининг бирида

фарғонадан ўн киши келиб, мен билан сұхбатлашиш истаклари борлигини айтишди. Кўплари анча ёшга бориб қолган, жиддий одамлар. Харакатнинг дастури, курашдан қўзланган мақсадлари қизиқтиарди уларни. Сұхбатимиз қизиган вақтда харакатнинг ўша пайтдаги котибаси шиддат билан кириб келди- да, кутилмаганда ҳаммага қараб ўшқира бошлади: „Сейфнинг калити йўқолди. Қани, ким олди? айтсин, бўлмаса ҳаммангни обиска қиласман!“ Шундан кейин чиндан ҳам ҳаммани турғизиб, ёнларини, халталарини титкилай бошлади. Табиийки, топилмади. Мехмонлардан бири ўрнидан туриб, „Энди бизга рухсат берсангиз... “Бирлик” нималигини кўрдик. Бошқа қайтиб келмаймиз“ деди ва ҳаммалари ҳайрлашиб, чиқиб кетишди. Мен оғир хижолат остида бир нарса дея олмай қолабердим. Эртасига ўша котибани йўлда учратдим: „ Вой Ёдгор акажон, мени кечирасиз. Калитни топдим!“ „Қаердан топдингиз?“ сўрадим мен. „ Вой, билсайиз... Йўқолмасин деб иштонбоғимга боғлаб кўйган эканман. Эсимдан чиқиб қолибди.“.Бу ерда келтирилган воқеада ҳам, айтилган сўзларда ҳам бирон уйдирма ёки қўшимча йўқ.

Мен бу мисолни ўша пайтларда ҳукм сурган умумий муҳитдан бир кичкина мисол сифатида келтирдим. Бу аёлнинг айби, аслида, водийдан намойиш ўтказиш учун келган ўн олти аёлни ўз акаси уйига бошлаб келиб, кейин маҳфий хизмат бўлимига хабар қилган ва тутиб берган бошқа бир „бирлик“чи котибанинг айблари, жиноятлари билан уйқаш. Ўша бечора ишонувчан аёлларнинг кўплари балки ҳозир ҳам хибсхоналарда азоб чекиб ётган бўлса ажаб эмас.

Пўлатовнинг „Харакат“ номли сайти бор. Асосий хабарларни турли бошқа сайтлардан ва ёки газеталардан кўчириб қўя қолади. Қолган барча ёзувлари эса бошқаларни иғвосидангина иборат. Ўз сайтидан бошқа сайтларни „ мазоҳист сайтлар“ ёки „ мазоҳистларнинг сайtlари“ атаб, ерга уришга харакат қиласди. Шу маънодагина „харакат“ ўз номини оқлаябди дейиш мумкин. Қизиғи шундаки, бу одам, кўринишидан ўзи тиним билмай ишлатаётган „Мазоҳ“ атамасининг асл маъносини билмаса керак. Граф де Мазоҳ ўзига хос усулда ижод қилган ва шу билан тарихдан муносиб ўрин олган буюк француз ёзувчиси экани, миллионлаб одамлар дунёнинг барча нуқталарида унинг асарларини севиб ўқишларини ёш бола ҳам билади. Демак у танлаган атама унга бирорвларни камситиш қуроли бўла олмайди. Бу қилиғи билан у ўзининг саводсизлигини яна бир бор намоён қилаябди холос...

Пўлатов ўзининг бутун фаолияти давомида ўз ташкилотини ҳукумат рўйхатидан ўтказишига сарф қилиб келаябди. Андижон фожеалари бошланган, бутун дунё қулогига етиб борган кунлари „ Харакат“ сайти “Бирлик”нинг котибаси Васила Иноятованинг Ўзбекистон прокуратурасига бориб, “Бирлик”ни рўйхатга олишни илтимос қилиб, кун бўйи прокуратура эшиги олдида ўтиргани ҳақида хабар берди. Кейинроқ эса Пўлат Охуновнинг ўз ҳукуқларини талаб қилиб чиққан ва шу сабаб шаҳидлик топган Андижонликларни қоралаб ва ҳукумат жиноятларини оқлаб ёзган мақоласи эълон қилинди. “Бирлик”ни жиноятчи ҳукумат рўйхатидан ўтказиши нима учун шунчалик зарур бўлиб қолди? Ҳамкорлик қилиш учунми? Ахир ўзинг бўлмасанг ҳам котибанг ҳамкорлик қилиб турибди-ку, шу етмайдими? Дарвоқеъ, ҳалқ ҳаракати сифатидаги “Бирлик” ташкилоти тугаганига анча бўлди. Энди тан олиб қўябериш керак. Бир марта ҳудди шу ҳолга тушганда, Исмоил Дадажон қайта жонлантириб, анчагина йўлга солгани кўпчилкка аён. Аммо шундан кейин Исмоил Дадажоннинг юрт орасида кундан кунга ошиб бораётган обрўси яна Пўлатовнинг тинчини бузабошлади ва уни ҳам даврадан сиқиб чиқаришга уринабошлади. Қўлидан келмади. Зоро ҳалқнинг кўзи кўр эмас, ким- ким эканлигини яҳши билади. Ҳозирги кунда Исмоил Дадажон атрофида “Бирлик”чиларнинг кучли гурӯҳи бирлашган ва имкони борича сиёсий мухолифот ишларини йўлга қўябошладилар. Уларга омад тилаймиз.

Албатта, бўлиб ўтган ва ўтаётган жараёнлар ҳақида қўп гапириш мумкин. Иншоолоҳ, вақти билан буни ҳам айтармиз. Ҳозир эса, шуни таъкидлаш мумкинки, сиёсий мухолифот давр талаблари кўринишида юзага келди. Баҳоли- қудрат фаолиятини давом эттираябди. Раҳбар сайлашда ҳам, ташкилий масалаларда ҳам хатолар бўлди. Натижада, аввало, қулай вақт ва кўп имконлар бой берилди.

**Ю.Р.: -Каримов хукуматининг мухолифотга қарши аёвсиз кураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу харакатлар қанчалик ўзини оқлади?**

Ё.О.: -Шу ерда савол берувчи мен бўлсам, „оқлади“ сўзини қўштироқ ичига олган бўлардим ёки „ у бу харакатлари билан нималарга эриши?“ шаклида қўйган бўлардим. Фақат шундагина савол ўз мазмунини топган бўларди. Аслида, инсон руҳий дунёси ва характери билан боғлиқ яхши савол. Қонун бўйича, депутатлар ва президентни ҳалқ сайлайди. Тўғрироғи, сайлаши керак. Мамлакат ва ҳалқ манфаатлари аксини топган, ҳалқ маъқуллаган, президент томонидан тасдиқланган конституция бор. Асосий қонунлар мажмуаси. Бу қонунларга мамлакатнинг барча ватандошлари (гражданлари), жумладан- президент ва бошқа ҳалқ томонидан сайланганлар ҳам амал қилиб яшашлари, ишлашлари керак. Ҳалқ ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва бошқа бойликлар ҳисобидан солик тўлайди, ўзи сайлаб олган парламент, президент, шу билан бир қаторда бошқа давлат ҳизматчиларининг мамлакат, ҳалқ манфаатлари йўлида хизмат қилишлари учун шу йўл билан имкон яратиб беради. Демак, ҳар қандай хукумат- мамлакат ахолиси ҳисобига яшайди, ишлайди. Оддий сўз билан айтганда, уларнинг барчасини ҳалқ боқади. Шуни тушунмаган одамнинг боши тўнкадан бўлиши керак. Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди: Президент янги сайланган даврлар эди. Иш кабинетимга оппок сочли бир нуроний одам, кейин билишимча, тупроқшунос олим кириб келди ва мендан „ руҳсат берсангиз, бир телефон қилиб олсам“ деди. (Афсус, ҳозир шу одамнинг исмини эслай олмайман). Мен „марҳамат, бемалол...“ деб телефон аппаратини унга яқин суриб қўйдим. „ Мен президентимиз билан зарур иш юзасидан учрашишим керак“ дегани эсимда. Демак президент қабулхонасига. Анча вақт илтимос қилди. Бўлмади шекилли, телефон қулоғини жаҳл билан жойига қўйди. Эртаси куни яна келди. Бўлмади. Хуллас бир ҳафта менинг ёнимга қатнади. Охири мендан ҳижолат тортди чоги, узр сўраб, нима гаплигини сўрамасам ҳам, ўзи тушунтира кетди. „ Қаранг бу номарднинг гапини! Эмишки, „ Президент занят кормлением народа...“. Қайси дунёда, қайси замонда президентлар ҳалқни боқадиган бўлиб қолибди. Кабинетида ўтириб ош- нон ишлаб чиқарадигандай...бу гапни айтиётган – президентнинг энг ишонган одамларидан бири, Краснов деган одам... Демак, бу гап унинг ўзидан чиқиши мумкин эмас, президентнинг оғзидан эшитган гапини айтаябди.“ Бу гапга ишонмаслигингиз мумкин. Лекин ўзингиз президент нутқларига диққат қилиб кўринг, китобларини кўздан кечиринг, бундан баттар ибораларга дуч келасиз...

Фикрлаш даражаси шу аҳволда бўлган одам давлатни бошқараётган бўлса, яна қандай қўшимча керак? У йигирма йилдан ортиқ шу ҳолда давлат тепасида ўтирибди ва айтиш мумкинки, тўла маънода ўтириб қўйди... Шу йилларнинг ҳар бири мамлакат ва ҳалқ учун ҳалокат, ҳар ойи- фожея, ҳар куни- бахтсизлик бўлди. Ахир ҳалқ уни шундай қилсин деб ўз бошига сайлаб қўйибдими?

Аслида, ҳалқ сайлаган ҳукумат бошлиғининг фақат ҳуқуқлари эмас, вазифалари хам бўлиши керак. Ҳалқ тасдиқлаган қонунлар мажмуасини хурмат қилиш, шу йўналишда иш олиб бориш, ўз ватандошларининг моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳукумат раҳбарларининг асосий вазифалари эканлиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаса керак. Ривожланган ва ривожланаётган барча мамлакатларда шундай. Иш жойлари ташкил қиласидилар, Иш жойлари етишмаса, бу- давлат бошлиқларининг айби. Шунинг учун иш билан таъминланмаганларга ишсизлик пули тўланади ва улар иш топгунларига қадар тирикчиликларини ўтказиб турадилар. Мен мисол тариқасида бир кичкина воқеъани айтиб ўтдим холос. Ҳатто шундай мамлакатларда ҳам мухолифот мавжуд ва у мамлакат ахволини янада мукаммаллаштириш учун курашади.

Ўзбекистонда эса, президент таъбири билан айганда, „мухолифот йўқ“... Бундай сўзларни айтишга унинг қандай тили борди, нимага асосланиб ва нима мақсадда айтди. Ишончим комилки, мухолифот борлиги ва тобора кучайиб бораётганини у жуда яхши

билади. Сўнгги фожеалардан бири- Андижон фожеаси бунинг яхши исботидир. Яъни, ҳозирги кунда ҳалқнинг ўзи асосий сиёсий мухолифга айланиб бораябди. Ислом Каримов президентлигини бошлаган йилларда „балки...“ деб иккиланиб турганлар ҳам энди ёвузлик манбаи қаерда эканлигини тушуниб қолдилар. Савоннинг биринчи қисмида айтилганидек, у чиндан ҳам мухолифотга қарши қаттиқ курашди.Faқат мамлакатга, ҳалққа хизмат қилиш йўлида эмас, аксинча, ҳалқни қай йўл билан бўлмасин, эгиб олиш, ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш, мамлакат бойликларидан эса шахсий мулки сифатида ҳеч бир тўскинликсиз фойдаланиш, дунё миқёсида эътибор қозониш, тарихда ном қолдириш йўлида курашди.

Энди тарих масаласини қўйиб турайлик. бу ҳақда юқорида бошқа бир тарихга кириш даъвогари бўлган одам ҳақида тўхталганимда таъкидлаб ўтдим. Тарих дунёси кенг, ит ҳам, бит ҳам кириши мумкин. Ҳар ҳолда шунча курашиб, ҳеч нарсага эришмади десак ҳам унча тўғри бўлмас. Йигирма йилдан ортиқ миршаблар, армия, МХХ ва бошқа ўзи ташкиллаштирган кучларга суюниб, сурбетлик билан хокимиятни эгаллаб турибди. Бу давр ичидаги ўз худбинлиги ва ёвузлиги билан умумхалқ нафратига, ҳалқнинг умуммухолифотга айланишига эришди. Табиий, „хўш, ҳалқ мухолифотга айланган бўлса, нега курамаябди?“ деб сўрайдиганлар кўп. Сабр қилинг, саволингизнинг жавобини оласиз. Ҳалқимиз- доно ҳалқ. Шафқатни ҳам, шафқатсизликни ҳам вақти- соати етганда ўрнига қўяди. Ўйлайманки, ҳал қилувчи кураш бешафқат бўлади. Президент ва унинг ҳукумати эришган сўнгги нарса ҳам шу бўлади. „мухолифот йўқ“ дейиши эса, ўз юрагидаги ваҳмани хаспўшлашдан бошқа нарса эмас.

Ундан ташқари қўпгина мухолиф партиялар бор ва янги- янги партиялар пайдо бўлайабди. Гарчи ҳаммасини ҳам чин маънода мухолиф дейиши қийин бўлса ҳам, ҳар ҳолда нималардир қилишайабди. Ҳеч бўлмаса ҳақиқатни айтиб туришибди. Бу ҳам катта гап. Лекин, очигини айтадиган бўлсан, кўпчилигининг „тинч йўл билан кураш“, „демократик йўл билан кураш“ каби шиорларини уччалик тушунмайман. Мантиқ йўқдай кўринади. Уларнинг бу шиорлари Ислом Каримов ва унинг яқинларини тинчлантира керак... Балки мақсад ҳам шудир! Тинчлик йўли- тинч юриш йўли деган гап. Кураш йўли эмас. Махатма Ганди ҳам ўз ҳалқини курашга чорлаган. Кураш ва бўйсунмаслик, норозилик намойишлари ва бошқалар. Бунинг турли усувлари бор. Кўпчиликнинг ёдида бўлса керак, Паркент намойишлари, Наманган намойишлари, Тошкент талабалар шахарчасидаги намойишлар ва ниҳоят- Андижон намойишлари конга ботирилди. Хўш, энди қандай кураш йўлини танлаш керак? Ёки демократия йўли билан курашни олайлик. Демократик давлатларда сайловлар вақти демократик йўл билан курашадилар. Бу бошқа масала. Фашизмга қарши бутун жаҳон кучлари қандай йўл билан курашганларини кўрмадикми? Бошизмнинг фашизмдан фарқи- факат бир ҳарф экан. Буни ҳам кўриб турибмиз. Менимча, бу қадар ёвузликка қарши курашнинг ҳамма йўллари ҳалол. Президент ва унинг ҳукумати ўз саъи- ҳаракатлари билан шунга эришдиларки, бизнинг бу фикримизни оқлайди.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифотининг хорижда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқлайдими? Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

Ё.О.: -Аввал, келинг бир жиддий ўйлаб кўрайлик. Ўзбек мухолифоти хорижда туриб қандай ишни амалга оширдики, биз уни ўзини оқлайдими ёки йўқми деб фикр юритсан? Агар шунга муносиб бирор ишни амалга оширганда, мамнунлик билан ҳисоб- китоб қилиб кўрган бўлардик. Афсуски, бундай ҳисоб- китобга лойиқ иш қилинганини кўрмаябман. Тўғри, анчагина яхши китоблар пайдо бўлди. Лекин улар Ватанга кириб боргани йўқ. Ҳалқ билмайди. Кўплаб яхшигина мақолалар ёзилди ва ёзилаябди. Ҳалқимиз уларнинг қайси биридан хабардор? Сайтлар ишлаб турибди. Улар мамлакатнинг ички ҳаётига таъсир ўтказаябди деб айтаоламизми? Бу сайтларни қанча одам ўқий олади. Борди-ю, бир неча одам

ўқиди ҳам дейлик. Шу билан олам гулистонми? Ўқиган одамлар оғиз очиб, ўқиганларини бошқаларга гапириб бера оладими? Билишимча ҳукумат сайларга ҳам тўсиқлар қўябошлаган. „озодлик“, „БбС“, „Америка овози“ радиоларининг эса ахволи маълум.

Шу ерда бир мисол айтай: Якинда „Озодлик“ радиоси ўзбек тўйларига бағишланган бир Курултой ўтказди. Мени ҳам таклиф қилишди. Сухбат давомида сўзингизни кесиб қўйишиларига, фикр билдириш имконини бермасликларига чидаш мумкиндири. Лекин айтган гапингизни ҳам радио сайтида ўқиб, таний олмай қоласизки, бунисига чидаш бўлмайди. Мен сухбатда „Кўплаб ўзбек ёшлари тўй қилиш учун чет элларга бориб, ишлаб юришибди“ деган эмишман. Ахир мен бунинг аксини айтган, „улар тўй қилиш учун эмас, оиласларига, фарзандларига бир бурда нон топиб бериш дардида ёт элларда жонларидан кечиб бўлса ҳам сарсон- саргардон бўлиб юрибдилар“ деган эдимку! Оқибатда, барча бу бахтсизликларга бугунги жинояткор ҳукумат ўрнатган режим эмас, каримовча бошимиз сиёсати эмас, ўзбекона тўйлар айбдор бўлиб чиқаябди. Журналистлик маъсулияти шунаقا бўладими? Қолаверса, Абдураҳим Пўлатовнинг сайтига ўхшаш сайтлар мухолифот орасига иғво уруғини сочишдан нарига ўтмаябди. Бу эса мухолифотни ичидан емиришга уринишдан бошқа нарса эмас. Кўриб қоларсиз, менинг бу гапларимдан кейин ҳам менга қарши кўплаб иғволар ёғила бошлайди. Асабимни тарозига қўйиб қўрсалар керак. Лекин аччикроқ бўлса ҳам , бор гапни айтдим. Истаганларича иғво қилаберсинлар. Зора гуноҳларим бироз енгилласа...

Кейинги йиллар давомида Европада кўплаб ўзбек оиласлари пайдо бўла бошлади. Айтиш мумкинки, ўзбек диаспораси шаклланиши даври яқинлашациябди. Фақат сиёсий мухолифот курашида тажрибаси борлар, ёшли ё кексами, фарқи йўқ, бу шаклланиш жараёнини тезлаштиришга қўлларидан келганча ҳиссаларини қўша олсалар, ҳақиқатдан ҳам улуғ иш қилган бўлардилар. Албатта, ташкиллаша олган ва шаклланган мухолифот вужудга келса, у , табиийки, мамлакат ички ҳаётига таъсир кўрсата олади. Бунга дунё тарихида мисоллар анчагина.

**Ю.Р.: -Бугун мухолифатнинг бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришга уринаябди. Дунёвий мухолифатни исломлашиши мамлакат ва ҳалқимиз келажагига қандай таъсир этиши мумкин?**

Ё.О.: -Доим менга савол берсалар аввал шу саволни туғдирган манбаъни излашга ҳаракат қиласман. Бу савол ҳам кишини бироз ўйлантириб қўядиган савол экан. Демак, саволнинг биринчи қисми: „ Бугун мухолифотнинг бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришга уринаябди.“ Мухолифотнинг бошқа қанотларичи? Улар диндорларсиз, яъни, мусулмонларсиз иш кўрмоқчиларми? У ҳолда мухолифот йўқ экан, деган мазмун келиб чиқмайдими? Ёки мадрасаларда ўқиган, Куръони каримни бошдан оёқ ёд биладиган, эрта-ю, кеч зикр тушиш билан банд бўлганлар билангина ишласалар мухолифот кучайган бўладими? Фақат ўшаларгина мусулмонми? Ўшалар билангина иш олиб борилса мухолифот кучаядими? У ҳолда мухолифот деярли йўқ экан...

Энди саволнинг иккинчи қисмига ўтайлик: „ Дунёвий мухолифотнинг исломлашиши...“ Яна савол устига савол туғилади. Дунёвий мухолифот исломдан, яъни, ислом динидан, мусулмончиликдан шу қадар узоқми? Ёки масалани бошқа томонидан назар ташлаб кўрайлик: Ислом дини- дунёвий дин эмасми? Ёки дунё ислом динидан айрими? Наҳотки динимиз – биз яшаётган дунёдан шу қадар узоқ ёки узоқлашиб кетган, ё узоқлаштириб юборганлар? Кимлар? Қандай қилиб? Нима учун?...

Кейинги пайларда чиндан ҳам барча веб. сайтларга қарасангиз ёки радиоларга қулоқ солсангиз, хаммасида Ислом дини ривожига жон куйдираётгандай одамларнинг гапларига рўпара бўласиз. Айниқса „ диндорлар ва демократлар“, „ сиёсатчилар ва диндорлар“, „мухолифчилар ва мусулмонлар“, ва ҳатто менга таниш бўлган бир хурматли аёлнинг

(исми- шарифларини айтмай қўяқолай. Кўпчилик, менимча, шундай ҳам яхши танийди) мақолаларида „мусулмонлар ва оддий ҳалқ...“ деган жумлаларини ўқиб, ҳайрон қолмай иложингиз йўқ.

Энди масаланинг бошқа томонидан назар ташлаб кўрайлик: демократия тарафдорлари мусулмон бўлолмайдиларми ёки мусулмонлар демократия тарафдори бўлолмайдиларми? Маълумки, баъзи „диндор“ ниқобини кийиб юрган мунофиқ хурофотчилар Қуръони каримни демократияга қарши қўйишга уриниб келадилар. Негалигини, имоним комилки, ўзлари ҳам тушунмайдилар. Эслатиб қўйиш керак бўлади: хурофот билан эътиқоднинг орасида жуда катта фарқ бор. Имом Бухорийнинг „ҳадиси сахих“ ларида бир ҳадис ўқигандим. Шуни сизга ҳам айтиб берай. Албатта, сўзма- сўз эмас, чунки у китоб ҳозир қўлимда йўқ. Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи вассалам сахобалари билан йўлда кетаётганларида, йўл устида бир одам атрофига ўнтача одамни йиғиб олиб, шундай эҳтирос билан ваъз ўқиётган эмишки, оғзидан кўпиклар сачраб кетаётганмиш. Яъни ислом дини афзалликларини гапираётган эмиш. Сахобалар муҳтарам пайғамбаримизга юзланиб: „Қаранг, бу одам динимизнинг нақадар жонкуяри экан“ деганда Пайғамбаримиз у сахобаларига қараб, „Йўқ, бундай одамлардан кўрқинглар“ деб жавоб берибдилар. Сохта жонкуярлик- мунофиқликнинг кўринишларидан бири. Биз чин эътиқодни сохта „жонкуяр“ликлардан фарқлай олишимиз керак.

Менинг наздимда динимиз- рух ва тан поклигини талаб қиласидиган энг дунёвий диндир. Уни дунёвийликдан ажратиб кўрсатиш- одамларни динимиздан узоқлаштиришга уриниш билан баробар. Соқоли кўкрагига тушган, одамларни эртадан кечгacha зикр тушишга чакираётганлар менга доим ўша, ҳазрати пайғамбаримиз „ йўқ, бундай одамлардан кўрқинглар“ деб огоҳлантирган „ваъзхон“ни эслатади. Улар учун гўё Оллоҳ бизга насиб этган ақл ҳам, онг ҳам, иймон ҳам фақат соқолда... Қуръони каримда мен „ҳаёлпараст бўлманглар...“ жумласини ўқидим. „Ҳаёлпарастлик“ни ҳозир кўпчилик „фанатизм“ деб ишлатади. Кўриниб турибдики, Буюк китоб бизни ҳаётга очиқ кўз билан қарашга ундашибди. „ Эй инсонлар, дарҳакиқат биз сизларни бир эркак( одам) ва бир аёл ( ҳаво) дан яратдик. Ҳамда бир- бирларингиз билан танишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни ( турли- туман) ҳалқлар ва қабила- элатлар қилиб қўйдик. . „Хужурот“ сураси. Шу сурани ўқиб ва билиб туриб ҳам биз дунёмиздаги бошқа ҳалқлар, қабила- элатларга душман кўзи билан қарайликми? Баъзи сайларда Европада яшаб туриб, уларни „кофиirlар юрти“ деб аюҳаннос солаётган, ҳалқларини эса „кофиirlар“ деб ерга уришга уринаётган „ваъзхон“ларнинг чиқишлигини ўқиб, ёқа ушлайман. Ҳай , кўзи сўқир, қалби сўқир, ақли қусур бандалар, агар виждонингизни мутлоқ ютиб бўлмаган эсангиз, ўша кемтик виждонингиз билан бир ўйлаб кўрмайсизми! Сиз ўз Ватанингизда тазъиқларга учрадингиз, ҳатто намоз ўқишингиз сабабли ҳам жонингизни ҳатарларга солдилар. Мана шу энди „кофиirlар“ деб атаётганингиз ҳалқлар юртидангина бошпана топдингиз. Таъминлангансиз, Бемалол тоат- ибодатингизни қиласибсиз. Шукроалингиз қаерда? Тўғри, қуръони каримда „ демократия“ сўзи йўқ. Бу билан биз Қуръони карим демократияга қарши, ёки демократиядан узоқ деган хуласа чиқаришимиз керакми? Эътибор берган бўлсангиз, Улуғ Китоб қайта- қайта кенгаш билан иш юритишга ундейди. Эл-юртга зулм қилганларга қарши турли йўллар билан курашишга ундейди. Ҳатто дастлабки „очилиш“ „ Фотиха“ сурасининг ўзиёқ таъкидлаганидек, инсон -инсонга қул бўлаолмайди ва фақатгина яратган Оллоҳнинг қулидир.

„.... Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Оллоҳ уларнинг ахволини ўзгартирмас.“ Раъд сураси.11 оят. Демак биз ўз ахволимизни ўзгартириш учун ўзимиз курашишимиз, бир кенгаш билан иш юрита оладиган ҳокимииятга, яъни ҳалқ ҳокимииятига, ҳозирги тил билан айтганда- демократик ҳокимииятга эга бўлишимиз керак. Қуръони каримни демократияга қарши қўйишдан аввал, уни диққат билан, ақл югуртириб, ўқиб кўрсангиз яхши бўларди. Ундан тўғридан- тўғри „ демократия“ сўзини кўр- қўона излаш ҳам ақли қусурликдан ва онгсизликдан дарак беради. Сиз уни мазмундан изланг. Яна: „ Бас, албатта ҳарбир оғирлик-машаққат билан бирга бир енгиллк ҳам бордир. Албатта, ҳарбир оғирлик-машаққат билан бирга бир енгиллк ҳам бордир.“ Шарх сураси.5-6 суралар. Жумла

мухимлиги сабаб икки бора тақрорланаябди.

Биз улуг Китоб талаб қилганидек, адолат учун зулм қилгувчиларга қарши яхши умидлар билан курашга бел боғладикми, демак, ярим йўлда тушкунликка тушиб, ноумид бўлмаслигимиз керак.

Ўзбек оиласарида фарзанд туғилса, қулоғига аzon айтадилар. Демак, фарзанд дунёга келиши биланоқ Яратган Оллоҳ номини эшилди. У- Мусулмон фарзанди. Тилга киргач, калима келтиришни ўрганади ва калима келтиради. Сидки дилдан калима келтирган одам- мусулмондир. Ундан кейин қилган барча гуноҳлари ҳам бандай- мусулмоннинг гуноҳларидир. Бегуноҳ- парвардигор. Мен бу гапларни ўзимдан айтаётганим йўқ. Туркияning Арзум шахрида машхур „Салимия“ мадрасаси бор ва ўша пайтларда Мехмет Қирқинчи исмли бир доно, олим ва эллиқдан ортиқ диний китобларнинг муаллифи муддарислик қиласиди, Мен бир неча муддат ўша мадрасада истиқомат қилдим, Бўш пайтларим Мехмет Қирқинчи билан Ўзбекистонда дин ҳолати юзасидан сұхбатлар қиласидик. Мен кўпларнинг амалларида муаммолари борлигини айтганимда, у киши: „Динимизнинг амалларини Оллоҳ бизга қулай қилиб берган. Калима келтирган одам- мусулмондир. Гуноҳлари ҳам динсизнинг эмас, мусулмоннинг қилмиш гуноҳларидир“ деганди. Бу фикрни мен кейин бошқа уламолар сұхбатларида ҳам кўп марта эшилдим. Шундан келиб чиқадиган бўлсак ва умуман Ватанимиз ахолисининг 80- 85 фойизи маҳаллий ҳалқ, ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, қорақалпоклар дини исломдадирлар. Мен, „ Мусулмонлар ва одий ҳалқ“ иборасини ишлатиб, ҳалқимизни ҳақорат қилган аёлга қарата, бир ҳалқ эмас (гарчи бу ҳалқларнинг тарихий илдизлари бир бўлса ҳам, бугунги ҳолатни эътиборга олиб) ҳалқлар ҳақида айтаябман.

Ҳалқимизни динсизликда айблаш хуқуқини сиз қаердан ва кимдан олдингиз? Қуръони каримданми ёки ўзингиз химоя қилаётган Сталинданми? Динимиз бизни, юқорида айтиб ўтганимдек, руҳий ва вужудий покликка унди. Биз бунга кўлимиздан келганча интиламиш. Яъни, динимиз қалбимиизда ва тозаланган руҳимиизда мавжуд бўлиши лозим. Биз уни бошқаларни камситиш, қўрқитиш, ҳақоратлар қилиш учун дастак қилиб олмаймиз. Аксинча, агар динимиз тарғиботи билан шуғулланишни истасангиз, марҳамат, биз ҳам сизни мамнунлик билан тинглаймиз ва ўрганамиз.

Энди юқорида санаб ўтган даъвогарларнинг даъволарига қайтсан: 1. Диндорлар ва демократлар. Улар, сиз бошқа- бошқа дунёмилар. Мусулмон одам – демократ, бошқача айтганда, адолатли ҳалқ ҳокимияти тарафдори бўлолмайдими? Ёки аксинча, Демократ ёки демократия тарафдори бўлган одам мусулмон бўлолмайдими? Адашмаябсизми? Унда, юқоридаги қисқача таҳлилимиизга яна бир кўз ташлаб, ўйлаб қўринг.

Яна бир тоифа билимдонлар „ сиёсатчилар ва диндорлар“ жумласини қайта- қайта тақрорлайди. „Уят эмасми!“ дегим келади. Сиз сиёсат йўлида адолатли кураш олиб бораётган биродарларимизни динсизликда айблайбсиз! Ёки бошқа томондан олиб кўрайлик. Диндор сўзи „ дини бор одам маъносини беради. дини, иймони бутун одам сиёсатчи бўлолмайдими, сиёсат билан шуғуллана олмайдими, адолат, озодлик, фаровонлик йўлида курашмаслиги керакми? Менимча, бу йўлда кўлидан келганча курашмаган, аксинча, бутун умрини эртаю-кеч зикр билан ўтказувчининг иймони бутунлигига шубҳа қилса бўлади. зеро: „ Роҳибликни эса улар ўзлари чиқариб олдилар. Биз уларга роҳиб бўлишларини ёзганимиз – буюрганимиз йўқ. Лекин улар ўзлари оллоҳнинг ризолигини истаб, роҳибликни одат қилдилар-у, сўнг унга тўғри- тўла риоя қилолмадилар“ Ҳадид сураси.27 оят. Яна: „ кимки покдомон бўлса у фақат ўз фойдаси учун покдомон бўлур“ Фотир сураси. 18 оят. Яна Олий китобнинг кўп сураларида зулм қилгувчиларга қарши курашга чорловчи даъватлар кўплаб учрайди. Динимиз билағонлари у сураларни мендан яхшироқ англатиб бераоладилар. Фақат яна икки сурага ўқувчилар диққатини тортмоқчиман: „ Ҳужумга учраётганд зотларга мазлум бўлганлари сабабли жанг қилиш изни берилди. Албатта, Оллоҳ уларни ғолиб қилгувсидир.“ Ҳаж сураси. 39 оят. Яна: „ Оллоҳ зулм қилгувчиларни севмайди“. Олий имрон сураси. 57 оят.

Кўрганимиздек, Динимиз – энг дунёвий диндир ва мухолифот ҳам дунёвий ва ўз динларидан чиқиб кетган одамлар эмаслар. Шундан келиб чиқсан ҳолда исломлашиш масаласини муаммо сифатида кўтариш у қадар мантиқли бўлмайди. Битта муаммо шуки, зулмга қарши курашиш йўлида ҳамма бир ёқадан бош чиқараолмай турибди. Агар “ваъзхон“ларнинг провакацияларига учмасдан, зийраклик билан бирлашиб, харакат қилинса, мамлакат ичига ҳам таъсир ўтказиш, натижаларга эришиш йўллари кенгроқ очилган бўларди.

**Ю.Р.: -Ҳалқимиз қариаб 18 йилдирки, деярли мухолифот фаолиятидан бехабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичида янги мухолифот пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифот пайдо бўлса, у 90-йиллардаги мухолифотнинг қайси хато ва камчиликларини такрорламаслигини истардингиз?**

Ё.О.: -Албатта умумлаштирган ҳолда шундай ҳолосага келиш ҳам мумкиндири. Ҳалқимизнинг асосий қисми ташкиллашган мухолиф партиялар, харакатлар, гурӯҳлар фаолиятидан деярли бехабар. Ҳолбуки, бу ниҳоятда муҳим нуқталардан бири. Мен мамлакатдан чиқиб кетганимга йигирма йилдан ошди. Яқин мамлакатларда эканимда ичкаридан баъзи хабарларни олиб турардим. Австрия элчихонасининг таклифи Европага келиб қолганимдан кейин анча узилиб қолдим. Ҳатто оиласдан билан боғланишга ҳам имконим бўлмади. Бунга амаллаб имкон топганимга кўп вақт бўлаганий ўқ. Бошқалар ҳам шу аҳволда бўлсалар керак. Лекин ҳозирги кунларда ҳам мамлакат ичида сиёсий мухолиф кучлар йўқ деб ўйламайман. Яқинда қандайдир ёшлар гурӯҳлари мушт белгиси чизилган ва „биз қул эмасмиз!“ сўзлари битилган ва рақалар тарқатганлари ҳақида хабарлар эшитдим. Европадаги ташкилотлар эса асосан шаклланиш жараёнида. Умид бор. Энди ичкарининг ташқари билан ва ташқариниг ичкари билан боғлананаолиши муаммоси бор. Бу эса ўта муҳим ва доларб масала. Ташқаридагилар демократик тузум асослари билан яқиндан танишдилар, шу шароитда яшаб кўраябдилар. Кўп ёшлар олий ўкув юртларида таълим ола бошладилар. Бу ҳам яхши ва муҳим. Улар ўз илмларини вақти келиб Ватан манфаати йўлида ишлатарлар деб умид қиласман. Агар Ватанлари борлигини унутиб, Европалашиб кетмасалар... Мамлакат ичида мухолиф сиёсий кучлар пайдо бўлишига эса, сабаблар ҳам, белгилар ва асослар ҳам кўп вақтлардан бери бор. Буларнинг ҳаммаси мамлакат ва ҳалқимиз ҳаётининг, кун ба кун юз бериб турган фожеъаларнинг ўзи. Бундан ортиқ асос, сабаб ёки белги бўлмайди.

Мантиқан мамлакатни зўровонлик билан узоқ бошқариб туриш имконсиз. Оқибат Руминия фожеъасига ўхшаш фожеъага олиб келиши мумкин. Мен буни истамаган бўлардим. Лекин бугунги жиноятчи хукумат ҳалқ олдидағи жиноятлари учун жавоб бериши керак. Бунинг учун ташқи ва ички мухолифот, таъбир жоиз бўлса биргаликда, яқин ҳамкорликда иш олиб боришлари керак. Шундай бўлишига ишончим бор ҳарқалай. 90-йиллардаги сиёсий мухолиф партиялар, харакатлар ва гурӯҳлар катта хатоларга йўл қўйдилар. Қулай вазиятлар вужудга келган эди. Вақтида фойдалана олмадилар. Баъзилар курашни кескин давом эттиришдан чўчилилар. Баъзилар хукумат билан ҳамкорлик қилиш фойдалироқ бўлар деган шайтоний умидларга бордилар. Баъзилар эса очиқдан- очик махаллийчилик йўлига ўтиб, шахсий манфаатлари йўлида кураша бошладилар. Ҳалқ орасида иш олиб боролмадилар, Тўғрироғи, мухолиф кучлар бошқаруви худбин манфаатпарастлар қўлига ўтиб қолди. Улар ҳалқ тилини ва дардини тушунмайдиган, мухолифот бошқарувига тасодифий келиб қолган одамлар эдилар. Ишонаманки, И. Кармов ўша йиллари бироз ақл юритиб, масалан, Абдураҳим Пўлатов ва унинг укасига хокимииятдан бирор лавозим берганда, албатта мухолифотни тарқ этган ва вақтинчалик амалидан фойдаланиб, ўзи ишлаган институт олимларидан, раҳбарларидан қасос олабошлаган бўларди. Чунки уни институт парткомлигидан, кейинроқ эса умуман партиядан ҳайдаганларида, у ҳали мухолифот ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасди. Сиёсий мухолиф кучларни бошқариш- ўзига хос истеъдод,

фидойилик, поклик ва кучли ирода, малакат, унинг аҳолиси эҳтиёжларини билишгина эмас, хис этабилишини ҳам талаб қиласди. Фақат гапдонлик билан иш битмайди. Умид қиласманки, албатта янги сиёсий мухолиф кучлар келади ва бундай хатоларга йўл бермайди.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифотининг бугун амалга ошириши зарур бўлган муҳим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**

Ё.О.: -Агар тўғри маънодаги сиёсий мухолиф ташкилотларни назарда тутиб айтадиган бўлсақ, албатта, уларнинг олдида жуда катта, маъсулиятли ва оғир вазифалар бор. Бу ишларни кенгашсиз, ўзаро ҳамкорликсиз амалга ошириб бўлмайди. Аввалио ҳамкорлик қила билишни ўрганиш керак. Табиий, сиёсий кучлар ҳеч қачон мутлоқ бирлашиб кетолмайди. Лекин мамлакат олдидаги умумий муаммоларни бартараф қилишда кучлар ва харакатларининг йўналишини бирлаштиришлари керак. Бу- амалга оширилиши мумкин бўлган масала. Назаримда, бирлашишга чақираётганлар кўп ва улар фақат „, менинг атрафимда бирлашинг!“ деб қичқиришни биладилар. Ҳолбуки, унинг кимлиги аллақачон ҳаммага маълум бўлиб қолган.

Тасаввур қилинг, бир тўда одам йиғилиб олиб, ҳаммаси бир- бирига „, Бирлашинг! Бирлашайлик!“ дея бақира бошлайдилар. Кейин қандай бирлашиш ҳақида савол ташланганда яна ҳаммалари „, Фақат менинг атрафимда! Фақат мен билан!“ дея яна бақиришда давом этаберадилар. Бу- аслида мухолифот эмас, худбинлар тўдасига ўхшайди. Ҳеч қачон бирлаша олмайдилар ҳам. Асосий мақсади жиноятчи ҳокимиятга қарши курашиш бўлган сиёсий кучлар, исломий ёки дунёвийликларга ажратмасдан, умумий ҳаракат программасини ишлаб чиқсалар ва мамлакат ичкариси билан яқин алоқага кириб, иш олиб борсалар, ҳар қандай худбинлик асоратларидан ўзларини тозалаб олсалар мақсад қилинган манзил сари тезроқ етишган бўлардилар. Бу- ҳозирги куннинг муҳим ва асосий масаласи.

**Ю.Р.: -Сиз ўз ҳаётинггининг кўп қисмини мухолифатга бағишлаганингиздан мамнунмисиз ва ёки афсусдаминосиз?**

Ё.О.: –Мен етим ўсганман. Эсимни танигандан бошлаб ўз нонимни ўзим топиб еганман. Нони ҳалол одам бошқалар олдида қўрқиб, қалтираб турмайди. Оила тарбиясини кўрмаганим учун бўлса керак, интизом масаласи ҳозирга қадар чатоқроқ. Мухолифлик, ўйлашимча, отамнинг қони ва онамнинг сути билан кириб, қонимда қолган. Шунинг учун мухолифотга келишимни фавқулодда ҳодиса деб ўйламайман. Эшитган бўлсангиз, бир вақтлар яширин „, етимлар бирлиги“ ташкилоти ҳам бўлган.

“Бирлик” Ҳаракати бўлмаганда балки бошқа номдаги сиёсий мухолифот юзага келган бўларди. Болалигим оғир кечди, Ҳозир ҳам оғир. Гулдек оилас, икки қиз, олти набирам бор. Уларни йигирма йилдан бери кўрганим йўқ. Мен ҳам одамман. Отаман. Кўргим, бағримга босгим келади... Лекин афсусланганим йўқ. Фақат бир нарсадан афсусланаман. Ҳукумат менинг қофоз қоралашларимга шу қадар катта эътибор бердики, ўн икки марта қамалдим ва бошқа турли жазоларини ҳам аямади. Мен нодон эса бу ҳукуматнинг шунчалар эътиборига лойик бир иш қилолмадим. Лекин ҳали умидим ўлган эмас. Иншооллоҳ, юртимиз, ҳалқимиз ёруғ кунларга етишса, бу афсуслар ҳам барҳам топар.

\*\*\*\*

## **Алибай Йўляхшиев: “Ҳаракатларимиз самарасиз кетганидан афсусдаман...”**



**Алибай Йўляхшиев - таниқли мухолифат фаоли, Норвегия.**

### **Қисқача ўзим ҳақимда:**

Мен Йўляхшиев Алибай, 1938 йилда туғилганман. 1993 йили Самарқанд университетидан докторлик дессертациясини ёклаш учун Украина Академиясига илмий сафарга жўнатиш баҳонаси билан мен Ватандан чиқариб юборилганман. «Бирлик» халқ ҳаракатининг бошланишидан (1988-89 йиллар) эътиборан унинг барча тадбирларига қатнашиб келдим. 2003 йили бир неча муғомбирларнинг «Бирлик» халқ ҳаракатини партия деб атаб юборишилари муносабити билан ўзим ва мен билан ҳамфир бўлганлар партия тузишганлардан кейин алоҳида мухолиф ҳаракатда фаолият кўрсатишда давом қиласмоқдамиз. Мен «Бирлик» халқ ҳаракатини худди шундай ном билан партия деб аташни bemazachiлик, ўғирлик ва «Бирлик»нинг номи билан кун кўришни кўзда тутиш деб ҳисоблайман. Ҳозирлар Норвегиянинг Берген шаҳрида умр йўлдошим билан яшаб тураман. Биздан ташқари бир ўғил ва бир қизим ҳам Норвегияда яшайдилар. Болаларимнинг қолганлари (тўрттаси ва саккизта неварам ва битта чеварам) эса, Канданинг Саскачеван штатининг Regina шаҳрида яшайдилар.

### **Юсуф Расул: -Ўзбекистондаги мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?**

Алибай Йўляхшиев: -Бугунга қадар «Ўзбекистонда мухолифат» каби тарих мавжуд эмас, албатта. Аммо бу ўтмишда бундай ҳаракат бўлмаган деган хуоса қилишга асос бўла олмайди. Масалан, узоқ ўтмишимида ҳам айнан бугунги мухолиф ҳаракатлар каби бўлмасалар-да, шунга ўхшашлари бўлганди. Шунинг учун ҳокимиятлар ҳамиша ҳам мерос шаклида отадан болага алмашмай, подшоҳликларга мухолиф фикр ва ҳаракатларнинг натижаси оқибатида ҳокимият бир кишидан бошқасига алмашиниш ҳоллари учраб турарди. Энг яқин тарихимизда содир этилган ва душманларимиз - истилочилар ва ҳақиқий босмачилар томонидан «босмачилар ҳаракати» деб аталган ҳаракат бир томондан Миллий Озодлик ҳаракати бўлса, бошқа маънода ўша замоннинг мухолиф ҳаракатининг очиқ бир кўриниши ҳисобланарди.

### **Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатини пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнини 1989 йилда «Бирлик» ҳаракати ташкил топиши билан боғлайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларнинг пайдо бўлиши сабаблари нималар билан боғлиқ эди?**

А.Й.: -Бундай қарашни тўғри деб бўлмайди. 1989 йили Ўзбекистонда «Бирлик» халқ ҳаракати шаклида майдонга чиқкан ҳаракат, совет ҳукумати режимига мухолиф ҳаракатнинг янгидан очиқка чиқкан бир кўриниши эди, десак бир мунча ҳақиқатга тўғри келар деб

хисоблайман. Чунки, советларга мухолиф ҳаракат биринчи марта Россиядаги 1917 йил Октябр ҳарбий давлат тўнтиришидан кейин Миллий озодлик ҳаракати шаклида майдонга чиққанди. Афсуски, ўша ҳаракат ҳам большовойларга ютқазиб, унинг раҳбарлари эса ҳижрат қилишганди. Ўшаларни Ўзбекистондан (тўғрироғи бутун Туркистондан) ҳижрат этишган биринчи гуруҳ муҳожирлари дейиш мумкин. Улар ҳам ораларида бирлик ва иттифоқчилик ўрната олмай, ҳаракатларида самараға эриша олмадилар, Ватанга қайтишни истаб, зор-зор йиғлашиб бу дунёдан алам билан ўтиб кетдилар. Бугун биз эса, ана ўша яқин ўтмишда аждоларимиз йўл қўйган хатоларни ўргана олмадик, уларнинг хатоларини такрорладик ва такрорламоқдамиз. Шунинг учун тарқоқлигимиз, бирлаша олмаслик касаллиги ҳамон давом этмоқда.

Давлат тузими бор жойда тузимни режимига қарши мухолиф фикрнинг бўлиши табиий бир инсоний, ижтимоий хусусиятдир. Шу сабаб, Россия истилосидан сўнгра Озодликка интилиш, совет даврига келиб эса, Озодлик ҳаракатига адолатсизликка қарши фикрлар ҳам қўшилиб, ана шундай фикрдаги кишиларнинг ҳаракатлари у ёки бу шаклда давом қилди.

**Ю.Р.: -90 -йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифати мамлакат ва ҳалқ учун асосан қандай кўзга кўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга ошириди?**

А.Й.: -90-йилларда мавжуд совет тузими каби ёвуз ҳукумат режимига очиқ қарши чиқишининг ўзи бизнинг замонамиз учун бир буюк жасурлик эди. Ана шунинг ўзи тарихда муҳим ўрин эгаллайди деб йўлайман. Бу ҳалқни режимга, ҳатто совет режими аталмиш ёвуз режимга ҳам қарши фикр билдириш мумкин экан каби фикр ўйғонишида жуда катта аҳамият касб этди. Шу маънода ўша йилларнинг сўнгтига келиб «Бирлик» ҳалқ ҳаракатининг юзага чиқиши тарихий ва тарихда муносиб ўрин олишга арзугилик воқеа бўлганди. Афсуски, Ёвуз совет режими битирилганидан сўнгра ҳам, Ўзбекистон озод бўлди деганимиздан кейин ҳам ўша совет режимининг бошқа бир янада бузук кўриниши Ўзбекистонда сақланиб колди. «Бирлик» ҳалқ ҳаракати эса, бу бузилган режимга қарши курашда қўпгина хатоларга йўл қўйиши оқибатида енгилди. Унинг бальзи раҳбарлари ва аъзолари ҳижрат қилишга мажбур бўлдилар.

**Ю.Р.: -Сизнингча ўзбек мухолифатини ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди - мухолифат нималарга эришди-ю, нималарни бой берди?**

А.Й.: -Мен учун бу саволга жавоб бериш энг оғир вазифа деб биламан. Хатоларимизни мен катта ва кичикка ажратиш мумкин эмас деб айтган бўлардим. Бизнинг мухолифат ҳаракат сифатида йўл қўйган хато ва камчиликларимиз жуда кўп ва уларнинг ҳеч бири эътибордан ташқари қолдирилиши мумкин эмас эди. Шунга қарамасдан хатоларнинг энг муҳими - бирлигимиз йўқлигидадир, деса бўлади. Биз ўзбекистонликлар 1989 йилдан бўён эл-ҳалқ ишонадиган ва дунё таниган, улар хисоблаша оладиган мухолиф ҳаракат тузга олмадик. Натижада бизнинг мухолиф ҳаракат аталмиш ишларимиз, якка-якка кишиларнинг самарасиз ҳаракатига айланиб қолди. Кўриб турибмизки, чет элларда юрганларнинг (уларнинг сони бир неча юз кишиларни ташкил этади) барчаси Ўзбекистон ҳукумати сиёсатини танқид қилишади, ҳатто жуда кескин танқид қилишади. Кўпгина ҳолларда уларнинг барчаси бир хил атамалар, бир хил жумлалар билан Каримовни, унинг ҳукуматини танқид қиласди (ҳатто сўқишишади)лар. Аммо ўша сўзларни бирлашиб, бир дастур асосида, келишилган бир қарор билан ҳаммамиз бирга сўзлайлик дейилишига келиша олмай, ҳар биримиз мен тўғриман,

ҳамма мен айтгандек сўзлаши керак дейишимизда ажралиб кетаверамиз. «Бўлинганни бўри еяр», «Камтарга камол, манманга завол», дейилган оталар мақолларини ҳаммамиз биламиз, бироқ бўлинишдан ҳеч тортинмаймиз. Бу ҳолни, бундай ўзбиларманликни, бундай манманликни, бундай “ўзбекчилик”ни қандай исмлашга масалан мен жуда қийналаман.

**Ю.Р.: -Каримов ҳукуматини мухолифатга қарши аёвсиз кураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқладиди?**

А.Й.: -Бу масалани ҳам ўзларини мухолиф ҳаракат вакиллари ҳисоблашган кишилар турлича баҳолайдилар. Бугунгача ўзбекча матбуотда чиқарилган хабарларга қарасангиз, Ўзбекистонда ҳукуматнинг мухолиф фикрга қақшатқич қарши кураши Каримовнинг ўз фикри ва қарашларига мухолиф фикрни эшлиши ҳам истамаслигидадир, каби хulosса қилиш мумкин бўлади. Бу хulosани қўлловчилардан бири каминаи камтариндир. Аммо мен, кейинги замонларда ҳақиқатдан ҳам шундаймикан? деган фикрларга ҳам келмоқдаман. Ҳа, сўзсиз Каримов бутун моҳияти билан мухолиф фикрларга қарши бир шахс. Бутун ҳаракатлари билан якка ҳокимликни ўрнатишга интилган бир киши. Бугун Ўзбекистонда ўтказилаётган сиёсатни юзага чиқарган ва унинг давом қилишидаги сабабларни фақат Каримовнинг салбий (ёмон деймизми) хусусиятига, интилишларига боғлаб қўйиш ва фақат шунгагина асосланиб хulosалар чиқариш тўғри бўлмайди дейишга ҳам асослар анчагинадир. У сабабларни санаш бу ерда тузилган саволга жавоб бериш ҳажмига сиғмайди.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатини хорижда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқладими? Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

А.Й.: -Бу саволнинг ҳар иккала қисмига ҳам йўқ деб жавоб қиласман. «Хориждаги фаоллашув» жумлангизга келсак, «яхши ният ярим давлат» қабилида сўзламоқдасиз, шекилини дейишим лозим бўлаяпти. Бу ишлар фаоллашув эмас, аксинча бу интилишларни кун ўтказишнинг янги бир шакли десак менимча тўғри бўларди.

**Ю.Р.: -Бугун мухолифатни бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришга урунмоқда. Дунёвий мухолифатни исломлашиши мамлакат ва халқимиз келажагига қандай таъсири этиши мумкин?**

А.Й.: -Мен, шундайига ҳам бўлиниб, заифлашиб кетаётган ўзбек халқини, Ўзбекистон халқини яна қанақадир дунёвий ва диний мухолифатга ажратиш бизга, миллатга, қолаверса Ватанга - Ўзбекистонга душманларнинг тегирмонига сув қўйиш бўлади деб қарайман. Аслида бугунги кунда мухолифат ҳаракатда (агар шундай ҳаракат бўлса) қанотларнинг мавжуд бўлиши ҳам Ватанга, халқقا таҳлика ва қандай қўрқинчли хавф борлигининг аломатидир.

**Ю.Р.: -Халқимиз қариб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан бехабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичida янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини такрорламаслигини истардингиз?**

**А.Й.: -**Бу саволга бундан олдинги жавобларимда келтирилган фикрларим жавоб бўлар деб ўйлайман. Ниҳоят Ўзбекистонда ҳам замонавий маънодаги мухолифат ҳаракат (у партиялар шаклидами, ҳалқ ҳаракати шаклидами, буниси фарқ қилмайди) майдонга чиқиши зарур ва бу тарихий заруратdir. Бироқ ундаи ҳаракат фақат ва фақат Ватаннинг ичкарисида майдонга чиқиши шарт. Бошқа ҳолларнинг барчасида ҳар қандай ҳаракат самарасиз қолаверади.

**Ю.Р.: -Сизнингча, ўзбек мухолифатини бугун амалга ошириши зарур бўлган мухим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**

**А.Й.: -**Биринчидан, афсуски бугун бизда ўшандай бир мухолифат, ўшандай бир ҳаракат йўқ. Шундай экан унинг бирор ишни амалга ошириши ҳақида нима ҳам дейиш мумкин бўлади? Бугуннинг энг мухим ва зарур иши Ўзбекистонда замонавий мухолиф ҳаракат (партиялар ҳам бўлиши мумкин) вужудга келтириш лозим. Бундай ҳаракат айтилганидек, факат Ватанда ташкил бўлиши шарт. Аммо бу иш қандай амалга оширилади? Бу эса, ҳаммамизни ўйлантирадиган мухим саводир. Ана шундай Ватанда замонавий мухолиф ҳаракат майдонга чиқариш йўлида кичик бўлса-да, бирон туйнук очишни ўйлаб мен ва менга қўшилган бир неча кишилар ўтган йилнинг охирида бир мухим таклиф билан чиқдик. Менинг фикримча, ўша таклифнинг ва унинг кишиларимиз томонидан мукаммаллашган варианти устида жиддий ишлар олиб бориш лозимdir.

**Ю.Р.: -Сиз ўз ҳаётингизни кўп қисмини мухолифатга бағишлиганингиздан мамнунмисиз ёки афсусдаминосиз?**

**А.Й.: -**Илмда анчагина баракали ишлар қилишим мумкин бўлган замонимни ҳалқимнинг одамшаванда ҳаёт кечириши йўлида, Ватанимнинг тўла Озодлиги учун бағишлиганимдан заррача афсусда эмасман. Бироқ қандайдир нохолис, мансабпараст, манфаатпараст, шахсиятпараст одамларга эргашиб, қимматли вақтларни бўш-бўшига ўтказиб, 20 йиллик мухолиф ҳаракатларимиз самарасиз, бирон бир натижасиз қолганидан албатта афсусдаман.

\*\*\*\*

## **Толиб Ёқубов: “Курашни сабитқадамлик билан давом эттириш керак...”**



**Толиб Ёқубов - ўзбек мухолифатининг кўзга кўринган намояндаси, таниқли ҳукуқ ҳимоячиси, Ўзбекистон Инсон Ҳукуқлари Жамияти вице президенти, Франция .**

(Суратда: чапдан ўнгга -Ю.Расул ва Т.Ёқубов, Франция, Ангер шаҳри).

**Юсуф Расул: -Ўзбекистонда мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?**

**Толиб Ёқубов:** Ҳар қандай жамиятда, хусусан ўзбек жамиятида ҳам мухолиф кайфиятдаги инсонлар бўлган. Табиий, Амир Темур ҳукмронлик қилган жамиятдаги мухолифат билан ҳозирги замон мухолифати орасида еру-осмонча фарқ бор, - сиёсий тузумларнинг тури ва моҳиятига қараб мухолифат ҳам ўзгача бўлган. Совет даврида, 50-чи йиллар ўртасида Жиззахда ташкил топган ўзига хос мухолиф гурух бўлганини мен яхши биламан. Бу гурух раҳбарларидан бири бизнинг қишлоғимизлик Мустафоқул Муқимов эди. Мазкур мухолиф гурух ҳақида мен “Жиззах мухолифати” номли мақола ёзганман [қаранг: “Мусулмон Ўзбекистон” сайти, 8 апрель, 2006 й.]. Ўйлайман-ки, бундай гурухлар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бўлган. Улар олдига қўйган масалалар бўйича фарқ қилган бўлишлари мумкин.

Турган гап, Ўзбекистонда мухолифат катта мавқега эришгани ва унинг ҳаракати оммавий тус олгани 80-чи йиллар охирида ташкил этилган Ўзбекистон “Бирлик” ҳалқ ҳаракати” (ЎБХХ) билан боғлиқ. Бу ҳаракатга мен у ташкил бўлгандан уч ой ўтгач аъзо бўлганман. Бироқ менинг мухолиф дунёқарашим 60-чи йиллар охиридан (Москва) ва 70-чи йиллар ўрталаригача бўлган даврда (Кишинёв) стажировка ва аспирантурада ўқиб юрган пайтимда шаклланган, десам бўлади. Менинг биринчи амалий қадамим 1989 йил февралининг бошида, гарчи коммунист бўлмаган бўлсам-да, КПСС МҚга ёзган етти бетлик хатимдан бошланган. Бу хат ЎБХХнинг Ёзувчилар Уюшмаси биносида жойлашган штаб-квартирасида 10-15 одам иштироқида ўқилган. Ўша пайтда мен олий ўқув юртлари ўқитувчилари учун ТошДУда

очилган малака ошириш факультетида ўқиб юрган эдим. Менинг мазкур мақолам ТошДунинг катта ўқув аудиториясида юзга яқин одам иштирокида ўқиб эшиттирилган эди.

ЎБХХ тарихини (1989 й. февралидан бошлаб) мен яхши биламан. Мазкур ҳаракат тарихини ўз нуқтаи-назаримдан баён этиб кичикроқ бир китобча ёзиш ниятим ҳам йўқ эмас эди, бироқ соғлиқнинг ёмонлашиши бу ниятни амалга оширишга йўл бермади. Ўзбекистоннинг энг янги тарихида ёрқин из қолдирган ЎБХХ тарихини холис, тўла ва ишончли қилиб ёзадиган инсонлар чикишига мен ишонаман.

**Ю.Р.: Ўзбек мухолифатининг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнини 1989 йилда “Бирлик” ҳаракати ташкил топиши билан боғлайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларнинг пайдо бўлиши сабаблари нималар билан боғлиқ эди?**

Т.Ё.: Тоталитар ва авторитар сиёсий системаларнинг қулаши асосан сўз ва ОАВнинг эркинлигига боғлиқ. Буни коммунистик тоталитар давлат ижодкори В.Ленин ҳам яхши тушунган. Унинг: “Совет сиёсий тузуми шароитида ҳалққа сўз эркинлигини бериш ўз-ўзини ўлдириш билан тенгкучлидир” деган гапи фақат 80-чи йиллар охирига келиб маълум бўлди. Совет давлатини тузган В.Лениннинг биринчи қадамлари большевиклар нашрларидан бошқа барча нашрларни тақиқлаши, РСДРП (б) дан бошқа барча сиёсий партия ва ҳаракатларни йўқ қилиши, КГБнинг онаси бўлмиш ВЧКни тузишидан иборат бўлғанлиги бунинг яққол тасдиқларидир.

1985 йилга келиб эса М.Горбачёв ҳалққа сўз ва ОАВ эркинлигини бериб бўлган эди. Шундай қилиб, шу йилдан бошлаб дунёда иқтисодий (табиий бойликлар нуқтаи-назаридан; бироқ ҳалқ фаровонлиги нуқтаи-назаридан эмас) ва интеллектуал энг бой империянинг қулаши тезлашди. Табиий, бу жараён бошқа ҳудудлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонга ҳам уч йилдан кейин етиб келди. Паҳта яккаҳокимлиги натижасида Оролнинг қуриши ва ўзбек тилининг мақомини ўзгартириш масалалари бош шиори бўлган ЎБХХнинг тузилиши ўша империянинг қулаши жараёнининг бир ирмоғи эди.

**Ю.Р.: 90 -йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифати мамлакат ва ҳалқ учун асосан қандай кўзга қўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга оширди?**

Т.Ё.: ЎБХХ мағлуб бўлишига қарамай у ўзбек ҳалқи тарихида ёрқин бир саҳифа яратди. Ислом Каримов ЎБХХ ва бошқа сиёсий мухолифатнинг тарихан қисқа беш йил ичидаги фаолиятини қора бўёклар билан акс эттиришга (уни ҳатто ўқув дарсликлариға ҳам киритган ҳолда) ҳарқанча уринмасин, бу саҳифани Ўзбекистон тарихидан чиқариб ташлай олмайди.

Мамлакат мустақиллигини (кейинчалик у қандай натижаларга олиб келганини ҳисобга олмаганда) жамият интилган сиёсий ютуқ деб қаралса, бунинг Ислом Каримовга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ишонмаган одамларга мен унинг “Известия” газетасининг 1991 йил 5 май сонида босилган интервьюсини ўқишини тавсия қиласман. Сиёсий мустақиллик, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва ўзбек ҳалқи ҳаётида содир бўлган бошқа бир қатор янгиликлар, бу – мухолифат активига ёзиладиган зархал саҳифалардир. 1993 йилдан кейин Ўзбекистонда нимаики содир бўлган бўлса: бебурд иқтисодий сиёsat ва давлат структураларида коррупция ҳамда бошқа ижтимоий иллатларнинг мисли кўрилмаган даражага кўтарилиши натижасида ҳалқнинг қашшоқлашиши, ўн минглаб диндорлар, мухолифат вакиллари, хукуқбонлар ва журналистларнинг қамоқларга ташланиши, сўз ва ОАВ эркинликларининг буғилиши, болалар меҳнатининг авж олдирилиши, жамиятда хуфъялик, айғоқчилик, чақимчилик ва сотқинликни рағбатлантириш оқибатида маънавий

инқизорзни кучайтириш, мамлакатнинг бир неча худудларида ҳалқни ўққа тутиш (ва ҳ.), - буларнинг бирортасига мухолифатнинг алоқаси йўқ. Буларнинг бариси Ислом Каримов ва унинг атрофи “активига” ёзилажак унсурлардир.

Баъзилар: “Сенинг “Бирлигинг”, “Эркинг” нима қилиб берди?” деб, аввало қорнини ўйлаган ҳолда савол беришади. Бу одамлар сиёсатдан шу қадар узоқ-ки, “Бирлик”, “Эрк” ёки бошқа бир сиёсий ташкилот ҳалқ ҳаётини (яхши ёки ёмон томонга) ўзгартриши учун улар оддий бир сиёсий аксиомани, яъни бу кучлар ҳокимиятга келиши ва ўз программаларини амалга оширишлари кераклигини тушунмайдилар. Одамлар онгидаги бу ношудликдан ҳукумат доиралари усталик билан фойдаланадилар.

**Ю.Р.: Сизнингча ўзбек мухолифатининг ўша пайтда йўл қўйган энг катта хатта ва камчиликлари нималардан иборат эди - мухолифат нималарга эришди-ю, нималарни бой берди?**

Т.Ё.: Мухолифат нималарга эришганини мен юқорида айтдим, нимага эришмаганини эса айта олмайман, чунки на ЎБХХ, на “Эрк” партияси ва на бошқа бир сиёсий куч давлат бошига келган ва ўз программасини амалга ошира олган эмас. Уларга бундай имконият берилган эмас.

Мухолифат активига ёзилажак яна бир ўта муҳим жиҳадни айтиб ўтишим керак. 1989-92 йиллар ичida баъзан вазият шундай оғирлашди-ки, мамлакатда фуқаролар уруши бошланишига бир баҳъя қолган вақтлар бўлди. Мамлакатни бу фалокатдан мухолифат сақлаб қолди, деб бемалол айтиш мумкин. Айни пайтда, агар ўша пайтлардаги сиёсий курашда Ислом Каримов бошчилигидаги коммунистлар ютқазса, бу урушни улар бошлашига мен ишонаман.

“Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қиласер!” ибораси сиёсий кураш воситаси сифатида азалдан қўлланилиб келинган бўлса-да, негадир одамлар пайдар-пай шу тузоққа тушаверадилар. Бу – одамлар табиатидаги нуқсон бўлса керак, деб ўйлайман. Диктаторларнинг тақдири ҳамма вақт аянчли бўлишини билса-да, навбатдаги диктатор олдингисининг изидан кетгани каби. У: “Йўқ, менинг тақдирим бошқача бўлади” деб ўйласа керак. Ўзбек мухолифати раҳбарлари ҳам ўз вақтида: “Йўқ, у сиёсий кураш воситаси бизга таалуқли эмас” деб ўйлаган бўлса ажаб эмас. Тўғри, кучлар teng эмас эди: Ислом Каримов қўлида совет руҳидаги КГБ, милиция, прокуратура, суд системаси каби органлар ва коммунистлар гурухи бор эди. Бироқ, ҳалқнинг каттагина қисми ЎБХХ томонида бўлиб, уни қўллаб-қувватлаётган эди. 1990 йил март ойидаги парламент, 1991 йил декабридаги президент сайловларида мухолифат барча кучини ҳалқ билан ишлашни йўлга қўйишга қаратмай, ички низолар билан овора бўлди. Ўйлайман-ки, бунда нафақат Абдураҳим Пўлатов ва Муҳаммад Солиҳнинг, балки барча бошқа раҳбарларнинг айби (хусусан, менинг ҳам айбим) бор, албатта.

Айни пайтда, Ислом Каримов ва унга тобе мулозимларнинг маккорлиги, сиёсий уддабурролигига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Улар ҳамма жойда ва ўз вақтида мухолифатга турли тузоқлар қўя билди. Айниқса, мухолифат раҳбарлари КГБ (МХХ)нинг найрангларига бефарқ бўлишди. Бу ташкилот мухолифат орасига ўзининг бехисоб айғоқчиларини тиқиб ташлади ва мухолифат лагерида муттасил жанжал фонини юзага келтиришга муваффақ бўлди [мен бу ҳақда “Постоянный скандалный фон в среде оппозиции и правозащитного движения Узбекистана” номли мақола ёзганман; қаранг: [www.centrasia.org](http://www.centrasia.org) сайти, 18 март 2007 й.]. Бу ҳанузгача давом этмоқда.

**Ю.Р.: Каримов ҳукуматининг мухолифатга қарши аёвсиз кураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқлайди?**

Т.Ё.: Ғалати ва тушунарсиз савол. Бу саволни мен жавобсиз қолдираман.

**Ю.Р.: Ўзбек мухолифатининг хорижда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқладими? Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

Т.Ё.: Бундай вазият фақат ўзбек мухолифатининг бошига тушган эмас. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп. Кимлардир, хорижда туриб ҳаракат қилса-да, мамлакатидаги сиёсий режимни йиқитган, кимлардир қўлидан ҳеч нарса келмай, хорижда сингиб кетган. Бу кўп факторларга боғлиқ. Улардан асосийлари, назаримда, учтадир: хориждаги мухолифатнинг жипслиги, маблағ ва мамлакат билан алоқа қилиш воситалари. Афсус, ўзбек мухолифатида бу ташкил этувчиларнинг бирортаси ҳам кўринмайди. Маблағ бўлмаганлиги туфайли мамлакат билан алоқа қилиш ҳозирги замон интернет алоқаси юксалган шароитда ҳам жиддий йўлга қўйилган эмас.

Мухолифат ичида мамлакатдаги мустабид тузумга қарши курашни қалбан ўзининг ҳаётий вазифаси қилиб олган одамни топиш мушкул. Шу ўринда бир мисол келтираман. Крим татарларининг ватанга қайтиш ҳаракати бошланганда шу масалани ўзи учун муқаддас деб билган инсонлар кўп бўлган. Шулардан бири, Ўзбекистонда яшаган 18 ёшли Айше Сеитмеметова деган қиз Ўзбекистондан чиқиб кетган ва икки йилдан кейин, беҳисоб қийинчиликларни бошидан кечириб, Нью-Йорк шахрига етиб борган. У ерда Айше кўп машақкатлардан сўнг БМТ Бош Ассамблеяси мажлисида чиқиши қилишга эришган ва ўз халқи муаммосини кўтарган. Ўзбек мухолифатининг бир қанча вакиллари учун БМТ биноси тўрт қадам бўлса-да, улар Айше қўйган қадамларни кўйишни, назаримда, ўзларига эп кўрмайдилар.

Мамлакат ичкарисида ҳам ахвол шундай: 2001-04 йиллар Ўзбекистон Инсон Хукуқлари Жамияти (ЎИҲЖ) кўп ҳолларда калтаклар остида оммавий пикетлар уюштирган пайтда на сиёсий партиялар ва на бошқа хукуқбонлик ташкилотлари раҳбарлари бўйинларига плакат осиб бизнинг ёнимизда туришни ўзларига эп кўрмадилар.

Бироқ Ўзбекистон хукумати болалар меҳнатидан фойдаланаётганига дунё демократик жамиятининг диққатини тортишда хориждаги хукуқбонлар ва мухолифат вакиллари салмоқли ишларни қилдилар. Бу ишлар ўз самарасини берди: дунёning юрик текстиль компаниялари ўзбек пахтасини сотиб олишга бойкот эълон қилгач, хукумат доиралари саросимага тушиб қолдилар.

**Ю.Р.: Бугун мухолифатнинг бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришга уринмоқда. Дунёвий мухолифатнинг исломлашиши мамлакат ва халқимиз келажагига қандай таъсир этиши мумкин?**

Т.Ё.: Бу савол 5-чи саволданда ғализ туюлаяпти менга. Назаримда, Сизда диндорларга нисбатан хукуматда кузатиладиган чидамсизлик борга ўхшайди, акс ҳолда бу саволни жиддий ҳолда бермас эдингиз. Билинг-ки, ҳар қандай гурух ичида соф виждонли, фидоий, зулмдан нафраланувчилари ҳам, бориб турган абллаҳлари ҳам бўлиши мумкин. Хусусан мухолифат ичида ҳам, диндорлар ичида ҳам. Фидоийлари мамлакатда шаклланган вазиятни тўғри тушуниб, мавжуд тузумни ўзгартириш учун курашади, абллаҳлари эса бор нарсани ҳам бузишга ҳаракат қиласди: яна такрорлайман - мухолифи ҳам, диндори ҳам!

Саволдан эса мустабид тузумга қарши курашда дунёвий мухолифат диний мухолифат билан

бирлашса оқибат аянчли бўлади, дегандай ўйлаш уфуриб туриди.

Масалага жиддий қаралса, ҳар иккала тоифа мухолифат бирлашиши ёки ҳамкорлик қилиши мумкинми? Маълум бир шартлар бажарилса – мумкин, албатта. Биринчидан, ҳар иккала тарафнинг яқин перспектива учун аниқ ва тиник мўлжали (ориентири, нишони), - мас., мустабид тузумни мағлуб этиш, - бўлиши зарур. Иккинчидан, ҳар икки томоннинг узок перспективадаги мақсадлари (мас., тузум сиёсий саҳнадан кетгач, ўрнига қандай тузум келиши) кескин зиддият ва тарафкашликка олиб бормаслиги керак. Ниҳоят, учинчи ва асосийси, мазкур иттифоқ ёки ҳамкорлик ички зоддиятлардан пок бўлиши зарурдир.

Тарихдан тўғри хулоса чиқариш ноёб хислатdir ва бу хислат ҳаммада ҳам бўлавермайди. Ёдимда, 1989-91 йиллари ЎБХХ диндорларни мамлакатда, номи ўзгарган бўлса-да, бироқ моҳиятнан сақланиб қолаётган коммунистик тузумга қарши биргаликда курашишга кўп унади. Бундай таклифлар диндорлар томонидан рад этилди. Натижа эса маълум. Сабаби: тарафларнинг узок перспективадаги мақсадлари кескин фарқ қиласр эди; бири “демократик жамият қурилиши керак” деса, иккincinnisi “ислом давлати қурилиши лозим” дея даъво қилди. Мавжуд реалликни ҳисобга олмаслик, сиёсатнинг туб илдизлари (компромисс, ўзгача фикрга ҳам қулоқ тутиш ва х.)ни билмаслик ҳар қандай иттифоқ ёки ҳамкорликни барбод этади. Саволдаги “дунёвий мухолифатнинг исломлашиши” ибора мен учун тушунарли эмас: (а) дунёвий мухолифатнинг баъзи (ва ҳатто барча) аъзолари номоз ўқисалар, бу – исломлашиш дегани эмас, чунки номоз ўқиган одам ўзининг Аллоҳ олдидаги бурчини бажаради; (б) “исломлашиш” кўрқинчли, даҳшат солувчи ёки ҳазар қилинувчи тушунча ва термин эмас: (в) “исломлашиш” - Фарб мамлакатлари, Россия ва Хитойнинг Ислом факторидан азалий қўркуви туфайли сиёсий муомалага киритилган терминидир; (г) мазкур терминни коммунистик моҳиятни сақлаб қолган Ўзбекистон, Туркманистан, Қирғизистон, Тожикистан ва шу каби бошқа авторитар давлатлар раҳбарлари ўз режимларининг жиноятларини яшириш мақсадида фойдаланадилар; ва, ниҳоят, (д) диндор тушунчаси террорист, ўзини ва бошқа одамларни портлатувчи худкуш ёки Худо бехабар чаламулла терминларига эквивалент (тengкучли) эмас.

Менинг диндорларга ягона маслаҳатим: охирги йигирма йиллик тарихимиздан тўғри хулоса чиқариш КЕРАК.

**Ю.Р.: Халқимиз қарийб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан бехабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичида янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини тақрорламаслигини истардингиз?**

Т.Ё.: Энг “ўлик” жамиятда ҳам ҳур фикрли одамлар етарлича топилади. Гап улар бир-бирини топиши ва умумий мақсад ва манфаат йўлида бирлашишида қолади. Ўзбекистонда янги мухолифатнинг пайдо бўлишига сабаб ва асослар етарли: бу – қашшоқлик, хақ-хукуқсизлик, эркинликларнинг буғилгани, эртанги кунга ишончнинг йўқлиги, ҳукуматнинг муттасил ёлғони ва х.

Белгиларини айтиш қийин – улар аста-секин ниш уриб қолса керак.

“Эски” мухолифат ва диндорларнинг хатоларини мен юқорида айтиб ўтдим.

**Ю.Р.: Сизнингча, ўзбек мухолифатининг бугун амалга ошириши зарур бўлган мұхим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**

Т.Ё.: Курашни сабитқадамлик билан, руҳан тушмасдан давом эттириш.

**Ю.Р.: Сиз ўз ҳаётингизнинг кўп қисмини мухолифатга бағишлиғанингиздан мамнунмисиз ёки афсусдаминосиз?**

Т.Ё. Агар афсусда бўлсангиз президент Ислом Каримов номига кечирим сўраб хат ёзасизми?  
– деб сўрамаганингиздан хурсандман.

\*\*\*\*

## **Ёдгор Турлибеков: “Ёшларга йўл бериш керак”**



**Ёдгорбек Турлибеков - мухолифат фаоли, инсон хуқуқлари химоячиси ва мустақил журналист, АҚШ.**

**Юсуф Расул: -Ўзбекистондаги мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?**

**Ёдгорбек Турлибеков:** -Мен тарихчи эмасман, лекин шу нарсани биламанки, ўтган замонларда ҳам бизда мухолифат бўлган. Кичик қавмлар ўзаро бирлашиб ўзига хос тузумларга эга бўлган хонликларга айланган. Уларни ўз мухолифлари бўлган. Тахт талашишлар, ўзаро ички курашлар ҳам ўзаро мухолифликдан келиб чиқкан. Лекин афсуски, қадимда ўзаро мухолиф гурухлар халқ эрки-иродасини ифода этмаган.

Албатта янги ғоялар ўз даврида қаттиқ қаршиликка учраган. Мисол учун пайғамбаримиз Мухаммад замонини эсланг. Ўша пайтда қанча қарши руҳдаги кучларнинг бўлганини инкор қилолмаймиз. Қарши кучлар ўзаро қарама - қаршиликлардан ҳосил бўлган.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатини пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнини 1989 йилда “Бирлик” ҳаракати ташкил топиши билан боғлайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларнинг пайдо бўлиши сабаблари нималар**

**билан боғлиқ эди?**

Ё.Т.: -Юқорида айтилганидек, бу мухолифатнинг юзага келишини табиий ҳол дейиш мумкин. Агар ўша пайтда “Бирлик” ҳаракати бўлмаганда, ҳалқ ўз ички түғёнини бошқа бир сиёсий ҳаракат воситасида ифода этган бўларди.

Афсуски, “Бирлик” ҳаракати ўзбек ҳалқининг орзуларини рўёбга чиқара олмади. Аввалига етарли кучга эга бўлган, минглаб одамларни эргаштирган бу ҳаракат кейинчалик парчаланиб кетиб, айёр Каримов бошқараётган сиёсат олдида ожизлик қилганини бугун ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

**Ю.Р.: -90 -йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифати мамлакат ва ҳалқ учун асосан қандай кўзга кўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга ошириди?**

Ё.Т.: -Мен ҳам 90 йиллардаги “Бирлик” ҳаракатига қаттиқ ишонганман. Ҳаракат томонидан қилинган сиёсий тадбирлар ҳалқимизни кўзини очди. Ўша пайтда эртанги келажак фақат “Бирлик”чилар қўлида бўлиши керак деб ўйлардим. Лекин бу ҳаракатга қарши катта куч ташланди. Ўша даврларда қилга осилгандаи даражадаги обрўга эга бўлган Каримов устакорлик билан ва овозларни сохталаштириб, ёлғон ваъдалари эвазига бўлса ҳам бир амаллаб президент бўлиб олгач, бутун кучини дархол ўз мақеъини мустаҳкамлаб олишга қаратди. Бунинг у уддасидан чиқа олди. Каримов келажакда президентлик курсисида умрининг охиригача ўтириш учун энг осон йўлни топди.

**Ю.Р.: -Сизнингча ўзбек мухолифатини ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди - мухолифат нималарга эришди-ю, нималарни бой берди?**

Ё.Т.: -”Бирлик” ҳаракати олиб бораётган ҳаракат бутун республикани қамраб олган эди. Ўшанда вилоятлардан қатор -қатор автобусларда Тошкентдаги кўп минглик митингга вакиллар жўнаётганининг гувоҳи бўлганман. Энди шу ҳаракат дарахти тезда етилиб, ундан янги мева нишонаси “Эрк демократик партияси ажралиб чиққанида, бунга айримлар бу соткинлик, деб ғазабга келишган эди. Айримлар шундай партия бўлиши ҳам керак ку, соз бўлибида- да, бунинг нимаси ёмон, улар бир- бирига суюниб ҳаракатда бўладилар, деган эди.

“Эрк” лидери Муҳаммад Солиҳ ва “Бирлик” ҳаракати раҳбари Абдураҳим Пўлатовларнинг ўшанда қилган ҳаракатлари тўғрисида, буларга аралашмаганим учун аниқ маълумотлар менда йўқ. Уларнинг бўлинишлари умумий демократия йўналишидаги ўзига хос оғрикли ҳолат, аммо икки лидерларнинг кўп ўтмай, бир -бирига суюниб демократияни ривожлантиради, деган ҳалқ умид ва ишончлари кейинчалик саробга айланди.

Бир қозонга сифмаган бу “икки қўчкорлар боши” ўзларининг бугунгача муросага келолмаганлари сабабли, улар ҳалқимиз олдидағи ишончни оқлай олмадилар. Қизиги шундаки “икки қўчкор” ҳам, конституцияни писанд қилмай келаётган Каримовдан фарқсиз тарзда ўз партиялари Уставларини менсимай, ўз ўринларини ҳанузгача ёшларга беришни истамай келмоқдалар.

**Ю.Р.: -Каримов ҳукуматини мухолифатга қарши аёвсиз кураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқлади?**

**Ё.Т.: -Қайтараман, булар учиға чиқкан ёлғон ва тұхматлар эди ва ҳеч қачон ёлғон нарса үзини оқламаган.**

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатини хорижда туриб амалга оширган ишлари үзини оқладими? Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳәетига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

**Ё.Т.: -Мухолифат ҳозирги давр замонавий алоқа имкониятларидан фойдаланиб хориждан туриб бўлса ҳам Ўзбекистон ичидан анча унумли иш олиб бориши мумкин эди. Лекин авжига чиқкан ва шафқатсиз зўравонлик даражасига етган режим, ўз айғоқчиларини мухолифат орасига доим тиқишириб, мухолифатнинг хар қандай уринишларини осонлик билан чиппакка чиқарип келди. Натижада лидерлар қандай кучанишмасин уларнинг ҳаракатлари бефойда бўлиб қолаверди.**

**Ю.Р.: -Бугун мухолифатнинг бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришга урунмоқда. Дунёвий мухолифатни исломлашиши мамлакат ва халқимиз келажагига қандай таъсир этиши мумкин?**

**Ё.Т.: -Дин ўз йўлида. Албатта ҳар биримиз мусулмонмиз. Лекин динни сиёсатга хизмат қилдириш яхши эмас. Динни ўз шахсий ва тор манфаати йўлида ишлатадиган авом кишилар кўп топилади. Уларни сиёсат устидан хукмрон қилиб қўйиш аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин. Сиёсатни яхши тушунган, замонавий дунё, замонавий илм фанлардан хабардор диндорлар билан ишлаш мумкин. Лекин дин учун жиход деб Аллоҳ яратган бандаларни жонига зомин бўладиган ҳар қандай жоҳил инсонларга қарши аёвсиз кураш олиб бориш ҳар биримизнинг бурчимиздир.**

**Ю.Р.: -Халқимиз қарийб 18 йилдирки, деярли мухолифат фаолиятидан бехабар холда яшамоқда. Мамлакат ичидан янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини такрорламаслигини истардингиз?**

**Ё.Т.: -Мухолифат ҳакида ва унинг кечаги қисқа тарихи ҳакида гапирдик. Ўзбек мухолифатининг ҳозир ва бундан кейин қиласидиган ишларига келсак, мен бир нарсанни айтишни истардим. Мухолифатга ёшларни ўрни сезилмоқда. Юқорида айтганимдек лидерлар ёшларга ўз ўринларини бўшатиб бериб, демократияни ўзларидан бошламас эканлар келаётган ёшлар уларга эргашмайдилар. Улар аста -секин унутилиб боради. Янги мухолиф партия ва ҳаракатлар пайдо бўлади. “Бирдамлик” ҳаракати ана шундай янги кучдир. Яна кўп ўтмай мухолифат ичидан янги партиялар тузилиши мумкин. Эски мухолифатчилар ўзларининг кўп йиллик тажрибаларидан келиб чиқиб, ёшларга фахрий бўлиб, ўз маслаҳатларини бериб турсалар дейман.**

**Ю.Р.: -Сизнингча, ўзбек мухолифатининг бугун амалга ошириши зарур бўлган мухим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**

Ё.Т.: -Бу саволга ҳам жавоб бердим.

**Ю.Р.: -Сиз ўз ҳаётингизни кўп қисмини мухолифатга бағишлаганингиздан мамнунмисиз ёки афусдамисиз?**

Ё.Т.: -Яхши савол, албатта қанча қийинчиликлар, қўрқитишлиар, қамоқ азобларини кўрсам ҳам, ўз ҳаётим давомида халқимнинг эркин нафас олиши ва унинг ҳақиқий мустақиллик меваларидан тўйиб баҳраманд бўлишини истаб келдим. Баҳоли қудрат инсон хуқуқлари соҳасида бўлсада бундай савобли ишларга ўзимнинг жиндай бўлса ҳам ҳиссамни кўшганимдан хурсандман. Умрим мабодо тақорорланса, яна шундай қора кунларни танлаган бўлардим...

\*\*\*\*

**Васила Иноярова: “Демократик мухолифатнинг исломлашишини тасаввур қилиб бўлмайди”**



*Васила Иноярова - «Эзгулик» инсон хуқуқлари жамияти раиси, «Бирлик» халқ ҳаракати партияси МК Бош котиби, таниқли сиёсатчи ва хуқуқ ҳимоячиси, Ўзбекистон.*

Васила Иноярова Ўзбекистон ичидаги туриб фаолият кўрсатаётган кам сонли хуқуқ ҳимоячиларидан бирийdir. У 1989 йил 19 октябр куни «Бирлик» сафига қўшилган. 1990 йилнинг 26 майидан Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар Кенгаши котиби, 1991 йилнинг апрель ойидан Марказий Кенгаш котиби. 2003 йилнинг 25 августидан «Бирлик» халқ ҳаракати партияси МК Бош котиби. Ўзбекистон инсон хуқуқлари «Эзгулик» жамияти раиси. HRW, AI, WMD мукофотларининг совриндори. (Суратда: Тошкент шаҳрида «Бирлик» ўтказган намойиш).

**Юсуф Расул: -Ўзбекистонда мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?**

**Васила Иноятова:** -Бу хакда билганларим мендан олдинги сухбатдошларнинг фикридан кўп эмас. Шу сабабли уларни қайтариб ўтириш шарт эмас деб хисоблайман. Албатта, сиёсий мухолифат тарихи ҳақида ёзиш бугунги куннинг ўзига хос солномачилари бўлган журналистларнинг иши бўлгани учун ҳам бу юмушни қаламкаш дўстларимизга қолдирсам...

**Ю.Р.:** -*Ўзбек мухолифатининг пайдо бўлиши ва шаклланни жараёнини 1989 йилда “Бирлик” ҳаракати ташкил топиши билан боғлайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларни пайдо бўлиши сабаблари нималар билан боғлиқ эди?*

В.И.: -Албатта, ўтган асрнинг 80-йиллари охирида пайдо бўлиб, сўнгра шаклланган мухолифатчилик ҳаракатларини ўзига хос тарзда миллий озодлик ҳаракати дея таърифласа бўлади. Қолаверса, мухолифатнинг пайдо бўлиш сабаблари қайсиdir жиҳатдан тарихий эврилишлар билан ҳам боғлиқ. Компартиянинг қарийб 75 йиллик ҳукмронлиги даврида шонли совет халқлари, миллатлари орасида энг мазлуми ўзбеклар эди десам муболаға бўлмайди. Кремлга бўйсундирилган минглаб элатларнинг оху нолалари, изтироблари бора-бора ижтимоий портлашни юзага келтирди ва жамиятда 85-йиллар ошкоралиги тўлақонли табиий жараён ўлароқ майдонга чиқди.

Бу пайтга келиб геосиёсий манфаатлар уруши бўлган Афғон уруши оқибатида сон-саноқсиз темир тобутлар юртимизга келтирилаётганди, тилимиз ва динимизнинг, қолаверса халқимизнинг имон-эътиқоди «юқори» олдида қулга айлантирилганди. Ана шу тарихий паллада майдонга миллий озодлик байроғини даст кўтарган куч “Бирлик” халқ ҳаракатининг келиши бу тарихий зарурият эди ва у ўзининг мардонавор фаолияти билан аллақачон тарих зарвақларидан ўрин олган.

Мен яқинда Чирчик шаҳрига бордим. Йўл йўлакай ҳарфлари одам бўйи келадиган ўнлаб шиорлар пайдо бўлганини кўрдим. Мана улардан бири: «Ислом Каримов мустақиллик асосчисидир!». Мен сесканиб тушдим. 1991 йилнинг 21 март ойида Иттифоқ таркибида қолиш мақсадида ўтказилган Референдумни бойкот қилганимиз, ГКЧП (16 август 1991 йил) нинг Москвадаги ишғоли сабабли Абдурахим Пўлатов, М.Нарзикулов (охиратлари обод бўлсин), Р.Жўраев сингари бир гурӯҳ фаоллар бир неча кунни милициянинг турли бўлимларида ўтирганимиз эсимда. Агар рус демократларининг ғалабаси бўлмагандан, совет режимининг бир бўлаги сифатида Ўзбекистонда вазият ҳозиргидан ҳам оғир бўлиши мумкин эди. Шу боисдан айтишим керакки, ўзбек демократик мухолифати халқимиз олдидаги бирламчи мажбуриятини ўша пайтнинг ўзида адо эта олган.

Албатта, ўз курашини юрт мустақиллигидан бошлаган мухолифат кейинчалик ўз мақсадларига тўла эришолмади. Тарихий ғирромликни қарангки, юрт мустақиллигига асос солиш у ёқда турсин, балки унга қарши курашган режимбоши («Мустақил бўлсак, қопга тушган мушук бўлиб қоламиз» - март 1991 йилги Референдум шиорларидан – В.И.) бугун истиқлолнинг “асосчиси” бўлиб ўтирипти. Бироқ тарихий адолат тикланади ва Ислом Каримов ўзбек халқига озодликни инъом қилган буюк шахс бўлиб қололмайди.

**Ю.Р.:** - *90 -йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифати мамлакат ва халқ учун асосан қандай кўзга кўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга ошироди?*

В.И: -«Бирлик» халқ ҳаракати ўзбек мухолифати сифатида Ўзбекистондаги глобал муаммоларни бутун дунёга кўтара олгани, юрт тарихида кескин бурилиш қила олганини ҳеч ким инкор қила олмайди. Бу факт!

“Бирлик”чилар юрт мустақиллиги йўлида, халқимизнинг узлатдан чиқарилишида кучлар тенг бўлмаган шароитда ҳам курашга кира олди. Совет Армияси сафидан ўлиги келаётган ўзбек йигитларини ҳимоя қилиш учун Иттифоқ бўйлаб харбий қисмларни титратган, Ўш-Ўзган воқеаларига сиёсий баҳо беришни талаб қилиб Москва остоналарида бир неча ой очлик эълон қилиб бутун дунё этиборини ўзбек миллатига қаратса олган, бир умр компартия раҳбарларидан бири ўлароқ Каримовни ўзбек тилига давлат мақомини беришга мажбур

қилган, пахта яккаҳокимлиги, Орол муаммолари, Фарғона, Наманган, Паркент ва Бўка воқеаларида ўзини ўққа тутиб берган ҳам бирликчилар бўлган. «Бирлик»нинг бу ишлари тарихнинг энг юкори ўринларидан муносиб ўрин олиб бўлган.

**Ю.Р.: -Сизнингча ўзбек мухолифатини ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди - мухолифат нималарга эришиди-ю, нималарни бой берди?**

В.И.: -Мухолифатнинг ўша пайтда йўл қўйган хатоси ҳокимиятни олишга қўл узатса етгудай бўлган бир пайтда шахсий манфаатлар йўлида «Бирлик»ни бўлинишга олиб келганидир. Гап ўша пайтдаги «Эрк» партияси раиси Салай Мадаминов ҳақида кетаётганини ўқувчи англаган бўлиши керак. Бу тарихий хатони факат С.Мадаминов ва унинг бир-икки ҳамтовоқлари тан олишмай келяпти холос. С.Мадаминов тузоққа тушаётганини англамасди (балки биларди), бирликчиларнинг чақирикларига жавоб ҳам бермасди. Манманлиги ва қайсарлиги туфайли бир қўли билан катта кучга эга бўлган мухолифатни парчалаган бўлса, иккинчи қўли билан И.Каримовни ҳокимият тепасига келишини ва унинг умрбод хукмронлигини таъминлаб берди.

Мана орадан 20 йил ўтибдики, у И.Каримовни муттасил сўкиб келади. Тўғрироғи, бу унинг асосий ишига айланиб улгурди. Таъкидлаш керак, С.Мадаминов шахси И.Каримов томонидан бежиз танланмаганини ўша пайтдаёқ қўпчилик тушуниб етган. 1991 йилнинг охирларида Ёзувчилар уйи биносида Президентлик сайловини бойкот қилишни режалаштириб ўтказган 50-60 чоғли киши йигилишида бўлиб ўтган воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Йигилиш бўлаётган залга Дадаҳон aka Ҳасанов кириб “Бу ерда нима қилиб мажлисбозлик қилиб ўтирибсанлар, Президентлик сайловида Солихга овоз бермайсанларми?! Ундан бошқа ким бор ҳалқ учун жонини бера оладиган?!” деда хайқирдилар. Мажлисни олиб бораётган Абдураҳим Пўлатов ўрнидан туриб, “Мана мен бераман жонимни, лекин биз депутат бўламан, президент бўламан деб ҳалқни, “Бирлик”ни сотганлар учун овоз бермаймиз, аксинча сайловни бойкот қиласиз” деган. Бу воқеа шоҳидлари гапларимни тўла- тўқис тасдиқлашига аминман.

С.Мадаминов ва унинг тарафдорлари содир этган бу хатонинг оқибатини бугунгача берилган талофтлар, йўқотишлар, тўқилган қонлар, кишанланган қўллар, юрт бойлигининг талонтарож этилиши, иқтисоднинг инқизозга юз тутиши, бутун дунё олдида ўзбек ҳалқи моддий ва маънавий қулга айлантирилишида кўриш мумкин. “Бирлик”ни бўлинишига олиб келганлар ҳар бир тўқилган қон ва кетган жон, қолаверса тарих олдида жавобгардир!

Абдураҳим Пўлатовнинг мутассил “53-54” лаши қўпчиликни меъдасига теккан бўлса ажабмас. “Ҳа бўлди-да энди, ёғи чиқармиди, ҳозир бирлашиш керак. Соли жавоб бермаятику, чўзверадими хадеб резинкадай” деганлар ҳам топилган. Лекин ҳеч ким эътибор бермайдики, бу сиёсий айблов Солининг шахсига қаратилмаган, балки унинг сиёсий хоинлигини ифодаловчи тамғадир.

Ким билан бирлашиш керак? Сотқин биланми? Йўқ! Мунофиқ биланми? Йўқ! Соли деганлари Абдураҳим Пўлатовнинг иддаоларига қандай жавоб берсин?! Икки лидер ўртасидаги 20 йиллик низони, ҳақиқатни тан олишни истамаган айримлар мансаб талашиш деб тарихни чалғитишга уринишади. Йўқ рутбанинг нимасини талашиш мумкин?! У лидер ҳам, бу лидер ҳам аслида қочоқ! Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. “53-54”ни ишлаб олган шахс қандай ҳам бирлашсин?! Бирлашиш бўйича тузилган битимлардан имзоларни қайтариш олиш бекор эмаску! Ахир бу ерда аччиқ, жуда аччиқ ҳақиқат, оғир гурзисини кўтариб бутун бошли тарих турибдику. Ана шундай хатоларни доимий айтиш, керак бўлса юзга солиш керак, токи бу келгуси лидерларга сабоқ бўлсин. Анвар Каримов айтганидек, «қисиб» турилса, бу хатолар даврлар ўтиб қайтарилаверади. Улардан кўз юмиш, хаспўшлаш

янги хатоларга йўл очишини ёш бола ҳам тушунса керак.

Бугунгача бу хатонинг тан олинмаслиги мардоновор курашларда тобланган сафдошлар, туғишганлардай бўлиб кетган ўзбек мухолифатини бугунгача бўлиб, ораларига раҳна солиб келмоқда. Мухолифатнинг энг олди кишилари бир-бирини хақорат, гийбат қилишдан, дилларини ранжитишдан маза қиласидан бўлиб қолди. Юрт ташвиши унутилди, ҳалқ дарди чекинди. Ҳалқ бугун ўзи ўлиб, ўзи қолмоқда. Мухолифатнинг у билан зигирча иши йўқ.

Мухолифатнинг ўша пайтдаги ва хозиргача давом этиб келаётган яна бир хатоси ўз жонини сақлаш мақсадида юртни ташлаб чиқиб кетганидадир. Ватан йўлида курашни бўйнига олганлар ўлиши, қамалиши, азоб чекиши янгиликми?! Буларнинг жони жону, Усмон Носирлар, Чўлпонлар, Қодирийларнинг жони бақлажонми?! Ўз жонини авайлаб, абгор ҳалқни Каримов режимига гаровга ташлаб кетганлар ўзини ҳақли равишда мухолифат дея олса, мен бу сафлардан чиқсан бўлардим.

**Ю.Р.: -Каримов ҳукуматини мухолифатга қарши аёвсиз кураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқлади?**

В.И.: -Каримов режимининг мухолифатга нисбатан аёвсиз кураши авваломбор ҳокимиятни, демакки ҳукмронликни сақлаб қолишига, зўравонликка асосланган. Бу йўлда мана 20 йил ўтдики, бу режим ҳеч нимадан қайтгани йўқ. Ўтган даврга назар солсак, ҳар президентлик ва парламент сайловлари арафасида ҳалқни сиёsatга аралаштираслик мақсадида «профилактик» ишлар амалга оширилган. Турли фитналар уюштириш натижасида бегуноҳ ҳалқ ўққа тутилган. Мухолифат вакиллари ва ҳуқуқ химоячилари ҳибс қилинган. Улар ҳануз тутқунда. Фаргона, Наманган, 1999, 2004, 2005 йил воқеаларини бошдан кечирган ҳалқимиз сабр косасининг таги тешик ўзбек бўлмаганида сайловларда қатнашган, ўзининг сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланган бўларди. Бу йил бўладиган парламент сайлови олдидан шу йилги май воқеаси бежиз бўлмади, деб ким кафолот беради?!

Баъзида ўзбек мухолифатини кучсизликда айблаб, грузин, қозоқ, қирғиз ва бошқа миллат мухолифатларини мақтаб қолишади. Лекин ўша давлатларда Ўзбекистон режимидек бутун давлат хазинасини, унинг структурасини мухолифатни йўқ қилишга совурган, давлат органларига муаммоларни хал қилиш учун эмас, балки мухолифатни йўқ қилишга сафарбар қилган, ҳалқни тобе қилиш мақсадида қашшоқликни келтириб чиқарган давлат раҳбари ҳам бўлмаган.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатини хорижда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқладими? Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

В.И.: -Хорижда туриб нималарнидир амалга оширишга ҳаракат қилганлар ўз ишларини қилиб бўлишди. Натижасини амалда қўриб турибмиз. Бундан буён бу каби “фаолият”дан наф йўқ. Бугун хорижда қолишни ўзига эп кўраётганларнинг амалга оширмоқчи бўлган ишлари тугул, ўзларини ҳам оқлаб бўлмайди! Уларнинг олдида 2 йўл бор: бири — Ватанга қайтиш, иккинчиси — мухолифатчилик даъвосидан кечиши.

**Ю.Р.: -Бугун мухолифатни бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтишига уринмоқда. Дунёвий мухолифатни исломлашиши мамлакат ва ҳалқимиз келажагига қандай таъсири этиши мумкин?**

В.И.: -Ўзини мухолифат деб хисоблайдиганлар хоҳ у дунёвий бўлсин, хоҳ диний, у ёки бу ташкилотга алоқадор бўлишади, албатта. Ҳар бир ташкилотнинг (агар у жиддий ташкилот бўлса) қабул қилган хужжатлари бўлади. Ушбу хужжатларга амал қилмаслик қандай оқибатларга олиб келгани ҳақида юқорида айтиб ўтдим. Шароит тақозоси билан ҳали диндор, ҳали демократ бўлиб қоладиган мухолифатни ким ҳам жиддий қабул қилиши мумкин? Бу бир сиёсий калтабинлик, узоқ йиллик хориждаги ҳаётдан кейинги тушкунлик.

Демократик мухолифатнинг исломлашишини тасаввур қилиб бўлмайди. Бу дунёвий йўллар билан кураш олиб бориб бўлмайди деганими? Бу сингари ҳаракатлар демократияни инкор қилиш деб баҳоланади ва унда исломлашган мухолифат нима учун ўз фаолиятини бирон бир исломлашган давлатда эмас, Швециядек демократик давлатда кучайтиromoқчи бўлади? Исломий билимга эга бўлмасдан тақдир тақозоси ёки аламзадалик йўлида кечаги дунёвий мухолифатнинг исломлашиши бу исломни хақорат қилишидан бошқа нарса эмас. Эрон, Ироқ, Фалаstinни мисол келтиришнинг нима кераги бор. Юртимиз ўйлайлик.

Ўз вақтида дунёвий мухолифатни инкор этган Исломий ҳаракатнинг йўлбошчиси Тоҳир Йўлдошнинг ҳақсизлик ва адолатсизликка қарши жихот эълон қилгани юрт ичкарисидаги мусулмонларга қандай зулм олиб келгани маълум-ку. Адолатсизликка қарши курашнинг уддасидан чиқса, ўзини исломий куролланган мухолифат деб ошкора эълон қилганлар чиқарди. Бу сингари ҳаракатлар четдан қараганда худди Ўзбекистон хукумати билан боғлиқдай. Четга чиқиб олганлар қандайдир кашфиётлар тўқиб чиқаверишади, унинг оқибатида юрт ичкарисида репрессив машинанинг ишлаши жадаллашаверади.

**Ю.Р.: -Халқимиз қарийб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан бехабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичida янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини тақрорламаслигини истардингиз?**

В.И.: -Халқимиз 18 йилдирки мухолифат фаолиятидан бехабар яшамоқда десак хато қилган бўламиз. 2002 -2005 йилларда Исломил Дадажонов билан биргаликда Ҳаракатни партияга айлантириш билан халқнинг ёдидан кўтарилаётган мухолифатни тиклаб олганмиз. Жойларда “Бирлик” деса тун-кун милиция, МХХ ҳамон оёқда тик. Журналистлар ҳалак, чет элликлар ҳайрон. “Бирлик” деса лабига учук тошадиган хукуматни 5 марта партия хужжатларини олишга, уларни бир йил давомида биз билан шуғулланишга, уйма -уй юриб бирликчиларни излашларига мажбур қилдик. Ўзбекистонда мухолифат йўқ деганларни мулоқат столига тортиб келдик.

Бир сўз билан айтганда биз халқимизни мухолифат борлигидан, у нималардир қилиши мумкинлигидан хабардор қилдик. Ҳозирча қилган ишимиз шу. Агар мана шундай ҳаракатни бошқа партиялар ҳам қилишганда эди, ўзбек мухолифати юрт ичкарисида жиддий бир кучга айланиш мумкин эди. Бугунги дунёвий билимларни олишиб, дунёга юз тутаётган ёшларни, билими хор бўлган зиёлилар, пора бермагани учун ишдан қувилган кадрларни, калтакланган спортсмен ва саҳнадан қувилган санъат юлдузларини, давлат органлари ва ҳатто Президент атрофидагиларни ҳам ўзимизга жалб қилишимиз мумкин эди. Агар бизнинг мухолифат юрт ичкарисида илгаригидек фаолият кўрсатганда эди, биз ана шу имкониятдан унумли фойдаланган бўлардик. Ҳали ҳам кеч эмас...  
90-йиллардаги мухолифатнинг хато ва камчиликларини юқорида айтиб ўтдим.

**Ю.Р.: -Сизнингча, ўзбек мухолифатини бугун амалга ошириши зарур бўлган мұхим**

**ишилари нималардан иборат бўлиши керак?**

В.И.: -Хатоларни тан олиш ва Ватанга кайтиш! Мухолифат Ватанга қайтса, амалга оширилиши зарур бўлган ишлар тиқилиб ётибди.

**Ю.Р.: - Сиз ўз ҳаётингизни кўп қисмини мухолифатга бағишлаганингиздан мамнунмисиз ёки афсусдамисиз?**

В.И.: -Мен 20 йиллик умримни – ёшлигимни «Бирлик»ка, мухолифатга, инсон ҳақларини ҳимоя қилишга бағищладим. Бундан бениҳоя мамнунман ва бундан чексиз фаҳранаман. Бу йўлда кўрган кечирганларим аламлидир, лекин мен мухолифатчи бўлмасам дунё юзини кўрармидим?! Эл назарига, дунё эътиборига тушармидим?! Оиласам, фарзандларим мухолифатчи руҳда тарбия олишди. Катта набирам Жавҳар (бу исмни мард чечен ўғлони Жавҳар Дудаев шарафига кўйғанман) ва кичиги Муҳаммад Худоёрхонлар ҳам бувисидек бирликчи бўлишади.

Аллоҳдан менга шу кунларни кўрсатишини сўрайман.

\*\*\*\*

**Нурулло Мақсудов: “Халқимиз кўп нарсадан огох...”**



*Нурулло Мақсудов - “Андижон – Адолат ва Тикланиши” ташкилоти раиси, Германия.*

**Юсуф Расул: -Ўзбекистондаги мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?**

**Нурулло Мақсудов:** -Ҳар бир даврни ўз хукмдор ҳокимияти бўлганидек, ҳар бир даврни

мавжуд ҳукуматга қарши бўлган мухолифати ҳам албатта бўлган. Қарама-қаршилик инсоният ерда ҳаёт кечиришни бошлагандан бўён мавжуддир ва бу доимо бўлади. Шунинг учун Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. 19- асрнинг охирларида Андижондаги Дукчи эшон бошчилигидаги халқ қўзғолони, 20- аср бошларида шаклланган «Жадидчилар» ҳаракати бунга яққол мисол бўла олади.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатининг пайдо бўлиши ва шаклланиши жараёнини 1989 йилда “Бирлик” ҳаракати ташкил топиши билан бөглайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларни пайдо бўлишии сабаблари нималар билан бөглиқ эди?**



Н.М.: -Ҳар бир даврда ўз ечимини топмаган муаммоларидан долзарбларини қўтариб чиқсан инсонлар қатлами бўлган. Бу инсонлар ичидан расмий кўринишга ўтган биринчи ҳаракат « Бирлик» ташкилоти эди. 1989 йилда бирлик ҳаракати расмий ташкил топди. Энди сабабларига келсак, албатта бу сабаблар халқнинг иқтисодий-ижтимоий муаммоларига мавжуд ҳукуматнинг дастурлари ва амалий ҳаракатларидан қониқмайдиган инсонлар қатламининг ажраб чиқишидир.

**Ю.Р.: - 90 -йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифати мамлакат ва халқ учун асосан қандай қўзга қўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга ошироди?**

Н.М.: -1991 йилда Ўзбекистон мустакилликга эришган давр эди. Мухолифат Каримов ҳукумати бошқарувини илк давриданоқ халқга нисбатан диктаторлик қилмишларини бемалол амалга оширишига халақит берди. Каримов мухолифат билан дастлаб ҳисоблашиб иш тутишга мажбур бўлди. 1991 -1993 йилларда халқимиз елкасига қўёш тегди, ўз фикрини, диний қарашларини бемалол билдира олди. Бу мухолифатни халқимиз учун қилган, қўзга қўринадиган, эслашга арзигулик ютуғи эди.

**Ю.Р.: -Сизнингча ўзбек мухолифатининг ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди - мухолифат нималарга эришиди-ю, нималарни бой берди?**

Н.М.: -Ҳар қандай жамоа хато камчиликларини ўзи ҳис этгани маъқул. Ўзгадан иллат эмас,балки фазилат кўриш максадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳар бир мухолифат кучнинг эътиборга лойиқ фазилатларидан бири бу уларнинг зулмга очик қаршилик қилишга журъят эта олганлигидир. Умуман олганда ҳар бир мухолиф куч учун эришиладиган нарса ҳам, бой берадиган нарса ҳам битта. Бу ахилликдир!

**Ю.Р.: -Каримов хукуматини мухолифатга қарши аёвсиз қураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқладиди?**

Н.М.: -Каримов хукумати ўзгача фикрловчиларга тоқатсиздир. Унинг мақсади - якка ҳокимлик . Бундай зулмга асосланган ҳаракатни оқлашнинг ўзи жиноятдир.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатини хорижда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқладидими - Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

Н.М.: -Ватанда мазлум бўлиб, инқирозга юз тутгандан, ёки заифлашиб тобе бўлишдан кўра зулмдан чекиниб қурашга қайта куч йиғиб, мақсадга эришмоқ оқилона ишдир. Мухолифатни хорижда бирлашиб қилган ҳаракатлари халқимизда келажакка бўлган умидини қучайтиради, золимни қалбига қўрқув солади, ҳамда бутун дунё ҳамжамиятини Ўзбекистондаги тажовузкор тузумга эътиборини қаратишга хизмат қиласи.

**Ю.Р.: -Бугун мухолифатни бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришига урунмоқда. Дунёвий мухолифатни исломлашиши мамлакат ва халқимиз келажагига қандай таъсири этиши мумкин?**

Н.М.: -Ҳақиқий ислом инсониятга эзгулик ва боқийлик олиб келадиган диндир. Қолаверса, дин бу- ҳаёт, дин бу – сиёsatдир!

**Ю.Р.: -Халқимиз қарийб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан бехабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичida янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини тақрорламаслигини истардингиз?**

Н.М.: -Халқимиз кўп нарсадан огоҳ, шу каби мухолифат фаолиятидан ҳам огоҳ. Зулмнинг зулмати кенг ёйилган мухитда, оддий инсон кўзига ҳам зулм яққол кўринади ва бу нарса халқимизнинг ҳар бирида мухолифат кайфиятни ҳосил қиласи. Аммо қўрқув солиб турган золим ва унинг тизими инсонлар қалбидаги ҳақиқатни чиқишига тўскинлик қиласи.

**Ю.Р.: -Сизнингча, ўзбек мухолифатини бугун амалга ошириши зарур бўлган муҳим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**

Н.М.: -Золимни зулмидан жабр кўриб, «бизни қутқаринг!»- деб фарёд қилаётган эркаклар, аёллар, ҳамда болалардан иборат бўлган бечораларни қутқариш йўлида бирлашиб ҳаракат қилмоқликлари зарурдир.

**Ю.Р.: -Сиз ўз ҳаётингизни кўп қисмини мухолифатга багишлаганингиздан мамнуимисиз ёки афсусдамисиз?**

Н.М.: -Ҳақиқат, адолат ва эзгуликнинг олий бўлишида чеккан ҳар қандай мاشаққат, бошга тушган айрилиқ, мақсадимиз йўлидаги юксак синовдир. Мен шунга ишонаман, гувоҳлик бераманки, ҳар қандай машаққатдан сўнг енгиллик бордир. Фосиқ кимсаларгина ноумид ва надомат қилгувчи бўладилар.

\*\*\*\*

## Насрулло Сайид: “Қалб инсонни алдамайди”



*Насрулло Сайид - мухолифат фаоли, Ўзбекистон парламентининг сабиқ депутати, Канада.*

**Юсуф Расул:** -Ўзбекистонда мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?

**Насрулло Сайид:** -Авваламбор “мухолифат” тушунчасини тўғри англаб олишимиз керак. Мухолифат ҳар даврда, ўша давр сиёсий муҳитидан келиб чиқиб, ҳар хил шаклларда ўзини намоён қилиб туради. Ҳар қандай тузумда ўрнатилган тартиблардан норози бўлганлар ва тузумни нима қилиб бўлсада ўзгартиришга эришмоқчи бўлганлар бўлади. Ана шу “ҳаракатлар”нинг барчасини мухолифатнинг шакллари сифатида қараш мумкин. “Ўзбекларда мухолифат бўлмаган” деган гаплар хато бир қарашлардир. “Сайловда 99,99 фоиз овоз олдик” деган ҳукуматларни ҳам мухолифлари бўлган. Бу ҳақда етарли тарихий маълумотлар бор. Тарихни кўпроқ ўқиганлар бу ҳақда билишади.

**Ю.Р.:** -Ўзбек мухолифатининг пайдо бўлиши ва шаклланиши жараёнини 1989 йилда “Бирлик” ҳаракати ташкил топиши билан бөглайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларни пайдо бўлишии сабаблари нималар билан бөглиқ эди?

Н.С.: -Собиқ СССР бошига 1985 йил 11 март куни М.С.Горбачев деган шахсни келиши ва у бошлиб берган “Қайта куриш” (Перестройка) сиёсати бу империя таркибидаги миллатлар

орасида мухолиф фикрдаги инсонлар фаоллигини ошириб юборди. Собиқ империянинг ҳамма ерларида ўзгача фикрдагилар, мустақиллик ва демократия тарафдорлари уюша бошладилар. Бу жараён Ўзбекистонда ҳам кечди. Ана шу ҳаракатлар маҳсулни ўлароқ, 1989 йили Ўзбекистонда ҳам сиёсий жараёнлар юқори босқичга кўтарилиб, мухолиф ташкилотлар тузила бошлади. Аммо бу “яқдиллик” жуда узоққа бормади ва амалдаги ҳукумат томонидан у парчаланиб ташланди. Чунки, тажрибасиз ўша мухолифатда яқдилликни ушлаб турған оладиган на моддий база ва на интелектуал салоҳият бор эди ўшандаги. Катта бир ташкилий структурани яратиш ва уни бир меъёрда ишлашини таъминлаш учун йирик сармоялар ва ўта ақлли “марказий мия” керак эди мухолифатга. Афсуски шу нарсалар бизда етишмади. Аввалига демократик ислоҳотларни истаган кўплаб одамлар, айниқса миллий “элита” вакиллари мамлакат сиёсий майдонида пайдо бўлган мухолифатни қўллаб туришга уринган бўлсаларда, аста – секин уларни сони “О”га қараб туша бошлади. Хўш, буни сабаби нимада эди? Мен ўша сабаблар қаторига қўйидагиларни келтиришим мумкин:

- дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда мухолифатга давлат бошқаруви тажрибасига эга, олдин давлат машинасининг қайсиdir бўғинларида ишлаган ва уни ишлаш принципларидан хабардор ва ўзи ҳам маълум даражада моддий жиҳатдан таъминланган кишилар келгандагина самарали бўлади. Бизда эса бундай бўлмади. Бизни мухолифат асосан “чўнтағида бир мириси йўқ” ватанпарвар ва миллатпарвар “фонат”лардан шаклланиб, “оёғида маҳкам турадиган” кишиларни ўз жамоасига жалб қилишни эплай олмади.

- мухолиф ҳаракат ва партиялари бошига етарли дипломатик илм ва қобилиятга эга бўлмай, “шахсий амбиция” касалига мубтало бўлганларнинг келиб қолганлиги ҳам умумий ишга жуда катта зарар етказди. Мухолифат раҳбарларининг бемаъни тортишувларини кўрганлар мухолифатдан безиди, унга ишонмай қўйди ва натижада уни қўллаб – кувватламади.
- мухолиф ҳаракатлар ва ташкилотлар ичида доимий тарзда ички демократия қоидаларини бузилиб турилиши - бу ҳаракатларни ўз ичидан ҳам емириб борди. Натижада улар доимий тарзда парчаланиб турдилар ва охир оқибат кичик – кичик гурухларга бўлинниб кетдилар. Бу бўлиннишлар аслида унчалик хавли эмас эди, қачонки ҳамма гурухлар умумий “душман”га қарши курашишни давом эттирганларида. Аммо биздаги бўлиннишлар оқибатида барча гурухлар ўзаро “уруш”ларни бошлаб юбордилар ва асосий “душман” эса четда қолиб кетди.

**Ю.Р.: -90 - йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифати мамлакат ва ҳалқ учун асосан қандай кўзга кўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга оширеди?**

Н.С.: -Нима бўлгандаям 90–йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифатининг тарихдаги ўрни жуда қимматлидир. Биринчидан, ўша мухолифат ўзбек ҳалқи ҳам муҳим тарихий жараёнларда сиёсий фаол бўла олишлиги ва ўз ҳақ –хуқуқлари учун кураша олишини исботлаб берди. Иккинчидан, ким нима демасин ўша даврда шаклланган ўзбек мухолифатини СССР деган “зулм империяси”ни парчалаш борасидаги умумий ҳаракатларда ўз ўрни бор. Демак Ўзбекистонни мустақил давлат ўлароқ дунёга келишида ўзбек мухолифатини хизмати буюkdir.

**Ю.Р.: -Сизнингча ўзбек мухолифатининг ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди – мухолифат нималарга эришиди-ю, нималарни бой берди?**

Н.С.: -Бу саволга юқорида бироз жавоб бериб ўтдим. Энди кенгроқ тўхталмоқчиман. Қайси бир мамлакатда агар кучли мухолифат бўлса, билингки ўша мухолифатни кучли командаси ва етарли сармояси бор. Сиёсий курашнинг ўзи бу – жамоа курашидир. Кучли жамоа бўлиши учун эса албатта ўртада “консенсус” керак. “Консенсус” бўлиши учун эса доимий мулоқот ва маслаҳат лозим. Маслаҳат бўлиши учун эса гоҳида бир ерда тўпланиб турилиши шарт. Бир ерда тўпланиш учун эса ташкилотчилик ва маблағ зарур. Ўзбек мухолифатида айтинг, шуларни қайси бири бор? Мухолифатнинг маслаҳат тарзидаги охирги йирик йиғинлари адашмасам 1993 йилда бўлиб ўтганди. Ундан кейин мухолифат маслаҳат қилиш имкониятидан бутунлай ажралди ва “хўжа кўрсинга” фаолият кўрсата бошлади. Каримов мухолифатни ана шу даражада шол қилишга эришди. Натижада дунё бўйлаб парчаланиб ва сочилиб кетган мухолифат ҳар ерда 3-4 киши тўпланиб, ўзларича ҳар хил йиғинлар, “қурултой” ёки “пленум” ўтказишга тушиб кетди. Бундай йиғилишларни бирортасида табиийки квоорум йўқ. Шу сабабли бундай йиғилишларда чиқариладиган баёнотлар ҳам қурбсиздир. Шу тарзда ўзбек мухолифати ножиддий ва кулгили бир ташкилотга айланниб борди ва бормоқда. Ножиддий ташкилотларга эса ҳеч ким, ҳеч қачон ёрдам бермайди. Ўзбек мухолифати ўз ишларига жиҳдий бир тарзда қарашга қайтиб, қилиб юрган соҳтакорликларини йиғиштирмас экан ҳеч нарсага эриша олмайди. Айтган ушбу аччик гапларимни сафдошларимиз тўғри қабул қиласидар деб ўйлайман.

Агар ютуқлар ҳақида гапирадиган бўлсам, ўзбек мухолифатини энг катта ютуғи – шунча таъқиб ва қийноқларга қарамай унинг мавжудлигидир. Ислом Каримов режими қанча уринмасин ўзбек мухолифатини қириб тугата олмади. У тирик ва ҳали жуда кўп эзгу ишлар қилишга қодир.

**Ю.Р.: -Каримов ҳукуматининг мухолифатга қарши аёвсиз кураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқлайди?**

Н.С.: -Бирор мамлакат ҳукумати ўз “рақиб”лари билан Ислом Каримовчалик ноҳалол курашмади. У “ғояга қарши ғоя билан” курашаман деган эсада, аслида энг жирканч усулларни ўз рақибларига қўллаб келди. Ўзгача фикрловчиларни уйларига қурол-яроғ, наркотик модда ва варақалар ташлаб қўйиб қамашлар дунёning энг қолоқ мамлакатларида ҳам қўлланилмайди. Ўзбекистон судьяларидек безбет судьялар дунёning бирор бир мамлакатида йўқ. Бизнинг судьяларга ҳақлигингни ҳатто миллион марта исботлаб, далиллаб берсанг ҳам “юқорини топшириғи” деб нақд 20 йилга қамаб юбораверади. Улар на Худодан, на вижданнинг азобидан қўрқадилар. Ўзбекистондаги диктатуранинг энг разил қилмиши – миллатнинг энг фаол, энг ўқимишли ва айнан соғлом насл берадиган ёшдаги ёшларга қаратилганлигига бўлди. Бу ёшлар орасида адашганлар ҳам анчагина албатта. Аммо уларга қарши қўлланилган кураш услуби ўзини сира оқламади. Руслардаги “Зло пораждает зло” деган мақол ўзбек жамиятига мос бўлиб қолди. Натижада одамлар демократик кураш усулларига ишонмай, жамият баттар радикаллашиб кетди... Афсус...

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатининг хорижеда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқлайдими? Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

Н.С.: -Ҳеч бир мамлакатда ички тузимни ўзгартириш учун четдан туриб курашиш самара берган эмас. Четда юриб тажриба орттириш мумкинdir, четдан туриб ичкарига ёрдам қилиб туриш мумкинdir, аммо четдан туриб ичкаридаги сиёсий курашда бевосита иштирок этиш ва уни ташкиллаштириш мумкин эмас. Ўзбек мухолифатида четга чиқиб кетмасдан, ичкарида қолиб курашиш имконияти бир пайтлар оз бўлсада бўлганди. 1990 йили сайланган

Ўзбекистон Олий Кенгашида кучли демократик фракция шаклланган эди. Ўша фракцияни нима бўлмасин асраб қолиш чораларини ҳеч ким ўйлаб кўрмаган экан ўшанда. Бизлар “одамлар факат КУЧга эргашади” деган оддий бир ақида ҳақида ўйлаб кўрмабмиз чамамда. Нима бўлмасин парламентда қолишни ва ўша ердан туриб, имкон даражасида энг охиригача курашишни ўйлашимиз керак экан назаримда. Айрим биродарларимизнинг “парламент мандатни отиб кетадиган жой эмас, у ерда энг охиригача курашилади, керак бўлса муштлашилади” деган нарсани тушиниб етмаганилиги умумий ишларимизга жуда катта салбий таъсир қилди. Биз халқ кўз ўнгидага ўз курбимизни йўқота бордик ва жамият бизни кучсизлана бораётганимизни илғади. Ўз диктатурасини ўрнатишни режалаштириб юрган рақибга бу нарса жуда қўл келди ва у янада ваҳшийлашди.

“Хориждаги фаоллашув” деган нарсани мен тушинмайман. Ким, қаерда, нима қилиб фаоллашибди? Швециянинг бир шаҳарчасида 4-5 кишининг плакат кўтариб бир - икки кун туриб бериши Ўзбекистондаги диктатурага қандай зарба бера олиши мумкин? Ёки бирор бир ташкилий структурага эга бўлмаган “армияси йўқ генераллар”ни “бир ерда тўпландик” деб баёнот бериши фаоллашувми? Ўша биродарларимиз биздан хафа бўлмасину, бирлашишдан олдин “нормал ташкилот”га айланиб, кучни йиғиб олиш керак эди чамамда. Шу ишлар билан муҳолифатни иши қанийди юришиб кетса...?

**Ю.Р.: -Бугун мухолифатни бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришига урунмоқда. Дунёвий мухолифатни исломлашиши мамлакат ва халқимиз келажагига қандай таъсир этиши мумкин?**

Н.С.: -Мен бир пайтлар Бухорода машхур бўлиб яшаб ўтган “Мулло Сайид” деган одамнинг неварасиман. Бобом ўз замонасининг илғор кишиларидан эди. Аммо отам Абдулло Сайид динни эл қатори билар эдилар холос. Бобом худосизлар тузуми даврида яккаю-ягона ўғлини диндорликда айбланиб қолишидан қўрқкан бўлса керак, ўғлини фақат диний тарбия олиш йўналишига зўрламаган кўринади. Биз, ўн ака-укани отамиз шу туфайли дунёвий институтларда ўқитди ва дунёвий тарбия берди. Шу боис мен традицион ислом тарбияси мухитида ўсганман дея оламан холос. Мен ҳам кўпчилик қатори ота - боболаримиз тутган диний йўлда яашни истайман. Ўта радикаллашган диний оқимларни, айниқса белида “камар” боғлаб, бегуноҳ одамлар орасида ўзини портлатишга тайёр юрганларни ёқтирамайман. Динимиз дунё бўйлаб янада кенгроқ ёйилаётганидан, одамларимиз яна ибодатга қайтаётганидан ва динимиз айрим бидъатий урф –одатлардан тозаланаётганидан бир мусулмон сифатида мен ҳам хурсандман. Шунинг билан бир қаторда диндошларимга нисбатан бўладиган ҳар бир зуғумдан менинг ҳам дилим ранжийди.

“Дунёвий мухолифатнинг исломлашуви” деган гапдан бир фожеа яратишга уринмаслик керак. “Исломлашув”нинг қайсиdir маънода бўлиши, мен юқорида айтганимдек тарихий заруратdir. “Исломлашув” ҳозир ҳар жабҳада, ҳамма ерда бормоқда. Мен Бишкеқда яшаганимда ҳукumat одамлари ва бир қанча таниқли шахсларни масjidга, номозга қатнай бошлаганини кузатганман. Ҳозир Қозоғистон, Қирғизистон ва ҳатто Туркманистонга борсангиз ҳам кўплаб амалдорлар ва ҳатто миршаблар ҳам масжидларга бормоқда. Буни нимаси ёмон экан? Ким айтди демократик мухолифат дегани динсиз одамлардан иборат деб? Алҳамдулилаҳ ҳаммамиз мусулмонмиз. Аммо ҳар кимни ибодати ва амали ўзига, ўзини савол-жавоби учун керак. Биз бугунгидан кўра эркинроқ, бугунгидан кўра бойроқ яшшимиз йўлида бир халқ, бир юрт фарзандлари сифатида умумий иш учун бамаслаҳат ишлашимиз керак.

**Ю.Р.: -Халқимиз қарийб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан бехабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичида янги мухолифат пайдо бўлишига қандайdir сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини тақороламаслигини истардингиз?**

Н.С.: -Сўзимни бошида айтиб ўтганимдек, мухолифат ҳамма вақт бор. Ҳозир ҳам Ўзбекистон ичида кучли мухолифат бор. Фақат амал йўқ. Ҳамма қўрқади, ҳамма ниманидир кутиб яшаяпти. Давлат структураси ичида ишлайдиганлар орасида ҳам мухолифат бугун олдингига нисбатан анча кучлироқ. Агар ҳозир Ўзбекистонда вазият сал юмшаб, сиёсий курашга умид пайдо бўлса борми, ўнлаб мухолиф партиялар тузилиб кетади бирдан. Менимча эндиғи янги мухолифат ана ўша кучлар ичидан, бошқа мамлакатларда бўлгани сингари давлат тизимида тажриба орттирганлар орасидан чиқса керак. Аслида бизга ҳам ана ўшанақа хар томонлама қудратли мухолифат керак. Хуллас чет элдаги ошналар ўзаро жанжалларингиз ўзларингизга қолади. Ундан кўра эртага Ватанга қайтганда салом –аликка ўрин қолдириб қўйсаларинг яхши бўларди.

**Ю.Р.: -Сизнингча, ўзбек мухолифатини бугун амалга ошириши зарур бўлган мухим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**


Н.С.: -Бугун чет элларда юрган мухолифатнинг зиммасида фақат битта юмуш бор: Ўзбекистондаги диктатура тузуми кирдикорларини тинмай фош қилиш ва шу орқали ўша режим қулашини тезлаштириш. Бошқа ишлар билан шуғулланиш бефойдадир.

**Ю.Р.: -Сиз ўз ҳаётингизни кўп қисмини мухолифатга бағишлаганингиздан мамнунмисиз ёки афсусдаминосиз?**

Н.С.: -Бу савол жуда жўн савол. Ислом Каримов эртага ўз тахтидан қуласа, у ҳам бўлажак янги ҳукуматга нисбатан мухолифатчига айланиб қолиши мумкин. Буни ҳаёт дейдилар, мен ҳаётимни ҳеч кимга ва ҳеч нарсага бағишлаганим йўқ. Мен қалбим буорганидай яшашга уриндим. Қалб эса инсонни алдамайди.

\*\*\*\*

## **Исмоил Дадажонов: “Қўлимиздан келгани шу экан...”**



**Исмоил Дадажонов - таникли мухолифатчи, “Бирлик” халқ ҳаракати партияси раиси ўринбосари, Швеция.**

**Юсуф Расул: -Ўзбекистондаги мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?**

**Исмоил Дадажонов:** -Ўзларини ривожланган мамлакатлар қаторида кўраётган баъзи давлатларнинг сиёсатдонлари “ўзбеклар демократиядан бехабар”, деб қилаётган даъволарини инкор қилиб, уларга 1918 йилги Кўкон Мухторияти республикасини эслатиб ўтмоқчиман. Баттол Лениннинг ёлғон ваъдаларига ишонган соддадил ўзбеклар ўшанда Мустақил Туркистон республикаси тузганликларини эълон қилган эдилар.

**Ю.Р.:** -Ўзбек мухолифатининг пайдо бўлиши ва шаклланиши жараёнини 1989 йилда “Бирлик” ҳаракати ташкил топиши билан боғлайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларнинг пайдо бўлишии сабаблари нималар билан боғлиқ эди?

И.Д.: -1987 йил бошларида Совет империяси ҳукмронлик қилиб турган бир пайтда яна Кўконда “Одамийлик ва инсонпарварлик” уюшмаси тузилди. Бу уюшма 5 йил мобайнида фаолият қилиб жамиятда адолат ўрнатишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшди. Ўзбек тилига давлат мақомини бериш, бир неча кимёвий заводларни ёпиш ва экалогик муоммоларни ҳал қилишда жонбозлик кўрсатишиди. Уюшма Ўзбекистон Олий Советига ўз номзодини кўрсатди ва сайловда галиб чиқди.

Олий Советга депутат бўлиб сайланган Садирали Умаров ўз муддати тугагандан кейин ҳам ҳалқ манфаати йўлида кўп ишлар қилишга улгурди.

Каримовнинг репрессив машинасининг биринчи қурбони “Одамийлик ва Инсонпарварлик” жамияти бўлди. Жамият раҳбари ва 15 аъзоси қамоққа ташланди. Жамият раиси Қахрамон Хамидов хибсонада қийноқларга солинди ва ўша ерда вафот этди. Ҳозирги кунгача Хамидовлар оиласи куч ишлатар тизимлари тақиби остида яшамоқда.

Демак, “Бирлик” Халқ Ҳаракати билан бир қаторда бошқа кучлар ҳам Ўзбекистонда илк демократик ҳаракат асосчилари дирлар,

**Ю.Р.: -90 -йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифати мамлакат ва ҳалқ учун асосан қандай қўзга кўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга ошириди?**

И.Д.: - 90 йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифатининг кўзга кўринган ишларидан

бири ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишига эришганидир. Тилимизга давлат тили мақоми берилиши халқимизни умидлантириди, бирлашиб маълум мақсадлар сари бориш мумкинлигига ишонч пайдо қилди.

**Ю.Р.: -Сизнингча ўзбек мухолифатининг ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди - мухолифат нималарга эришиди-ю, нималарни бой берди?**

И.Д.: -Ўша пайтларда “Бирлик” сафларида жуда ҳам ҳурматли ва машҳур инсонлар бор эди. Гўёки бугун эрта ҳокимият “Бирлик” қўлига ўтадигандек кўриниб қолган эди. Эришилган ютуқлардан ҳаволаниб кетган лидерлар кетма - кет ҳатоларга йўл қўя бошладилар. Ҳозир жуда қўп манбаъларда мухолифатни бўунишида “Эрк”чилар айбдор деб айтишади. Бўлса бордир. Лекин бўуниши мухитини яратганлар ўша пайтдаги ҳаракат лидерлари десак адолатдан бўлар эди..

Мухолифатни бўуниб кетишига сабаб бўлган ўша пайтни раҳбарлари ҳали ҳам доҳийликка даъво қилиб юришибди. Улар жуда яхши билишади даврлари ўтганини, лекин ўзларини борликларини кўрсатишга ҳаракат қилишади. Ҳаракат қилганда ҳам энг ифлос усувлар билан.

Нимагадир мухолифат ичida қўрқув бор. Куни кеча бир биродаримиз Ўзбекистон махфий хизматлари “Бирдамлик” ташкилотини Европадаги аъзоларини рўйхатини олишга ҳаракат қилаётганини ёзди. Ватандаку майли энди ватандан минглаб километр жойга келиб олиб ўзини мухолифатчи эканлигини яшириб қўрқиб юрганларга қойил. Нима қиласиз бунчалик қўрқсангиз мухолифатга қўшилиб. Мухолифатга бугун Юсуф Жумадек, Мўътабар Тожибоевадек мардлар керак. Агар биз қўрқувимизни билдирсак қолганлар нима қилсин?

Шоир айтганидек:

Ҳали кетгани йўқ қўрқув, таҳлика,  
Ҳали қутилмади қафасдан ишонч.  
Шубҳа - қора кўнгил, ағёр малика,  
Гумон - дил ўйгучи занглаған омоч.

Агар ҳатоларимиз булмаганда биз ҳозир хорижларда сарсон булиб юрмаган бўлар эдик.

Албатта иш бор жойда хато ҳам бўлади. Лекин баъзи ҳатолар борки уларга йўл қўймаслик мумкин. Бунинг учун нафсга жиҳод қилиш керак эди. Фақат мен Подшоҳ бўлсамгина курашаман, деб кўкрагига ураётганлар миллат учун ўта ҳатарликдирлар. Эй, номард, сен подшоҳ бўлишни хоҳлашингни ўзи кифоя эмас, ҳалқ ҳам сени хоҳлаши керак, деб бақиргим келади.

Мендан илгари чиқиши қилган Тулқинжонни бирлашиш тўғрисида уйламасликка даъватига қўшилмайман.

Биз Украинада гувоҳ бўлдик. Кучма режимини ағдариш учун қўп гина - кудуратлар унуптилди. Кўчмага ўзини мухолиф билганлар бирлашдилар ва куч бўлиб шаклландилар. Уларни куч эканлигини кўрган Ғарб дунёси қўллади. 90 йиллар ҳатоларидан хулоса чиқариб курашни давом эттирабериш керак эди. Афсуски хато қилганлар ҳатоларини тан олгилари келмади. Қолганлар эса унуптишни билмади.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатининг хорижеда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқлайдими? Хорижедаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

И.Д.: -Шу ўринда мен сафдошим Васила Иноятованинг ватандан чиқиб кетганлар ҳакида айтган фикрларига ўз мулоҳазаларимни билдирамоқчиман. Ҳа, мен ватанни ташлаб чиқиб кетдим. Бунинг сабабларини аксарият сафдошларим билишади. Лекин ҳар сафар ватандаги

биродарларим билан гаплашганда улардан кечирим сурайман. Бугун дунёда 47 миллион қочоқ бор экан. Демак, бизгача ҳам, биздан кейин ҳам бўлар экан.

Ватанни ташлаб чиқиш осон бўлмаган бизларга ва ҳар қуни ватанга қайтиш орзуси билан яшаймиз. Тўғри, ичимида ҳозир яшаётган мамлакат фуқоролигини олишга тайёр турганлар бор. Бундайларга ватанга қайтиш тўғрисида гапирсангиз том бўйи сакраб олишади. Оллоҳга шукрим бундайлар гурунч курмагидек оз. Ана шуларга инсоф берсин.

Хорижда ҳам курашса бўладими, деган саволингизга жавобим - курашса бўлади. Фақат ўзаро келишиб ҳаракат қилсакгина. Буни мен Украина тажрибасида кўрганман. Мисол учун ҳозир Европа Иттифоқини бошқариш шведларни қўлида. Агар бир ёқадан бош чиқариб Стокхолмда Шведсия ҳукуматини Юсуф Жума, Санжар Умаров ва бошқаларни озод қилишга даъват қилсак бирор бир натижа бўлиши мумкин. Фақат астойдил кўрқмасдан, тибетликлардек жон- жаҳдимиз билан ҳаракат қилсак. Бунинг учун ўзаро келишмовчиликларга барҳам бериш керак. Ватанни 15 йил - 20 йил олдин тарк этган даҳолар бош бўлишса...

**Ю.Р.: -Каримов ҳукуматининг муҳолифатга қарши аёвсиз кураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқлади?**

И.Д.: -Ислом Каримовнинг муҳолифат билан курашаётгани табиий ҳол деб ўйлайман. Салтанат қанчалик ширинлиги ва ундан ажralмаслик учун ҳар қандай жиноятга қўл уришини ҳам исбот қилишга зарурат йўқ. Фақат ўзбекларда бир мақол бор - зўрдан зўр чиқса, деган. Биз ундан кучлироқ, ақллироқ бўлишимиз керак, ана шунда ғолиб чиқамиз.

**Ю.Р.: -Бугун муҳолифатнинг бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришига урунмоқда. Дунёвий муҳолифатни исломлашиши мамлакат ва халқимиз келажагига қандай таъсири этиши мумкин?**

И.Д.: -Муҳолифатни исломлашуви деган савол нотўғри тузилган. Чунки муҳолифат исломлашуви деганда “Ислом уйғониш партияси” ёки “Ҳизб ут таҳrir” партияларини тушунаман. Ҳозирги ҳолатда эса эътиқодли одамлар муҳолифат сафларига қўшилмоқчи экан, буни қутлаш керак.

Ислом бу - ўзи буюк сиёsat, у ҳеч қачон дунёвий партиялар билан уйғунлашиб кетмайди, чунки ислом ҳар қандай сиёсий партиялардан юқоридир.

Оллоҳни таниган инсон ҳеч қачон ёмонлик қилмайди, ғийбат ва бўхтонлардан узоқ юради. Агар кимки мусулмончиликка даъво қилиб туриб юқорида айтилган гунохга йўл қўйса, у даъвогарлигича қолади ва албатта жазо олиши муқаррардир. Бугун дунёнинг Оллоҳ ҳаром қилган нарсаларидан ўzlарини тия олмаганларгина муҳолифатга тақволи кишиларни қўшилишларидан кўрқишиади. Улар исломни террор билан боғлашга ҳаракат қилишиади. Мисол тариқасида, шу кунларда Хитойда бўлаётган тўполонларда яна мусулмонларни айбор қилиб кўрсатишига ҳаракат қилишмоқда. Бу тўполонларни бошланишига икки уйғур миллатига мансуб мусулмон йигитларни ўлдирилиши сабаб бўлгани тўғрисида лом - лим дейилмайди. Яна бир мисол: Атом энергиясидан тинч йўлда фойдаланаман деб тадқиқотлар олиб бораётган Эронни шу буғуноқ ер юзидан супуриб ташлашга тайёр турган зўровон мамлакатлар бутун араб дунёсини қақшатаётган Истроил давлати аллақачонлар атом бомбасига ноқонуний эга бўлганлиги ҳакида сукутдалар.

Демократик жамиятнинг қанчалик афзалликлари бўлмасин биз ватанимизга уни тўла -тўқис олиб бора олмаймиз. Демократияни тўлалигича халқимиз ҳеч қачон қабул қилмайди. Чунки, европаликлар учун оддий бир ҳол бўлган нарсалар биз учун мутлақо ётдир. Эркакни эркак билан, аёлни аёл билан никоҳи ёки бесоқолларни жамиятда ҳамма билан teng ўрин олишини биз ҳеч қачон қабул қила олмаймиз.

Бугун Ўзбекистонда халифалик ёки ислом давлати қуриш мумкин эмас. Бундан кўрқмасаларинг ҳам бўлади. Лекин 100 йиллардан кейин жамиятда исломий қонунларга амал

қилиб яшашга эҳтиёж туғилиб қолса ва сайловларда исломий партиялар ғолиб келса, унда нима қилиш керак? Сайловларни бузиб қайтадан сайловлар белгилаймизми ёки демократик принципларимизга содиқ қоламизми?

Бугун мусулмонларни мухолифатга яқинлаштирмаслик диндорларни радикаллашувига олиб келади. Мухолифатчи булиш учун номоз ўқимаслик, такво қиласлик керак демаганларингга ҳам раҳмат.

Сафларимиз ҳамма учун очиқ бўлиши керак. У ёғига кимнинг ғояси кучли бўлса халқ ўша томонга овоз беради. Сиёсий майдонни хусусийлаштириб олишга хеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Ю.Р.: -Халқимиз қарийб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан беҳабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичida янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини тақрорламаслигини истардингиз?**

И.Д.: -Халқимиз мухолифат фаолиятидан бутунлай беҳабар эмас. Жуда қўпчилик ватандошларимиз четда юрган мухолифат нималар билан машғуллигидан хабардор. Кўплар умид - ишончларини оклай олмаган мухолифатдан умидларини узганлар. Бугун бўлмаса эртага ёшлар сиёсий майдонга келадилар, деб ишонаман. Умид қиласланки улар бизни йўл қўйган хатоларимизни тақрорлашмайди. Бизни йўл қўйган асосий хатоимиз - ғоя атрофида бирлашиш ўрнига шахслар атрофида ўралашиб қолганимиздир.

**Ю.Р.: -Сизнингча, ўзбек мухолифатининг бугун амалга ошириши зарур бўлган муҳим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**

И.Д.: -Ўзбек мухолифатининг бугунги қилиши керак бўлган иши - ёшларга йўл бериши керак. Ёшларимиз биздан кўра хушёроқ, ақлироқ ва покизароқдирлар.

**Ю.Р.: -Сиз ўз ҳаётингизни кўп қисмини мухолифатга бағишлаганингиздан мамнунмисиз ёки афсусдаминосиз?**

И.Д.: -Ўтган давр ичida кўп нарса йўқотдик ва эвазига жуда кам нарсага эришдик. Кўлимиздан келгани шу экан, тақдирга тан берамиз-да. Яратгандан қўллашини сўраймиз.

\*\*\*\*

## **Самад Мурод: “Вақт ўтиб йўл қўйилган хатоларнинг асл моҳияти ойдинлашди”**



**Самад Мурод - “Эрк” демократик партиясининг Ўзбекистондаги иккинчи қаноти раиси, мухолифат фаоли .**

**Кисқача ўзим ҳақимда:** Самад Мурод. Қашқадарёликман. 1988 йил баҳорида бир гурух маслакдош дўстлар бирлашиб, “ЭРК” жамияти номли уюшма туздик. Мақсадимиз: олдинига вилоятда, регионда ва марказда бошқарув ричагларини қўлга киритиш; Буюк учлик: Куч + Пул = Ҳокимиёт тугаллигига эришгач, миллий озодлик ҳаракатини бошлашдан иборат эди.

Турли соҳаларга мансуб, юзга яқин нисбатан ёш, ўқимишли ва қобилиятли йигитларни аввалига шахсий дўстлик муносабатлари бирлаштирган бўлса, кейинчалик фоя ва маслак муштараклиги сабит сиёсий платформага айлантириди. Биз ҳозир ҳам биргамиз.

1990 йил бошида “Эрк” демократик партияси дастури билан танишдик ва қўшилишга қарор қилдик. “Эрк” жамияти партиянинг вилоят бўлимига айланди.

Партияning 1993 йил кузидаги бўлиб ўтган 1V Съезд мени партия Марказий Кенгаши Бош котиблигига, 2003 йил баҳорида бўлиб ўтган V Съезд эса партия раисилигига сайлади.

**Юсуф Расул: -Ўзбекистондаги мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?**

Самад Мурод: -Мухолифатчилик, бу кучлар орасидаги рақобат, ҳақ-ҳуқуқ талashi: истилочига нисбатан, бошқарув тизимиға, ҳукуматга, шахсга ва ҳокозо. Савол аслида инсоният тарихи ҳақидадир.

Маълумки, ўзбеклар жаҳондаги энг қадимий давлатчилик тарихига эга бўлган халқdir. Биз бу ҳақиқатни биламиз ва фахрланамиз. Истибодд қаддини букиб ташлаган халқ ростланиши учун у таъсис этган давлат сувирен бўлмоғи шарт. Бу миллат учун ҳаёт-момот масаласидир.

Истибоддага қарши мухолифатни миллат қалбида чўғланиб турган эрк иштиёқи майдонга чиқарди.

Руслар истилоси бошланган кундан то советлар империяси қулаб тушган кунгача халқ қўлидан келганча ўз эрки учун курашди десак, тўғри бўлмас. Коммунистлар “босмачилик” деб номлаган партизанлик кураши тутатилгач, халқ иродаси синди. Биз то 89-йилгача эркни кумсаб, орзу қилиб яшадик. Буям ҳаракат, аммо, бу мажолисиз ҳаракатда фахрланишга арзигулик лавҳалар жуда кам.

Совет даврида қатағонга учраган зиёлилар ҳақида гапириш, кўз ёш тўкиш одат тусига кирган. Аммо, уларнинг аксарияти тузимга қарши ошкора курашгани учунмас, балки истибоддни хуррият тарзида етарлича мадҳ этмагани, ёки мадҳларидағи самимиятга шубҳа пайдо бўлгани учун шу кўйга тушдилар.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатининг пайдо бўлиши ва шаклланиши жараёнини 1989 йилда**

**“Бирлик” ҳаракати ташкил топиши билан бөглайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларни пайдо бўлиши сабаблари нималар билан боғлиқ эди?**

С.М.: -Болтиқ бўйи республикалари ажралиб чиқкан 89-йилда совет ҳукумати “Прага баҳори”ни такрорлашга журъат этолмади. Бу ҳол унинг яшаш учун тарихдан юлиб олган лимити тугаганини фош этиб ташлади.

Ошкора бошланган бу ҳаракат барча республикалар қатори Ўзбекистонда ҳам бошланди. Миллат зиёлиларининг энг илғор қисми озодлик туғини баралла кўтариб кураш майдонига чиқди ва “Бирлик” халқ ҳаракатини таъсис этди. “Бирлик” ҳақиқатдан ҳам озодлик учун тузилган биринчи оммавий сиёсий ташкилот эди ва у ўз ғояси, шиорларида умуммиллат манфаатларини ифодалай олди.

Ташкилотчилар орасида юзага келган лидерлик учун рақобат Ҳаракат ичидаги фракциянинг шаклланишига, кўп ўтмай фракциялардан бирининг уюшган сиёсий куч сифатида ажралиб чиқишига сабаб бўлди. “ЭРК” демократик партияси шу тарзда сиёсий кураш майдонига кириб келди.

**Ю.Р.: -90 -йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифати мамлакат ва халқ учун асосан қандай кўзга кўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга оширди?**

С.М.: -Миллий озодлик курашини бошлади; халқ қалбида Ўзбекистон мустақиллигига маънавий асос яратиб берди; давлат мустақиллиги учун курашиши, уни мудом ҳимоя қилиш лозимлигини кўрсатиб берди.

**Ю.Р.: -Сизнингча ўзбек мухолифатининг ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди - мухолифат нималарга эришиди-ю, нималарни бой берди?**

С.М.: -Шахс сифатидаги қисматим “ЭРК” партияси қисмати билан чамбарчас боғлиқ. Демак, жавоб ҳам, асосан “ЭРК” йўли ҳақида бўлади.

“ЭРК” расмий мақом билан «фаол курашаётган» партиялар каби компартия оиласига мансуб эмас. Унинг дунёга келиши ҳам у ёки бу шахснинг номи билан боғлиқ эмас. Сиёсий партия миллий бўлиши мумкин, аммо, хусусий бўлмайди. Халқнинг истибодони итқитиб ташлаш ва миллий давлат мустақиллигига эришиш ҳақидаги орзуси “ЭРК”нинг туғилишига сабаб бўлди. Мустақиллик учун бошланган кураш авжга чиқкан 91-йилнинг баҳорида бўлиб ўтган бир сухбат чоғида Мухаммад Солиҳ “Мустақилликка эришгач, партия нима қилади?” деган саволга ”ЭРК” сиёсий партия сифатида ўз миссиясини тутатади”. деб жавоб берганди.

Афтидан амалдаги ҳукумат ҳам айнан шундай фикрда бўлган. Бироқ, мустақиллик қарор топгач, “ЭРК” ўз миссиясини тутатмади, балки, “Демократияга асосланган фуқаролик жамияти барпо этиш учун” шижаот билан курашга кирди. Етарлича сиёсий капитал жамғарib олган партия учун бу табиий бир ҳол эди.

«ЭРК»нинг сиёсат майдонидан сиқиб чиқарилишига шу ўгайлик қисмати, шиор алмашуви ва ташкилотчиларнинг тажрибасизлиги сабаб бўлди.

«ЭРК» ҳали сиёсий партия сифатида шаклланиб улгурмай, мамлакатда “Буюк учлик”: Куч + Пул = Хокимиётни тўлалигича тутиб турган компартия уни фаолият эркинлигидан маҳрум этиб, ўзининг коммунистик моҳиятини, бошқарувнинг мухолифат иштирокидаги чинакам демократик шаклига тоқат қила олмаслигини намоён этди.

Маълумки конструктив сиёсий рақобат фуқаролик жамиятининг асосий яшаш усулидир «ЭРК» 1991 йилда расмий сиёсий партия сифатида адлия рўйхатидан ўтган, парламент ва президентлик сайловларида конструктив мухолифат тарзида қатнашиб, ўзининг сиёсий солиҳияти ва демократик моҳиятини намоён қилди. Эришилган натижалар партиянинг якин келажакда етук сиёсий партияга айланиб, компартия билан жиддий рақобатга киришиш

мумкинлигини кўрсатди.

«ЭРК»ни конструктив мухолифат сифатида бошқарувга олиб кириш максадида хукумат тақлиф этган бир нечта вазирлик портфеллари ҳеч бир асоссиз рад этилди. Эмишки: «ЭРК» юз бераётган ижтимоий-сиёсий адолатсизликлар жараёнида амалдаги режимга шерик бўйласлиги керак. Ўзи ҳокимият тепасига келгач, бу истибодога бархам беради». (Раиснинг сўзларидан). Бу 1- хато эди.

91- йилда мавж урган демократик кўтарилиш фаслида Олий мажлисда демократик мухолифат вакилларидан иборат фракция пайдо бўлди. Унинг хайриҳоҳлари ҳалқ орасида, ҳатто, коммунистлардан иборат парламентда ҳам кундан кун орта борди.

Яқин келажақда ўзбек ҳалқига чинакам фуқаролик жамияти тухфа этиши мумкин бўлган бу фракциянинг умрига ҳам ушбу ҳавои делетантлик зомин бўлди. Фракция аъзолари «ЭРК» раисининг даъвати билан депутатлик мандатларини намойишкорона ташлаб чиқдилар. Бу 2— хато эди.

Мазкур қадам «Бу ҳодисадан бутун ўзбек ҳалқи жунбушга келади ва хукуматни истефога кетишига мажбур этади» деган ўта ҳом бир мўлжал билан ташланди. Аммо, хукумат бу воқеани вақтида тузатилган англашилмовчилик сифатида қабул қилди ва анча енгил тортди.

Ҳокимиятга элтадиган барча конструктив йўллар бекилгач, курашнинг радикал сўқмоғидан биринчи қадам ташланди. Бу совуқ эврилиш сиёсий мухолифатдаги барча гурухлар иштирокида «Миллий мажлис» тузиш ҳаракати билан ифодаланди. Мазкур ҳом-хатала ишланиб, шошилинч тарқатилган лойиҳага кўра «Миллий мажлис» «Бўйсунмаслик» ҳаракатига раҳбарлик қилиши, мабода ҳукумат истеъфосига эришилса, бошқарувни қўлга олиши мўлжал қилинганди. Ушбу сўнги хато мухолифат раҳбарлари энди партиянинг имкониятларидан мамлакатда демократик жамият барпо этиш учун эмас, балки қандай йўл билан бўлса ҳам ҳокимиятни эгаллашда фойдаланишга уринаётганини кўрсатди. Бу 3- хато эди.

Собиқ коммунистлар ниятларига етди: «ЭРК» конструктив мухолифат сифатида қўлга киритган сиёсий позицияларини бирин-кетин бой бериб бўлди. Пойтахтда ва регионларда иш олиб бораётган таникли ташкилотчилар муттасил тазиик остига тушиб қолишли.

Раис партияни ушбу сиёсий тузоққа тўла тушириб бўлгач, «жабрдийда қаҳрамон» сифатида хорижга қочди ва ўз хавфсизлигига тўла амин бўлгач, «Яқинда ижтимоий портглаш бўлиб, мавжуд режим ағдарилиши; бошқарув муқаррар тарзда «ЭРК» қўлига ўтиши» ҳақида жанговор наъралар торта бошладики, бу асоссиз, ҳом гапларга жон деб «ишионган» хавфсизлик органлари мамлакатда иш олиб бораётган партияга қарши ашаддий қатағон сиёсатига ўтди.

1993 йилнинг 28 сентябрида менга «Хавфсизлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, “ЭРК” демократик партияси фаолиятини вақтинча тўхтатиши» ҳақидаги Олий суд қарори расман тақдим этилди.

Орадан беш кун ўтиб, Қаршидан Тошкентга қайтиш чоғида “Номаълум шахслар” менга нисбатан ваҳшиёна суиқасд уюштириб, чалажон ҳолда Чироқчи тумани худудидаги даштга ташлаб кетишли.

Анқарада қувғиндаги миллий қаҳрамонлик нашъасини сураётган партия раиси «Партия Марказий Кенгаши бош котиби Самад Мурод ўласи қилиб калтакланди ва шаҳар четидаги ахлатхонага ташлаб кетилди» дея мамнуният билан муносабат билдириди.

Унинг суиқасд моҳиятидан кўра «ахлатхона» сўзига кўпроқ ургу бергани партия раиси билан бош котиб орасида жиддий рақобат борлигини фош қилиб қўйди. Очиги, бу мен учун ҳам ўта кўнгилсиз янгилик бўлди.

Мен 1993 йилнинг октабридан 1994 йилнинг февралигача тўшакка михланиб қолдим. Оёққа

турганимда эса, амалда уй қамоғига маҳкум эканлигимга амин бўлдим. Бу 1997 йил охиригача давом этди.

1993 йилдаёқ МК олдида партия тақдирига дахлдор, «Бундан кейин ЭРК ўз сиёсий фаолиятини қай тарзда давом эттиради?» деган савол кўндаланг бўлди:

Хорижда юрган партия раиси революцион кураш йўлини танлаганини яширмай қўйди. Мен эса, курашнинг демократик усулидан чекиниш партияни муқаррар ҳалокатга олиб боради деб хисоблардим.

Кураш тактикасидаги бу кескин тафовут кейинчалик юз берган ички парокандаликка омил бўлди десак, хато бўлмас.

Сиёсий маҳбус Мурод Жўраев собиқ «ЭРК» раисининг навбатдаги хом хаёлдан иборат «Куч билан ҳокимиётни қўлга олиш» режасининг қурбони бўлди. Бу тўртинчи ва партия учун энг фожеали хато эди.

Мақсад чет элда жанговор тайёргарликдан ўтган (қирқтacha)«Озодлик лашкари»ни мазҳаб йўлида хукуматга қарши ғазот эълон қилган Тохир Йўлдошнинг (элликтacha) қўшини билан бирлаштириб, мавжуд режимни ағдариб ташлашдан иборат эди. Бу моҳияттан демократик «ЭРК»ни сиёсий экстремизм кўchasига бошлаб кириб, жамоатчилик назарида бутунлай бадном этувчи режани МК қатъиян рад этди.

1994 йил кузида йигитларни хорижга жўнатишини ташкил этган Мурод Жўраев гуруҳи устидан суд бошланди. Компания пайти суиқасд туфайли хасталигим ва доимий уй қамоғида бўлганим сабабли менга нисбатан айб эълон қилишнинг имкони йўқ эди

Ушбу суд маҳкамаси ҳалигача партия раиси ва унинг тарафдорлари томонидан қасдан бузиб талқин этилмоқда. Суд олдида асло гурухнинг айбли ёки айбсизлигини исботлаш масаласи тургани йўқ. Чунки, айбанувчилар ўз айбларига тўла иқрор бўлишган, яширадиган ёки фош этиладиган сирнинг ўзи қолмаганди.

Даъвогарнинг мақсади “Қонуний хукуматни куч билан ағдаришга уринган судланувчилар “Эрк” партияси аъзоларидир. Демак, “ЭРК” ўта хавфли экстремистик партиядир” деган ҳукмга эришиш эди. Агар судда бу даъво исботланса, ҳукм нафақат шу саккиз нафар шахс, балки мамлакатдаги барча эркчилар, уларнинг оила аъзолари устидан ўқилиши муқаррар эди.

Ўта қалтис, ўта фожеий дамлар эди. Мен суд жараёнида судланувчилар партиясиз, ёки собиқ коммунистлар эканлигини, улар орасида Д. Исҳоқовадан бошқа «ЭРК» чи йўқлигини амалда исботлашга эришдим.

Мурод Жўраев судда ўзининг “озод демократ”ман, бошқа судланувчилар ҳам бу партияга дахлдор эмас деган кўрсатмасида қатъий туриб бермаганда биз ҳеч нарсага эришолмасдик. Унинг партияга кўрсатган энг катта ва унитилмас хизмати эди бу.

1996 йилда партия фаоли О. Орипов раис билан келишган ҳолда менинг уй қамоғида ўтирганимдан фойдаланиб, Тошкент шахрида кичик бир гурух тузди ва ўзини партиянинг бош котиби деб эълон қилди.

Раис ўзининг наполеонча режаларни шубҳа остига қўя бошлаган ўзбошимча бош котибни, гарчи партия Низомига зид бўлса-да шу тарзда йўлдан олиб ташламоқчи бўлди.

Навбатдаги хато эса О. Орипов орқали партиянинг 2003 йил октябрида иш бошлаган V Съездидан содир этилди. Сепаратчи гурух Съезд залидан 25 нафар собиқ раис гурухини олиб чиқиб кетиб, партиядаги бўлинишни ниҳоясига етказди. Аммо Съезд 73 нафар делегат билан ўз ишини давом эттиради ва партиянинг янги раҳбариятини сайлади.

Тақдир тақозаси билан 90-йиллар бошида «ЭРК»нинг тузилишига раҳбарлик қилган шахслар эндиликда уни бутунлай йўқ қилиб ташлаш учун бор кучларини сарфламоқда. «Нима учун?» деган саволнинг жавоби эса, сўз аввалида айтиб ўтилди.

Тарихда партиявий манфаат йўлида бошини фидо қилган зотлар бўлган, аммо партияни ўз манфаатлари йўлида фидо қилишга уринишни тушунтириб бўлмайди. Бу вос-вослик даражасига кўтарилиган худбинлиқдир.

**Ю.Р.: -Каримов ҳукуматининг мухолифатга қарши аёвсиз кураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқлайди?**

С.М.: -Уни “аёвсиз” деб саволга қисман жавоб бериб ўтилди. Бошқарувни ўз қўлида тутиб туриш иштиёқи талабига “Мақсад воситани оқлайди”. Кураш шакли зўрликка асосланган ҳар қандай сиёсий кучга хос хусусият бу.

“Ғолиблар ҳамиша ҳақ”. Аммо, қачондир ҳукумат таркиби муқаррар ўзгаради ва барча амаллар ўз ажрини олади. Ўша куни “Ботирлар”, “қаҳрамонлар” нақадар кўп бўлиши мумкин.

Якобинчи М. Робъеспернинг “Революцияни фидойилар амалга оширади, хузурини эса, корчалонлар кўради” деган фикрига тўлиқ қўшиламан.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатининг хорижеда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқлайдими? Хорижедаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

С.М.: -Шубҳасиз, агар Ватан ичидаги тарафдорлар билан ҳамнафасликка эришилса, жуда катта ижобий таъсири бор. Аммо, “ЭРК” тимсолида тамомила акасини кўриб турибмиз.

**Ю.Р.: -Халқимиз қарийб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан беҳабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичida янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини тақоррламаслигини истардингиз?**

С.М.: -Халқ мухолифат ҳақида ҳамма нарсани билади. У кузатиб турибди. Шунинг учун ҳам унинг ҳафсаласини пир қилувчи ўйланмаган, хом-хатала баёнотлар ва амаллардан сақланиш керак.

Жиддий мухолифатнинг майдонга чиқиши учун сўз аввалида қайд этилган Буюк учлик: Куч + Пул = Ҳокимият тугаллигига эришган, ғоя атрофида уюшган сиёсий куч керак. Ўзбекистонда ҳам олигархлар етилмоқда. Улар, шубҳасиз, тез орада парламентда ҳам, ҳукумат таркибида ҳам ўз лоббистларига эга бўлади ва авалига иқтисодий, кейинчалик эса сиёсий рақобатга киришади. Бу муқаррар жараён.

**Ю.Р.: -Бугун мухолифатнинг бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришига урунмоқда. Дунёвий мухолифатни исломлашиши мамлакат ва халқимиз келажагига қандай таъсири этиши мумкин?**

С.М.: - Бу партиявий ҳаракат эмас, балки бир ёки бир нечта шахснинг хусусий қароридир. Кимлардир жамоа бўлиб, кимдир ёлғиз ўзи ибодат қилишни хуш кўради. Бу холнинг ўзбек халқи келажагига дахлини кўрмаяпман. Жаноб Солиҳ ростдан ҳам мазҳаб қурашига қўшилган бўлса, ҳали бой бериб улгурмаган сиёсий обрусиниям бой беради.

Исломни жаҳон болалари нигоҳида бебурд қилишга қаратилган мултфилмларнинг соқолли персонажлари қаторига яна биттаси қўшилади, халос. Буниси энди хато эмас, балки ҳалокатдир.

**Ю.Р.: -Сизнингча, ўзбек мухолифатининг бугун амалга ошириши зарур бўлган мухим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**

М.М.: -Биринчи навбатда ҳозир 1991 йил эмас, балки 2009 йил эканлигини; ҳар бир даврнинг ўз менталитети, ўзига хос ишлаб чиқариш муносабатлари, ўз сиёсати ва ўз сиёсий лидерлари мавжудлигини англаб етиш лозим. Ахир, замон алмашуви содир бўлди ва Ўзбекистон янги

бир авлод бошқарувига ўтмоқда. Қаерда ва қачон яшаётганингни англаб етсанггина қандай яшаш кераклигини англаб етасан.

**Ю.Р.: - Сиз ўз ҳаётиңизни кўп қисмини мухолифатга багишлаганингиздан мамнунмисиз ёки афсусдамисиз?**

С.М.: -91- йилги президентлик сайловлари арафасида Солихнинг “Агар ЭРК ҳукумат тепасига келса, сиз ўз ўрнингизни қаерда кўрасиз?” деган саволига “Мен Эрк партиясиға қарши мухолифат сафига ўтаман” деб жавоб берганим ёдимда.

Вақт ўтиб, йўл қўйилган хатоларнинг асл моҳияти ойдинлашди. Аммо, мен уларни содир этишга мажбур эдим. Қисматдан қочиб қутулиб бўлмайди.

\*\*\*\*

## **АбдуМанноб Пўлат: “Мухолиф фикрловчилар доимо бўлган... ”**



**АбдуМанноб Пўлат - таниқли мухолифат фаоли, Марказий Осиё бўйича таҳлилчи, АҚШ.**

АбдуМанноб Пўлат 1988-йилдан миллий-уйғониш, демократик ҳаракат ташаббускорларидан бири. “Бирлик” халқ ҳаракатининг асосчиларидан. 1991-2000 йилларда Ўзбекистон Инсон Хуқуqlari Жамияти асосчиси ва етакчиси. 1992-2003 йиллар - Марказий Осиёда Инсон Хуқуqlari Ахборот Маркази Директори.

2003 йилдан бери Мустақил Таҳлилчи, Консультант ва Таржимон. Америка, Русия, яна бир қанча мамлакатларда Инглиз, Рус ва Ўзбек тилларида нашр этилган Ўзбекистон ва Марказий Осиёда сиёsat, демократия ва инсон хуқуqlari, Американинг минтақадаги ташқи сиёsatи, Ўзбек-Америка муносабатлари ҳақида юздан ортиқ таҳлилий мақолалар, ҳамда 1 китоб ва 3 китобда алоҳида боблар муаллифи.

Америка, собиқ Совет Иттифоқи ва Оврупо мамлакатлари, Хиндистонда ўнлаб университетлар ва тадқиқот марказлари, давлат ва нодавлат ташкилотларида, конференцияларда маъruzalар билан иштирок этган.

1992-йил ёзида “Ўзбекистон Президентини ҳақорат қилиш”да айблангач, Москвага кетишга мажбур бўлган. У ерда Ўзбекистонда инсон хуқуqlari ва сиёsий вазият ҳақида ўндан ортиқ мақолалар чоп этган.

Шу йилнинг декабрида Бишкек шаҳрида Марказий Осиёда Инсон Ҳуқуқлари бўйича йирик халқаро конференция ташкил этган. Конференция тугаши билан, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш тезкор гуруҳи томонидан ўғирланиб, Ўзбекистонга олиб келинган ва қамоққа ташланган. Устига қўйилган “айблар” бутунлай асоссиз эканлиги суд жараённида ошкор бўлишига қарамай, Ўзбекистон Олий Суди томонидан, мамлакат раҳбарини ҳақорат қилишда “айбдор” топилиб, 3 йилга озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган ва афв-амнистияга биноан суд залидан озод қилинган.

1993-йил мартаидан Америка Қушма Штатларида яшайди, 2001-йилдан Америка фуқароси.

1951-йил Декабрида Тошкент шаҳри яқинида туғилган. Ўрта мактабни Олтин Медал билан тутатгач, Тошкент, Ленинград (хозир Санкт Петербург) ва Москва Университетларида таълим олган. Физика-математика фанлари номзоди, 1975-92 йилларда 30 дан ортиқ илмий мақолалари Москва, Минск ва Тошкентда нашр этилган. Уларнинг бир қисми Америка ва Олмонияда Инглиз тилида таржима қилиб, босилган.

1979-93 йиллар Тошкент Давлат (хозир Миллий) Университетида математика факультетида дарс берган ҳамда илмий тадқиқот билан шуғулланган. Бевосита илмий раҳбар сифатида бир фан номзоди тайёрлаган.

Оилали. 3 фарзанди, 3 невараси бор.

**АбдуМанноб Пўлат:** -Саволларга жавоб беришдан олдин бир неча изоҳ:

1. Назаримда, Ўзбек мухолиф манбаларининг ўқувчилари орасида обрў орттириш учун, Ислом Каримов ва унинг ҳукумати, сиёсатини кескин танқид қилиш, гап билан уларнинг “пўстагини қоқиши”, “дабдаласини чиқариш” керак. Ҳамда, бу манбаларнинг кўп ўқувчилари мухолифат арбоблари орасидан ҳам ўзи ёқтиргмаган киши танқид қилинганида кўнгли ором олади шекилли. Лекин, мени мақсадим бошқа - қўлимдан келганича холис, асос билан, ва жиддий таҳлил. Сабоқ чиқариш. Фақат “оқ” ва “қора”, “Демократ” ва “Диктатор”, “Адолат, Ҳақиқат” ва “Зулм” каби сўз ўйинига берилмасликка ҳаракат қиласман. Мени назаримда, хаёт, бўлиб ўтган жараёнлар, ҳозирги вазият ҳам жуда зиддиятли, кўп қиррали ва мураккаб, ҳамда шунинг учун - қизиқарли.

2. Мухолифатнинг 21 йиллик ишлари, ютуқлари ва хатолари, арбоблари ҳақида, кенгрок олганда Ўзбекистоннинг шу даврдаги тарихи ва бугунги куни ҳақида, афсуски, ўта бир томонлама ва юзаки, “аравани куруқ олиб қочувчи” гаплар жуда кўп айтиб ва ёзиб келинаяпти. Баъзан, ёлғон, тұхмат, уйдирмалар ҳам учрайди. Чиқарилаётган сабоқлар ва бугун нима қилмоқ кераклиги ҳақидаги чақириқларнинг ҳам кўпчилиги – афсуски, назаримда, ачинарли хомхаёл.

3. Мен ўз жавобларимда, “Эрк” ҳақида гапирганда, 2-3 гурухга бўлиниб кетган бу партияниң Мұхаммад Солиҳ раҳбарлигидаги бўлгини назарда тутаман. Чунки, “Эрк”нинг бошқа гурухлари фаолияти ҳақида, уларнинг раҳбарлари эркин давлатларда бўлмагани, Ўзбекистон ва чет элларда уларнинг номи жуда кам доирада маълум эканлиги, натижада моддий тарафдан жуда оғир шароитда эканлиги ва баъзи бошқа сабаблар билан, деярли маълумот йўқ.

4. Ҳамда, жавобларимнинг баъзилари жуда узун эканлиги учун узр сўрайман.

**1- савол: - Ўзбекистондаги мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?**

Жавоб: -Давлат сиёсати, жамиятга ё раҳбарларга мухолиф фикрли инсонлар ҳар бир мамлакатда бўлади, Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонда ҳам бўлган. Агар шакланган, фаолияти унча-мунча маълум бўлган мухолифат ва фақат охирги бир ярим аср ҳақида гапирсан, XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон миллий истиқтоли ва юртда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ҳамда дин учун курашган гурух, ташкилот ва арбобларни ёдга олиш зарур. Жумладан, “Дукчи Эшон” ва унинг сафдошлари, ҳамда жадидлар ҳаракатининг

“сиёсий қаноти”. 1917-йил инқилобидан кейин жадидлар ҳаракати иккига бўлинган. Бир қисми коммунистларнинг мустамлака ҳалқларга озодлик, камбағалларга яхши ҳаёт ва илм-маърифатга, тараққиётга йўл очиш каби ваъдаларига ишониб, уларнинг тарафига ўтган. Давримизда анти-коммунизм хукмон бўлишига қарамай, коммунистлар, гарчи жуда кўп қурбонлар ва қийинчилар хисобига бўлса-да, иқтисод, маориф, илм ва фан тараққиёти, ўрта ҳол ва камбағал учун ҳам нисбатан тузук ҳаёт ҳақидаги ваъдаларининг устидан қисман бўлса ҳам чиқишганини эслатиб ўтиш керак. Бундан 20-25 йил аввал, ҳозир кўплар қоралаётган коммунизм даврида, юз минглаб, балки бир неча миллион Ўзбекистонлик, жумладан Советлар даврида етишган ўқимишли кишилар ҳозиргидек чет элларда хор-зор ва мардикор бўлиб юришмас эди. Мамлакатда иш, одатда текинга тузук маълумот, нисбатан тузук тиббий ёрдам олиш имкониятлари мавжуд эди - барча қийинчилклар ва камчиликларга қарамай ўша вактда вазият кўп йўналишларда бугунгидан кўра тузукрок эди.

Коммунистлар тарафига ўтган фаоллар ва арбобларнинг баъзилари шахсий манфаатдан келиб чиқиб, ҳокимият учун бўлган сиёсий курашда қўли баланд келаётганлар, ғолибларлар тарафига ўтган, ёки улар бунга мажбур бўлишган дейиш ҳам мумкин. Бу - табиий жараён: барча юртларда ва ҳар доим шундай бўлиб келган, фақат Ўзбекистонда эмас. Иккинчи қисми - миллатнинг Руслардан мустақиллиги ҳамда дин учун, бой ва қўплаб ўрта ҳолларнинг молк-мулкларини давлат ва камбағаллар фойдасига мусодара қилинишига қарши курашган. Иккала гурух орасида бир-бири тарафига ўтиб кетишлар ҳам учраган. Яъни, муҳолифатчиларнинг баъзилари хукумат тарафига, хукуматдагиларнинг баъзилари - муҳолифатга ўтиши. Охирги 20 йилда ҳам шундай жараёнлар кузатилганидан ажабланиш керак эмас.

Бу муҳолиф гуруҳлар 1930-йилларнинг ўрталарига келиб бостирилгач, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа юртларида, менимча, 1988 йилгача ошкор ва маълум муҳолифат гуруҳи пайдо бўлмаган. Юқорида таъкидлаганимдек, муҳолиф фикрловчилар доим бўлган - жумладан, ўша даврда ҳам. Мен шахсан бир канча шундай кишиларни билар эдим. Лекин, менимча, бу даврда шаклланган ва фаолияти маълум гуруҳлар пайдо бўлмаган.

**2-савол: -Ўзбек муҳолифатининг пайдо бўлиши ва шакланиши жараёнини 1989 йилда “Бирлик” ҳаракати ташкил топиши билан боғлайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда муҳолифат ва муҳолифатдаги сиёсий ҳаракатларнинг пайдо бўлиши сабаблари нималар билан боғлиқ эди?**

Жавоб: -“Бирлик” ҳаракати 1989-йилда эмас, ундан 1 йил олдин - 1988-йилдан бошланган. Бу ташкилот пайдо бўлишининг асосий сабаблари - ҳалқнинг ўз хуқуки, озодлиги, адолат учун интилишларини бир гурух зиёлийлар томонидан ифодалашга уриниш. Бундай интилиш, истак доим бўлган, лекин Совет давлатининг охирги раҳбари Михаил Горбачёв ўша вактда олиб бораётган ошкоралик, ҳалққа эркин фикр айтишга имконият бериш, “қайта қуриш” сиёсатисиз бундай истак янга анча йиллар хом-хаёл бўлиб қолиши мумкин эди.

**3-савол: - 90 -йиллар бошида пайдо бўлган Ўзбек муҳолифати мамлакат ва ҳалқ учун асосан қандай кўзга қўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга ошириди?**

Жавоб: -1980-йиллар охирларида пайдо бўлган Ўзбек муҳолифати ҳалқнинг кўзини очишда катта хизмат қилди, ўз ҳақ-хуқуқини очиқ айтиш, шу максадда уюшиш мумкинлигини кўрсатди. “Бирлик” амалга оширган бошқа кўзга қўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган амалий ишлар орасида кўп минг кишилик тинч намойишлар, Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши учун курашдаги бу ҳалқ ҳаракатининг жуда катта хизмати, ҳаракат нисбатан қисқа вақт ичиди анча оммавий тус олишига эришилганини айтиш зарур.

“Бирлик”нинг ўша даврдаги ижобий ишлари ва ютуқлари орасида биринчи навбатда ва асосан Ўзбек тилининг давлат тили бўлиши учун кураш, оммавий, ўн минглаб кишилар қатнашган намойишлар тилга олинади. Лекин, бу муҳим ишлардан ташқари 1989 ва 1990

йилда “Бирлик” маҳаллалар, мактаб ва бошқа ўқув юртлари, ишхоналарда халқ билан жуда кўп учрашувлар ўтказгани, одамларнинг фикр, ташвиш ва таклиф, орзу-умидларига қулоқ солгани, ҳамда миллий қадриятларимизга хурмат, адолат, озодлик ғояларини кенг оммага ёйишда анча жиддий муваффақиятларга эришгани, сайловлар билан жуда фаол шуғуллангани ҳақида жуда кам гапирилади, деярли гапирилмайди деса ҳам бўлади.

1989-йил баҳорида СССР (Совет-Шўролар Иттифоқи) Халқ Вакиллари-Депутатлари сайлов жараёнида “Бирлик” ташаббуси ва ҳатти-ҳаракати билан Тошкентда ўнлаб иш ва ўқиши жамоаларида, ҳамда сайловчиларнинг яшаш жойларида “худудий” йиғилишлар ўтказилган, ҳаракатнинг 2 номзоди депутатликка кўрсатилган.

Эслатиб ўттай. 1988 йил. Декабр ойининг охирларида собиқ Советлар-Шўролар Иттифоқи тарихида биринчи марта нисбатан эркинроқ умумхалқ сайлови жараёни бошланди. СССР, яъни Союз Советских Социалистических Республик (Рус тилида) – Шўролар (Совет) Социалистик Жумҳурриятлар Иттифоқи Олий қонуни – Конституциясига ўзгартишлар киритилди. 2250 СССР халқ вакили депутати сайланиладиган бўлди, улардан 1500 вакил бевосита Иттифоқ аҳолиси томонидан, қолган 750 вакилни хукумат расмий рўйхатдан ўтказган жамоат ташкилотлари сайлайдиган бўлди.

1500 халқ вакилининг 81-тасини Ўзбекистон сайловчилари танлашлари керак эди: Иттифоқнинг аъзоси (“Иттифоқ”чи Жумҳуррият) сифатида – 32 ва аҳолиси-сайловчилари сонига асосланиб - 38, ва Қора-Қалпок Мухтор Жумҳурриятидан яна 11 вакил.

Сайлов эълон қилинганида, “Бирлик” ошкора фаолият бошлаганига энди 1 ой бўлган эди. Сиёсий фаол ташкилот сифатида, сайловда фаол иштирок этиш учун жиддий ҳаракат бошладик. Ҳаракатнинг кўзга кўринган кишилари тезда маслаҳатлашиб сайловда фаол қатнашиш ва биринчи навбатда 2 номзодни кўрсатиш ҳақида бир фикрга келдик. Номзодларимиз Мухаммад Солиҳ ва АбдуРахим Пўлатов (Пўлат) эди.

Номзод кўрсатиш тартиби жуда мураккаб ва бир неча поғонадан иборат эди. Ҳар бир меҳнат жамоаси ё ўқув муассасаси аъзоларининг ярмидан кўпи иштирокида (ёки вакиллар конференцияси-курултойи-йиғилишида) халқ вакиллигига “номзод бўлиш учун номзод” кўрсатиш мумкин эди. Худди шундай хуқуқ яшаш жойларида камида 500 сайловчининг йиғилишига берилган эди. Биз иккала имкониятдан ҳам иложи борича кенг фойдаланишга киришдик.

Мухаммад Солиҳ ва АбдуРахим Пўлат номзодини кўрсатиш учун Тошкентда тегишли сайлов округи-худудида яшайдиган сайловчиларнинг 3 йиғини ташкил қилдик – Тошкент давлат (хозир – Миллий) университетида 2 марта, яна бири – шаҳар марказидаги Офицерлар (Харбий -Зобитлар) Уйида. Ҳар бир йиғилиш кўп марта тегишли давлат идораларига мурожаат, улар билан тортишиш, ўз қонуний хуқуқимизни талаб қилиш натижасида ўтказилди.

Бу 3 йиғилишнинг ҳар бирида тегишли сайлов округида яшайдиган 500 дан ортиқ сайловчи иштирок этди. Хукумат вакиллари ҳар бир сайловчидан паспортларини талаб қилиб, улар тегишли сайлов округида яшashi (“прописка”сини) текширишди.

Бу мажлислар номзодларни муҳокама қилиш ва кўрсатиш билан бирга, Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш таклифи, бошқа кўплаб муаммолар ҳақида бўлди. Халқнинг эркин минбарларига айланди.

Иш жамоалари ва ўқув муассаларидан бизни номзодларимиз кўрсатилиши ҳам жуда катта ютуқ бўлган. Тошкент давлат университети меҳнат жамоаси конференцияларида 2 марта Мухаммад Солиҳ номзодини кўрсатишга эришдик. Бир неча мактабларда, Ёзувчилар Уюшмасида, “Ёш Гвардия” (хозир “Ёшлик”) театрида, Маданий-Оқартув техникумida (хозир коллеж) бўлган йиғилишлар - ҳаммаси ёдимда йўқ.

Номзод кўрсатиш ҳаракатларимизда “Бирлик”нинг ўнлаб фидоий фаоллари жиддий

хиссаларини кўшишган эди. Бу ерда биринчи навбатда Шухрат Исламулаевнинг хизмати, билими, ҳам босиқлик, ҳам изчиллик билан қилган хизматини тилга олиш зарур. Шухрат Исламулаев, гарчи “Бирлик”нинг 1988-йил 11-ноябрдаги биринчи йигилишида иштирок этмаган бўлса ҳам, ҳаракат тузилишидан олдин (1988-йил ёзидан) ва ундан кейин бу ташаббуснинг фидойи тарафдори ва фаоли эди. 1989 - йил ноябридан 1994-йил майигача “Бирлик”нинг Раисдошларидан бири сифатида Ўзбек мухолифати, демократик ҳаракати учун жуда кўп хизмат қилди. 1993-йил майида унинг бошини ёришди.

Бу ҳаракатлар, мажлис ўтказиш тараддуни, ҳамфирклар билан мулоқот, келишувлар, тайёргарлик, йигилишларни ўтказиш ва ундан кейинги қоғозбозлик ишларида қонуннинг мураккаб талабларига изчиллик билан риоя этиш - булар жуда кўп меҳнат ва билим талаб қилар эди. Агар “Бирлик”даги бир неча фаолларимиз бўлмаганида, бу ҳаракатларимиз кенг ҳалқ ҳам, хукумат ҳам сезмайдиган, эшитмайдиган даражада заиф бўларди.

Мен бунга аминман. Чунки, жумладан шу бир неча “Бирлик”чи фаол аралашмагани учун, ҳаракатимиздан 1989-йил охирларида чиқиб кетган собиқ сафдошларимиз кейинги сайловларда биздан кўра унумсиз ва заиф ҳаракат қилишгани кўринди. Жумладан, 1989-йилдаги номзодларимиздан бири - Муҳаммад Солиҳ. Келаси йилги (Ўзбекистон Олий Совети-Кенгашига) сайловда у ягона номзод сифатида, хукуматнинг қўллаб-қувватлаши билан сайланди. 1991-йил декабридаги президентлик сайловида ҳам “Эрк” партияси, менимча, жуда заиф ва суст иштирок этди. Лекин, тақдир тақозоси билан, худди шу сайлов Муҳаммад Солиҳ номини ҳалқнинг анча қисмiga таниди - бутун Ўзбекистон унинг номини эшитти. Чунки, Ислом Каримов бу сиёсатчига ўзига муқобил номзод бўлиш хукуки, имкониятини беришни лозим топган, “совға” қилган, эди. Бу иккала сайловдаги иштироки ҳам Муҳаммад Солиҳ ва унинг тарафдорларининг кураши натижаси бўлмади.

Назаримда, энг катта ютуқлардан бири - Фанлар Академиясининг Кибернетика Институти (ҳамда шу номдаги Илмий Ишлаб Чиқариш Бирлашмаси)да бўлди. “Бирлик”нинг бу институтдан ташқаридаги фаоллари иштирокисиз қуидаги катта ютуқларга эришилди.

Кибернетика институти ва шу номдаги бошқарма жамоасининг конференцияларида бу ташкилотнинг Бош Директори, академик Восил Қобулов номзоди кўрсатилиши режалаштирилган эди. Табиийки, бу режа амалга ошишига институт- бошқарма раҳбарининг ҳам, хукумат вакилларининг ҳам шубҳаси йўқ эди. Лекин, жамоа вакилларининг кўпчилиги муқобил номзод - “Бирлик” ташаббус гуруҳининг раиси, фан доктори ва институтда лаборатория мудири Абдураҳим Пўлат учун овоз беришди. Бундай ютуқ 2 ойдан кейин яна қайтарилди.

Лекин хукумат “Бирлик” номзодларини расмий рўйхатга олмади, уларни сайлов жараёнининг кейинги босқичларига қўймади.

Сайловга 3-4 кун қолганида, “Бирлик”чи талабалар иккала сайлов округининг ҳар бирида хукумат маъқуллаган расмий 2 тадан номзодга қарши овоз беришга чақириб, кўчаларда, “Эски шаҳар” бозорида плакатлар билан юришди ва варакаларимизни тарқатишиди. Юзлаб варакаларимиз турли жойларга “кўчириб ё юлиб олиб бўлмайдиган” қилиб ёпиштирилди - жумладан, хукумат идораларининг эшик ва деворларига ҳам. Уларнинг баъзилари бир неча ой, ҳатто 1-2 йил, давомида бу сайловдаги курашларни эслатиб, девор ва “столба”ларда турди.

Натижада иккала сайлов округида ҳам хукумат ижозат берган 2 тадан номзод орасидаги кураш “дуранг” билан тугади. Иккала сайлов округида ҳам ҳеч ким ютмади.

Сайловчиларнинг сезиларли қисми иккала номзодга қарши овоз беришганини ўша ошкоралик кунларида ҳатто “Правда Востока” газети ҳам тан олди.

Мен ўша кунларда сайловнинг расмий натижаларига асосланиб, Муҳаммад Солиҳ номзодини биз кўрсатишга уринган сайлов округида 25 минг киши унга муқобил иккала расмий номзодга қарши овоз берганлигини хисоблаган эдим. “Бирлик”чиларнинг чақириклари ва

халқ орасида ташвиқоти, фаоллиги бўлмаса, 25 минг киши иккала расмий номзодга қарши овоз бериши амалга ошмас эди, бунга мен аминман.

Иккала сайлов округида ҳам қайтадан сайлов эълон қилинди. Натижада биз ўз номзодларимиз ва ғояларимиз учун курашни янада жадаллаштиридик. Олдингидан ҳам кўпроқ мажлислар ўтказиб, номзодларимизни кўрсатишга эришдик.

Юқорида тилган олганларим - Тошкент давлат университети ва Кибернетика Институти-Бошқармаси, яна бир қанча жойларда номзод кўрсатишларимиз 1 марта эмас, 2 марта бўлганининг сабаби ҳам шунда.

“Бирлик”даги бўлинишдан кейин, 1990-йил бошида Ўзбекистон парламенти - Олий Мажлисига сайловлар бўлди. Сиёсий муҳит ҳалиям “ошкоралик” шиори таъсирида бўлса ҳам, Ислом Каримов ҳукуматининг “Бирлик” номзодларини сайловда иштирок этишига қаршилиги бир йил аввалги, Рафиқ Нишонов даврига қараганда янада кучайди. Биз ҳам заифлашган эдик - сайлов жараёни олдидан бўлинган икки гурӯҳ орасида “даҳанаки” жанг кетаётган, “Бирлик”чилар таъқибда эди. Бир қанча фаолларимиз Ўзбек тили давлат тили бўлиши талаби билан ўтказган намойишларимизда калтакланган, яна кўпларга маъмурий жазолар берилган, жарима солинган эди. Ўнга яқин фаолимиз 3-5 кунга, икки фаолимиз - АбдуЛазиз Маҳмудов ва Анвар Усмонов - 9 ва 10 кунгача қамалди. Бир қанча киши ишдан ҳайдалди. Бундан бир неча йил кейинги ва бугунги кун учун, бу таъқиблар “майда” кўринади, албатта. Лекин, ўша давр учун, бу сиқув барчанинг кўзида жиддий таъқиб эди...

“Бирлик” Ёзувчилар Уюшмасидан анча вақтга қувилди. Ҳаракатимизнинг ўндан ортиқ кўзга кўринган раҳбарлари ва фаоллари “қора рўйхат”га киритилиб, уларнинг Ўзбекистон халқ депутатлигига номзоди рўйхатга олинмади. Булар орасида АбдуРахим Пўлат, Бек Тошмуҳаммедов, Зоҳид Ҳақназаров, Шуҳрат Исматуллаев, Гулчеҳра Нуруллаева, Дадаҳон Ҳасан, АбдуЛазиз Маҳмудов, Анвар Усмонов, МирОлим Одилов, Норбой Худойберганов, Пирмат Шермуҳамедов, мен ва яна бир неча киши бор эди.

Хукумат “Бирлик”чиларни сайловга кўймаслик учун энг қаттиқ чораларни Тошкентда амалга оширган эди. Лекин, ҳатто Тошкенда ҳам бир “Бирлик”чи сайланишига эришилди. Раҳматли Тоиба Тўлаганова, ўзи ва бир неча яқинларининг ҳаракатлари ҳамда “Бирлик”чиларнинг ёрдами, ҳукуматнинг ҳам сайловга 1-2 ҳафта қолганида унинг номзодини расмий рўйхатга олиши натижасида ғалабага эришди. Олий Мажлиснинг 1-йигилиши (сессияси)да Толиба кун тартиби ва бошқа муҳим масалалар бўйича ўзининг пишиқ тайёрланган чиқишилари ва таклифлари билан танилди.

“Бирлик” 1989-91 йиллардаги сайловларда ютқазди, лекин курашди, тобланди, сиёсий тажриба ортириди. Ҳаракатимизнинг Тошкентдаги раҳбарларидан ҳеч ким Жумхуррият Олий Мажлисига киритилмади. Лекин, виоятлардан бир неча “Бирлик”чи ё унга хайриҳоҳ фаоллар парламент аъзоси бўлишиди. Жумладан, раҳматли Шовриқ Рўзимуродов. Толиб Ёқубов ва мен Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманига бориб, Шовриқнинг сайланиш жараёнида анча иштирок этган эдик.

“Бирлик”ни тарк этган Муҳаммад Солиҳ ва Эркин Воҳидовлар эса ҳукуматнинг ягона номзодлари сифатида Ўзбекистон халқ депутати бўлишиди. Муҳаммад Солиҳ Олий Мажлиснинг 1-йигилиши (сессияси)да иштирок ҳам этмай, Америкага сафарга кетди. Ислом Каримов шу мажлисда Президент этиб сайланди, унинг номзодига қарши гапирган ягона халқ вакили - раҳматли Шовриқ Рўзимуродов бўлди.

Муҳаммад Солиҳ тарафдорлари 1990 йилдаги бу сайлов жараёнида бирор жиддий фаолият ҳам кўрсатишмади - ҳукуматнинг очик қўллаши натижасида бунга зарурият ҳам йўқ эди. Халқ депутатларидан бир нечтаси бу сайловлардан оз вақт ўтгач тузилган “Эрк” партиясига кирди.

Афсуски, бу тажриба ҳозир деярли унутилган.

“Бирлик”нинг ўша даврдаги бошқа муҳим ишлари қаторида Совет Армиясидаги ҳарбий хизматдан Ўзбек аскарларининг жасади келаётганига норозилик тадбирлари, намойишлар, ҳукумат ва жамиятни ушбу муаммони ҳал этишга ундаш, муаммони ечишда иштирок этиш бўлди. “Эрк” ҳам бу ишлар билан анча шуғулланди.

**4-савол: - Сизнингча Ўзбек мухолифатининг ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди - мухолифат нималарга эришиди-ю, нималарни бой берди?**

Жавоб: -Эришилган ютуқларни юқорида тилга олдим. Менинчя, Ўзбек мухолифатининг ўша пайтдаги энг катта хато ва камчиликлари - 1989 йилдаги оммавийликни, тинч намойишларда ва бошқа фаолият, тадбирларда қатнашган юз минглаб ўз тарафдорларини сақлаб қола олмаганлигида. Шунингдек, 1989-йил октябрида бошланган бўлиниш жуда хунук шакл олгани, ҳаракатнинг бир неча раҳбари, биринчи навбатда Муҳаммад Солих, қанчадир вақтга Ислом Каримов ва унинг ҳукумати тарафига “сал кам” ўтиб кетиши бўлди. Бундай баҳо беришимга сабаблар: Муҳаммад Солих 1989-йилдан 1992-йил баҳоригача бирор марта Каримов ва унинг сиёсатини танқид қилмаган. Ҳатто 1991-йил 30-сентябрида Каримов кескин танқид қилинган ва ҳатто уни ишдан олиниши мумкин бўлган Олий Кенгаш сессиясида ҳам у “бетараф” бўлиши, Каримовни танқид қилган Шуҳрат Нусратовга жавобан, “қачондан бери бу киши демократ бўлиб қолди”, дейиши.

Лекин, мухолифатдаги асосий хатолар фақат Муҳаммад Солих тарафидан бўлди дейиш ҳам адолатсиз ва асоссиз баёнот бўлади. Агар мухолифатнинг биринчи йиллари ҳақида гапирсак, мен 1989-йил, кейин 1991-йилда ҳам, бир неча марта ўта ҳиссиётга берилганим, нисбатан кескин, “радикал” (гарчи доим зўравонликка қарши бўлсан ҳам!) сиёсат тарафдори бўлганим, “Бирлик”даги бўлинишда ҳам нисбатан кескин гаплар айтганим - булар мени хатоларимнинг бир қисми бўлган.

“Бирлик” ва мени акам - АбдуРахим Пўлатнинг ҳам анча хатолари бўлди. Бўлинишда ҳам, кейинги ўзаро “даҳанаки жанг”ларда ҳам. Баъзан заруриятсиз кескин танқидда ҳам (кечаги сафдошларга, ҳамда ҳукумат ва Каримовга нисбатан).

Хатолар рўйхатини давом эттирсак... Оммавий ҳалқ ҳаракати мавқеини сақлаб қола олмаганимиз, ҳалқнинг катта қисмидан узоқлашиб қолиш, ўз ҳалқини, вазиятни етарли даражада тушунмай, “худди Москвадаги” каби ўзгаришларга интилиш, “бошни деворга уравериш” ...

“Бирлик”да ҳам, “Эрк”да ҳам, кейин пайдо бўлган мухолиф гурухлар, фаоллар орасида ҳам бир камчилик, афсуски, кенг тарқалган: дўстни кўпайтириш ўрнига, аксинча душман сотиб олиш... Ўзаро муроса, ҳамкорликсиз, “бўлинганни бўри ейиши”ни унутиш.

Бу билан мен ўзаро танқид бўлмаслиги керак демоқчи эмасман. Аксинча, танқид керак. Лекин танқид, иложи борича, одоб, маданият доирасида, ва албатта асосланган, холис, “конструктив”, дўстона бўлиши, муҳокама, мулоқот, муросага йўналтирилиши керак. Ўзбек мухолифатида мана шу хислатлар деярли йўқлиги - катта муаммо, балки фожеадир ҳам. Мени бу ердаги баъзи танқидий мулоҳазаларим ҳам балки ўта кескиндир... Мақсадим кимларнидир мақташ ва бошқаларни қоралаш эмас. Аксинча, мен ушбу сатрларни ўқийдиганлар, биринчи навбатда ёшлиаримиз, бизни хатолардан хulosса чиқаришларини истардим.

Марказий Осиёда демократик мухолифат заиф эканлигининг анча чуқур, тарихий сабаблари ҳам бор. Москвада, Совет Итифоқининг бошқа Ғарбий минтақаларида, ҳатто Горбачёвнинг ошкоралик сиёсатидан анча олдин ҳам нисбатан кучли мухолифат гурухлари бўлган. Болтиқбўйи Жумҳуриятлари ва ғарбий Украинада ҳатто Сталин даврида ҳам ва 1956-йилларгача куролланган мухолифат бўлган!

Қисқароқ ифодалашга интилиб, Советлар даврининг 1960-70 йилларидағи фақат жуда муҳим

ва таниқли мухолифатчи инсонлар ва гурухларнинг баъзиларини тилга олай:

(Рахматли арбоблар) Александр Солженицин, Андрей Сахаров, генерал Пётр Григоренко, Анатолий Марченко, Абулфаз Элчибей, Звиад Гамсахурдия, Георгий Чантурия ва Тенгиз Гудава, Вячеслов Чорновил ва яна кўплаб (юзлаб, ҳатто минглаб!) мухолифат арбоблари, демократлар, ўзгача фикрловчилар.

Ҳаётда бўлган арбоблар орасида Сергей Ковалёв, Лариса Богораз, Владимир Буковский, Сергей Григорьянц, Валерия Новодворская, Александр Подрабинек, Людмила Алексеева ва яна юзлаб кишиларни тилга олиш мумкин ва керак.

Инсон ҳуқуқлари ва мухолифат гурухлари ҳамда тегишли фаолиятларнинг баъзилари: Москва, яна бир қанча Рус шаҳарларидағи, ҳамда Литва, Украина, Гуржистон Хелсинки Гурухлари ва уларнинг нашрлари. Ўнлаб яширин журнallар, диний гурухларни ҳимоя қилиш ташкилотлари, Крим Татар, Месхет Турк, Немис, Яхудий ва яна бир қанча халқларнинг миллий ҳаракатлари, бир неча жумхурриятлардаги миллий-истиқтол учун курашган гурухлар...

1960-70 йилларда Совет Итифоқининг Ғарбий миңтақаларида “самиздат” ва “тамиздат” кенг тарқалган эди - ҳукумат тарқатишга йул бермайдиган ахборотлар, маълумотлар, журналлар, китоблар яширинча тайёрланалар, тарқатилар эди...

Ўзбекистонда ва Марказий Осиёning бошқа юртларида бундай ҳаракат жуда кам, заиф, деярли йўқ бўлган.

Бизга нисбатан анча кучли мухолифат ва демократия тарафдорлари, ҳамда кураш тажрибасига эга бўлиши, ўзгача фикр ва хабарлар нисбатан кенг тарқатилганига, мухолифат учун фаолият имкониятлари нисбатан анча кенглигига қарамай, ҳатто Русия ва Қофқозда ҳам, эркин сиёсий жамият, демократия соҳасида кутилган ютуқларга эришилмади - охирги йилларда ҳатто ортга қайтишлар ҳам кузатилаяпти. Қиргизистонда ҳам қисман шундай бўлди, гарчи уларда 1990-йилларда, айникса биринчи 5 йилда, эркинлик даражаси жуда юқори бўлган бўлса ҳам!

Бу соҳаларда янада орқада бўлганимиз учун, Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистонда очикроқ, демократикроқ жамият куриш, бунга эришиш анча, янада қийин вазифа эканлигини биз, Ўзбек демократик мухолифатини бошида турганлар етарли даражада таҳлил қилмадик, тушунмадик. Кўпинча эзгу ниятлар билан хомхаёлга берилдик. Сиёсий кураш ва тарихий жараёнлар гирдобида булар ҳақида ўйлашга, уларни жиддий муҳокама қилишга вақтимиз ҳам бўлмаган, сиёсий ва ҳатто ҳаётий тажрибамиз, билимимиз етишмаган.

Советлар давлатининг Ғарбий миңтақаларида 1960-70 йиллардаги “чегараланган” қатағон йиллари мухолифат олиб борган хавфли курашни биз 1980-йилларнинг охирида, ошкоралик ва анча эркинлик даврида бошладик ва ҳозирги бутунлай бошқа вазиятда, жумладан ривожланган демократик давлатларнинг жиддий ёрдами билан, бу кураш давом этаяпти.

Биз олдимизга катта мақсадлар қўйдик, уларни амалга ошириш қанчалик мураккаб ва оғир эканлиги анча вақт ўтгач ошкор бўлди. Бундай хатолар - табиий.

Мухолифат эришган ютуқлар орасида “Бирлик”нинг биринчи 4-5 йиллик фаолиятида ички демократия ва Низомга риоя қилиш тузук даражада бўлганини айтиб ўтиш мумкин.

“Бирлик”да ички демократия, баҳс-мунозара, раҳбарларни танқид қилиш ва натижада яккаҳокимлик ва “доҳийлик”ни олдини олиш, муҳим қарорларни муҳокама қилиб, кейин қабул қилиш - гарчи мукаммаликдан узоқ бўлса ҳам - “Эрк”ка нисбатан анча юқори даражада бўлиб келган эди. Айникса, 1989-93 йилларда, раҳбарларнинг бир қисми чет элга кетишга мажбур бўлишидан аввал. Лекин кейинчалик қатағонлар ва ўзаро алоқа ва учрашиш, йиғилишлар жуда қийинлашгани (ҳатто бир неча йил давомида умуман иложи бўлмагани сабаб), табиийки, Низомга риоя қилиш имкони кескин даражада камайди. Шу ва бошқа кўп камчиликларга қарамай, охирги ўн йилда “Бирлик” бир неча Қурултойлар ўтказди ва ўз

раисини ҳар гал қайта сайлади. Лекин, амалда, мени назаримда, охирги йилларда бу ташкилотда ҳам - худди “Эрк” каби - асосий масалаларни бир киши ҳал қиласиди.

“Эрк”да эса ички демократия ва Низомга риоя килиш умуман йўқ. Авваллари ҳам бўлмаган. Мисол учун, партия Бош Котиби Самад Муродни Мухаммад Солих “ишдан олиб”, унинг ўрнига Отаназар Ориповни тайинлаши. Бу партия мамлакатда очик фаолиятда бўлган 1990-92 йилларда ҳам, бирор марта унда жиддий муҳокама, раҳбарни танқид қилиш кузатилмаган.

Лекин, “Бирлик” ҳеч бўлмаса, асримиз бошида бир неча марта расмий руйхатдан ўтиш ва 2004 йил Олий Мажлис сайловларида иштирок этиш учун уриниб, курашиб келди. Имзолар тўплаб, мажлислар ўтказиб - вилоятларда, кўп шаҳарларда ва Тошкентда бир неча Курултойлар ўтказди - натижада жонланди ва фаоллашди. Андижон фожеасидан кейин бу ишлар ҳам деярли тўхтаган. Лекин, “Эрк”да ҳатто шу ҳам йўқ. “Аъзоларимиз рўйхатини ҳукуматга тақдим қилсан, улар таъқибга учрайди” деган даъво-изоҳ, назаримда партия мавжуд эмаслигини, ёки унинг раҳбарлари ташкилий ишларда қанчалик суст эканлигини, амалда тасдиқлайди. Чунки, фаол “Эрк”чилар шундай ҳам ҳукуматга маълум. Унча фаол бўлмаган аъзолар эса, одатда, таъқиб қилинмайди.

Мен ўз жавобларимда, “Эрк” ҳақида гапирганди, 2-3 гурухга бўлиниб кетган бу партияниң Мухаммад Солих раҳбарлигидаги бўлагини назарда тутаман. Чунки, “Эрк”нинг бошқа гурухлари фаолияти ҳақида, уларниң раҳбарлари эркин давлатларда бўлмагани, Ўзбекистон ва чет элларда уларниң номи жуда кам доирада маълум эканлиги, натижада моддий тарафдан жуда оғир шароитда эканлиги ва баъзи бошқа сабаблар билан, деярли маълумот йўқ “Бирлик” ва “Эрк” (МС) раҳбарларини ўз ташкилотлари Низомига риоя қилмасдан узок йиллар лавозимидан кетмаслиқда танқид қилиб келаётган мухолифатчиларнинг гапида жиддий асос бор, албатта. Лекин, бу танқидчиларнинг баъзилари ўзлари ҳам баъзан кўзгу-ойнага караб туришса тузук бўлармиди? Жумладан, бу йил Францияда Ўзбекистон Инсон Хуқуqlари Жамиятининг Овруподаги 8-9 аъзоси ва шу мамлакатдан янги аъзо бўлган 8-9 қиши йиғилишиб, Жамият Низомига ўзгартиришлар киритишибди ва янги раҳбарлар сайлашди. Бу мажлисни, жуда борса “Жамият Оврупо бўлими”нинг йиғилиши деб аташ мумкин эди. Лекин, Жамиятнинг Курултойи дейиш мумкин эмас.... АбдуЖалил Бойматов жамият раҳбарлигига балки жуда лойик арбобидир. Қолаверса, бу Жамият ва ДЎК иккаласининг собиқ раҳбарлари Толиб Ёкубов ва Жаҳонгир Маматов ўз хоҳишлири билан лавозимларидан кетиб, ибратли иш қилишибди. Шунга қарамай, Жамиятнинг Франциядаги бу кичик йиғилиши Курултой ваколатига эга бўлмаганини ҳам эътироф этиш зарур.

“Бирлик”нинг, мени назаримдаги камчиликлари қаторида жуда катта вақт, эътибор Ўзбек мухолифати, жумладан хориждаги мухолифат орасидаги майда гаплар ва ўзаро даҳанаки жанг, иккинчи даражали сабаблар билан кимларгадир “хужум”, ҳукуматни танқид қилишда ҳам майда гапларга сарфланганидир. Фикримча, бу хатолар жуда кўп тарафдорларни бездирган.

Яна бир хато БС, “Озодлик” ва “Америка Овози” радиолари билан ҳамкорлик қилиш масаласи билан боғлиқ. Баъзи ҳолларда уларни танқид ҳам қилиш керак. Лекин, “Бирлик” ва “Бирдамлик” каби фақат “хужум” ва “бойкот” - жиддий хато. Назаримда, бунинг ўрнига, ҳамкорлик қилиб, бу минбарлардан унумли фойдаланишга интилиш керак. Бу масалада Мухаммад Солих ва унинг тарафдорлари, назаримда, “Бирдамлик” ва “Бирлик”ка нисбатан камроқ хато қилишяпти.

**5-савол:- - Каримов ҳукуматини мухолифатга қарши аёвсиз кураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқлайди?**

Жавоб: -Каримов ҳукуматининг мухолифатга қарши аёвсиз кураши 1992-йилнинг ёзи ва кузидан бошланди. Унгача, ҳатто ўша пайтда дунёвий-демократик йуналишдаги энг “радикал”, кескин мухолифат гурухи - “Бирлик” ҳаракати ва унинг ўзаги (“Бирлик” партияси) ҳам ҳали аёвсиз таъқиб остида эмас эди.

Мухолифатга қарши қатағон бошланган 1992-93 йиллар ҳақида гапирсак, мухолифатнинг бунчалик кескин даражада сиқувга олинишининг асосий сабаблари, назаримда, қуидагилардан иборат:

1. Кўшни ва қардош Тожикистонда 1991-йил кузида бошланган кўп минг кишилик тинч намойишлар 1992-йил май ойига келиб қуролли туқнашувлар ва фуқаролар урушига айланди. Бу курашда Тожик миллий-дунёвий-демократик мухолифати (“Растохез” миллий-уйғониши харакати ва ўша пайтдаги Демократик партия, яна бир қанча кичикрок гурухлар) “Исломчилар” (Ислом Уйғониши партияси, ўша пайтда Тожикистон диний назорати раҳбари - таникли уламо ва арбоб СайдАкбар Тўражонзода ва унинг тарафдорлари) билан бирга бўлди. Лекин, “бирлашган” мухолифатда асосий куч “Исломчилар” эди. 1992-йил майида Тожик бирлашган мухолифати ҳокимиятда ўз вакиллари бўлишига эришди. Сентябр ойига келиб эса, ҳалқ сайлаган Президент раҳматли Раҳмон Набиев бир гурух автоматчилар томонидан ўраб олиниб, истеъфога чиқишига мажбур этилди ва яқингача мухолифат бўлганлар ҳокимиятда асосий кучга айлана бошлади.
2. Ўзбекистонда ҳам, жуда кўплар худди шу йўлдан бориш, “Исломчилар” билан бирлашишни талаб эта бошлашди. Жумладан, хурматли ҳофизимиз, озодлик ва миллий истиқболнинг оташин кўйчиси Даҳаҳон Ҳасан “Бирлик” ҳалқ ҳаракатини “Бирлик Исломий Ҳалқ Ҳаракати”га айлантиришни ва намоз ўқимайдиганларни ҳаракатдан ҳайдашни кескин шаклда талаб қила бошлади. 1992-йил май оидаги “Бирлик” Қурултойида бу таклиф кенг муҳокама қилиниб, рад этилганида, Даҳаҳон Ҳасан сафимизни тарқ этди. Баъзилар Тожик мухолифати каби қуролланишни ҳам таклиф этишди, уларнинг таклифи ҳам рад этилгани, назаримда, тўғри иш бўлди. Тожикистонда мухолифат деярли ҳокимиятга келиши Ислом Каримовни жуда хавотирга солди, албатта. Табиийки, у Ўзбекистонда бундай инқилобни олдини олиш ҳаракатига тушди.
3. “Эрк” ва унинг раҳбари Муҳаммад Солиҳ 1992-йил баҳоридан Ислом Каримов ва унинг ҳокимиятига қарши бўлиб, мухолифатга қўшилди. У бир неча мухолиф арбобларни жалб этиб, Демократик Форум тузди. Бу арбоблар орасида Каримовнинг энг жиддий рақиби - собиқ Бош Вазир ва Вице-Президент Шукрулло Мирсаидов, Олий Кенгаш (Парламент) аъзоси Жаҳонгир Маматов, “Эрк”чилар, “Бирлик”нинг бир неча таникли раҳбарлари ва яна бир қанча мухолиф фикрдаги арбоблар бор эди. Лекин, Муҳаммад Солиҳ бунда - “табиийки” - aka-ука Пўлатовлар ва “Бирлик”нинг яна бир неча муҳим вакилларини (адашмасам, жумладан Шуҳрат Исматуллаев, Толиб Ёқубов, раҳматли Мадамин Нарзикулов) таклиф этмаган - ўртадаги адватдан юқори бўлолмаганлиги натижасида бўлса керак.

Бу ерда Ўзбек мухолифатининг йирик арбобларидан бири Жаҳонгир Маматов ҳақида қисқа маълумот, фикримча, фойдадан холи эмас: бу киши Олий Кенгашнинг, Каримов кескин танқид қилинган ва уни ҳатто ишдан олиши мумкин бўлган 1991-йил 30-сентябр йигинида Президент ҳақида қаттиқ гаплар айтган. Лекин бир неча кундан кейин Каримовнинг маслаҳатчиси бўлиб ишга ўтган, 1992 йил баҳорида яна қайтадан мухолифатчи бўлган. Бу маълумотларни эслатишдан мақсадим Жаҳонгир Маматовни танқид қилиш эмас. Хурматли ўқувчилар эътиборини деярли барча сиёсатчи фаолиятида учраб турадиган зиддиятли ва мураккаб қадамларга қаратмоқчиман холос. Мен ўзим ҳам, мана 10-12 йилдан бери “марказчиман” - Ислом Каримов тарафдори ҳам эмасман, унга кескин, муросасиз, “радикал”, ашаддий мухолифатда ҳам эмасман. Баъзи кескин мухолифатчилар назарида ҳатто “Каримов тарафдори” ёки унинг “адвокати” ман.

4. Бир неча мухолифатчи фаоллар “Миллий Мажлис” тузмоқчи бўлишди. Бу ташаббусга Бобур Шокиров, Ҳазратқул Худойберди, раҳматли Олим Каримов, Салават Умурзоков, “Бирлик”нинг таникли ва энг фидоий раҳбар ва фаоллариларидан АбдуЛазиз Махмудов (Ўзбекистон ва минтақадаги муҳим сиёсий воқеалар, жумладан “Бирлик”нинг кўп минг кишилик намойишлари ҳамда бўлининиши, 1989-1990 йиллардаги Қўқон ва Фарғона, Ўш-Ўзген фожеалари ҳақида ва харакат тарихини ажойиб ҳужжатли фильмларда акс эттирган

инсон) бош бўлишди. Эзгу ниятлар билан “жамоатчилик, “давра” кенгаши - парламенти” сифатида таклиф этилган бу гурух Низомининг лойиҳасида ҳукумат мухолифатни “давлат тўнтаришга уриниш”да айблашига жиддий баҳона - сабаб бўладиган хато бўлган. Бу ачинарли хато кимларнингдир эътиборсизлиги, кимларнидир сиёсий тажрибаси йўқлиги, кимларнидир сиёсий чаласаводлиги ва ўжарлиги натижаси эди. Гурух ҳужжатлари лойиҳасида у қонунлар чиқариши ва уни имзолаш учун Президентга юбориши, агар Президент 1 ё 2 ой ичida “қонун”га имзо чекмаса, уни амалга ошириш йулларини мухокама қилиши ва излаши кўзда тутилган эди.

Яъни, халқ томонидан сайланмайдиган ва жамоат ташкилотлари вакилларидан тузиладиган бу гурух ўзини камида “қонун чиқарувчи парламент”, балки ҳатто ундан ҳам юқори даражада олий ҳокимият деб эълон қилмоқчи эди. Бундай уриниш ҳар қандай мамлакатда, ҳатто сиёсий эркин давлатда ҳам, “конституцион тузумни қонунсиз йўл билан ағдаришга интилиш” деб баҳоланади. Тўғри, демократик, барқарор сиёсий-ижтимоий вазиятда ёки ҳукумат заиф бўлган шароитда, бундай ташаббус билан чиқсан фаоллар конституцион ҳокимиятни қонунсиз йўл билан ўзгаришига чақириқ ё шу йўналишдаги фаолият жиноий жавобгарликка олиб келиши ҳақида жиддий шаклда огоҳлантирилади холос.

Лекин, Ўзбекистон шароитида бундай ташаббус асосий мухолифат ташкилотлари (“Бирлик” ва “Эрк”) ни йўқ қилиш учун баҳоналардан бири сифатида ишлатилди. “Миллий Мажлис” ташаббускорларининг қўпчилиги қамалди. Сталиндан кейинги, 1960-80 йиллар Шўролар-Совет даврида Ўзбекнинг сал кам ягона (балки ягонадир!) шак-шубҳасиз сиёсий маҳбуси бўлган Бобур Шокиров (1970-80 йиллар Совет давлати ва тузумига тұхмат қилиш ва Совет тузумига қарши ташвиқот деган икки “машхур” сиёсий айблар билан 10 йил қамоқда ўтирган инсон) 11 ой, Ҳазратқул Худойберди 9 ой, Отаназар Орипов (“Эрк” Котиби; “айби” - “Миллий Мажлис лойиҳасини таҳрир қилган), раҳматли Олим Каримов, ҳамда Салават Умурзоквлар бир неча ойга қамалишди. Судда уларнинг барчаси ва АбдуЛазиз Маҳмудов “айбдор” топилиб, шартли равишда озод қилинди.

“Миллий Мажлис” ҳужжатлари “Эрк” компьютерида тайёрланганлиги, ҳамда Муҳаммад Солих ҳам унинг баъзи ҳужжат лойиҳаларини бироз таҳрир этганлиги, бу ташаббусда бир неча “Бирлик”чи ва “Эрк”чилар бўлганлиги учун - булардан ҳукумат “фойдаланди”. “Бирлик”нинг Раисдоши Шуҳрат Исматуллаев уларнинг йиғилишига бориб, “Миллий Мажлис” ҳужжатлари лойиҳасида мен юқорида айтиб ўтган жиддий сиёсий хато ва нодемократик режалар ҳақида огоҳлантириб, уларни бу йўлдан қайтишига, хатони тузатишга чақирган. Шунга қарамай, у киши ва Муҳаммад Солих устидан ҳам “Миллий Мажлис” “иштирокчи”си, “ташаббускор”и сифатида жиноий иш очилди.

Қатагонлар (давоми):

1992-93 йиллар “Бирлик”нинг етакчи арбоблари ва фаоллари (АбдуРахим Пўлат, Шуҳрат Исматуллаев ва раҳматли АбдуРашид Шарипов, яна бир неча киши), “номаълум кимсалар томонидан” шафқатсизларча боши ёрилиб, калтакланди;

Бир қанча етакчи арбоб ва фаолларлар қамалди. Жумладан, Пўлат Охунов, Нозир Зокир, “Миллий Мажлис”чилар (Бобур Шокиров, Ҳазратқул Худойберди, раҳматли Олим Каримов, Отаназар Орипов, Салават Умурзоков), қисқа вақтга (2 ой) - мени ўзим ҳам. Кейинчалик, “Эрк”дан Сафар Бекжон ва Абдулла Абдураззоқ, яна бир неча “Эрк” ва “Бирлик” фаоллари, 1990-92 йилларда Ўзбекистон халқ депутати ва Қашқадарё вилоятидаги Муборак шаҳар кенгаши раиси Мурод Жўраев, ўнлаб “Исломчилар” қамалди. Васила Иноятова мен каби “Президентни ҳақорат қилиш”да айбланиб, судланди ва шартли жазо олди.

Тергов вақтида қамалган ва кейин озод этилганлар орасида Дадаҳон Ҳасан, Мухтабар Аҳмедова, раҳматли Иброҳим Бўриев ва яна бир қанча мухолифат фаоллари бўлди.

Шукрулло Мирсаидов “давлат мулкини талон-тарож қилиш”да айбланиб суд қилинди ва шартли жазо берилиб, квартираси олиб қўйилди. У киши ҳам “номаълум кимсалар”

томонидан шафқатсизларча калтакланди.

Ўша вактда дунёвий-демократик, миллий мухолифат факат тинч йўллар билан курашгани ҳамда Исломчилар билан бирлашмагани, ҳукуматнинг қаттиқул сиёсати ва таъқиб-қатағонлари, ҳукмдор доираларда бўлиниш ва маҳаллийчилик кам бўлгани - барчаси биргаликда Ўзбекистонда фуқаролар урушини олди олишга хизмат қилди.

Албатта, бунда бир қанча мухолифатчилар азоб чекиши - боши ёрилганлар, қамалганлар, хорижга кетишга мажбур бўлганлар, ишдан ҳайдалганлар... Лекин, Тожикистондан фарқли ўлароқ, уруш - ўн минглаб кишилар ўлиб кетиши, юз минглаб кишилар ўз шахар-қишлоғи, ҳатто юртини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлиши, мамлакат ривожланишида кескин орқага кетиш юз бермади.

Фикримча, бунда мухолифатнинг тинчликсеварлиги ҳам, Каримовнинг қаттиқўллиги, балки баъзан шафқатсизлиги ҳам асосий сабаблар қаторида бўлди.

**6-савол: - Ўзбек мухолифатининг хорижда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқлайдими? Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

Жавоб: -Ўзбек мухолифатини хорижда туриб амалга оширган ишлари ўзини қисман оқлайди. Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз-моз таъсирини ўтказа олади. Лекин Ўзбекистон Шимолий Корея эмас, Туркманистон ҳам эмас. Ўзбекистонда кескин бўлмаган мухолифат ишлаши мумкин - гарчи шароит қийин бўлса ҳам. Шунинг учун, асосий фаолиятнинг четда эканлиги Ўзбек мухолифатининг жуда жиддий муаммоси.

**7-савол: - Бугун мухолифатни бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришига урунмоқда. Дунёвий мухолифатни исломлашиши мамлакат ва халқимиз келажагига қандай таъсир этиши мумкин?**

Жавоб: -Бу ерда “диндор” деганда кимлар назарда тутилиши мухим. Ўзбекистонда динлар орасида фақат Ислом мухим аҳамиятга эга, шунинг учун мен ҳам фақат “Исломчилар” ҳақида гапираман.

“Диндорлар” ёки “Исломчилар”, худди дунёвий давлат тарафдорлари ва демократлар каби, мақсадлари, уларга эришиш учун кураш йўллари билан бир-биридан анча фарқ қиласди. Демократлар тинч йул билан Исломий қонун-қоидага асосланган жамият курмоқчи бўлганлар билан, менимча жуда эҳтиёт бўлиб ҳамкорлик қилиши керак. Ўз мақсади йўлида куч ишлатиш, зўравонлика чакиравчилар, ё қулига қурол олиб курашаётганлар билан ҳамкорлик бўлмаслиги керак.

Туркия, Малайзия, Эрон ва бошқа бир қанча давлатлардаги каби, диндорлар орасидан демократик ва дунёвий қоидалар тарафдорлари пайдо бўлиши мумкин. Ўзбек Исломчилари орасида мана шу йуналишни рағбатлантириш жуда мухим. Яъни, “Исломий демократлар” оқими, харакати пайдо бўлишига ёрдам бериш, улар билан ҳамкорлик керак.

Хозирча мен Ўзбек Исломчилари орасида демократик қадриятларни ҳурмат киладиган, ўз дини ва замонавий демократик қадриятлар орасида жиддий муроса тарафдорларини билмайман - балки Исломчилар билан яқиндан гаплашмаганинг учундир.

Шу муносабат билан қизиқарли кузатув: ўзини дунёвий-демократик мухолифатчи деб ҳисоблайдиган танишларим орасида эса, мени назаримда “Ислом демократи” деса бўладиган фаолларни биламан. Яъни, дунёвий-демократик мухолифатда “Исломлашиш” бошланганини анча вақт бўлган. Бу - табиий жараён, лекин унга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошмоқ лозим. Мен шахсан 7-асрда яратилган қонун-қоидалар, агар улар жиддий ислоҳ қилинмаса, замонавий жамиятга мосланмаса, тараққиётга эмас, жаҳолатга олиб келади деб ўйлайман. Ўзбекистонда очикроқ ва сиёсий эркинроқ давлат тузуми яратилса, нафақат Исломий Демократлар, балки мўътадил ва ҳатто “радикалроқ” Исломчилар ҳам, жамиятда ва сиёсий саҳнада ўз ўрнига эга бўлади. Буни тўхтатиш, олдини олишнинг иложи йўқ. Шунинг учун

ҳам, демократик-дунёвий мухолифат мўътадил Исломчилар билан ҳамкорлик қилиши керак.

**8-савол: - Халқимиз қарийб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан бехабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичида янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини тақорорламаслигини истардингиз?**

Жавоб: -Менимча, мамлакат ичида мухолиф фикрловчи инсонлар кўп - бунинг сабаблари айтиб келинади: иқтисодий вазият оғирлиги, ишсизлик, адолатсизлик, хукуқсизлик, амалдорлар ва уларга яқин ишбилармонлар билан камбағалнинг яшаш даражасидаги “ер билан осмон” каби фарқ. Лекин, шаклланган мухолифат жуда заиф ва кўпчилик учун номаълум.

Хозирги тузум яна неча йил сақланади - буни айтиш қийин. Яқин орада жиддий ўзгариш бўлмаса керак. Демак, ёки шу тузум доирасида сабр-тоқат билан халқ орасида ишлайдиган, мўътадил, “конструктив”, “марказчи” мухолифат гурухлари керак, ёки бугунги мавжуд йўл: асосан чет элларда кескин танқид қилиш, “коралаш” - бунинг натижасида мамлакат ичида бирор жиддий фаолият бошланишига умид қиласа ҳам бўлади. Мамлакат ичида жиддий фаолиятга нафақат “Бирлик”, балки “Эрк”, “Бирдамлик” ҳам, “ДЎК” ҳам, бошқалар ҳам эриша олмаяптилар. Бу икки йўлдан бошқаси (“учинчиси”) - Тохир Йўлдош, ЎИҲ ва уларга ўхшаш кучлар йўли, лекин бу йўл ҳам тўғри эмас.

Хорижда, эркин мамлакатда яшаб, Каримов ва унинг оиласи, сиёсати, зулми ҳакида истаганча кескин гаплар гапириш, ёзиш мумкин. Жумладан, ҳар қандай уйдирмани ҳам. Бунинг учун қаҳрамон, ё мард бўлиш ҳам, билим ҳам керак эмас. Лекин, бу гапларни айтиб, “ичини бўшатиб олаётгандар” Ўзбекистондаги ўз тарафдорлари бошига калтак олиб келаётганини, мухолифат учун мамлакатда ишлаш имкониятларини янада торайтиришга ҳисса қўшаётгандигини тушунишмайди шекилли.

Қайтараман: “мўътадил” дунёвий-демократик мухолифат пайдо бўлиши учун, назаримда, бугунги Ўзбекистонда шароит ва имконият бор. Гап фақат ташаббус ва йўлбошли йуқлигida - бунга мен аминман.

Янги мухолифат 90-йиллардаги мухолифатнинг қуйидаги хато ва камчиликларини тақорорламаслигини истардим:

Изчиллик билан, “мўътадил”, “марказчи”, сабр-тоқатга эга бўлган, “конструктив” йўлдан оғмасдан бориш муҳим. Жумладан, “Бирлик”нинг 20 йиллик “радикал”лигини қайтармаслик. Муҳаммад Солиҳ ва унинг “Эрк”и каби, олдин “ювош қўзичоқ”, четдан туриб эса - сал кам энг ашаддий мухолифатчилик” - буни ҳам қайтармаслик керак.

Бошқа мухолиф гурухлар ва арбоблар билан “даҳанаки” жангдан узоқ бўлиш зарур.

Асосан чет элдан моддий, маънавий, сиёсий-дипломатик ёрдам сўрайвермай, ўз халқига (биринчи навбатда ва иложи борича “ўрта ҳол” табақага) суюниш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва натижада ундан ёрдам олишиш муҳим.

Ўзбек мухолифати олида турган жиддий муаммолардан биттасида унинг бирор арбобини айблаш қийин: юқорида мен тилга олган ва мухолифатчилар йиллар давомида айтиб келаётган сабаблар натижасида, Ўзбекистонда кўплар Ислом Каримов ва унинг хукуматидан норози. Кескин норозилар ҳам кўп. Демак, кескин танқидчилар учун норозилар орасидан тарафдор ва ёрдам йиғиш осонроқ. “Юмшоқроқ”, “мўътадил”, “марказчи” мухолифат учун эса - қийинрок. Лекин, кескин, радикал мухолифатчилар бугунги кунда мамлакат ичида ҳеч бир жиддий иш олиб бориша олмайди. “Мўътадил”лар учун эса, мамлакат ичида ишлаш мумкин бўлади. Назаримда, “мўътадиллар” бирор ижобий натижага эришишига умид кўпроқ.

Янги мухолифат мана шу икки йўл орасидан қайси бирини танлаш ҳакида жуда жиддий

ўйлаши керак.

20 йиллик ва бугунги дунёвий-демократик мухолифатнинг яна бир хатосини қайтарилмасликни тавсия қиласа эдим: турли фикр, ғоя, таклифга зудлик билан “хужум” қилиш олдидан бироз ўйлаш ҳам керак.

**9-савол: - Сизнингча, Ўзбек мухолифатининг бугун амалга ошириши зарур бўлган мухим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**

Жавоб: -Бу саволга юкорида қисман жавоб бердим. Мухолифатчилар бир-бири ҳақида тухмат, уйдирма, бўхтон, ифво тарқатайтган, “тирноқ ичидан кир қидираётган” фаоллар ва раҳбарлардан янада узоқ юриши керак.

Ўзбекистон муаммоларининг фақат бир қисмида Каримов ва унинг сиёсати, ҳукумати айборд эканлигини тушуниш ҳам зарур. Ҳокимиятга бошқа кучлар келиб қолган тақдирда ҳам (буни яқин орада эҳтимоли деярли йўқ бўлса ҳам, бир дақика фараз қиласилик), мавжуд муаммоларни 1-2 йилда ҳал этадиган “сехрли таёқча” мавжуд эмас. Ташқи алоқаларда ҳам, ички ишларда ҳам, Каримов олиб бораётган сиёсатнинг сезиларли қисмини ҳар қандай раҳбар жиддий ўзгаришсиз олиб боришга мажбур бўлади - айниқса ташқи сиёсатда, лекин минтақавий ва ички ишларда ҳам.

Жуда кўплар, агар адолатли ва уддабурон кишилар ҳокимиятга келса, меҳнаткаш ҳалқи ва улкан табиий бойликлари бўлган Ўзбекистон жуда тезлик билан ривожаниб кетади, фаровон ҳаёт тезда бошланади деб ишонишади. Содда кишилар орасида бу умид-истакларни тушунса бўлади. Лекин, бу гапларни айтиётган сиёсатчилар, менимча, ёки “кўкнори хаёл” кишилар ёки улар билиб, тушуниб туриб, алдашади...

Ҳақиқатда эса, Ўзбекистон Туркманистон ёки Қозоғистон эмас, унинг табиий бойликлари анча кам, аҳолиси анча кўп - айниқса сал ярми чўл ва саҳро бўлган ҳудудига солиширилса. Ҳамда, жуда кўп муаммоларга эга. Менга “Туркманистон ҳам асосан сахродан иборат“ деб эътиroz билдиришлари мумкин. Бу ерда, Туркманлар (агар аҳолиси ва ҳудудига солиширилса) ҳудди Саудия Арабистони каби улкан табиий бойликларга эга эканлигини ёдда туриш керак.

Кучли раҳбар етакчилигига Ўзбекистон, албатта, оёқка туриши керак. Лекин бунга бир қанча йил ва балки анча мاشақкатли ислоҳотлар ҳам керак бўлади.

Давлат бошқарувида, ҳукумат идораларида фақат ўғрилар, пораҳўрлар, жиноятчилар деган маънодаги бемаъни ва масъулиятсиз баёнотлар билан бу табакани янада ўзига қарши қўйишига ҳеч бир эҳтиёж йўқ. Аксинса - бундай баёнотларни мухолифатнинг ўзи учун зарари кўпроқ. Мухолифатчилар орасида ҳам ҳамма тўғри, ҳалол ёки пок эмас.

Мен Америка фуқаросиман, Ўзбекистон мухолифатида катта арбоб, ёки мамлакатда катта сиёсатчи, амалдор бўлиш режам йўқ. Ўзбекистон ҳукумати ёки мавжуд мухолифат гурухчаларидан ҳам менга ҳеч нима керак эмас. Жумладан, шунинг учун, мен холисрок фикр юрита олишимга ишонаман. Ҳамда, сиёсий ва таҳлилий тажрибам, билимимдан Америкага ҳам, Ўзбекистонга ҳам фойдам тегиши мумкин деб ҳисоблайман.

Мен ҳақимда “ҳар йили Ўзбекистонга боради” деган гапларга ишонувчиларга эслатма. Агар 1996-98 йилларни назарда тутилса, бу гап тўғри. Лекин, 1998-йил ёзидан бери Каримов ҳукумати менга ўзим туғилиб ўсган, мени улғайтирган (ва умид қиласилик мен ҳам унга озмоз хизмат қиласи) тарихий Ватанимга боришга ижозат (виза) бергани йўқ. Ҳар бир ҳукумат, чет эллик - ё фуқаролиги йўқ кишига - ўз мамлакатига келишига ижозат бериш ёки бермаслик ҳукуқига эга. Буни фақат баъзи чаласавод ҳукуқ ҳимоячилари ва қонунларни билмайдиган содда одамлар тушунишмайди. Халқаро шартномаларда ҳам, Ўзбекистон (ва бошқа жуда кўп давлат, жумладан, Америка) қонунларида ҳам бундай “ҳукуқ” йўқ. Шунинг учун ҳам, жуда кўп Ўзбекистонлик ва бошқа юртликлар Америка ёки Оврупо давлатларига келишига ижозат (виза) олишлари мушкул. Ўз мамлакатидан чет элга сафар қилиш учун “чиқиш” ҳукуки - бу

бошқа гап: бундай хуқуқ бор.

Менга 1998-йил ёзидан бери Каримов ҳукумати Ўзбекистонга боришга рухсат бермаётганлигини шикоят сифатида айтаётганим йўқ. Бу - шунчаки билдириш холос. Ҳар қандай масалада ҳам, мен иложи борича шикоят қилмасликка ҳаракат қиласман. Лекин, ўз конуний ҳақ-хуқуқимни талааб қилишим мумкин.

**10-савол: - Сиз ўз ҳаётингизни кўп қисмини мухолифатга багшилаганингиздан мамнунмисиз ёки афсусдамисиз?**

Жавоб: - Мамнунман, афсуслигим йўқ. Лекин агар фаолиятимни қайтадан бошласам, кўп ишларни анча бошқача қилган бўлардим. Булар ҳақида юқорида бироз гапириб ўтдим

\*\*\*\*\*

## **Тоғбой Абдураззоқ: “Мақсадим - Худо розилигини топиш”**



**Тоғбой Абдураззоқ - мухолифат фаоли, шоир, Канада.**

**Юсуф Расул:** -Ўзбекистонда мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?

**Тоғбой Абдураззоқ:** -Давлат мавжуд экан мухолифатни бўлиши муқаррар. Лекин булар тарихий жараёнда ўз фаолиятини ошкора ёки пинҳона олиб бориши мумкин вазиятга қараб. Албата, муайян давлат бошқарувидаги мавжуд зулмга қарши ҳалқ ўз норозилигини билдириб келган. Охир оқибат бу кураш ғалаба ёки фожиа билан якун топган. Бунга мисоллар кўп. Оқ подшо мустамлакачилигига қарши “Пан туркизм” ва “Пан исломизм” ҳаракатининг пайдо бўлиши, Туркистон мухтор давлатини тузишдаги уринишлар ва Сталин давридаги илгор зиёлиларнинг пинҳона норозилик ҳаракатлари ва уларнинг фожиали якуни...

**Ю.Р.:** -Ўзбек мухолифатининг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнини 1989 йилда “Бирлик” ҳаракати ташкил топиши билан боғлайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларни пайдо бўлиши сабаблари нималар билан боғлиқ эди?

Т.А.: -Ёлғон ақидага асосланган Совет империясининг емирилиши муқаррар эди ва бу Гарбачёв даврига келиб амалга ошиди ҳам. Анча сиёсий фаоллашган Болтиқ бўйи республикаларининг мустақиллик учун олиб борган сиёсий саҳнадаги курашлари ўзбек зиёлиларига туртки бўлди. Бу эса “Бирлик” Ҳалқ Ҳаракати фронтини юзага келтирди.

**Ю.Р.:** -90 -йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифати мамлакат ва ҳалқ учун асосан қандай кўзга кўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга оширди?

Т.А.: -Дастлабки вақтларда “Бирлик” ўз атрофига ижтимоий табақаларнинг турли, илғор фикрловчи кишиларини тўплашга муваффақ бўлган. Унинг сардорлари А. Пўлат, М. Солих, Дадаҳон Ҳасан каби фидойилар очиқ империяга қарши кўрқмай фаолият олиб бора бошладилар. Бу эса қисқа вақт ичida халқ эътиборини ўзига тортиб, аҳолини фаоллашувига олиб келди. Одамлар ўзлигини таний бошлади. Ўз тилига ва ўз юртига эгалигини ҳис кила бошлади. Бунга қисман эришди ҳам.

**Ю.Р.: -Сизнингча ўзбек мухолифатини ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди - мухолифат нималарга эришди-ю, нималарни бой берди?**

Т.А.: -Бирок, камбағални оғзи ошга етганда бурни қонабди деганлариdek, Ҳаракатга кўз тегди. Энг катта хато - **БУЛИНИШ!** Яъни “Эрк” партиясини юзага келиши ва унинг “Бирлик”дан ажralиб чиқиши. Бунинг сабаби эса ҲАСАД ва МАНМАНЛИК.

*Ю.Р.: -Каримов ҳукуматини мухолифатга қарши аёвсиз кураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқлайди?*

Т.А.: -Албатта, “Бирлик”ни юзага келиши ва унинг дастлабки муваффакиятлари Каримов бошчилигидаги бюрократияни ларзага солди. Айёр Каримов турли найранглар билан, ҳатто керак бўлса ўзини хокисор кўрсатиб, айrim депутатлар билан алоҳида сұхбатда хўнграб йиғлаб, “Бирлик” лидерлари ўртасига раҳна солди. Кимларгадур “олтин тоғ” ваъда қилиб, кимларнидир арматура билан бошини ёриб, ўзининг гаразли мақсадига эришди. Охир оқибат соғлом фикрдаги фидойиларни бирин - кетин бошини еди. Қамади, ўлдирди, хорижга қувғин қилди.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатини хорижда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқлайдими? Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

Т.А.: -Хориждаги мухолифат фаолиятига келсак ҳар ким ҳоли қудрат тарқоқ ҳолда ўз фикрига таяниб иш олиб бормоқда. Иймон эътиқодли кишилар ўзбек халқини шайтон зулмидан озод қилиш учун АЛЛОҲ розилигини истаб ҳаракат қилаётган бўлса, айримлари ўзга сафдошларини камситиш эвазига обрўйга эга бўлиш учун, қолаверса, зўравон давлатларнинг ёрдами билан ҳокимиятни қўлга киритсан керак, деган хом хаёл билан банд. Токи булар бирлашмагунча бирон натижага эришолмайди.

**Ю.Р.: -Бугун мухолифатни бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришга урунмокда. Дунёвий мухолифатни исломлашиши мамлакат ва халқимиз келажагига қандай таъсири этиши мумкин?**

Т.А.: -Шуни унутмаслигимиз керакки, бизни, умуман жамики мавжудотни, яратувчиси Аллоҳ, шубҳасиз бир кун Аллоҳнинг ўзига қайтажакмиз. Ҳар бир инсон яратувчининг мулкида вақтинча меҳмон эканлилигини ҳис қилиб, илоҳий қонунга суюниб иш олиб бормас экан, у ҳеч қандай ижобий натижага эриша олмайди. Исломда йўқ мухолифатнинг муҳлислари ўғри-фирибгарлар, иймон ва виждонсиз каззоблардир. Ўзбекистондаги бугунги аҳвол шуни кўрсатиб турибди.

**Ю.Р.: -Халқимиз қарийб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан бехабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичida янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини такрорламаслигини истардингиз?**

Т.А.: -Мумкин, биз сезмаган ҳаракатлар сезиларли даражада давом этмоқда ҳам. Ҳизбут таҳрир ҳамда акромийлар ҳаракати бунинг мисолидир. Яна қандайдир мухолиф кучларнинг кутилмаганда майдонга чиқиши мумкин. Шафқатсиз режимнинг мажудлиги уларнинг

ошкора фаолиятини яширишга мажбур этмоқда, деб ўйлайман.

**Ю.Р.: -Сизнингча, ўзбек мухолифатини бугун амалга ошириши зарур бўлган мухим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**

Т.А.: -Мухолифатнинг бугунги вазифаси ораларидаги ўзаро гиналарга барҳам бериб, бирлашиш. Лекин ҳозирги лидерлар бунга қодир эмас. Уларнинг орасини бузиш учун бир вақтлар Каримов томонидан қилинган макр амали ҳалигача ўз кучини йўқотгани йўқ. Аксинча бўлиниш ҳалигача занжирли реакция каби парчаланиб давом этмоқда.

**Ю.Р.: -Сиз ўз ҳаётингизни кўп қисмини мухолифатга бағишилаганингиздан мамнунмисиз ёки афсусдаминосиз?**

Т.А.: -Мен “Бирлик”ка 1989 йил 3-июнда Тошкентда Ёзувчилар Уюшмасининг котибаси Гавҳар Норматова томонидан рўйхатга олинганинман. Ўшандада мени Сурхондарёлик, политехника институти талабаси Жума Тошматов билан биргаликда Сафар Бекжон Мухаммад Солих билан таништиргани олиб келишган эди. Лекин, Солихни шошилинч Марғилонга кетганлигини айтишди месхети турклар мажораси рўй берганлиги сабаб. Шунга қарамасдан “Бирлик”ка аъзо бўлганимдан бошим осмонга етган эди. Шу сабаб бўлса керак ҳозиргача “бирлик”чиман. Мавжуд мустабид тузимга қарши кураш олиб бораётган жамики мухолиф кучларга беминат ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилиб келдим ва бундан кейин ҳам қандай гуруҳ ва фирмә бўлишидан катъий назар ёрдам беришга тайёрман. Максадим қайсиdir бир партия ҳокимиятни эгаллаб қолса ундан ўз манфаатим йўлида фойдаланиш эмас, аксинча зулмга қарши курашиб, Худонинг розилигини топишдир. Зоро, гуноҳларимни Аллоҳ маҳфират қилса - мен учун катта баҳт!

\*\*\*\*

## **Абдужалил Бойматов:**

**“Ўзбекистон жамияти учун мухолифат сув ва ҳаводек зарур”.**



**Абдужалил Бойматов - Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти президенти, Ирландия.**

**Юсуф Расул:** -Ўзбекистонда мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?

**Абдужалил Бойматов:** -Мухолифат ҳамма даврларда, ҳамма тузумларда бўлади. Бу табиий. Чунки, ҳар бир ҳукуматга нисбатан албатта мухолифат бўлади. Ҳонликлар даврида ҳам мухолифат бўлган ўз ўзидан. Ҳамма гап шундаки мухолифат партиялар бўлмаган. Ҳукумат тарафдаги партиялар деган тушунчалар бўлмаган. Замонвайи партиялар Европада ҳам 200 йиллар олдин ташкил топган. Масалан, 1848 йилда Карл Маркс коммунистик партия манифестиини чиқарган эди. 19 аср охиридаги Жадидлар ҳаракати нисбатан прогрессиврок мухолифат бўлган. Улар жамиятни уйғотиш, ижтимоий ҳаётни янгилаш, ҳалқ маданий ҳаётини ошириш тарафдори бўлишган. Улар сиёсий партиялар кўринишида бўлмаган.

**Ю.Р.:** -Ўзбек мухолифатини пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнини 1989 йилда “Бирлик” ҳаракати ташкил топиши билан боғлайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларни пайдо бўлиши сабаблари нималар билан боғлиқ эди?

А.Б.: -Мен мухолифатга 1988 йил декабрда кириб келганман. “Бирлик” ҳалқ ҳаракатига қўшилдим. Ўзбек мухолифатини пайдо бўлишига Горбачёвни қайта куриш сиёсати яхши шароит яратди. Ўша пайтда ўзбек ҳалқи, мен ўзим ҳам мустақил бўлишни хоҳлардик. Ўша пайтда бир қанча муаммолар пайдо бўлганди. Булар ичida ўзбек тили, Орол муаммоси ҳам бор эди. “Бирлик” пайдо бўлгандан кейин ҳаракат ичida бир қанча гурухлар пайдо бўлди. Баъзи кишилар мустақилликни биринчи ўринга кўйишган эди.

Кимdir динни, кимdir Орол муаммосини аввал ҳал қилиш керак дерди. Мухолифат ана шундай заминда юзага келди. Та什қи факторларни ҳам ўша пайтдаги мухолифатга таъсирини эътиборга олиш керак. Олдин Польшада, кейин Венгрияда коммунистик тузум ағдариб ташланди. Бундан ташқари Болтиқбўйида бўлган ижтимоий -сиёсий ҳаракатлар ўзбек мухолифатини пайдо бўлишига катта таъсир кўрсатди.

**Ю.Р.:** -Сизнингча 90 -йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифати мамлакат ва ҳалқ учун асосан қандай кўзга кўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга ошириди?

А.Б.: -Биринчиси - ўзбек тили тўғрисида қонун қабул қилинди. Ўзбек тилига давлат мақоми

берилди. Иккинчидан - мухолифат саъй - ҳаракати билан мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Кейин одамларга дәхқончилик қилиш ва уй қуриш учун томорқалар ажратиб берилди. Бундан ташқари Орол муаммосини халқаро даражага күтарилишига мухолифатни хизматлари катта бўлди. Менинг бу саволга жавобим шу.

**Ю.Р.: -Сизнингча ўзбек мухолифатини ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди - мухолифат нималарга эришди-ю, нималарни бой берди?**

А.Б.: -Ўша пайтда мухолифат ЭРК ва “Бирлик”ка бўлиниб кетди. Бу ўша пайтда мухолифатни ўзида ва раҳбарларида демократия маданияти йўқ эканлигини кўрсатганди. Иккинчи томондан ҳукумат жон жаҳди билан мухолифатни бўлиб ташлашга ҳаракат қилди. Тарихда биринчи марта ўшанда ўзбек халқи мухолифат орқасидан эргашганди. Мухолифат ҳукумат тепасига келиши мумкин эди, бунга шароит етилган эди. Тажрибасизлиги оқибатида мухолифат бундан фойдалана олмади. Мухолифатни энг катта хатоси эди, бу.

**Ю.Р.: -Каримов ҳукуматини мухолифатга қарши аёвсиз кураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқлади?**

А.Б.: -Тўғрисини айтганда Каримовда демократик дунёқарашиб бўлмаган. 20 йиллик фаолияти шуни курсатмоқда. У демократия, эркинлик, ошкоралик каби сўзларни куп ишлатади. Лекин эски коммунистик дунёқарашибдан чиқиб кета олмади. Ундан жамиятни эркинлаштириш борасида бирор ўзгаришни кутиш кийин.

Мени шахсий фикрим, Каримов мухолифат билан келишиб ишлай олмади. Демократияни хоҳлаётган мухолифат билан диктатор ҳеч қандай келишувга бориши мумкин эмас эди. Шундай бўлди ҳам. Ўша пайтда Каримов Россиянинг демократик ҳукумати таъсирида мухолифатни рўйхатга олишга мажбур бўлганди. Фақат ЭРК партиясини рўйхатга олиб “Бирлик” ҳаракатини рўйхатга олинмагани мухолифат ичидаги яна парчаланишга сабаб бўлди. Бундан максад қандай бўлмасин мухолифатни парчалаб йўқ қилиш эди. Мухолифат осонгина ҳукумат қўйган тузоққа илинди.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатини хорижда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқладими? Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

А.Б.: -Мухолифатни мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада таъсири бўлди. Лекин Ўзбекистондаги тузумни, жамиятни эркинлаштириш нуқтаи назаридан караганда таъсири жуда ҳам кам. Мухолифатдаги сиёсий партияларга қараганда инсон ҳуқуклари ташкилотларининг фаолияти самаралироқ бўлди. Ҳуқуқ ҳимоячилари болалар мөҳнати, сиёсий маҳбусларни озод қилиш, қийноқлар, Андижон воқеалари масалаларини кўтариб чиқишиди. Улар дунё жамоатчилиги эътиборини шу муаммоларга жалб қилишга эришишиди. Бу ҳуқуқбонларни энг катта ютуғи бўлди. Лекин биз мухолифатдаги сиёсий партия ва ҳаракатларни қандайдир аник бир муаммони кутариб чиқишгани ва бирор бир натижага эришишганини билмаймиз.

**Ю.Р.: -Бугун мухолифатни бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришга урунмоқда. Дунёвий мухолифатни исломлашиши мамлакат ва халқимиз келажагига қандай таъсири этиши мумкин?**

А.Б.: -Менинг фикрим, Ўзбекистонда эркинлашиш ва демократлашиш жараёни исломлашиш жараёнига караганда олдинда кетиши керак. Чунки, демократия исломга зид эмас, демократия исломни эркин фаолият кўрсатиши учун шароит яратади. Афсуски, ЭРК демократик партияси ва “Бирлик” халқ ҳаракати партиялари демократик партиялар эмас. Уларни номи демократик бўлгани билан бу партияларда демократия йўқ. Ислом Каримов тузган партияларда эса демократия бўлиши ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.”Бирлик” партияси раиси 1989 йил 28 майдан буён бу партия раиси. Муҳаммад Солих 1990 йилдан буён ЭРК партияси раиси. Бу партияларни лидерлари алмашмагани бу партияларда

демократия йўқлигини курсатиб турибди. Ўзида демократия бўлмаган партияларни демократиядан узоқ бўлган диндорлар билан яқинлашуви Ўзбекистонни демократлашиш жараёнига ижобий эмас, салбий таъсир кўрсатади. Бу ўзбек жамияти учун катта бир фожеадир.

**Ю.Р.: -Халқимиз қариб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан бехабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичида янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини такрорламаслигини истардингиз?**

А.Б.: -Менинг фикримча Марказий Осиёни келажагини кандай бўлишини Ўзбекистон эмас, Козогистон белгилайди. Чунки, ҳозирги пайтда Қозогистон Марказий Осиёда иқтисодий ривожланиш бўйича лидер. Аҳоли жон бошига даромад Ўзбекистонда 2008 йилда 900 доллар бўлган бўлса, Қозогистонда 9700 долларни ташкил этади. Орадаги фарқ деярли ўн баробар. Бу иқтисодий ахвол. Демократия нуктаи назаридан олиб қараганда Қирғизистон ва Муғалистон Ўзбекистонга қараганда анча олдинда. Ҳозир турк мамлакатлари ичида (дунёда олтига турк мамлакати бор) ҳозир Туркия билан Қозогистон иқтисодий лидер, Туркия, Қирғизистон ва Муғалистон сиёсий ислоҳотлар бўйича олдинда. Демак келажакда турк давлатларининг иқтисодий ва сиёсий ривожини шу давлатлар белгилагани учун Ўзбекистон улар оркасидан кетишга мажбур. Ўзбекистондаги мухолифат ва халқимиз мана шу жараёнларни қай даражада тушуниб етиши мухолифатни қанчалик даражада ривожланишини белгилайди.

**Ю.Р.: -Сизнингча, ўзбек мухолифатининг бугун амалга ошириши зарур бўлган муҳим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**

А.Б.: -Биринчидан - ўзбек мухолифатида лидерлари алмашиши керак. Мухолифатдаги партиялар коғозда эмас амалда ҳақиқий демократик партияларга айланишлари керак. Иккинчидан - мухолиф партиялар Ўзбекистон жамияти учун долзарб бўлган муаммолар билан шуғуланиши зарур. Аввал муаммоларнинг назарий ечими ишлаб чиқилиши, кейин амалий ечими устида фаолият олиб борилиши керак.

Афсуски, ҳозирги мухолифатда бунга интилиш йўқ, интилиш бўлганда ҳам балки мухолифат партияларининг интеллектуал қобилияти етарли эмас. Бунинг акси улароқ Каримов режими амалдорларида ҳам прогрессивлик йўқ.

**Ю.Р.: -Сиз ўз ҳаётингизни кўп қисмини мухолифатга бағишлиганингиздан мамнунмисиз ёки афсусдамисиз?**

А.Б.: -Бу саволингизга бошқачарок жавоб бераман. Мен мухолифатнинг 20 йиллик фаолияти давомида Ўзбекистон жамиятини эркинлаштириш ва демократиялаштириш борасида бироз бўлсада муваффақиятга эриша олмаганидан афсусдаман. Албатта Ислом Каримов режимини айблаш кўпроқ ўринли. Ўзбекистон жамияти учун мухолифат сув ва хаводек зарур. Жамиятни эркинлашиши ва демократлашув жараёни мухолифатсиз амалга ошмаслиги аён.

\*\*\*\*

## **Баҳодир Чориев: “Биз халқнинг вакилимиз”**



**Баҳодир Чориев - “Бирдамлик” ҳаракати етакчиси, АҚШ.**

**Юсуф Расул: -Ўзбекистондаги мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?**

**Баҳодир Чориев:** -Дунёда ҳукуматлар бўлган, албатта унга мухолиф кишилар ва бу мухолиф кишиларни уюшмалари, сиёсий ташкилотлар ҳам бўлган. Жумладан Ўзбекистонда ҳам. 1989 йилгача энг яхши мухолифатчилар сифатида жадидларни мисол келтирасак бўлади.

**Ю.Р.:** -Ўзбек мухолифатининг пайдо бўлиши ва шаклланиши жараёнини 1989 йилда “Бирлик” ҳаракати ташкил топшиши билан боғлайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларниуи пайдо бўлиши сабаблари нималар билан боғлиқ эди?

**Б.Ч.:** -Бу жараёнларда мен қатнашмаганман. Сабаби 1987-1989 йилларни ҳарбий хизматда бўлганман. Ҳарбий хизматни тугатиб Россияни Томский шаҳрида Политехника институтида ўқиши давом эттирганман.

Шуни қайд этиб ўтишим мумкин: Қайта қуриш сиёсати туфайли юзага келган ўзгаришлар сабабли ва Болтиқ бўйи халқларини озодликка, демократияга интилиши, бундан ташқари Жадидчилар ҳаракатини яхши билган зиёлиларимиз саъй-ҳаракатлари натижасида янги мухолифатга асос солишди. Бунинг натижаси улароқ “Бирлик” Халқ Ҳаракати вужудга келди.

**Ю.Р.: -90 -йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифати мамлакат ва халқ учун асосан қандай кўзга кўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга ошириди?**

**Б.Ч.:** -90 йиллар бошидаги мухолифатнинг энг катта ютуғи халқимизни озодлиги учун кучларни тинч намойишга чиқишини қўрсатиб бергани эди. Бу курашлар натижасида тилимизга давлат мақоми олиб берилди ва мустақилликка эришилди. Булар биз ёшлар учун катта бир сиёсий мактаб ўрнини босди.

**Ю.Р.: -Сизнингча ўзбек мухолифатининг ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди - мухолифат нималарга эришиди-ю, нималарни бой берди?**

**Б.Ч.:** -Хукumat мухолифатни қувиб чиқариш учун жуда катта куч сарфлади. Хукumat Муҳаммад Солиҳ ва Абдураҳим Пўлатовларни беш қўлдай яхши билганлиги учун олдин уларни нишонга олди. Афсуски ушбу етакчилар вазиятга етарлича баҳо бера олмадилар. Иккаласи ҳам кетма -кет ватанни тарқ этди. Шу билан бутун бошли мухолифатни бошсиз қилиб кетдилар. Бундан яхши фойдаланган хукumat истаганича қолган кўпчилик

мухолифатчиларни урди, қамади, ҳаттоқи жисмоний йўқотишгача борди. Агар бу иккала етакчи ватанни тарқ этмаганида эди, ҳукумат аввалом бор бу икки лидерга нисбатан жуда қаттиқ тазиқ қиласр эди, аммо мухолифатга қарши кенг қамровли тазиқларни олиб бормаган булар эди. Бошлари ёрилса, бош бир кун тузалар эди, қамалсалар бир кун қамоқдан чиқар эдилар, Уларни ўлдирсалар, ўрнига ўнлаб, юзлаб Абдураҳим Пўлат ёки Муҳаммад Солихлар чиқар эди. Буларни жойи ватанда эди, ўшандада мухолифат бемалол фаолият олиб борган бўлар эди.

Менимча хорижда ҳам бу иккала етакчи доим ўзларини ишини тўғри, қолганларни фаолиятини нотўғри деб келди. Ўзаро гурухбозлик уюштирилди. Буни оқибатида асосий кураш қолиб кетди ва фақат ўзаро даҳанаки жанглар бошланиб, бу ҳозиргача давом этмоқда, Кўпчилик буларни жанжалидан безди. Мамлакат ичидаги оддий мухолифатчилар ҳам жуда иқтисодий қийинчилик ортида яшаб, охири кўпчилиги улардан воз кечди. Шу шароитни тўғри таҳлил қилиб мухолифат ичидаги янги ташкиллашган “Бирдамлик” ҳаракати ўз фаолиятини бошлади. Насиб этса биз мухолифат фаолиятини тўғри йўлга бошлаймиз.

**Ю.Р.: -Каримов ҳукуматининг мухолифатга қарши аёвсиз қураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқлайди?**

Б.Ч.: -Каримов тузуми амалдорлари бу - эски совет тузуми коммунистлари эди. Уларни деярли ҳаммаси коммунист, аммо бир думалаб демократ бўлиб олган кишилар. Улар эркинлик, демократия тушунчаларидан узоқда эдилар. Улар ўз мансаб ва ҳокимиятларини йўқотиб қўймаслик учун қўлларидан келган барча ҳаракатни қилиб келдилар. Бу ҳукумат мухолифатни қаттиқ тазиқ ва қувғинга олдики, натижада мамлакат ичидаги муҳолифат ўрнида катта бир бўшлиқ юзага келди. Каримов ҳукуматини бу ҳаракатлари ўзини оқламади. Натижасини эса кўриб турибмиз. Ўзбекистон ҳар соҳада орқага кетди.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатининг хорижда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқлайдими? Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

Б.Ч.: -Мухолифат имконият даражасида ҳамма ерда -хорижда ҳам, мамлакат ичидаги ҳам фаоллашиши керак. Хорижда туриб ҳам Ўзбекистон ичидаги мухолифатни моддий ва маънавий қўллаш мумкин. Бу ҳаракатлар ўзини оқлайди. Афсуски, жуда кўп мухолифатга даъво қилувчи инсонлар Farb давлатларига яхши ҳаёт учун чиқиб олишган. Баъзиларидан “Нега фаолиятингизни тўхтатдингиз?”, деб сўрасангиз, “Менга бу ташкилот ёқмайди, бу лидер ёқмайди, бу сиёсатчи ёқмайди, бу ташкилот фояси ёқмайди ва ҳакоза..» важларни мисол қилиб келтиришади. Мен шу каби инсонларга айтгим келади: Яхши, сизнинг бу важларингиз ўринли, унда ўзингизга ўхшаган тарафкашларни йиғиб бир сиёсий ташкилот тузинг. Ёки индивидуал равишда Ўзбекистон ичидаги қийин иқтисодий аҳволда қурашаётган сафдошларингизга имкон даражасида ҳар томонлама ёрдам қилинг. Ахир бир кун сизни ҳам Ватанга қайтиш умидингиз бордир. Қандай қилиб сафдошларингиз юзига, ҳалқнинг юзига қарайсиз. Бу сизнинг ҳозирги яхши ҳаётда яшашингизни қайси сиёсий мухолифат ташкилотида бўлсангиз ҳам ватан ичидаги ўз сафдошларингизни унутишингизни мен Ватанга ва Ҳалққа нисбатан хоинлик деб ҳисоблайман.

Ўзбекистонлик журналистлар ҳақида ҳам икки оғиз аччиқ сўзимни айтиб ўтмоқчиман. Бу ерда қочоқлик мақомини олиб келган бир қанча журналистларни сиртдан танийман. Афсуски, бу инсонларнинг кўпчилиги ўзларини мустақил журналист деб даъво қилиб келадилар, лекин улар ҳам бу ерга яхши ҳаёт излаб келган кўринади. Кўплари бу ерда ўз фаолиятларини деярли тўхтатдилар. Грант бўлса, яхши маошли иш топилса ўз қасбларига қайтадилар. Хўш, айтингчи сиздай оқ қорани таниган инсонлар наҳотки бошқа давлатлардаги журналистликка даъво қилаётган инсонлардан фарқли бўлсангиз. Нега сиз ўзингизни ҳалққа хизмат қилишдан, муҳолиф ташкилотларга ёрдам қилишдан олиб қочасиз? Сизлар ҳам билаб - билмай ҳалқдан, ватандан узоқлашиб кетмаяпсизми? Мустақил журналистликка даъво қилиб ҳам ҳалқ учун, ватан учун жуда кўп ишларни қилиш мумкин.

Мен шу ўринда фаолиятини тўхтатмаган, Фарбга яхши ҳаёт эмас, аксинча тузум зулмидан қочиб келган журналистлар: Жаҳонгир Муҳаммад,Fafir Йўлдошев, Тўлқин Қораев, Юсуф Расул, Қудрат Бобожон, Галима Бухарбаева, Ризобек Обидовларга ўз навбатида раҳмат айтаман. Уларни бир зум ҳам тўхтамай халқ учун beminnat хизмат қилаётганини олқишилайман.

**Ю.Р.: -Бугун мухолифатнинг бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришга урунмоқда. Дунёвий мухолифатнинг исломлашиши мамлакат ва халқимиз келажагига қандай таъсир этиши мумкин?**

Б.Ч.: -Каримов ҳукумати ҳар қанча ёмон бўлса ҳам динни Ўзбекистонда кучайишига бошида ҳеч қандай қаршилик қилмади, аксинча динни мустаҳкамланишига анча йўл очиб берди. Мисол тариқасида шуларни келтиришим мумкин. Катта ва кичик маҳаллаларда масжидлар очилди, диний даргоҳларни сони ортди. Мактабларда араб алифбоси ўргатила бошлади. Иш жойлари ва талабалар ётоқхоналарида номоз ўқийдиган жойлар ташкиллаштирилди. Дин уламоларини қабрлари ва иморатлари қайта тикланди. Ҳаж сафарига кенг эътибор берилди. Дўконларда диний китоб ва журналларни истаганча сотиб олиш мумкин бўлди. Телеведение ва радио орқали дин ҳақида жуда яхши кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилди. Бу борада жуда кўп мисоллар келтирсан бўлади.

Динни чала ўрганганд, сиёсийлашган диндорлар, яъни Ваҳобий, Ҳизбут Тахрир, «Биродарлар» диний таълимни ўз билганларича талқин этиб, Ўзбекистонда халифатчилик давлатини тузишига киришиб кетишиди. Буни оқибатида ҳукумат жуда ҳам қаттиқ қўрқувга тушиб, барча диний таълим ва диний фаолиятни ўз назоратига олди. Сиёсийлашган диндорларни қамадилар ва уларга нисбатан қаттиқ тазиик ўтказилди. Ҳозирги шароитда иккала томон ҳам бир- бирига ўта душманоно кайфиятда. Нега шундай бўлди?

Менимча сиёсий диндорлар бир қирғоқдан иккинчи қирғоққа бир сакраб ўтиб олишмоқчи бўлишиди, яъни социализмдан халифатчиликка. Ўзбекистон халифатчиликдан социализмга оз муддат йўл босиб ўтдими?. Бу ерда асрлар кўпприк воситасини ўтамадими?

Шу сабабли ҳозирги сиёсийлашган диндорларнинг уриниши бехудадир. Булар энди Ўзбекистон ҳукумати билан умуман яхши муносабатда бўла олмайдилар. Агар улар Ўзбекистонда динни ривожланиши учун астойдил қайғурсалар ҳозирги дунёвий мухолифат билан яхши муносабатда бўлишлари керак. Қачон бўлса ҳам дунёвий мухолифат ҳукуматга келади. Агар сиёсий диндорлар бугунги кунга ўхшаб демократия ва демократик бошқарувдан норози бўлсалар, Ўзбекистонда халифатчилик хавфи доимо бўлиб келаверади. Бу эса динни ривожланиши эмас, аксинча заифлашувига олиб келади. Фақат демократик давлат динни ривожланишини қўллади, Демократик давлатгина атрофдаги геополитик босимларга бардош бера олади. Чунки, демократия халқ иродасини ифодалайди, диндорлар ҳам халқнинг бир бўлагидир.

Демократия бу - халқ истагини ифода этувчи бошқарув усули. Аввалом бор хақиқий демократия ва сохта демократияни халқимиз ажратиб олишига ёрдам беришимиз керак. Ўзбекистонни ҳозирги ҳукумати демократия деб жар солмоқда, афсуски бу сохта демократия фақат қоғозда қолиб кетмоқда. Буни оқибатида халқимиз қаттиқ чалғимоқда. Ҳақиқий демократия бу халқ истагини амалга оширувчи, адолатли давлат тузумидир. Бу эса одил судлов, сўз, виждан, эркин ҳаракатланиш ва бошқа эркинликлар, ҳукуқлардир. Биз ҳеч қачон гарб демократиясини 100 % кўчириб олмоқчи эмасмиз. АКСИНЧА БИЗ ИСТАГАН ДЕМОКРАТИЯ ХАЛҚИМИЗ УРФ ОДАТЛАРИ, МАМЛАКАТДА ЯШАЁТГАН ДИН ВАКИЛЛАРИ ИСТАК ВА ХОҲИШЛАРИ, маданият, тилимиз ва ҳакозаларни инобатга олиб ташкил қилинадиган адолатли давлат бошқаруви бўлади.

Мисол учун ғарбда кенг ёйилган бесоқолбозлик ва шунга ўхшаш ёмон иллатларни халқимиз қабул қиласмайди. Демак, халқ ўзи сайлаган ҳукуматдан бундай ёмон иллатларга қарши курашишни талаб қиласди ва курашади ҳам.

Демократия диндорлар учун ҳам ўз мақсадларига эришиш учун кўприк воситасини бажаради. Бу кўприк қаҷон битиши, ҳозирги диндорларни ақл фаросатига ҳам боғлиқдир. Агар улар ҳозиргига ўхшаб жуда кўп фирмаларга бўлинар экан, ўзаро зиддиятларга ва яхими ёмонми давлат тепасида турган кучларга қарши ҳар хил курашларни олиб борар эканлар, демократия кўприги ҳам уларга торлик қиласди. Натижада улар халқни динга яқинлаштириш ўрнига ўзлари билмаган ҳолда ўзоқлаштирадилар. Бу яна уларни ўзларига ҳавола. Ҳозирги ҳолатда Ўзбекистон ичидаги, ҳукумат билан биргаликда фаолият олиб бораётган дин вакиллари ижобий ишларни амалга оширайти деб ҳисоблайман. Чунки, 70 йил давомида диндан чиққан халқни 7 йилда динга олиб кириб бўлмайди. Демак, бу учун анча вақт керак бўлади.

**Ю.Р.: -Халқимиз қарийб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан беҳабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичida янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини такрорламаслигини истардингиз?**

Б.Ч.: -Мамлакат ичida “Бирдамлик” ҳаракати ўз имконияти доирасида ташкилий ишларни олиб бормоқда. Бу алоҳида мавзу.

Хатоларни қайтармаслик ҳақида.

Биз барча мухолифат аъзоларидан дарҳол ғийбат ва жанжалларни тўхтатишни талаб қилишимиз керак. Бир - биримизни танқид қилишимиз яхши, аммо бу танқидни тўғри қабул қилишни ва ундан тўғри холоса чиқаришни ўрганишимиз керак. Бир- биримизга нисбатан, бошқа мухолифат ташкилотларига нисбатан, ҳукуматга нисбатан бағрикенглик қилишимиз керак. Ўзимизни қилган хатоларимизни тўғри тан олишимиз керак, ҳукуматни ҳам тўғри танқид қилишимиз, аммо уларни ортиқча жигига тегмаслигимиз керак. Кўпроқ Ўзбекистон ичидаги фаолларимизга моддий ва маънавий ёрдам қилишимиз шарт.

Хорижда яхши ташкиллашган мухолифат, албатта Ўзбекистон ичida ҳам фаолиятини яхши йўлга қўя олади. Мен бунга “Бирдамлик” Ҳаракати фаолиятини мисол қилиб келтираман. Хали тугатилмаган ишларимиз жуда кўп, шунинг учун бу ҳақда ортиқча ёзишга ҳожат йўқ деб ҳисоблайман. Аммо тажрибаларимиздан шуни ёзмоқчиманки, фаолиятни имкон қадар ҳар ерда кучайтириш мумкин.

**Ю.Р.: -Сизнингча, ўзбек мухолифатини бугун амалга ошириши зарур бўлган мухим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**

Б.Ч.: -Биринчидан: ўзаро зиддиятларга барҳам беришимиз керак, бир -биримизга нисбатан кечиримли бўлишимиз ва бағрикенглик қилишимиз шарт. Иккинчидан: ҳар бир сиёсий ташкилот ўзи ичидаги ноҳақликларни камайтиришга ҳаракат қилиши керак, лозим топилса ҳар бир ташкилот ўз лидерини қайта сайлаши керак. Учинчидан: мухолифат ягона лидер атрофида бирлашиши шарт. Тўртинчидан: фақат кураш усули этиб нозӯравон кураш усулини танлаш лозим. Бешинчидан: кураш фақат режимни тугатиш ва Ўзбекистонда Демократия ўрнатилиши учун олиб борилиши шарт.

“Бирдамлик” Ҳаракатини келажакда амалга оширадиган ишлари ҳақида гапирадиган бўлсан... Ҳаракатимиз ҳозирги кунгача ўз олдига сиёсий партияга айланиш ёки сиёсий партия тузиш ниятини қўйгани йўқ эди. Ҳозирги кунларда бу ҳам кун тартибига чиқиб келмоқда. Насиб этса Ўзбекистонда ҳам эркин сайловлар бўлади. “Бирдамлик” фаоллари ҳам албатта бу сайловларга жуда катта фаоллик билан қатнашадилар. Хўш, қайси партия томонида? Аввалом бор ҳар бир ҳалқ учун катта бир Ҳалқ Ҳаракати зарурдир. Афсуски бизни ўзокни кўра олмайдиган Ҳалқ ҳаракатини бошқарувчилари, тайёр Ҳалқ иродасини ифода этган ҳаракатни барбод қилиб, ўрнига ҳалқдан сўрамасдан бир партия ташкил қилиб, тарих олдида катта бир хатоликка йўл қўдилар. Биз эса аксинча “Бирдамлик” Ҳаракатини

кучайтириб, халқ озодлигига эришсақ, Ҳаракат мақомини бутунлай сақлаб қолмоқчимиз. Шунинг билан бирга янги партия тузиб, сайловларга қатнашмоқчимиз. Бу ҳозирчалик режа, сиёсий партиялар бизни бу режаларимизни қараб чиқсалар ёмон бўлмас эди. Сабаби биз сиёсий партия тузсак, албатта улар биз билан рақобатлаша олмайдилар. Мен шунга ишонаман.

**Ю.Р.: Сиз ўз ҳаётингизнинг кўп қисмини мухолифатга багишлаганингиздан мамнунмисиз ёки афсусдаминосиз?**

Б.Ч.: -Бугунги кунда мухолифат сафида туриб ватан келажаги учун қайғураётган инсонларни қаттиқ ҳурмат қиласман. Оз бўлсада ўз вақтимни шу эзгу ишга сарфлаётганимдан мамнунман. Худо ҳаммамизга инсоф берсин, бу ернинг енгил ҳаётига алданмайлик. Биз халқни вакилимиз. Шу халқ бор экан, биз бу ердамиз. Ҳалқимизни, Ўзбекистонда қолган, оғир ҳаёт ва қамоқларда яшаётган дўстларимиз ва сафдошларимизни бир зум ҳам унутмаслигимиз керак. Имкон қадар уларни моддий ва маънавий қўллайлик. Уларга доим таянч булайлик. Бу кунлар ҳам ўтади, ватанга ёруғ юз билан қайтиш ҳаммамизга насиб этсин.

\*\*\*\*

## **Тўлқин Қораев: “Мухолифат пул маблағлари йиғиши керак”**



**Тўлқин Қораев - журналист ва мухолифат фаоли, Швеция.**

**Юсуф Расул: -Ўзбекистондаги мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?**

**Тўлқин Қораев:** -Мухолиф ҳаракатлар одатда ҳар бир замонда ва ҳар бир маконда бўлган, бор, бўлади. Қайсиdir бир даврда мухолифат ҳаракатлари яширин бўлган бўлса – бу эҳтимол. Ўзбек мухолифати Совет даври бошланишидан илгариги Бухоро амирлигига ҳам мавжуд эди. Қолаверса ҳалқимиз “Сарбадорлар”, “Ёш бухороликлар” каби сиёсий ҳаракатлар фаолиятидан хабардор.

Янги давр мухолифати ҳақида сўзлайдиган бўлсак – бу давр сабиқ СССР президенти Михаил Горбачев бошлаб берган ошкоралик даврида ҳаракатга келди. Мен “ҳаракатга келди” деяпман. Бунинг маъноси шуки, мухолифат бор эди ва у ўз юзини ошкора кўрсата бошлади. Ўзбек ҳалқининг зиёлилалари асос солган мухолифат бу “Бирлик” ҳалқ ҳаракати бўлганди.

1988 йил якуни олдиdan ташкил топган бу ҳаркат ҳали- ҳануз ўз олдига қўйган мақсадларига эриша олгани йўқ.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатининг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнини 1989 йилда “Бирлик” ҳаракати ташкил топиши билан боғлайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларни пайдо бўлиши сабаблари нималар билан боғлиқ эди?**

Т.Қ.: -Дарҳақиқат 1988 йилнинг ноябр ойида ташкил топган “Бирлик” ҳалқ ҳаракати ўзбек мухолифатининг даслабки дебочаси бўлганди. Унинг ташкил топишида Совет давридаги қолоқлик, айниқса Ўзбекистон каби кўплаб Республикаларнинг марказга боғлаб қўйилганлиги, эркинликларнинг чекланиши каби турли- туман сабаблар мавжуд бўлганди. Мамлакатимиз Совет Иттифоқининг пахта етказиб берувчи, таъбир жоиз бўлса мустамлакасига айлантирилгани ўзбек зиёлиларини айниқса ғазаблантиради. Лекин на улар ва ҳалқимиз Ўзбекистон мустақил бўлган Совет давридагиданкўра бир неча бор зулмкорроқ режимга эга бўлишимизни тасаввур эта олмаган бўлса керак.

**Ю.Р.: - 90 -йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифати мамлакат ва ҳалқ учун асосан қандай қўзга кўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга ошириди?**

Т.Қ.: -Мухолифат эришган ютуқлар ҳам бор албатта. Аммо уни бугунги Ислом Каримов у ҳукмронлик қилаётган режим “ўзиники” қилиб олган. Ўзбек мухолифати даставал ўзбек тилини давлат тили мақомига кўтариш учун, шунингдек пахта монокультурасига барҳам бериш, Республика иқтисодий мустақиллиги учун кураш бошлиганди. Маълумки ўзбек тили давлат тили мақомига эга. Мамлакат ҳам мустақил бўлди, аммо бу мустақиллик мухолифатни вататандан қувилишига, унинг кўплаб аъзоларининг камоқقا ташланишига олиб келди. Албатта бир муддат мухолифат ҳам ўзбек парламентида ўз овозига эга бўлган пайтлар бўлганди. Ўз матбуоти ва ўз сўзига эга ҳам бўлди. Бироқ барибир муғамбир ҳукумат уни беватан қилди.

**Ю.Р.: -Сизнингча ўзбек мухолифатини ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди - мухолифат нималарга эришди-ю, нималарни бой берди?**

Т.Қ.: -Мухолифатнинг йўл қўйган энг катта хатоси Каримов режимига оз бўлсада ишонч билдиргани деган бўлардим. Умуман бу режимга ишонмаслик керак эди. Бироқ кучлар орасида номутаносиблик ҳам катта роль ўйнади. Мухолифат имконсиз ҳолатга тушди. Боз устига ўзбек ҳалқига хос бўлган иллат – “катталар”га мутелик ҳам мухолифат ҳаракатини кучсизлантириди. Буганги даврда ҳам ҳалқимиз ҳаракатсиз, бирор қачонки ўз бошига оғир кун тушсагина дод-вой қиласяпти, холос. Масалан 2005 йилнинг 13 май кунида Андижонда қирғин бўлди, аммо ҳалқ ўрнидан қўзғолиб “нима қиласяпсан?” дея сўрай олмади. Баъзи бирорлар мухолифат ҳалқ билан яқдиллик қила олмади деган даъвони ҳам илгари суриши мумкин, аммо мен бундай фикрда эмасман. Ҳалқимиз мухолифатни сотишдан ҳам қайтмайдиган ҳалқ ва у бир қоп ун учун ҳар қандай сиёсатчини ўлдирисинлар, индамай турадиган ҳалқ. Бу аччиқ ҳақиқат!

**Ю.Р.: -Каримов ҳукуматини мухолифатга қарши аёвсиз кураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқлади?**

Т.Қ.: -Каримов ҳукуматининг мухолифатга қарши олиб борган ва олиб бораётган кураши ҳалқимиз, қолаверса кенг дунё жамоатчилиги олдида ўзини оқлай олмайди. Ўзбекистоннинг “доимий президенти” ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва уни фақат ўзида сақлаш илинжида ўзбек ҳалқига қарши кураш бошлиди ва у бугунги кунда ғолиб. Даставал «сиёсий экстремистлар» дея аталган дунёвий мухолифатга чангол солган Ислом Каримов кейинчалик “диний экстремистлар”, “террорчилар”га қарши кураш бошлаб юборди. Аслида Ўзбекистонда бундай муаммо мутлақ мавжуд эмас, аммо Ислом Каримов йўқ ердан йўқ

дushman яратишида давом этмоқда. Унинг айни ҳаракатларини дунё сионизми ва Дуне зулми маркази бўлган Истроил қўллаб - қувватлаяпти. Каримовнинг ҳимоячилари сафига АҚШ маъмуриятини, шунинг Германия ҳукуматини ҳам қўшиш мумкин. Айнан шулар сабаб ўзбек мухолифати мағлуб, айнан шулар сабаб ўзбек ҳалқи хароб. Ўзбекистон ҳукумати мазкур давлатлар раҳнамолиги остида Ислом динининг кенг ёйилишига қарши курашга киришган кўринади. Акс ҳолда демократик тараққиёт сари бораётганлиги таъкидланаётган Грузия ва диктатура тубанлашиб бораётган Ўзбекистон бир охурдан ем ейишини қандай тушуниш мумкин? Номини юқорида зикр этган мамлакатлар Саакашвилли ҳукуматини қўллаганидек, Ислом Каримов ҳукуматини ҳам қўллаяпти. Farb дунёсининг муғамбирона сиёсатини ўзбек мухолифати тушуниб олиши керак. Акс ҳолда ҳали анча вақт “ўсма кетди, хино кетди” деб сарсон юрган атторлардек бўлиб қолишда давом этамиз. Farb демократияни эмас, ўз қизиқишлиарини ҳимоя қиласи холос!

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатининг хорижда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқлайдими? Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

Т.Қ.: -Хориждан фаоллашиб бўлмайди. Агарчи фаоллашган тақдирда ҳам мухолифат етарлик пул маблағларига эга бўлмас экан, Ўзбекистон ичкарисига таъсири бўлмайди. Бугунги кунда кўплаб ташкилотлар, ҳаракатлар тузилмолқда ва улар фаолият кўрсатмай номлари ҳам унут бўлиб кетаяпти. Мухолифат бир мақсаддиди кураш олиб бориши лозим, аммо мухолифатнинг бирлашуви каби тугамас мавзуни тугатиш вақти ҳам келганга ўхшайди. Чунончи – мухолифат борми, демак у қайси партия, ёки ҳаракат бўлмасин, мақсади бир: мустабид тузумни йўқлиқ сари равона қилиш! Аммо баъзи мухолифатчиларимиз Ислом Каримов режими бир ёқда қолиб, бир- бирини ғажимоқда. Бу эса Каримов режими қизиқишлиарига хизмат қилиш демакдир.

**Ю.Р.: -Бугун мухолифатни бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришга урунмоқда. Дунёвий мухолифатни исломлашиши мамлакат ва ҳалқимиз келажагига қандай таъсири этиши мумкин?**

Т.Қ.: -Ислом - ота боболаримиз дини. Мухолифатчиларимиз орасида диний эътиқоддагилар ҳам кўпчилик. Бироқ диний сабаблар туфайли қочқин бўлиб қолганлар ҳам талайгина. Диний эътиқодда событ бўлганларнинг сиёсий ҳаракатларга аралашиб келиши бу мухолифатга ютуқ бўлади, холос. Бундан зарар кўрмаймиз. Улар сабаб мухолифат фақат кучаяди, аммо, минг афсуски, диний эътиқодда событ саналадиган ватандошларимизнинг ҳаммаси ҳам сиёсатга аралашадиганлар эмас.

**Ю.Р.: -Ҳалқимиз қариб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан бехабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичида янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини такрорламаслигини истардингиз?**

Т.Қ.: -Ҳалқимиз мухолифатни билмай яшаяпти деган фикрга кўшила олмайман. Ўзбекистонда деярлик ҳамма “Озодлик”, “Би-Би-Си” каби радиоларнинг эшитади ва мухолифат фаолиятидан оз бўлсада хабардор. Аммо мана шу радиоларнинг эшитаётганлиги, ҳукумат жиноятларидан хабардор эканлигини улар ошкор қила олмайди. Қўрқув ниҳоятда кучли ва зулмкор режим ҳалқнинг айни мана шу сифатидан унумлик фойдаланаяпти. Мухолифат партиялари 90 йилларда хатоларга йўл қўймаган. Вазият шуни тақозо этганди. Ислом Каримов режими ва унинг хатарлик эканлигининг дунёга кўрсатиб турган ҳам мана шу мухолифат. Демак у оз бўлсада кураш олиб бораяпти.

**Ю.Р.: -Сизнингча, ўзбек мухолифатини бугун амалга ошириши зарур бўлган мухим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**

Т.Қ.: -Мухолифат пул маблағлари йиғиши керак. Мухолифат турли мамлакатлар дипломатик

миссиясига мутеликдан қутилиши керак. Такрор айтаман: АҚШ, Германия ва Истроил халқимизга дўст эмас. Улар фақат Ислом Каримов режимини оқлаш билан, қўллаш билан машғул. Демак, улардан узилиш керак.

**Ю.Р.: -Сиз ўз ҳаётингизни кўп қисмини мухолифатга бағишлаганингиздан мамнунмисиз ёки афсусдаминосиз?**

Т.Қ.: -Сукротдан ўлими олдиdan сўраган эканлар: “Шунча ўқиб нимани билдинг?”. Шунда у жавоб берибди: «Ҳеч нарсани билмаслигимни билдим”. Ҳаётимнинг анчагина қисмини мухолифатга бағишлиб ким хоину, ким дўст эканлигини билдим. Ҳаттоқи бутун бир мамлакатларнинг хоинона сиёсатини ҳам тушуниб етдим. Албатта бунинг учун афсусда эмасман.

\*\*\*\*

## **Муҳаммадсолиҳ Абутов: “Демократман деганлар диндорларни тушунишини истардим...”**



**Муҳаммадсолиҳ Абутов - диний таҳлилчи, собиқ эътиқод маҳбуси, Швеция.**

**Қисқача ўзим ҳақимда:**

*Бисмиллоҳирроҳманирроҳим.*

1969 йил Қорақолпогистоннинг Тўрткўл шаҳрида туғилганман. 1985 йил ўрта мактабни битирдим. 1987 -1989 йиллар Совет Армияси сафида Москва яқинида ҳарбий хизматни ўтадим. 1992 Андижон шаҳридаги Абдували қори Жомеъ масжидидаги ҳужрага ўқишига кетдим.

1994 -1996 йиллар Тўрткўл шаҳридаги “Аламли Бобо” масжидида имомлик қилиб, кейин вахҳобийликда айбланиб 1996дан 2004 гача турмада ўтирдим.. 2007дан 2008 яна “Экстремист- террорист”ликда айбланиб Москва қамоқхонасида ўтирдим. 2009 феврал ойидан бери Швецияда яшаяпман.

## **Юсуф Расул: -Ўзбекистондаги мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?**

Муҳаммадсолиҳ Абутов: -Мени эсимни таниб бошлаган пайтимда динга қаттиқ қаршилик кўрсатилаётган даврлар эди. Мен диний оилада ўсганим учун, Аллоҳ раҳмат этсин Ота - Онам намозхон диндор бўлганлари учун ёшлигимдан коммунистларга нисбатан нафрат уйғонган эди. Ота - Онам ўзларини ёшлик пайтларида Сталин қатағонлари даврида отилиб кетган Ислом уламолари бўлган ота – боболари ҳақида кўп хикоя қилиб беришар эди. Менимча ўша даврлардаги мусулмонлар ўзини даврини мухолифатчилари бўлишган. У пайтларда ҳеч ким даҳрийларга қарши ўз фикрини очиқ - ойдин айтотган эмас, албатта. Ҳозиргидек чет элга ҳам чиқиб кетолмаганлар.

Улар давлатга норозилик сифатида ўз фарзандларини имон- ислом билан тарбия қилиб, шу билан ўша куфр тузумига ўз норозилигини билдириб кетишган. Аллоҳ рози бўлсин улардан. Бу фикримни далили шуки Горбачевни ошкоралик даври бошланганда минглаб одамлар кўчага чиқиб ўз норозилигини ошкора айта бошлагани ўша имонли отахонлару онахонларни меҳнатининг самарасидир албатта. Диндор мухолифатчилар ҳам сиёсий мухолифатчилар ҳам ўша тоза булоқдан суғорилган одамлар эди. Чунки даҳрийлар даҳрийларга қарши чиқмайдида.

## **Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатини пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнини 1989 йилда “Бирлик” ҳаракати ташкил топиши билан боғлайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларни пайдо бўлиши сабаблари нималар билан боғлиқ эди?**

М.А.: -Аслида бу саволга ҳам юқорида қисман жавоб берилди. Аммо сиёсий ҳаракатларнинг пайдо бўлишига келсак, ҳар қандай жамиятни тузимни бошланиши ва камолоти ва заволи бўлади. Бу табиий жараён. Илоҳий низом. Бу нарса ҳар қандай жамиятга ва давлатга тегишилдири. Тарихларни қаранг қанчадан қанча давлатлар пайдо бўлиб, йўқ бўлган. Бу емрилиш ва тикланиш жараёнини Аллоҳни Ўзигина бошқаради. Буни на олдини олиш мумкин ва на тезлатиш мумкин?! Аммо барибири ҳар бири ўз мантиқий яқунига етиб келади. Русия АҚШ каби неча асрлардан бери жаҳон саҳнасидаги мавжуд давлатлар ҳам бир пайтлар мавжуд бўлган эмас. Ва бир пайтлар яна йўқ бўлиши ҳеч ақлга зид ҳам эмас. Шунингдек Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳам ўз табиий ривожида давом этаяпди. Халқ 70 йиллик даҳрийлик даврини бошидан кечириб бир оз эркинлик берилганда қанча шов - шуввлар юз берди?! У пайтларда ҳали халқ ҳозиргидек оч ҳам эмасди. Энди яна 20 йиллик ҳам моддий ҳам маънавий диктатура зулми кўтарилса, бу халқ яна бир вулқонга ўхшаб кўтарилади ИншаАллоҳ. Аммо ўша пайтда шу халқни кучини халқни орзу умидларини рўёбга чиқарувчи йўналишга йўналтираоладиган Адолатли ҳуқумат ва Раҳбар лозим бўлади. Акс ҳолда яна ўша мухолифатчилар ва бир - бири билан тортишиб халққа ҳеч қандай фойда келтирмайдиган тоифалар саҳнага чиқади.

## **Ю.Р.: -90 -йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифати мамлакат ва халқ учун асосан қандай кўзга кўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга оширди?**

М.А.: -Бу мухолиф кучларни бир нарсасига тушуна олмайман. Дейлик ҳаммаси демократликни иддао қилади. Бир - биридан нимаси билан ажralиб туради?! Масалан, Эрк билан “Бирлик”ни эътиқодида, маслагида нима фарқи бор?! Ёки “Бирдамлик”ни бу иковидан нима фарқи бор?! Агар ҳаммаси демократик партия бўлса, битта қилиб қўйса бўлмайдими?! Чунки, принципал жиҳатдан бир - биридан ҳеч фарқи йўқ буларни.. Яна уларда, яъни демпартияларда ўзлари суюнадиган бир асос манба йўқ. Яъни, демократик ақида баён этилган бир китоб йўқ. Яъни, бошқа халқлар турмуш тарзи ўлчов мезони ҳисобланади халос. Шунинг учун уларни ўзаро ихтилофи ҳам асоссиз бўлгани каби бирлашиши ҳам шунингдек асоссиз бўлиши мумкин. Чунки, бирлаштирадиган асос -ақида йўқда. Яна бир жиҳати демократик

қадриятлар одамларни орасида ўзаро бирдамликни сақлаб туралган Муқаддас Илохий ақида ҳам эмасда. Оқибатни қарангки Каримов ҳам ўзини демократман дейди.

Шундай экан бу тутуриқи йўқ мажхулликни бартараф қилиш аввалги вазифа бўлиши керак.

Энди бу мухолифатни 20 йил давомида қилган ишларига келсак. Аслида бу харакатни 20 йил олдинги озодлик даврида майдонга келтирган куч ҳам Динимиз Исломдир. Чунки, одамлар миллат сифатида ўзлигини таний бошлади. Ва ўз ўзидан миллий урф одатларга, анъаналарга қайтиш шиори билан чиқдилар. Айни дамда бизни миллий ўзлигимиз Ислом билан ўзаро уйғунлиги миллий ва диний туйғулар бирлашган ҳолда намоён бўлди. Ўзбек тилига давлат тили мақомини беришни талаб қилиб чиқишилик, ёки жума кунини дам олиш куни қилишга уриниш, ёки рамазон ва қурбон ҳайит байрамларини дам олиш куни қилиш, Исломга алоқаси бўлмасада Наврўз кунини байрам сифатида нишонлаш ва ҳақазолар ўша давр шиорлари эди. Ва буларни баъзилари ҳаётда жорий бўлди. Ўзи аслида миллийликка урғу бериш, шунун давлат мағкураси сифатида ўргага ташлаш айни хато ишдир. Худди шунингдек ўша пайтлардаги баъзи бир “Ўзбекистонда Ислом давлати қурамиз” каби шиорлар ҳам мусулмон ёшларни катта хатоси эди. Бу иш ўша пайтларда исломни тушуммаганимиз туфайли кун тартибига тушиб қолган шиор эди.

**Ю.Р.: - Сизнингча ўзбек мухолифатини ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди - мухолифат нималарга эришди-ю, нималарни бой берди?**

М.А.: -Диний мухолифат ҳам сиёсий мухолифат ҳам бугунги кунда кўп нарсани тушуниб қолган албатта. Бугунги мухолифат сафида мен энди профессионал стратег сиёсатчилар бор деб биламан. Чунки, орадан 20 йил ўтди. Бу муддат эса оз эмас. Ўзбекистондаги даврида бу сиёсатчилар нисбатан ҳали хом эдилар. Шунингдек Каримов ҳам. Вокеъликлар ривожи шундай бўлди, Каримов режими яшаб қолаолди. Халқ оч яланғоч, аммо тузим мустаҳкам турибди. АҚШга БУШни президент бўлиши ва уни “Терроризмга қарши курашга” бутун жаҳон ҳамжамиятини чақириши Каримовни ҳам ўз тузимини сақлашига ва мусулмонларга қарши ва сиёсий мухолифатга қарши тазиик сиёсатини оқлашига йўл очиб берди. Бу албатта мухолифатни айби билан бўлгани йўқ. Мухолифатни Ўзбекистон ичидаги бирорта хатоси туфайли айблаб бўлмайди назаримда. Чунки энди шаклланаётган партия катта бир тузумга қарши чиқаётган эди. Албатта хатолар бўлиши табиий. Улар ўша пайтларда нима қилаолиши мумкин бўлсалар қилган деб ўйлайман. Чунки диктатура ҳеч нарсага имкон қолдирмаган эдида.

Мисол учун Қозогистонни олайлик. У ерда нисбатан эркинлик. Аммо қозоқ мухолифати ҳам ҳеч иш қилаолмади. Ўлжас Сулаймонни Муҳаммад Солиҳдан бирор ортиқ ё кам жойи бор деб билмайман. Фарқи шуки у ватанида ўтирибди. Яна Президентни ўзи уни мукофотлар бериб турибди. Бу эса чет элда қочиб сарсон бўлиб, ҳали ҳам ўз кураш йўлидан қайтган эмас. Кирғизистонни олайлик у ерда ҳам нисбатан эркинлик бор эди. Аммо Асқар Ақаевни демократияси охир ўзини бошига етди. Каримов буни яхши билади. Агар у ҳам сал эркинлик берса кейин ўзи ҳам жойида ўтираолмайди. Халқ ҳам безор бўлган бу одамдан. Уни ўзи буни билмайди дейиш ғирт соддалик бўларди. У охирги дамигача курсида ўтиришни мақсад қилган. Бунинг эса факат битта йўли бор.. У ҳам бўлса Диктатура.

Аммо мухолифатни бугунги хатоси, менимча энг катта хатоси ҳам шу бўлса керак, ўзаро тарқоқлигидир. Агар булар ҳозир фурсатни ғанимат билиб бирлашаолсалар эртага яна бир диктатор келишини олдини олишса яхши бўларди. Ҳаммаси бирлашиб бирга ҳаракат қилишса кўп иш қилиш мумкин деб ўйлайман.

**Ю.Р.: -Каримов ҳукуматини мухолифатга қарши аёвсиз кураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқлади?**

М.А. :-Каримов ҳукумати юқорида айтганимдек “Ислом Омили”дан яхши фойдаланди. Яъни жаҳон афкор оммасини “терроризмга қарши кураш”га ҷақириб у ер бу ерда бомба портлатиб, минг минглаб одамларни қамоққа олди. Қувғин қилди. Ўлдириб йўқ қилди. Бу билан у халққа ҳеч қандай яхшилик қилгани йўқ албатта. Бу билан у ўзини ва ўз тӯдасини сақлаб қолаолди. Аммо бу ҳам аслида катта ютуқ эмас. Каримов Ўзбекистон таърихида ўзбек халқини ва мусулмонларни душмани сифатида таърихда қолди. Бу зулмини ҳали жазосини тортиши аниқ. Аллоҳу Таъоло яратиб қўйган ҳаёт қонуниятларидан бири шуки буни касофати ҳали уни қизлариу невараларига ҳам етади. Сталинни ўғли ва қизини қисматини эсланг. Брежневни, ёки яна бошқа кўплаб шунга ўхшаганларни эсланг. Уни қизлари ҳали чучварани хом санаяпдилар бу масалада.. Улар халқни бурда нонга зор қилиб қўйган золим отасини соясида топган мол дунёлари уларга баҳтли ҳаётни таъминлайди деб хомтаъма бўлмай қўяқолсинглар. Мен Аллоҳу Таълонинг адолатли ва ҳикматли зот эканини билиб тушуниб ва кўп золимларни ҳаётларини ўрганиб қўриб айтаяпман.

**Ю.Р.: - Ўзбек мухолифатини хорижда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқлайдими? Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

М.А.: -Ҳам гап шундада. Шу хориждаги мухолифатчилар ўзаро гина кудуратни йиғиштириб қўйиб бирлашаолсалар, албатта жуда кўп ишларни қилишга имкониятлар очилар эди иншаАллоҳ! Мен шунга ишонаман. Мана алҳамдулилоҳ, ҳозир шу бирлашувга бир қадам босилди. Эрк партияси билан “Андижон - Адолат ва Тикланиш” ташкилотини бирлашуви ҳам шу йўлдаги дастлабки қадамдир. Бу иттифоқ ҳали ўз сафига бошқа ташкилот ва партияларни бирлаштиради деб ўйлайман.

Шуни билингки бу иттифоқ ташқарида ўзи шаклланиб бутун бир сиёсий кучга айланса, ўз фаолиятини Ўзбекистонга қайтишга имконият бўлганда юргта бориб юритиши мумкин. Ўзбекистонда эса бу иттифоқни миллионлаб тарафдорлари борлигига мен шубҳа қилмайман. Бу гапни айтишимга ҳам маълум бир асослар бор.

**Ю.Р.: -Бугун мухолифатни бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришга урунмөқда. Дунёвий мухолифатни исломлашиши мамлакат ва халқимиз келажагига қандай таъсири этиши мумкин?**

М.А. :-Энди бу савонни ўзи бу тарзда берилиши тўғримас. Диндорлар ҳам шу халқни фарзандлари. Давлатни тепасига ким келсада бу билан ҳисоблашиши керак. Ё Каримовга ўхшаб уларни отиб чопиб террор қиласди. Ёки улар билан ўзаро тил топишиб шу халқни манфаати йўлида биргалашиб фаолият қиласди.Шуни яхши билиш керакки Ўзбекистонда халқ 90 фоиз мусулмон. Шундай экан мусулмонларга доимий душманлик кайфиятида бўлишилик ҳар қандай сиёсатчини узокни кўраолмайдиган одам эканини билдиради. Мусулмонларни ҳукуматга яқинлаштиримай доимо уларни уриб, қамаб, отиб ўлдириб яшай оламиз деганлар қаттиқ адашадилар. Бунга Каримов тузими кўп одамни қонини тўкиб эришди. Аммо бу узок давом этадиган жараён эмас. Буни Каримов ҳам яхши билади. Шунинг учун чегараларда хандак кавлаб ўзини ҳимояляяпди. Кейин ким келса ҳам бу ишни эплаёлмайди.ИншаАллоҳ!

**Ю.Р. :- Халқимиз қарийб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан бехабар холда яшамоқда. Мамлакат ичида янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини такрорламаслигини истардингиз?**

М.А.: -Халқимиз чет элда сиёсатчилар диндорлар борлигини яхши билади. Кўпчилик одамлар “Озодлик” радиосини эшишиб воқеъалардан хабардор бўлиб туришибди. Мен шу радиони эшигадиган жуда кўп диндорларни биламан. Шунингдек, мен ҳали яхши эслайман 1998 йил Товоқсой Зонасига ташқаридан “ЭРК” партиясини газетаси кириб келган эди.

Шунда мен ўқиб ҳайрон бўлгандим. Демак, чет элда юриб шундай газета чоп қилиб Ўзбекистонга олиб бора олган бўлсалар, булар ҳам ҳазилкам одамлар эмас экан деб ўйлаб қолгандим. Шунинг учун ҳам ичкарида жуда кўп одамлар ташқаридаги мухолифат барибир бир куни келади, деган фикрда яшаяпдилар. Мен ҳам Аллоҳдан умид қиласанки шу кунларга етказсин.

Энди ичкаридаги мухолифат масаласига келсак, бу энди бир кулгули гап. Каримовга мухолиф бўлиб бўладими?! Бундай мухолифат нимаям қилаоларди?! Бу нарса энди аниқ равshan бўлса керак?!

**Ю.Р.: -Сизнингча, ўзбек мухолифатини бугун амалга ошириши зарур бўлган мухим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**

М.А.: -Агар мухолиф кучлар, ҳаммаси - диндорио бошқаси, вақтни ғанимат билиб ўзаро бирлаша олсалар айни муддао бўларди. Шу яхши мақсад сари, шу янги тузилган Иттифоқ ҳаракат қилиш ниятида. Энди бошқалар ҳам шу сафга бирлашишга ўзларида бир куч топаолсалар яхши бўларди. Бу ишни ҳозир ҳали Каримов тириклигига қилиш керак. Яна бир янги диктатор келиб тахтга ўтириб олмасидан олдин қилиниши керак.

**Ю.Р.: -Сиз ўз ҳаётингизни кўп қисмини мухолифатга бағишлаганингиздан мамнунмисиз ёки афсусдамисиз?**

М.А.: -Мен ҳаётимни динга бағишлаганман. Аслида бу ҳам бир тури мухолифат бўлса керак. Чунки, Исломни қанчалик билган сари ўз яшаётган ҳаётимни, атроф- мұхитни қанчалик динга хилофлигини билиб борардим. Бу энди табиий. Шу билан ўша муаммоларга ечим излаб, ўша ечим исломда экан деган хulosага келиб, Одамларга исломий дунёқарашни тарғиб қилишга киришганман. Бу эса айни дамда давлат тузумига душманлик деб ҳисобланиб қолган. Худди ҳозир диний мавзуда гаплашсак биз демократлармиз деб бизга қарши чикувчилар ўша Каримовдан фарқи йўқ аслида. Агар кўлларида амали бўлганда, бу ердаям бизга жазо берардилар балким?!

Бундай қарамаслик керак. Биз мусулмонмиз ва исломни айни адолатга тўғри саодатли ҳаётга чақирувчи дин деб биламиз. Шунинг учун демократман деяётганлар диндорларни ҳам тушунишга, уларни ҳам тинглашга ҳаракат қилишларини истардим. Менга ҳаётимни шу ислом йўлида озми кўпми хизмат қилишни насиб этган, яъни шунга тавфик берган Аллоҳу Роббил Оламинга ҳамлар айтаман. Ва бу амалларимни ҳабата қилиб қўймасдан Ўзини ҳузурига олиб боришни насиб этишини сўрайман. Ва бугунги яхши ниятлар билан қилаётган амалларимизни охирини бир яхши натижали самарали қилишини ҳам Роббимдан сўраб дуою илтижо қиласан.

\*\*\*\*

## **Анвар Каримов: “Мен мухолифатнинг бир бўлагиман”**



**Анвар Каримов - мухолифатдаги ёшлар вакили, Швеция.**

**Юсуф Расул: -Ўзбекистондаги мухолифат тарихи хақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?**

**Анвар Каримов:** -Мен айнан мухолифатчилар оиласидан бўлганлигим учун, мухолифат фаолияти ва тарихи билан болалигимдан танишман. 1989 йилда 11 ёшда булганман. Ўша вақтда мухолифатчилардан - Абдураҳим Пўлат, Муҳаммад Солиҳ, Пўлат Охун, Исмоил Даҳажонов, Ҳазраткул Худойбердиев, Отаназар Орипов, Анвар Усмонов, Марат Зоҳидов, Жаҳонгир Маматов, Толиб Ёкубов, Васила Иноятова, Дилором Исокова ва бошқа кўплаб инсонлар бизнинг уйга келиб кетишар эди. Эсимда бор, бир гал халқ ичида Кўр Шермат номи билан танилган (шўролар тарихида босмачи дейишган) одамни яқинлари уйимизга келиб кетишган. Яна бир рус миллатига мансуб мухолифатчи, «Бирлик»чи бор эди, исми лекин эсимда йук. Юзлаб элчихона ва хар хил ташкилотлар вакиллари шулар қаторида...

Муҳаммад Солиҳни биринчи марта айнан шу 1989-1990 йилларда кўрганман. Ёзувчилар уюшмасининг биноси ўша пайтда Ўзбекистон меҳмонхонаси рўпарасидаги бурчакда, халқ тилида ОДО деган жойда эди. Тўлиқ эсимда йўқ, лекин ўша ерда бир йиғилиш бўлган пайтида эшик олдида кўриб, улар билан саломлашган эдим. Мендек бир кичик бола бундай мухолифатчилар сафида бўлганимдан фахрланганман ўшанда.

Абдураҳим Пўлатни биринчи маротаба, агар янгишмасам Пишпек кўчасидаги (Тошкент, Дархон маҳалласи) «Бирлик» ва «Тумарис» аёллар ташкилоти оғисида кўрган эдим. Васила Иноятова ҳам ўша ерда бор эди... Бунга ҳам анча йиллар бўлиб кетди...

Таниқли ҳофиз Даҳон ака Ҳасанов эса ҳозирги вақтгача ҳам хонадонимиз яқинларидан.

Бир - икки маротаба Анвар ака Усмонов уйида бўлганмиз. Агар янишмасим улар ўша вақтда қайсиdir чет эл радиосини вакили эдилар.

Толиб ака Ёкубовни ўша йиллар, ҳозирда Крастный Крест жойлашган Тошкентнинг Гидрометцетр деган Тими裡зева кўчасида кўрган эдим. Ўша ерда қандайдир ногиронлар оғиси бор эди, янгишмасам.

Отаназар Ориповни уйларида таҳминан 10 маротаба бўлганман. Охирги борганимда 2006 йил Қурбон Ҳайити байрами эди. Домлани Ҳайит билан табриклагани борган эдим.

Мен ўзимни раҳматлик додам бўлмиш профессор Олимжон Каримов билан доим бирга юрар эдим. Баъзан мажлисларда ичкарига олиб киришар эди. Баъзан ўзимизга ва мухолифатга тегишли автомашиналарни кўриқлаб ўтирас эдим. Ўша йиллар КГБ ва МВД томондан кўп

провокациялар бўлар эди ва мен ўша учун раҳматлик додам олдиларида юрар эдим. Онам менга доим, агар бир гап бўлса дарров бизга хабар беришга ҳаракат қил, яқин орада кўрган хонадонинг кириб уйга телефон қилгин, деб тайинлар эдилар. Бизнинг оиласизга ўша йиллар жуда кўп провокациялар уюштирилган. Ва кўп маротаба айнан мен (ёш бола) додам олдида бўлганим МВД ходимларини провокация қилишига халақит берган. Кечқурунлари ва баъзан эрталаб биз уйда ўтириб «Озодлик»ни эшитар эдик. Бу одат ҳалигача хонадонимизда бор. Шунинг учун хам мухолифатчилик қонимизда бор десам хам бўлади.

Аслида мен, барча мухолифат лидерларини ўзимни устозларим деб биламан. Мұхаммад Солих, Пўлат Охун, Абдураҳим Пулатов, Исмоил Дадажонов, Даҳон Ҳасановларни ўзимни устозларим деб айтсам хам бўлади. Мухолифат иш жараёнидаги улардан кўп нарсаларни ўргандим. Уларнинг ҳар бирларини ўзига хос сиёсий кураш услублари бор. Солих акани сиёсий эътиқоди кучлик, Пўлат акани сиёсий билими юқори даражада, Абдураҳим акани сиёсий раҳбарлик методлари юқори даражада, Исмоил акани инсонпарвар сиёсатчилик хислати, Даҳон акани сиёсатда мард инсонлиги.

**Ю.Р.: - Ўзбек мухолифатининг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнини 1989 йилда “Бирлик” ҳаракати ташкил топиши билан боғлайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларни пайдо бўлиши сабаблари нималар билан боғлиқ эди?**

А.К.: -Халқ чарчаган эди. Иқтисодий вазият оғир эди. Ўзимиз оила аъзоларимиз билан ойда бир маротаба талон билан озиқ-овқат олар эдик. Криминал ва жиноятчилар Ўзбекистонда ҳукмрон бўлиб қолганди ўшанда. Кунида кўчада пичоқвозлик, отишма, разборка, ўғирлик, зўравонлик... СССР ва Ўзбекистон ҳукумати обрўси 1989 йилда «ноль» эди.

Халк бундай ҳолатдан чарчаган эди. Шундай ҳолатда «Бирлик» халк ҳаракати одамлар кўзига мамлакатни кутқарувчи сифатида кўринарди. Мустақиллик, ўзбекчилик, тил, миллий урф-одатлар масалалари доим ўша вақтлар ҳаммани тилида эди.

**Ю.Р.: - 90 -йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифати мамлакат ва халқ учун асосан қандай кўзга кўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга ошириди?**

А.К.: -Мухолифатни асосий қилган иши, бу юрт ичида, қуролли уруш бошланмаганлиги ва ҳар томонлама демократия принципларига таянч олганлиги. Ўша вақтлар ҳам, «соқолини» бир метр ўстириб олган провокатор инсонлар бор эди, Қон тўкилиши ҳеч гап эмас эди. Демократик мухолифатни тинчлик бўлишида роли катта.

**Ю.Р.: -Сизнингча ўзбек мухолифатини ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди - мухолифат нималарга эришди-ю, нималарни бой берди?**

А.К.: -Мени шахсий фикрим бу, демократик мухолифат ўша 1989-1990 йилларда миллатчилик, радикал диндорчилик, чет-элпарас демократик фикрларга кўшилмасдан, ахил бўлиб, ҳукумат билан компромисс тилини топиб, давлат бошқарувида иштирок этиши лозим эди.

*Ю.Р.: -Каримов ҳукуматини мухолифатга қарши аёвсиз кураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқлайди?*

А.К.: -Мени билишимча Ислом Каримов 1988-1993 йилгача мухолифат билан кўп маротаба учрашган ва компромисга боришини илтимос қилган. Мухолифатга тахминан 30 % ҳукумат портфелларини таклиф қилган. Лекин бир томондан мухолифат бўлинниб кетиб принципиал Ислом Каримов билан келиша олмади. Бу ҳақда Мұхаммад Солих ва Абдураҳим Пўлатлар ҳам ёзган. Иккинчи томондан Исломий ҳаракат авж олиб кетиши хавфи бор эди. Тожикистон,

Афғонистонда фуқаролик уруши авжига олган эди. Мухолифатни катта хатоси деб, ҳозирга қадар кузатилаётган ўзаро мажароларини айтса бўлади.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатини хорижда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқлайдими? Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўтказа олдими?**

А.К.: -Албатта, агар бу ҳаракатлар ҳар томонлама ўйланиб ва сиёсий билими бўлган одамлар томонидан бажарилса ўзини оқлайди. Жуда катта ролни ҳақиқий мустақил журналистлар ҳам ўйнайди. Лекин ҳозирда журналист ҳам кўпайиб қолди. Инсон ҳукуқлари химоячиси ҳам кўпайиб кетди. Кечагина трактор ҳайдаб юрганлар ҳам ҳозирда катта сиёсатга аралашмоқдалар. Балки, бу яхшидир, балки йўқ – уни ҳеч ким айттолмайди. Ҳозирда чет элдаги янги мухолифат, айнан 1989-1990 йилдаги мухолифатни эслатади - ёлғон, ғаламислик, иғвогарлик, ифлослик авж олган.

**Ю.Р.: -Бугун мухолифатни бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришга урунмоқда. Дунёвий мухолифатни исломлашиши мамлакат ва ҳалқимиз келажагига қандай таъсири этиши мумкин?**

А.К.: -Мени шахсан диндорларга ҳеч қаршилигим йўқ. Менга динни фарки йук, ўзим Алҳамдулилох мусулмон бўлсан ҳам одамни динига караб ажратмайман. Менга Исломий, Яхудий, Христиан, Католик, Баптист, Буддистми фарки йўқ, яхши инсон бўлса бўлди.

Аслида бу саволга жавоб бериш қийин, чунки кўпчилик ҳозир динни «Ниқоб» қилиб олган, мусулмон дунёси стабил ҳолатда эмас. Мен бу саволга бошқача жавоб берсам: Шахсан мени назаримда бой-бадавлат араб мамлакатлари ва уларнинг диндорларини обрўси йўқ ва ҳеч қачон пайдо ҳам бўлмайди. Диндорларга дунёда ишонч йўқолган – Ироқни, Эронни, Фаластини қаранг, ахир ҳаммаси диндорларни иши. Бу урушлар дин билан сиёсатни аралашиб кетганидан келиб чиқсан. Ўзбекистон шаклига қайтсак, агар диндорлар сиёсатга аралашмаса ва факат ҳалқни тўғри яшаш, урф - одат, меҳрибонликка чорласалар, давлат сиесий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланади.

**Ю.Р.: - Халқимиз қарийб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан беҳабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичида янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини такрорламаслигини истардингиз?**

А.К.: -Ўзбекнинг аслида исёнкорлиги, кўп миллатларга мансуб хислат. Кўнглимизда ҳаммамиз мухолифатчимиз. Ўзбек гапиришдан қўрқмайди. Фарки шундаки баланд овозда гапирганлардан ҳукумат қўрқади ва уларни йўқ килади. Лекин ҳалкимизда ҳам ўзига мансуб негатив хислатлари бор, «Оч қорним – тинч қулоғим», деган. Яна хислатлардан бири - яхшиликни тез унутишдир. Агар янги мухолифат пайдо бўлса (лекин бунга катта шубҳам бор), уни албатта эски мухолифат шпион, Каримовни қулоғи, хунасага чикарадилар. Ўша учун эски мухолифатни хатоларини қайтариш саволи ўзи катта хато. Аслида Ўзбек Мухолифати ўзи нима? деган саволга жавоб бериш керак? Жавоби эса, - ўзбек мухолифати ҳозирги пайтда, бу кўп йилдан бери давом этабтган, кўп серияли «Ералаш», йил сайин қисқа янги сериялар ва янги артистлар пайдо бўлади факат, натижада ёш бола ҳам, катталар ҳам кулади мазза қилиб.

**Ю.Р.: Сизнингча, ўзбек мухолифатини бугун амалга ошириши зарур бўлган мұхим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**

А.К.: -Демократик принципларга амал қилган ҳолда, ўзаро келишиб олиши керак. ўзбекчасига айтганда, ҳукуматга келгунча ёки тўғрилоги ҳозирги ҳукуматни енгунча, «қисиб» туриб, бирга иши килиши керак. Шундан кейин, билинади, ҳалк кимни танлайди. Лекин ҳалк ҳам адашиши мумкин. Қирғизлар бунга яқъол мисол.

**Ю.Р.: -Сиз ўз ҳаёtingизни кўп қисмини мухолифатга бағишлаганингиздан**

## **мамнунмисиз ёки афсусдаминосиз?**

А.К.: -Бу саволга жавоб беришдан олдин бир нарсани айтмоқчиман. Инсон бир нарса билан шуғулланса ёки шуғулланмокчи бўлса, унда ҳеч бўлмаса бошланғич тажриба бўлиши лозим. Мени ҳаётим доим мухолифат билан боғлиқ бўлгани сабабли, бу саволга тўғри жавобим йўқ. Мухолифат мени сиёсатчи бўлишимга сабабчи бўлган. Лекин ҳозирги мухолифат жуда ачинарли ҳолда ва мен унинг бир бўлагиман.

\*\*\*\*

## **Алишер Юсуфжон ўғли: “Зулмга мухолиф бўлганим учун хурсандман”**



**Алишер Юсуфжон ўғли - Демократик Ўзбекистон Конгресси раиси, АҚШ.**

Қисқача ўзим ҳақимда: Мен Алишер Юсуфжон ўғли 1982 йилда Бухоро вилояти Қоракўл туманида Каримов зиндонида тухматлар билан ҳибсга олиниб Гитлер Буханвалидан баттарроқ бўлган Жаслик турмасида сакланаётган шоир Юсуф Жумаев оиласида туғилганман. Ўрта мактабни 1996 йилда тутатганман. 1997-2007 йилларда Бухоро Давлат Университетининг икита - Табиииёт ҳамда Иқтисидиёт йўналишларида тутатганман.

**Юсуф Расул: -Ўзбекистондагини мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз?  
Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?**

**Алишер Юсуфжон ўғли:** -Инсоният яралганки инсонлар орасида мухолиф фикрлар ҳар доим бўлган. Биз ҳалқимиз тарихига қарайдиган бўлсак ҳамма замонларда Хонларга, Амирларга мухолиф ҳаракатлар бўлган. Қўзғолонлар қилинган. Айрим шохлар ўғиллари оталарига қарши исён кўтартган. Шохларга мухолиф бўлган Бобораҳим Машраб, Махтумқули сингари шоирларимиз яшаб ўтган.

Хатто қонхўр Чор Россияси ҳукмронлик даврларида ҳам Ватан ва Ҳалқ озодлиги йўлида жонини тиккан баҳодирлардан ташкил топган гуруҳлар бўлган. Буларга Дукчи Эшон, Номоз Баҳодир, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек бошлигидаги гуруҳларни мисол қилиб айтишимиз мумкин. Мадаминбек Чор Россияси давридаги ўзбек мухолиф кучлари ичida энг етуги бўлган ва ўз атрофига бошқа қўрбошиларни ҳам бирлаштириб Фарғона водийсининг асосий қисмини жуда қисқа муддатда бўлса ҳам ўз назоратига ўтказган.

Биз ўзбек мухолифати тўғрисида тўхталганимизда ҳеч қачон Махмудхўжа Беҳбудийни унутмаслигимиз керак. Беҳбудий Ҳазратлари ўз шогирдлари билан руслар зулмига қарши катта мафкуравий кураш олиб борган. Ўз мухарриргида Самарқанд шаҳрида “Ойна” газетасини нашр қилган. Ленин билан Туркистон мухторияти ҳақида кескин баҳслар, музокаралар олиб борган.

Айнан Ватанимиз Ўзбекистон деб ном олганидан кейинги мухолифатнинг тарихига назарда тутадиган бўлсак, мухолиф фикрлилар Ўзбекистонда жуда кўп бўлган, аммо уларда бирлашиб, очиқ бир ташкилот тузиш имконияти бўлмаган. Мухолиф фикрлиларни қамашган, отишган. Бунга мисол қилиб 37- йиллардаги Сталин қатоғонига учраган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Фитрат сингари ёзувчи ва шоирларни айтишимиз мумкин. 80 йиллар мухолифат тарихига келадиган бўлсак, мен буни Буюк хофиз, шоир, қисқа қилиб айтадиган бўлсак ўзбекнинг дахоси Дадаҳон Ҳасаннинг номи билан чамбарчас боғлайман. 1989 йил 11 ноябр куни Дадаҳон Ҳасан ташаббуси билан униг уйида “Бирлик” Ҳаракати тузилган. Албатта, Мухолифатнинг куч ўлароқ майдонга чиқишига Михаил Гарбачёв олиб борган ошкоролик сиёсати ҳам катта ҳисса қўшган.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатининг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнини 1989 йилда “Бирлик” ҳаракати ташкил топиши билан боғлайдилар. Сизнингча, Ўзбекистонда мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларнинг пайдо бўлиши сабаблари нималар билан боғлиқ эди?**

А.Ю.: Ўзбек мухолифатининг пайдо бўлиши ҳақида биринчи саволда тўхталиб ўтдик, бу ўзбек ҳалқининг келиб чиқиши билан чамбарchas боғлиқ. Парчаланган Ватанимизнинг Ўзбекистон деб ном олган парчасида у шу номни олгандан буён мухолифат ва мухолифатдаги сиёсий ҳаракатларнинг пайдо бўлиши сабаблари ҳақида тўхтадиган бўлсак, асосан Ватанинг босқинчилар томонидан топталишига , ҳалқнинг эзилишига тоқат қила олмайдиган мардларнинг майдонга отилиб чиқишилари асосий сабаб бўлган. 1980 йиллар охиридаги мухолифат ва сиёсий ҳаракатларнинг пайдо бўлиши, юқоридаги сабаблар билан бир каторда Михаил Гарбачёв ошкоролик сиёсати билан боғлиқ.

**Ю.Р.: - 90 -йиллар бошида пайдо бўлган ўзбек мухолифати мамлакат ва ҳалқ учун асосан қандай қўзга кўринарли, тарих учун эслаш мумкин бўлган ишларни амалга ошириди?**

А.Ю.: -Ўзбек мухолифати 80 йиллар охиридаги ошкоролик даврида анча кучайган. ўзбек тилининг ўзбекистонда давлат тили бўлишидек маваффақиятга эришганлар. Маълум куч ўлароқ ҳақиқий мухолифат сифатида Ҳукуматни мухолифат билан музокара қилишга мажбур қилган бўлсалар ҳам 90 йилларда Каримовнинг якка ҳокимликка асосланган сиёсати бошланган даврда ўзбек мухолифати ҳеч қандай ютуққа эриша олмаган деб ҳисоблайман. Уларнинг асосий ютуқлари эса аъзолари жуда кам ва заиф бўлсада мухолиф куч сифатида ҳозиргача сақланиб келаётгандаридир.

**Ю.Р.: -Сизнингча ўзбек мухолифатининг ўша пайтда йўл қўйган энг катта хато ва камчиликлари нималардан иборат эди - мухолифат нималарга эришди-ю, нималарни бой берди?**

А.Ю.: -Энг катта хато мухолифат раҳбарлари орасидаги келишмовчилик сабаб мухолифатнинг бўлингани ва Каримовнинг сиёсатига алданганларидир. Мухолифат ўша даврда қўлга киритиши мумкин бўлган ҳукуматни қўлдан чиқариб юборган. Фақат ўша вактда, Беҳбудий, Фитрат, Қодирий, Дукчи эшонга ўхшаган буюкларимиз орзу қилган озодликни қўлга киритишилари мумкин эди, минг афсуски улар буни эплай олмади. Ўз қўллари билан ҳукуматни топширдилар ва ҳалқнинг ҳам ўзларининг ҳам бошларига тугамас,

битмас, охири йўқ бало орттиридилар.

**Ю.Р.: -Каримов ҳукуматининг мухолифатга қарши аёвсиз қураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқлади?**

А.Ю.: -Каримовнинг ўзбек мухолифатига қарши қураши зўровонликка асосланган ва ҳеч қачон ўзини оқламайди.

**Ю.Р.: -Ўзбек мухолифатининг хорижда туриб амалга оширган ишлари ўзини оқладими? Хориждаги фаоллашув мамлакат ички ҳаётига оз бўлсада ўз таъсирини ўtkаза олдими?**

А.Ю.: -Хориждаги мухолифатнинг Ўзбекистон ичига таъсири ўтказиши жуда қийин масала, лекин нима бўлганда ҳам, зотан Ўзбекистонда бирор иш қилиш йўллари ёпилган экан, хорижда ҳам қараб турмаслик керак. Ўзларини ўйлаб тириклик ғамида юраверсалар, ҳеч қачон ўзларини оқлай олмайдилар.

**Ю.Р.: -Бугун мухолифатнинг бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришга урунмоқда. Дунёвий мухолифатнинг исломлашиши мамлакат ва ҳалқимиз келажагига қандай таъсири этиши мумкин?**

А.Ю.: -Дунёвий мухолифат ўзининг дунёвий қонунлар асосида тузилган низомидан воз кечмаган ҳолда диндорларни ўз сафларига қабул қилаётган бўлса бу мухолифат дунёвий мухолифат бўлиб қолаверади.

**Ю.Р.: -Халқимиз қариёб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан беҳабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичидан янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатнинг қайси хато ва камчиликларини такрорламаслигини истардингиз?**

А.Ю.: -Мен Ўзбекистон ичидан чиққанимга 2 йил бўлаяпди. Халқимиз мухолифат фаолияти ҳақида камдан-кам эшитади. Лекин мухолифат бир иш қилса, ҳалқ албатта эшитади. Ўша вақтдаги шароитдан келиб чиқиб айтсан, Ўзбекистон ичидан мухолифат пайдо бўлиши фақат мўъжиза рўй бергандагина мумкин. Ҳеч қачон ҳеч бир кичкина хатони ҳам тақрорламаслика ҳаракат қилиш, энг муҳими бўлинмаслик керак . Нимага эришилса биргаликда эришиш мумкин.

**Ю.Р.: -Сизнингча, ўзбек мухолифатининг бугун амалга ошириши зарур бўлган мухим ишлари нималардан иборат бўлиши керак?**

А.Ю.: -Энг аввало бир сафда шахсий гараз, ишқий мажоролардан ва манфаатлардан воз кечиб бирлашишлари ва ягона лидерга эга бўлишлари керак. Хориждаги минг-икки минг мухолифатчини бир амаллаб бирлаштиrolмаган одам, Ўзбекистонга бориб президент бўлиб 30 миллионга яқин ҳалқни бошқараман дейиши кулгили албатта. Энг аввало, савод даражаси баланд, имкониятли, сиёсий йўли тўғри бир шахсни ўзларига лидер қилиб сайлашлари керак. Менимча мухолифатга бу аҳволда на Америка, на Европа, на бошқаси, умуман ҳеч ким ёрдам бермайди.

**Ю.Р.: -Сиз ўз ҳаёtingизни кўп қисмини мухолифатга бағишлаганингиздан мамнунмисиз ёки афсусдамисиз?**

А.Ю.: -Мен мухолифатчи оиласида туғилганман, умримни мухолифат сафларида ўтказяпман . Зулмга мухолиф бўлганим учун хурсандман.

\*\*\*\*

## Шуҳрат Аҳматжонов: “Ўзбекистондаги мухолифат тарихи ҳақида нималарни биламиз?”



*Шуҳрат Аҳматжонов*

**Туркий халқлар демократик мухолифати ИСМОИЛБЕЙ ҒАСПИРАЛИ ВА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИдан бошланган.**

*Тарих – бу ўлганлар, тириклар ва ҳали тугилмаганлар ўртасидаги иттифоқдир. [1, 325-б.] ЭДМУНД БЕРК (1729-1797)*

«Янги Дунё» сайти раҳбари Юсуф Расул ўзбек мухолифати ташкил топганини 20 йиллиги муносабати билан мухолифат сафларида кўп йиллардан бери фаолият олиб бораётган 17 фаолига, жумладан каминага мурожаат қилиб ўнта саволга жавоб беришни сўрабди.

«Янги Дунё» сайти ўзбек мухолифатининг энг қизиқарли ва яхши сайтларидан биридир. Камина шундай сайтни ўз имконияти доирасида қўллаб-кувватлашга тайёр. Шу сабабли ўнта саволга жавоб бериш нияти бор. Саволларга қисқа ва умумий жавоблар билан чекланиб бўлмайди. Саволлар ўзбек мухолифатининг кечаги, бугунги ва эртанги куни билан боғлик бўлганлиги сабабли саволларга бир оз атрофлича, асосли қилиб жавоб бериш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб ва [2]-китобнинг 20-24 параграфларини ёзишда давом эттириш кераклигини ҳисобга олиб, камина ҳар бир саволга алоҳида жавоб беришга ва маълум бир кунлар оралиғи билан сайтда чоп эттириб боришга қарор қилди.

1-савол. Ўзбекистонда мухолифат тарихи ҳақида нималарни биласиз? Бурунги замонларда ҳам бизда мухолифат бўлганми?

Жавоб. Аввал саволнинг иккинчи қисмига жавоб берсак. Умумий маънода олганда, якка тартиbdаги мухолифлик ёки гурух сифатидаги мухолифат ҳамма замонларда бўлган. Бунга шоҳ, хон, бек оиласидаги фарзандлари ва қариндош-урұғлари ўртасида аввалига даҳанаки курашлар, кейин қуролли можаролар, тахт учун қонли жанглар, уруғ-аймоқчилик асосидаги гуруҳбозликлар ва можарою жанглар мисол бўлаолади.

Қуролли тўқнашувлар ва урушлар орқали ўз қурашлари учун курашаётган мухолифатни конструктив бўлмаган мухолифат, деб тушунилади. Россия сиёsatшуноси, мухолифат лидерларидан бири, Россиядаги мухолифатнинг «Яблоко» партияси асосчиларидан бири ва биринчи раиси Григорий Явлинский: «Конструктив бўлмаган мухолифат – бу партизанлардир» деган эди. Бугунги кунда конструктив бўлмаган мухолифатга мисол қилиб

Ўзбекистон Ислом ҳаракатини келтириш мумкин.

Ўтган минг йилліклар давомида ўша замондаги дин, жумладан ислом дини раҳнамолари давлат раҳбари олиб борган сиёсатга ҳар доим ҳам қўшилавермаганлар ва ўз эътиrozларини билдирганлар. Яъни кенг бўлмаса-да, диний муҳолифат ҳам у ёки бу кўринишда бўлган ва кўпинча салбий роль ўйнаган.

Диний муҳолифат ва ўша давр маҳсус хизмат органлари ўзаро тил бириктиришганига, яъни ўрта аср жаҳолатига битта мисол келтирайлик. Маълумки, Амир Темур 1405 йилда вафот этгач, тўрт йил мобайнида Мовароуннахрда хонликлар ва сулолалар ўртасида урушлар давом этган. 1409 йилда А.Темурнинг кенжаси ўғли Шоҳруҳ Мирзо (1376-1447) ўз укасининг ўғли Ҳалислутонни енгиб, ягона темурийлар давлатининг хукмдорига айланди. Шоҳруҳ маркази Хирот бўлган Хуросонни бошқарган, пойтахти Самарқанд бўлган Мовароуннахр эса унинг ўғли Мирзо Улуғбек тасарруфига ўтган [3].

Шундай қилиб, улуғ олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек (1394.22.3-1449.27.10) 1409 йилдан бошлаб Мовароуннахр давлатини бошқара бошлади. У давлатни бошқариш билан бирга 1417 йилдан бошлаб Самарқандда олимлар мактабини ташкил этди, 1424-1428 йилларда Самарқанд яқинидаги Кухак тепалигига обсерватория қурдирди [4], [5]. Улуғ Амир Темур давридан бошлаб Самарқандда катта кутубхона ташкил этилиб, жаҳон мамлакатларида чоп этилган ўша замоннинг энг муҳим китобларини тўплай бошлишди. Амир Темурдан кейин ўғли Шоҳруҳ Мирзо, унинг невараси М.Улуғбек китоблар йиғишдек савоб ишни давом эттиришди. Ўз ҳалқи ва инсоният учун бундай муҳим ишга ислом дини пешволари ҳар доим ҳам рози бўлавермаганлар ва ўзларининг қарши фикрларига эга бўлганлар, яъни муҳолифатда бўлганлар.

Лекин Амир Темур 1370-1405 ва Шоҳруҳ Мирзо 1409-1447 йилларда давлатни мустаҳкам бошқарганлиги сабабли дин пешволари ҳам, маҳсус хизмат органларининг айrim гурухлари ҳам қарши чиқа олмаганлар. 1447 йилда Шоҳруҳ Мирзо вафот этгач, дин пешволари ўша замон маҳсус хизмат органлари зобитлари билан тил бириктириб, Улуғбекнинг катта ўғли Абдулатифни ўз отасига қарши қўйишга эришганлар [4]. Қотил қўли билан 1449 йил 27 октябрида Улуғбекнинг боши танасидан жудо этилгач, олти ой ўтар-ўтмас маҳсус хизмат органлари яратиб берган имконият туфайли Абдулатиф ҳам ўлдирилган. Дин раҳбари розилиги билан мутаасиблар Улуғбек обсерваториясини бузиб ташлаганлар, олимларни қувғин қилганлар, кутубхона ва олимларга тегишли қўпгина китобларни ёқиб ташлашган. Улуғбек шогирдларидан бири, олим Али Қушчи ўз устози раҳбарлигига яратилган «Зижи Курагоний»ни Туркияга олиб кетиб, ўша ерда унинг нусхаларини кўпайтиришга эришган.

1018 юлдузнинг осмондаги ўрни аниқ қўрсатиб берилган «Зижи Курагоний» китоби Мирзо Улуғбекнинг фожиали ўлимидан деярли 200 йил ўтгач, Европада 1648 йилда чоп этилди [6]. 1665 йилда Улуғбек китоби Буюк Британиянинг Оксфорд шаҳрида ҳам чоп этилди ва кейинчалик турли шарҳлар билан кўп марта қайта-қайта нашр этилди [4]. Шу йўллар билан ушбу машҳур китоб бизнинг кунларгача етиб келган. М.Улуғбек билан боғлиқ қонли воқеалар кухна тарихимиздаги диний муҳолифат ва маҳсус хизмат органлари биргаликда амалга оширган разил ишлардан биридир.

«Янги Дунё» сайти раҳбари Юсуф Расулнинг биринчи саволи кўпроқ конструктив муҳолифат, жумладан демократик муҳолифат маъносига берилган, деб тушунсак бўлади. Сиз билан бизни кўпроқ демократик муҳолифат, яъни қуролсиз, тинч йўллар билан, сайловлар орқали кураш олиб борувчи муҳолифат тарихи қизиқтиради.

Туркий ҳалқлар, жумладан ўзбек ҳалқи демократик муҳолифатига дастлаб қрим-татар миллати вакили бўлмиш Исмоилбей Гаспирали (Гаспиринский, 1851-1914) асос солган. Унинг саъй-ҳаракати ва таълимоти асосига 19-аср тўртингичи чорагига туркий ҳалқларнинг буюк демократик ҳаракати бўлмиш Жадидчилик ҳаракати шаклланди ва фаолият олиб борди (арабча «жадид» сўзи «янги» деган маънони билдиради).

Буюк демократик ҳаракат бўлмиш Жадидчилик ҳаракати ва унинг раҳнамолари 1930-йилларда Совет Империясининг маҳсус хизмат органи бўлмиш аввал ОГПУ (Общесоюзное государственное политическое управление – Умумиттифоқ давлат сиёсий бошқармаси), кейин НКВД (Народный комиссариат внутренних дел – Ички ишлар халқ комиссарлиги) томонидан қатағон қилинди ва тор-мор этилди.

Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистонда демократик мухолифат тарихи Жадидчилик ҳаракатидан бошланган. Камина маълум бўлишича, 1989 йил май ойида таъсис қурултойи ўтган Халқ ҳаракатининг номи бўлмиш «Бирлик» сўзи ҳам, дастлабки мухолиф сиёсий партияниң номи бўлмиш «Эрк» сўзи ҳам Жадидчилик давридаги ҳаракат ва партиялар номидан олингандир.

Ўзини ўзбек зиёлиси, мухолифат фаоли деб билган ҳар бир ватандошимиз, айниқса ёшларимиз Жадидчилик ҳаракати тарихини, ҳаракатнинг атоқли раҳнамолари ҳаёти ва фаолиятини чуқурроқ ўрганишлари, билишлари ва улардан ўrnak олишлари керак. Камина ўзбек мухолифатининг бугунги кундаги раҳбарларини эмас, Жадидчилик ҳаракатининг машхур раҳнамоларини кўп йиллардан бери ўзига ўrnak деб билади, улар ҳаёти ва амалий ишларидан ибрат олишга ҳаракат қиласди

Ўзбекистонда буюк Жадидчилик ҳаракатини Ватанимиз ёшлари иштирокида тиклаш ва 21-аср талаблари даражасида давом эттириш мақсадида камина «Гап-гаштақдан – Жадидчилик ҳаракатига!» номли китобнинг катта қисмини 2000-2001 йилларда ёзганди ва унинг 205 бетини ёзув машинкасида чоп этиб, муқовалаттирганди (у пайти Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланиш имконияти йўқ эди). Камина бу китобни туркий халқларнинг буюк фарзанди, Тинчлик соҳасидаги Халқаро Нобель мукофотига 1911 йилда номзоди кўрсатилган, 2001 йилда кўпгина туркий тилли мамлакатларда 150 йиллик юбилейи нишонланган И. Фаспирали номига бағишлаганди.

Юсуф Расулнинг «Ўзбекистонда мухолифат тарихи ҳақида нималар биласиз?» деган саволига энди жавоб берсам бўлади. Камина ўзининг «Гап-гаштақдан – Жадидчилик ҳаракатига!» номли китобининг биринчи параграфида Исмоилбей Фаспирали ҳаёти, ижодий фаолияти, Жадидчилик ҳаракатига қандай қилиб асос солгани ва туркий тилли халқлар орасида кенг қамровли амалга оширган ишлари ҳақида ёзганди. Иккинчи параграфда эса Жадидчилик ҳаракатининг энг машхур 11 нафар раҳнамолари ҳаёти, Марказий Осиёда амалга оширган улкан демократик ишлари манбалар асосида кўрсатиб берилганди.

Китобнинг кейинги параграфларида туркий ва форсий халқларнинг 4-5 минг йиллик демократик қадрияти бўлмиш гап-гаштак тарихи, бугунги кундаги ахволи ва уни янги поғонага олиб чиқиши, уни қонунлаштириш йўллари, унинг асосида аввал Ўзбекистонда, кейин Марказий Осиё давлатларида Жадидчилик ҳаракатини 21-аср талаблари даражасида тиклаш мумкинлиги ҳақида ёзилганди.

Ўзбекистондаги авторитар, полициявий режим, айниқса унинг кучишилатар органлари барча демократик ҳаракатлар ва партияларга қарши ҳам қонуний, ҳам ноқонуний йўллар билан тазиик қилаётганлигини ҳисобга олиб, Чор Россияси полиция департаменти, Совет империяси милиция агентураси ва Давлат хавфсизлиги қўмитасининг яширин, ноқонуний иш услублари 12-параграфда ҳаётий мисоллар ёрдамида очиб берилганди. Худди шундай услубларни қўллаётган Ўзбекистон кучишилатар органлари, яъни Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Интерпол хизмати, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси мамлакатимизда авторитар, полициявий режимни кучайтираётганлиги, Ўзбекистондаги авторитар режимнинг асосий тўртта илдизи ҳақида китобда ёзилганди. Демократияга душман бўлган бундай разил кучга қарши кенг миқёсда фаолият олиб бора оладиган, халққа, авваламбор ёшларга таянган, бошқа демократик фикрдаги кучлар ва ташкилотларни бирлаштираоладиган Жадидчилик ҳаракати ёрдамида курашиб, маълум бир муваффакиятларга эришиш мумкинлиги китобда баён этилганди.

Китобнинг 19-параграфида Жадидчилик ҳаракати ва Марказий Осиё муаммолари, 20-параграфида бу муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўллари ва жадидчиларнинг вазифалари ҳақида ёзилганди. Китобнинг сўнгги – 21-банди ёшликка доир машхур шахсларнинг айрим фикрлари келтирилганди ва китоб ёшларга мурожаат билан тутатилганди.

Энди китобнинг кейинги тақдири ҳақида ҳам қисқача айтиб ўтайлик. Камина китобни 2001 йил 22 март кунига, яъни И. Гаспирали таваллудининг 150 йиллиги кунига қадар компьютерда териш ва чоп эттириш учун Тошкентда ўзининг кўпгина таниш-билишларига (масалан, «Эрк» Демократик партиясининг Бosh котиби Атаназар Арифовга, Ўзбекистон Инсон хуқуqlари жамиятининг Бosh котиби Толиб Ёкубовга) мурожаат қилди. Лекин улар ўз компьютерида китобни теришга рухсат бера олмасликларини айтишди. Шу сабабли камина китобга янги-янги параграфлар ёзиб, кенгайтириб борди.

Ўзбекистон маҳсус хизмат органлари китобни қўлёзмалигига ёк йўқотиб юборишлари мумкинлигини тушуниб, камина қўлёzmани доимо ўз сумкасида олиб юарди. Китоб қўлёзмасини ўқиб чиқиш ва каминага қарши жиддий чора кўриш мақсадида Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати бевосита ва билвосита ўзига бўйсунадиган Терроризмга қарши кураш бошқармаси зобитларини ишга солди. Каминани милиция ходимлари 2001 йил 30 октябр куни Тошкентдаги Паркент бозорида тутиб, Тошкент шаҳар Ҳамза туман Терроризмга қарши кураш бошқармаси зобитларига топширишди. Улар каминанинг барча нарсаларини, жумладан 76 бетли «Қарз балосидан огоҳ бўлгин, халқим!» китобчасини ([7]-қаранг) ва «Гап-гаштакдан – Жадидчилик ҳаракатига!» номли китоб қўлёзмасини рўйхат қилиб олишди. Каминани 2001 йил 19 ноябргача Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Панелли мавзеси, Чашма кўчасидаги маҳсус ҳибсхонага қамашди. Улар каминанинг «Гап-гаштакдан – Жадидчилик ҳаракатига!» китоб қўлёзмаси учун суд қилиш имконияти йўқ эди. Шу сабабли режим малайлари камина 2000 йил май ойида компьютерда териб, 1,5 йил давомида 50-60 нусхасини камина таниш-билиш зиёлилари, халқ депутатларига тарқатиб берган «Қарз балосидан огоҳ бўлгин, халқим!» китобчаси асосида 2001 йил 19 ноябр куни Тошкент шаҳар Ҳамза туман жиной ишлар бўйича судида соxта суд қилишди ва каминани «ваҳимали гаплар тарқатганлик» айби билан 15 суткага қамаш ҳақида хукм ўқилди (бу ҳақда батафсилроқ [8]-китобнинг 1-иловасида ёзилган).

Камина 2001 йил 4 декабр куни ҳибсхонадан чиқиши керак эди. Шундан бир кун олдин, 3 декабр кечкурун ЎзР Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ)нинг катта лейтенанти Лазиз (фамилиясини айтмади) ҳибсхона худудидаги «Маънавият ва маърифат хонаси»да камина билан икки соатга яқин суҳбат ўтказиб, МХХ фойдасига жосус, айғоқчи бўлишни ва Атаназар Арифов ҳамда Толиб Ёкубов ҳақидаги гапларни етказиб бериб туришни таклиф этди. Камина бу «таклиф»га қандай қилиб рад жавобини бергани ҳақида [8]-китобнинг 1-иловасида ёзилган.

Камина ҳибсхонадан 2001 йил 4 декабр кечкурун озодликка чиққач, ЎзР МХХ ўзига бўйсунувчи Терроризмга қарши кураш бошқармаси ва участка инспекторлари ёрдамида тазиикни давом эттириди. Камина сал даволангач, 2002 йил бошида 36 кунлик ноҳақ қамоқ масаласида ўз норозилик аризасини судга топширди ва кейинчалик бир неча йиллик кураш давомида бу ишни ЎзР Олий судигача олиб чиқди ([8]-га қаранг).

Камина «Гап-гаштакдан – Жадидчилик ҳаракатига!» китобининг 205 бетини ўз ёзув машинкасида бир нечта нусхада чоп эттириб, муқовалаттириди. Унинг битта нусхасини «Озодлик» радиосининг Прагадаги Ўзбек бўлими мухарририятига жўнатмоқчи бўлди (чунки маҳсус хизмат органлари каминани яна бирор баҳона билан қамашса, китобни йўқотиб юборишлари мумкин эди). Шу мақсадда камина «Озодлик» радиосининг Тошкент бўлимиning уша йиллардаги раҳбари Раҳматжон Қўлдошевга мурожаат этиб, китобнинг битта нусхасини унга берди ва Прага шаҳрига бораётган бирорта журналист орқали бериб юборишини илтимос қилди. Р. Қўлдошев китоб нусхасини олиб қолди. Лекин у каминанинг шу оддий илтимосини ҳам бажармади ва бир ойлар ўтгач китобни каминага қайтариб берди.

Кейинчалик Аллоҳ уни айрим нотұғри, гуноҳ ишлари учун жазолади ва оғир касал қилди (Р. Құлдошев, унинг ишлари ва китоб вөкөаси ҳақида [9]-мақоланинг 1-параграфида ёзилган).

ҮзР махсус хизмат органлари ва улар гумашталарининг мана шундай қаршиликлари ҳамда тазииклари туфайли каминанинг «Гап-гаштақдан – Жадидчилик ҳаракатига!» номли қизиқарли, долзарб китобини 2001-2003 йилларда компьютерда териб чоп эттириш, бирорта Интернет-сайтга юбориш имконияти бўлмади. Шу сабабларга кўра ватандошларимиз эътиборига бу китобни ҳавола қилиш имконини беришмади.

Китобда ёритилган масалалар нималардан иборат бўлганингини ўқувчимиз билиши учун камина китоб мундарижасини ушбу жавобга илова тарзида келтириб ўтишни ўринли деб ҳисоблади. Бу китобнинг айрим параграфлари ва боблари кейинчалик каминанинг бошқа китоблари ҳамда мақолаларида фойдаланилган. Каминанинг бошқа китоблари ва мақолаларида фойдаланилган параграфлар шу параграф номи охирида манба рақамини кўрсатиш орқали берилди. Яъни ўқувчимиз шу параграф матнини ўша кўрсатилган манбада ўқиб кўриши мумкин.

Камина саволга жавоб тарзида ёзилган ушбу мақоласини «Гап-гаштақдан – Жадидчилик ҳаракатига!» номли китобида шиор сифатида фойдаланган машхур жадидчи шиор ва ёзувчи Абдурауф Фитратнинг «Ўгут» шеърини келтириш билан тугатмоқда.

Оғир йигит! Сенинг гўзал, нурли кўзингда,  
Бу миллатнинг саодатин, баҳтин ўқидим.  
Ўйлашинг-да, туришинг-да, ҳамда ўзинг-да,  
Бу юрт учун кутилишнинг борлиғин кўрдим.  
Турма, югур, тинма, тириш, букулма, юксал!  
Хурма, кириш, қўрқма, ёпиш, юрма, кўзғол!  
Эл йўлини тўсиб турғон эски булутларни  
Ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин йўқ эт!  
Қила олмасанг шу ишларни  
Сенинг учун хўрликдир бу!..  
Йиқил, йўқол, кет!

\*\*\*\*

## **Мавзу юзасидан фикрлар: Мухолифат фаоллари нималарга эътибор беришмади?**

“Янги Дунё” ўзбек мухолифати ташкил топганининг 20 йиллиги муносабати билан мухолифат фаолларига ўн савол билан мурожсаат қилган эди. Бу саволлар деярли барча мухолифат фаолларига, жумладан мухолифатдаги партия ва ҳаракатлар лидерлари - Абдураҳим Пўлат (“Бирлик” партияси) Мұхаммад Солиҳ (“Эрк” партияси) Жаҳонгир Мұхаммад (Демократик Ўзбекистон Конгресси) ҳам йўлланган эди. Афсуски улар саволларга жавоб беришни исташмади. Ўзбек мухолифати тарихи, бугунги қуни ва келажакда қиласидиган ишлари билан боғлиқ саволларга ўз вақтида, батафсил жавоб берган мухолифат фаолларига, жумладан Ёдгор Обид, Алибой Йўляхшиев, Толиб Ёқубов, Насрулло Сайид, Исмоил Дадажонов, Васила Иноятова, АбдуМанноб Пўлат, Абдужалил Бойматов, Нурулло Мақсадов, Тўлқин Қораев, Баҳодир Чориев ва бошқа барча жонкуяр инсонларга ўз миннадорчилигимизни билдирамиз. Келажакда ҳам мамлакатимиз ва жамиятимиз ҳаётидаги муаммолар билан боғлиқ савол-жавобларда ҳам улар фаол иштирок этадилар деган умиддамиз.

Умуман, мухолифат фаолларига берилган саволлар тўғри қўйилганми? Саволларга жавоб берган фаоллар мавзуни қанчалик ёритиб бера олишди? Нималарга эътибор берилди ёки қандай муаммолар ҳақида гапирилмади? Бу ҳақда ҳам албатта ўқувчилар ўз муносабатларини билдиришлари керак. Дастреб айни мавзуда **Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти президенти Абдужалил Бойматов** билан сұхбатлашдык.

### ***Юсуф Расул: -Мухолифат фаолларига берилган ўнта савол ҳақиқатдан тўғри қўйилганми?***

Абдужалил Бойматов: -Мен бу саволларни жуда яхши қўйилган деб ўйлайман.

### ***Ю.Р.: -Саволларга жавоблар сизни қониқтирдими?***

А.Б.: -Мен мухолифатни охирги 20 йилдаги фаолиятини таҳлил қилиб, келажакда тўғри йўл топа олиш учун нима қилиш кераклигига тўғри жавоб топилар деб ўйлаган эдим. Мен кутган умид эллик фоизча оқланди. Саволларга жавобларда келажакда мухолифат фаолиятига қандай ўзгартиришлар киритиш тўғрисида мен керакли жавобни топа олмадим. 1989 йилларда мухолифат мустакил, эркин ва демократик мамлакат яратиш учун тузулган эди. Лекин мана орадан 20 йил ўтгандан кейин маълум бўлди, “Бирлик” халқ ҳаракати партияси раиси Абдураҳим Пўлатов, ЭРК партияси раиси Мұхаммад Солиҳ афсуски демократик лидерлар бўлиб чиқмади. Ўзбекистон президенти Ислом Каримов ҳам демократиядан ниҳоятда узоқ одам эканлиги маълум бўлди. Холбуки, у 20 йилдан буён Ўзбекистонни демократлашириш билан “машғул” бўлди. Бу лидерлар доим халқни ўзини атрофида бирлашувга чакириб келди. Аслида гапи билан иши бир лидерлар атрофида бирлашиш мумкин. Бирлашганда ҳам маълум бир ғояларни амалга ошириш учун. Бу учала лидерлар демократ ҳам эмас, улар бирлашиш учун бирор ғояни илгари сургани йўқ. Масалан, болалар меҳнатини Ўзбекистонда йўқ қилиш масаласини олсак. Ислом Каримов ҳам, Мұхаммад Солиҳ ёки Абдураҳим Пўлатов ҳам бу ғоялар атрофида бирлашишни таклиф қилишмади. Ёки Ўзбекистондаги қашшоқликни камайтириш, порахурлик, коррупция масаласи. Бу каби ғояларни амалга ошириш бўйича бирлашиш мумкин эди. Лекин бундай бўлмади. Агар бу лидерларни атрофида бирлашишга чақириқ давом этавераса яна 20 йил ўтиб кетади.

Шунаңги ибора бор: “Подшони подшонинг атрофидагилар яратади”. Яъни, мана шу учала лидерни атрофдаги одамлар ҳам уларни алмашишини хоҳламайди. Уларни атрофидаги

одамлар демократия ва эркинликдан узоқ одамлар. Лидерлар ўз атрофида шунаقا одамларни тўплаб олган. Мухолифат аъзолари ўзларини мухолиф партиялардаги лидерларини алмаштиришга кучи етмаса Ўзбекистондаги Ислом Каримов режимини ҳам ағдаришга кучи етмайди. Шу сабабли Мұхаммад Солих ва Абдураҳим Пўлатовни Каримов режимини ағдариш йўлида ўзларини атрофларида мухолифатни бирлашишга чақиришлари бу одамларни чалғитишидир. Аслида мухолифатдаги партиялар демократик бўлмаса Ўзбекистонда хеч нарса ўзгармайди.

**Ю.Р.: -Сизнинг назарингизда мухолифат фаоллари нималарга эътибор бершилари керак эди?**

А.Б.: -Мухолифатнинг асосий вазифаси Ўзбекистон фуқароларида эркинлик, демократия тушунчаларини шакллантириш. Бу тушунчалар шаклланган фуқаролар эркин, демократик жамият қуриш ишларида фаол иштирок этади. Бу вазифани демократия бўлмаган партия лидерлари амалга ошира олмайди. Мухолифат партиялари авторитар тузумдан эркин, демократик жамиятга босқичма -босқич ўтиш дастурини ишлаб чиқиши керак эди. Лекин бу дастур ишлаб чиқилмади.

Одатда жаҳон амалиятида инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳокимиятга келиш учун курашмасдан ҳокимиятни қилаётган жиноятларини фош қиласди. Ўзбекистон Конституцияси, ҳокимият имзолаган халқаро Пакт ва Конвенцияларга қанчалик амал қилиниши юзасидан мониторинг ишларини олиб боради. Биз режимни қонунбузарликларини қанча фош этиб борсак бу мухолифатни ҳокимиятга келиш имкониятини кучайтиради. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари режимни коррупцияга ботганилиги, бу халқнинг кўп қисмини қашшоқликка олиб келганлиги, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш масалаларини бутун дунёга фош қилган пайтда мухолифат вакиллари биз ҳокимиятга келсак бунақа ишларга йўл қўймаймиз деган тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориши керак. Биз бу муаммолар ҳақида жуда кўп баёнотлар тарқатдик. Лекин мухолифатдаги партиялар ўз сайтларида ҳатто бу баёнотларни босиб чиқаришмади. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари мухолифатга рақобатчи эмас-ку!

Асосий муаммо - Ўзбекистондаги партиялар демократик партияларга айлана оладими ёки йўқми? Бунга мухолиф партиялар аъзоларининг кучи етадими? Мухолиф партияларни демократик партияларга айлантиришга кучи етса, мухолифат Ислом Каримов режимига барҳам бериши ҳам мумкин бўлади.

**Ю.Р.: -Саволларга жавобларда мухолифатнинг келажакда қиласиган ишлари ҳақида аниқ фикрлар борми?**

А.Б.: -Бу жавобларда мухолифатни 20 йиллик фаолияти таҳлил қилиниб келажакда қиласиган ишлари белгилаб олиниши керак эди. Лекин 20 йиллик фаолият таҳлили билан чегараланиб қолинди.

Аслида бу саволларга мухолифат лидерлари жавоб бериши керак эди. Лекин улар жавоб бермади ва бермайди ҳам. Бу лидерлар учун (Ислом Каримов учун ҳам) Ўзбекистонда эркин ва демократик жамият яратиш ғояси уларга ўз амалини сақлаб қолиш учун керак экан. Улар бу ғояларни ўз шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб келишяпти. Агар улар Ўзбекистон халқини, Ўзбекистон келажагини ўйлашганда эди партияларини демократик партияларга айлантирган бўлишарди. Партиялар ичida энг зўр интеллект кучларни тайёрлашарди. Ўшанда жамиятда ривожланиш бўларди...

\*\*\*\*

## **Тоғбой Абдураззок: "Олдимиздаги асосий вазифа..."**

**Юсуф Расул: -Мухолифат фаолларига берилган ўнта савол ҳақиқатдан тўғри қўйилганиди?**

Тоғбой Абдураззок: -Менимча берилган саволлар қисман тўғри. Бу саволларга ҳар ким ўз тушунчаси бўйича жавоб беришга ҳаракат қилган. Айрим мухолифат вакиллари 20 йиллик фаолияти даврида меҳнатининг самарасиз кетганинигидан афсусланган булса, айримлари ўз фаолиятидан норози эмаслигини билдирган. Бу табиий ҳол. Ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ўзганинг фикрига қарши туришга. Фикрлаш эркин. Шу жумладан саволга жавоб бериш ва бермаслик ҳам ихтиёрий. Шунга қарамасдан саволлар ичида “ғалатироғ”и ҳам бор. Жумладан мухолифатни диндорлашиб кетиши ҳақида. Қизиқ, диндорларни ҳукумат бошқарувидан ажратиб қўйишнинг ўзи демократик тамойилларга зид эмасми? Бунга Ислом Исломовниг берган жавоби ўринли деб ҳисоблайман. “И.Д.: -Мухолифатни исломлашуви деган савол нотўғри тузилган. Чунки мухолифат исломлашуви деганда “Ислом уйғониши партияси” ёки “Ҳизб ут таҳрир” партияларини тушунаман. Ҳозирги ҳолатда эса эътиқодли одамлар мухолифат сафларига қўшилмоқчи экан, буни қутлаш керак.”

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки номлари тилга олинган мухолифат лидерларининг жавобини қизиқиш билан кутган эдик. Бироқ улардан дарак бўлмади. Жавоб бермаслик уларнинг обруйига зиён ҳам қилмайди. Аксинча янада ўзига хос қизиқишни юзага келтиради. Улар ўз даврининг қаҳрамонлари бўлмиш тарихий шахслардир. Ҳаттоқи бир-бирига аёвсиз танқидий муносабатда бўлса ҳам. Улар зарурият юзасидан Ватанин тарқ этишга мажбур бўлган кишилар. Улар хоин эмас айрим кишилар тухмат қилаётгандай. Улар воқеликнинг шиддатли давларида ўзларининг кўлга киритиши мумкин бўлган моддий манфаатларидан воз кечиб, Компартиянинг ялоқхур малайларига тик қараб ҳақиқатни гапирган сиёсатчи инсонлардир. Бунга мисол Ж. Муҳаммаднинг парламент анжуманида “...Ўзбекистон битта сизни онангизнинг маҳрига тушган ватан эмас!!!” деган сўзлари ҳалигача қулоғим остида жаранглайди. СССР ҳалк депутати Пўлат Охунов эса Ўзбекистон депутатлари мум тишлаган даврда Ўзбекистон раҳбари томонидан ГКЧПни кўллаб -куватланганлигини фош қилиб ташлаган эди. Абдураҳим Пўлатнинг шахсига келадиган бўлсак, у ўша даврда Ўзбекистонда юзага келган демократиянинг отасидир. Унинг ўша даврлардаги фидокорона жасорати “Бирлик” Халқ Ҳаракати фронтининг раҳбарлик лавозимиға олиб келди. Муҳаммад Солих эса ўзига хос ижодий фаолияти билан юз минглаб ёшларнинг қалбига кира олди. Дадаҳон Ҳасан, Носир Зокир каби бошка фаоллар шахсига бериладиган баҳо ҳам ижобийдир.

Ҳа шундай, мухолифат лидерлари бошчилигидаги ҳалқ ҳаракатидан талвасага тушган бюрократлардан иборат давлат аппарати, уларни бирин -кетин йўқ қилиш учун кураш бошлади. А Пўлатов ҳамда унинг ҳуқуқбон дўсти Миролим аканинг бошини ёриб чала жон қилдилар. Аллоҳга шукур, умри бор экан даволаниб, ҳалигача фаолиятини ўз фикрига таянган ҳолда давом эттирияпди. Қолганлари ҳам шундай. Ҳар ким қўлидан келганича Ўзбекистоннинг озодлиги учун курашмоқда.

**Ю.Р.: -Саволларга жавоблар сизни қониқтиридими?**

Т.А.: -Албатта берилган жавоблардан ўзимга яраша маънавий озуқа олдим. Нотаниш мухолиф дўстлар билан фикран танишдим. М. Абутов, Т. Қораев, ҳамда, “Андижон - Адолат ва Тикланиш” ташкилоти раиси Н. Мақсадовнинг жавоблари мазмунли эди. Айникса, Тўлқин Қораевнинг қисқа ва дангал фалсафий фикрлари мени ҳайратга солди. Мақоланинг кучли таъсири унинг ҳажмига эмас, мазмунига боғлиқлиги ва ўзининг ким эканлиги унинг

жавобларида яққол күриниб турар эди.

**Ю.Р.: -Саволларга жавобларда мухолифатнинг келажакда қиладиган ишлари ҳақида аниқ фикрлар борми?**

*Т.А.: -Аниқ кўрсатмалар бўлмасада, бир оз умумийликка оид фикрлар бор. У ҳам бўлса ўзаро гиналарга барҳам бериб бирлашиши. Лекин қандай қилиб? деган савол жумбоқ қолмокда. Менимча бўлинган партия ва гуруҳларни қайта- қайта бўлиншиидан маъно йўқ. Бу душманларнинг иши.*

**Ю.Р.: -Сизнинг назарингизда мухолифат фаоллари нималарга эътибор беришилари керак эди?**

*Т.А.: -”Мухолифат фаоллари нималарга эътибор бериши керак?” деган савол аникроқ ва ўринлидир. Аввало лидерлар, қолаверса, жамийки фаоллор ўзлигини англаши зарур. “Биз ҳаммамиз Аллоҳнимиз ва Аллоҳнинг ўзига қайтажакмиз” деган сўзнинг маъносига тушиниб етсан яхшироқ бўлар эди.*

Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. Биз дунёга беихтиёр келганмиз, ўз хоҳишими билан эмас. Кетишимиз ҳам шундай. Ўзимиз истамасак-да, бир куни ҳаётдан қўз юмамиз. Келиб кетиш ўртасидаги масофада нима қилишимиз керак? Яшашнинг асосий маноси ҳам шу саволга жавоб беришда. Таниқли ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг таърифи билан айтганда икки эшик орасида яшаймиз. У эшик билан бу эшикнинг ораси сирот кўприги билан баробардир. Шу сабаб яшашнинг ўзи ҳушёрликни талаб қилади. Қандай қилиб?.. Қандай қилиб сирот кўпригидан ўтишимиз керак? Мураккаб дунё! Нима қилишингни ҳам билмайсан... Сафаринг маълум нуктага етганда босиб ўтган йўлинга қараб юрагинг ларзага келади. Ўтмишинг кўз олдингда яққол гавдаланади. Шоир Ёдгар Обиднинг сўзи билан айтганда: “Нега келдим, нима олиб кетарман...” деган саволга пешонангни урасан. Унга довур урра! Урра!!! Садолар... Байроқни баланд кўтариб, аравани қуруқ олиб қочишилар, ёқмаган кимсаларни эзib ташлаш мақсадида шухрат чўққилари сари интилиб ўзини кўрсатишлар... Буларнинг ҳаммаси вақтинча... Ҳаётнинг алдов домига тушиш демакдир.

Шундай экан қалбимиздаги кибр, баҳиллик ва ҳасад иллатларидан воз кечиб бирлашмоғимиз зарур. Бу хайрли иш бошланди ҳам. Эндиликда олдимиздаги асосий вазифа ҳеч бўлмаганда фийбатлардан тилни тийиб, бирликка интилувчи ўзгаларнинг ишига халақит бермасликнинг ўзи ҳам яхшилик сари ташланган буюк қадамдир.

\*\*\*\*

**Улуғбек Ҳайдаров: “Ҳали ҳам бурнимиз осмонда...”**



Улуғбек Ҳайдаров - журналист ва инсон ҳуқуқлари фаоли, Ванкувер, Канада.

**Юсуф Расул: -Мухолифат фаолларига берилган ўнта савол ҳақиқатдан тўғри қўйилганмиди?**

Улуғбек Ҳайдаров: -Мухолифатнинг кўзга кўринган вакилларига ўн эмас, аслида юзлаб саволлар йиғилиб қолган. Сизнинг 10 саволингига берилган жавоблар, айсбергнинг сувдан чиқиб турган бўлагига изоҳ беради холос. Лекин, фитна, ғаламислик ва иғво авж олган мухолифат аталмиш оламга саволлар қўя олганингиз учун Сизга катта раҳмат, чунки бошқа ҳамкасларимиз бу ишни қила олишмади. Мухолифатнинг ҳар замонда журналистлар томонидан тафтиш қилиб турилиши, унинг ичидаги жараёнларга очиқ баҳо берилишига олиб келади ва бунда мухолифат зиён кўрмайди, аксинча, у соғломлашади.

Берилган 10 та савол ичидан фақат биттаси сал ғализорқ ва ноўринроққа ўхшади. У ҳам бўлса, мухолифатнинг диндорлашиб кетиши ҳақидаги савол.

Тўғриси мен бу саволга тушунмадим, кейинроқ эса, мухолифат вакилларининг бу саволга жавобларини тахлил қилиб, “савол ёки ортиқча, ёки бошқача ракурсда қўйилиши керак эди” деган фикрга келдим

Бу масалада Тоғбой ака Абдураззоқнинг фикрларига қўшиламан ва саволнинг энг яхши жавобини, таниқли мухолифат етакчиси И smoil Дадажон берган деб ўйлайман.

“И smoil Дадажон.: -Мухолифатни исломлашуви деган савол нотўғри тузилган. Чунки мухолифат исломлашуви деганда “Ислом уйғониш партияси” ёки “Хизб ут таҳрир” партияларини тушунаман. Ҳозирги ҳолатда эса эътиқодли одамлар мухолифат сафларига қўшилмоқчи экан, буни қутлаш керак.”

Саволларга жавоб бермаган мухолифат вакиллари, ўйлайманки бир оз вакт ўтгач албатда ўз фикрларини ёзадилар. Чунки, мухолифат ичидаги жараён кетаяпти ва эртами кечми улар ўз фикрларини қоғозга туширадилар.

### **Ю.Р.: -Саволларга жавоблар сизни қониқтиридими?**

У.Х.: -Ҳамма жавобларни кузатиб бордим. Менга айниқса ҳамкасбим Тўлқин Қораевнинг жавоблари маъқул тушди. Унинг, хориждаги мухолифат ўзининг маблағига эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги фикрлари диққатга сазовор.

Ҳақиқатдан ҳам, мухолифатга пул зарур! Чўнтағимизда хемири йўқ, лекин бурнимиз осмонда! Баландпарвоз шиорлар ва дабдабали тумтароқ жумлалар билан яшашга ўрганиб қолаяпмиз, назаримда.

Пул тўплашимиз керак! Алоҳида бир хисоб раками очибми, ёки бирор ишончли вакил тайинлабми, ўз маблағимизни йиғишимиз керак. Хар биримиз ойига хеч бўлмагандан 50 доллардан ўртага ташлаганимизда ҳам, юзтамизники бир ойда кўзга кўринадиган маблағга айланади. Бир ойда! Бир йилда қанча бўлишини биласизми?!

Маблағни мухолифат ўз мақсадида ишлатиши мумкин. “Пул бўлса, чангала шўрва” дейишган аждодларимиз минг карра ҳақлар! Ўрисларнинг дахоси Владимир Ленин ўзи тузган партиянинг взнослари билан Россиянда ҳукumatни ағдарганлигини ҳамма биладику!?

Саволларга жавоб бериш асносида, мухолифатнинг баъзи вакиллари биз мустақил журналистларга ҳам тош отиб қолишга уринишибди. Уларнинг айтишларича бизларнинг баъзиларимиз “хорижга яхши ҳаёт излаб келган” эканмиз.

Мен шуни айтиб ўтишни истардимки, Ватанни тарк этган бирорта мустақил журналист, у хоҳ Европада бўлсин, хоҳ АКШ ёки Канадада, бекор юришгани йўқ. Улар, ўз соҳаларидан вақтинчалик узоқлашишган, чунки чет тилини ўрганиш ва бошқа ташвишлар, касбий фаолиятни кескин чегаралайди.

Бироқ улар доимо ҳаракатдалар. Мен уларнинг 5, 6 нафарини биламан. Улар бир гурух бўлишиб Ўзбекистон ичидаги ҳамкасларига моддий ёрдам беришни йўлга қўйишган ва бу ишни улар мувафақият билан давом этдиришяпти.

Хорижда бекор юрган ўзбек журналисти йўқ Лекин, ўйламасдан гапирадиган, миясидан

илгари тили ҳаракатга келадиган бир иккита мухолифатчилар борлиги, афсуски ҳақиқат экан. Жавоблар хар хил бўлди албатда, ва мен ҳамма қатори Мухаммад Солих ва А. Пўлатнинг жавобларини кутдим. Кейинчалик эса, “Яхшиям улар жавоб ёзишмади!” деган фикрга келдим. Чунки, улар яна, жавоб баҳона, бир бирларига “атака”ни бошлаб юборишарди.

#### **Ю.Р.: -Саволларга жавобларда мухолифатнинг келажакда қиладиган ишлари ҳақида аниқ фикрлар борми?**

У.Х.: -Жавоблардан маълум бўлдики, мухолифат ичидағи тарқоқлик кучайиб бораяпти, “Эрк” ва “Бирлик” лидерлари (партиялари эмас) орасидаги жарлик тоборо чукурлашацияпти. Энг ачинарлиси ҳам шу...

Келажакда килиниши лозим бўлган ишлар ҳақида факат умумий гаплар айтилган холос, уларнинг аксарияти дарров эсдан ҳам чиқадиган даражада оддий..

Жавобларни кузатиб, мухолифат ҳали бирлаша олмаслигига, афсуски, ишондим.

Яна шу билан бирга, ким аслида кимлигини ҳам билдим. Ўзини мухолифатнинг олдинги қаторларида кўрадиганларнинг, мухолифатга умуман алоқалари йўқлиги кашф қилдим. Ва бу кашфиёт менга, тирноғим орасига кирган темир парчаси каби оғриқ берди..

#### **Ю.Р.: -Сизнинг назарингизда мухолифат фаоллари нималарга эътибор беришлари керак эди?**

У.Х.: -Мухолифат фаоллари режимга карши курашда бирон бир самарага эга бўлишни истасалар, тилларини гийбат, фасоддан тийишилари, бир бирларига нисбатан кечиримлироқ бўлишилари керак эди. Афсуски, бу уларга оғирлик қилди... Эҳтимол, ҳали ҳам кеч эмасдир?

Шу ўринда, яна бир жиҳатни айтиб ўтсам: ўзбекча мухолифат сайтларидағи “коментлар” бўлимини ҳам номсиз, аноним изоҳчилардан холи қилиш лозим эди. Мен цензурага қаршиман, бироқ, ўзга номлар остида одамлар орасига адоват солиши мақсадида ёзилган изоҳлар ўз вақтида териб олиб ташланганида, мухолифатчилар орасида нифоқ анча камайган бўларди. Аввало информация майдони тоза ва том майнода шаффоф бўлиши керак. Шундагина, мухолифат қилиши мумкин бўлган ишлар ўз ўзидан аниқлашади.

\*\*\*\*

#### **Толиб Ёқубов: “Ҳаммасини айтиш қийин...”**

##### ***Юсуф Расул: -Мухолифат фаолларига берилган ўнта савол ҳақиқатдан тўғри қўйилганмиди?***

Толиб Ёқубов: -Бошқаларни билмайман, бироқ мен учун 5, 7 ва 8-чи саволлар ғализ туюлди. Мана ўша саволлар:

5-савол:- - Каримов ҳукуматининг мухолифатга қарши аёвсиз кураши сизнингча нималарга асосланган эди ва бу ҳаракатлар қанчалик ўзини оқлайди?

7-савол: - Бугун мухолифатни бир қаноти диндорлар билан ўз фаолиятини кучайтиришга уринмоқда. Дунёвий мухолифатни исломлашиши мамлакат ва халқимиз келажагига қандай таъсир этиши мумкин?

8-савол: - Халқимиз қарийб 18 йилдирки деярли мухолифат фаолиятидан беҳабар ҳолда яшамоқда. Мамлакат ичида янги мухолифат пайдо бўлишига қандайдир сабаблар, белгилар ёки асослар бор деб ўйлайсизми? Агар янги мухолифат пайдо бўлса, у 90 йиллардаги мухолифатни қайси хато ва камчиликларини такрорламаслигини истардингиз?

Ислом Каримов соғ коммунистик, тоталитар системанинг маҳсули эди: бу системанинг фояси, бошқариш услублари, ўзгача фикрловчиларга нисбатан нафрати ва бошқа жиҳатлари унинг қон-қонига сингган бўлган. Ўтган аср 80-чи йиллари охирида бошланган кураш демократик мухолифатнинг ҳокимият тепасида турган ўта реакцион коммунистик тузумга қарши кураши эди. Бу тузумнинг мухолифатга қарши қандай курашгани саволнинг ўзида “аёвсиз кураш” тариқасида айтиб қўйилган-ку! Яна нимани қўшимча қилиш керак?

Саволнинг иккинчи қисми олдингисидан-да ғализ. Ҳукуматнинг мухолифатга қарши АЁВСИЗ курашини нима билан ОҚЛАШ мумкин? Мухолифат қуролли қўзғолон қилдими? Ёки ҳукумат Андижонда қилганидек халқни отдими? Мухолифат программаси қабул қилинди-ю, бу программа мамлакатни таназзулга олиб бордими? Агар шуларнинг бирортаси бўлганда эди, ҳукуматнинг мухолифатга қарши беаёв курашини оқлаш ҳақида гапириш мумкин бўларди. Мантиқсиз савол!

Саволларни тузганлар “исломлаштириш” деган тушунчани ё билмайдилар, ё нотўғри талқин қиласидилар, ёки уларнинг И.Каримов ва А.Пўлатов каби Исломга ғаразлари бор.

“Исломлашиш” деганда саволлар муаллифлари диндорларни назарда тутган бўлсалар керак. Ҳукумат ўзига душман ҳисоблаган Абдували қори Мирзаев, Обидхон қори Назаров, Тўлқин қори Йўлдошев, Абдулла Ўтаев ва бошқа бир қатор нуфузли дин уламолари коммунистик тузумнинг моҳиятини тушуниб етган ва буни халққа етказаётган инсонлар эди. Демократик мухолифат ва айниқса диндорларнинг халқ орасида олиб борган фаолиятлари шу қадар самарали эди-ки, 1994 йилда бўлган парламент сайловида коммунистлар (ўша пайтда давлат тепасида турган Ўзбекистон халқ демократик партияси) учун биринчи марта тўла мағлубиятга учраши хавфи туғилди. Ўзбекистоннинг олдинги ва янги тарихида диндорлар қуюшқондан чиққан бирор фаолият қилмаганлар. Қайсиdir диндор давлат қонунини бузиб жиноят содир этган бўлса, бундай жиноятларни коммунистлар ҳам ортиғи билан қилишган. Одатда, демократик мамлакатларда барчага баробар ва холис бўлиш учун суд, прокуратура, милиция каби давлат органлари вакиллари сиёсий партиялар таркибида сиёсат билан шуғулланмасликлари керак. Гарчи дин давлатдан ажратилган бўлса-да, оддий намозхон диндор барча фуқаролар каби сиёсий курашда қатнашиши табиийдир. Бунинг нимаси ёмон ёки шўбҳа уйғотади? 7-чи савол эса диндорларни Ҳиндистонда энг паст (неприкасаемые – кўл теккизишга ҳам ҳазар қилинадиган) табака ҳолатига туширган. Ҳар бир ғояни (яхшими, ёмонми) ўз манфаати йўлида фойдаланадиган одамлар ҳар қандай гурух, жумладан демократик мухолифатнинг ичида ҳам, диндорлар ичида ҳам топиш мумкин. Зимбабвенинг салкам 30 йиллик президенти Роберт Мугабе сиёсий сахнага мустамлакачиликка қарши миллий озодлик курашига бош бўлиб чиққан ва халқнинг ҳақиқий лидери бўлган. Ҳокимияни эгаллагач эса, унинг халқ эркинлиги учун курашидан асар ҳам қолмаган ва у ватанида дунёдаги энг даҳшатли авторитар тузумлардан бирини яратган.

8-чи савол ҳам ўзининг нохолислиги билан ажралиб туради. Мухолифатдаги учта сиёсий партия фаолияти учун уларнинг раҳбарлари бу саволга жавоб беришлари лозим эди. Аммо афсус! Гарчи ҳуқуқбонлик ташкилотлари сиёсий партиялар каби ҳокимият учун курашмасада, улар ҳам мухолифатчиликда сиёсий партиялардан қолишмайди. Мен Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти (ЎИҲЖ) ҳақида гапиришим мумкин. Бу ташкилот фаолиятини мамлакатда жуда яхши билишади. Ўзбекистондаги исталган қамоқхонада сақланаётган маҳбус ёки уларнинг яқинларидан ЎИҲЖ ҳақида сўраб кўринг-чи, нима дейишар экан? Ташкилотнинг бир бюллетинида Бекободда жойлашган УЯ 64/21 қамоқхонасида

сақланаётган 50 дан ортиқ маҳбусга бағишлиңган материал бор эди. Шу бюллетенни кимдир яшириб зонага олиб кирибди. Ўша пайтда шу зонада бўлган Маматқул Мухторовнинг айтишига қараганда кўлдан кўлга ўтавергач, охири ўқиб бўлмайдиган даражага етган. Маматқул ака қамоқдан чиққач, ЎИҲЖнинг Самарқанд вилояти бўлимини бошқарди ва ташкилотнинг энг яхши ҳуқуқбонларидан бирига айланди.

### **Ю.Р.: -Саволларга жавоблар сизни қониқтирдими?**

Т.Ё: -Менга энг ёқсан жавоб Ёдгор Обиднинг жавоблари бўлди. У кишининг жавобларини ўқиб, ўзимнинг жавобларимдан қониқмадим. Менда ўта ёмон таассурот қолдирган икки одамнинг жавобларига тўхталмоқчиман – бирига кўпроқ, бирига камроқ.

Мен ва Абдуманноб Пўлатов орамиздаги алоқа 2001 йилда узилган эди. Укам Ғанижон Ёкубовнинг вафоти муносабати билан Абдуманноб менга самимий руҳда бир хат ёзиб, унинг охирида “мен сизнинг укангиз бўлиб қолавераман” деб гиналарни унтишга чақирган экан. Мен қабул қилдим. Сал ўтмай унинг “Янги дунё” сайтига йўллаган жавоблари чиқиб қолди. Жавобларнинг бирида у ўзи бир пайтлар 9 йил раислик қилган ЎИҲЖнинг Францияда ўtkазилган 1-чи Конгрессини “Қурултой ваколатига эга эмас” дея баҳолабди. Мана унинг иddaоси:

“Бирлик” ва “Эрк” (МС) раҳбарларини ўз ташкилотлари Низомига риоя қилмасдан узок йиллар лавозимидан кетмасликда танқид қилиб келаётган мухолифатчиларнинг гапида жиддий асос бор, албатта. Лекин, бу танқидчиларнинг баъзилари ўзлари ҳам баъзан кўзгу-ойнага қараб туришса тузук бўларми? Жумладан, бу йил Францияда Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамиятининг Овруподаги 8-9 аъзоси ва шу мамлакатдан янги аъзо бўлган 8-9 киши йиғилишиб, Жамият Низомига ўзгартиришлар киритиши ва янги раҳбарлар сайлашди. Бу мажлисни, жуда борса “Жамият Оврупо бўлими”нинг йиғилиши деб аташ мумкин эди. Лекин, Жамиятнинг Қурултойи дейиш мумкин эмас.... Абдужалил Бойматов жамият раҳбарлигига балки жуда лойиқ арбобидир. Қолаверса, бу Жамият ва ДЎК иккаласининг собиқ раҳбарлари Толиб Ёкубов ва Жаҳонгир Маматов ўз хоҳишлири билан лавозимларидан кетиб, ибратли иш қилиши. Шунга қарамай, Жамиятнинг Франциядаги бу кичик йиғилиши Қурултой ваколатига эга бўлмаганини ҳам эътироф этиш зарур. (Иддао тугади).

Бирор демократик мамлакатга бошқа бир давлат уруш эълон қилса, ҳужумга учраган давлат ҳукумати ҳалққа мурожаат қилиб, вазият уруш ҳолати томон ўзгаргани учун инсонларнинг Конституцияда эътироф этилган баъзи ҳуқуқларини чегаралashi мумкин. Ўзбекистондаги мухолиф сиёсий партиялар, Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти ва бошқа ташкилотлар салкам 20 йилдан бери уруш ҳолатида яшаб ва фаолият кўрсатиб келмоқда. Мамлакатга Ғарб давлатларининг таъсири нисбатан юқори бўлган 2000-2003 йилларда ҳукумат Шавриқ Рўзимуродов, Эмин Усмон, Аҳмадхон Тўрахонов, Жўрахон Азимов каби ўнлаб одамларни ўлдирди, юзлаб бирликчи, эркчи ва диндорларни қамоқларга ташлади. Андижон воқеаларидан кейин эса бирор ташкилотга ўзининг йиғинларини нисбатан бемалолрок ўтказишга йўл қўйилмади. Ҳукуматнинг бундай уруши шароитида ташкилот Низомига риоя қилиб бўладими? Фақат демократик жамият шароитида хар қандай ташкилотдан ўз Низомига қатъий риоя қилишни талаб этиш мумкин, холос.

Баъзилар, жумладан ЎИҲЖнинг раҳбари Абдужалил Бойматов ҳам, мухолиф партиялар ва бошқа ташкилотлар ўз Низомларини бузаттганларини шиддат билан танқид қилишаштганини мен тушунмайман. Уларнинг аргументи: “Ўзини демократ деб ҳисоблаганлар демократия тамойилларига риоя қилишмаса, Ўзбекистонда демократияни ҳеч қачон шакллантириб бўлмайди” деган гапдан иборат. Бундайлар ё ватандан ташқарида юриб, ундаги вазиятдан тамомила хабардор эмас, ёки ватан ичкарисида юрган бўлса-да, уердаги вазиятни тўғри баҳолай олмайди. Мас., Абдураҳим Пўлатов 2008 йил кузигача “Ўзбекистонда мавжуд

қонунчилик доирасида курашиш мумкин ва “Бирлик” буни қилмоқда” дея ёзиб келди. Бунга жавобан ҳукumat унга уч бармоқдан иборат фигурани кўрсатди ва бир қонун чиқариб Ташаббус Гурӯхлари тузган ҳолда сайловларга номзод қўйиш имкониятига барҳам берди. Ҳозир у юкоридаги гапини ёзмай қўйди. Мен хурмат қиласиган Абдураҳмон Ташанов 2008 йил кузида (чамаси) менга ёзган хатида: “Ҳозирги пайтда ҳуқуқий майдонда фаолият олиб боришига имкон бўлмай қолди. Ҳукumat хатларимизнинг бирортасига ҳам жавоб бермаяпти” – деган эди. Абдуманноб эса легитим Қурултой ҳакида гапирмоқда!!

Абдуманноб ЎИХЖга салкам 10 йил раис бўлди. Бироқ у бу ташкилотга фақат бир йил ҳақиқий раислик қилди, холос. Унинг ишини 1993-96 йилларда Мадамин Нарзиқулов ва Михаил Ардзинов бажаришган бўлса, 1997-2001 йилларда эса мен бажарганман. У АҚШдан Ўзбекистонга 1996 йил келиб ташкилотнинг 2-Қурултойини ўтказди. 1998 йилнинг бошида у ватанга охирги марта келиб, навбатдаги Қурултойни йилнинг охирида ўтказамиз, дея ҳаммани алдаб АҚШга жўнаб кетди. Ўзбекистон шароитида кейинги икки Қурултойни биз ўзимиз, унинг иштирокисиз, 2001 ва 2003 йиллари ўтказдик.

1993 йил мартаидан бошлаб АҚШда яшаб келаётган Абдуманноб ЎИХЖ учун ақалли битта ИНТЕРНЕТ-САЙТ ташкил қилмади. У биргина “МакАртур” фондидан 1993-1998 йилларда 281.000 доллар грант олганини биламиз, ва у М.Ардзиновга ойига 50 доллар маош жўнатиб турганини биз факат 1996 йил сентябрига келиб билдик.

АҚШда яшаса-да, Абдуманноб Европада ўтказилган, инсон ҳуқуқларига бағищланган бирорта ҳалқаро конференцияларда қатнашмади ва Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларига доир масалаларни кўтармади. Бир ҳалқаро ташкилот “Сиз шунча йил ичida ташкилотингиз учун нима иш қилдингиз?” деб сўраганда, у: “60 дан ортиқ мақола ёздим” деб жавоб берган. Мен эса мингдан ортиқ мақола ва ЎИХЖнинг доклад, мурожаат, баёнот, билдиришнома ва Қурултойлар хужжатларини ёзганман.

Ватанда сиёсий вазиятнинг ўта ёмонлиги туфайли дунёнинг турли мамлакатларида тури (айниқса сиёсий) ташкилотлар, ўз йиғилишларини чет элларда ўтказганларини яхши биламиз. 90-чи йиллар бошида “Бирлик” ҳалқ ҳаракатининг бир йиғилишини Қозогистонда ўтказишига мажбур бўлингани ҳали эсимда. Абдуманноб Ўзбекистонни АҚШ деб ўйласа керак-да! Абдуманноб ЎИХЖнинг йиғилишини Францияда ўтказилганини ваколатли эмас, яъни Низомга зид демоқда. У ҳолда унинг ўзидан: “Нега Сиз раис сифатида ташкилотнинг 1994, 1998 ва 2000-чи йиллардаги Қурултойларини ўтказмадингиз?” деб сўрашга ҳаққимиз бор. Нега Низомни буздингиз? Пул йўқмиди? Виза ололмадингизми? Волида-мехрибонингиз вафот этганларида Сизга виза олиш учун АҚШ элчихонаси ва Ўзбекистон ТИ вазирлиги орасида мен, Толиб Ёкубов, тинимсиз юргурганман. Қурултойга бораман деганингизда виза учун бажону-дил югурадик, - нега айтмадингиз, ҳаракат қилмадингиз? Пўлатовлар учун бошқалар югуришини улар жуда хуш кўришини, улар учун югуришни истамаганлар дарҳол “хоин” унвонига сазовор бўлишини биз билмаймизми?

“Мўътадил сиёsatчи”, “марказчи” Абдуманноб ўзининг бу позицияларидан нақадар узоқ эканини “Янги дунё” сайти саволларига берган жавобларида яққол кўрсатган. Мен нималарни назарда туваётганимни кўпчилик мендан-да яхши тушуниб етган, деб ўйлайман. Васила Иноятованинг жавоблари менда жуда оғир таассурот қолдирди. Бу хонимнинг гапи ва ишлари орасида катта номутаносибликини кўриш мумкин. Мана унинг жавобларидан бир парча:

“Хорижда туриб нималарнидир амалга оширишга ҳаракат қилганлар ўз ишларини қилиб бўлишди. Натижасини амалда кўриб турибмиз. Бундан буён бу каби “фаолият”дан наф йўқ. Бугун хорижда қолишни ўзига эп кўраётгандарнинг амалга оширмоқчи бўлган ишлари тугул, ўзларини ҳам оқлаб бўлмайди! Уларнинг олдида 2 йўл бор: бири — Ватанга қайтиш, иккинчиси — муҳолифатчилик даъвосидан кечиш”. (Парча тугади).

Хоним бу масалада илгари “Абдураҳим ака Ўзбекистонга қайтиши мумкин эмас, қайтса уни ўлдиришади” – деб гапирар эди. 1997 йили Истамбулда Абдураҳим Пўлатов шахсан менинг

ўзимга “Мен 1998 йили Ўзбекистонга қайтаман ва сиз буни истаган одамга айтишингиз мумкин” – деган эди. Бироқ мазкур аёлнинг гапи билан у ўз режасидан қайтди. Энди Васила Иноятова “... Уларнинг олдида икки йўл бор: бири — Ватанг қайтиш, иккинчиси — мухолифатчилик даъвосидан кечиш” – демоқда. Ажабо, бу гапи билан у ўз шефини ҳам назарда тутмоқдамикин? Нега у буни очик айтмайди? Нега у бугунга келиб кескин позицияга ўтди? У чет элларга чиқиб кетганларни “ватангадолар”, “корни тўймаслар” дея атамоқда. Унинг бу гаплари Абдураҳим Пўлатовга ҳам тегишлимикин? Нега жимсизлар БОШ МУХОЛИФАТЧИ Абдураҳим ва МЎТАДИЛ СИЁСАТШУНОС Абдуманноб Пўлатовлар?

Назаримда буни тушуниш қийин эмас. Тушуниш учун эса Васила Иноятова:

а) Мамадали Маҳмудов, Мурод Жўраев ва қатор диндоларнинг қамалишида муҳим роль уйнаганини;

б) Абдураҳим Пўлатов “Эрк” партияси ва унинг раисига тинимсиз ҳақоратомуз тош отиши йўлида унинг асосий дирижёри эканини;

в) “Эрк” партиясининг 5-Қурултойи ўтаётган пайтда, йиғин ўтаётган бинонинг рўпарасида, кўчанинг нариги томонида, кўлидаги телефони орқали Қурултойга келган МХХ ва бошқа органлар ходимлари билан муттасил алоқа қилиб турганини (мен ва Германия элчихонасининг 2-чи котиби Андреас Проттман ўз кўзимиз билан кўрганмиз; ҳозир бу хоним “Мен у пайтда Ўзбекистонда эмас эдим” деб ёзмоқда!);

г) ЎИҲЖ 2001 йил 7 марта бошлаб 2005 йил ўртасига қадар норозилик пикетлари ҳаракатини давом эттирганда у бу ҳаракатга тиш-тирноғи билан қаршилик қилганини;

д) 2005 йил 30 дан 31майга ўтар кечаси “Бирлик”нинг Фарғона водийсидан митингга келган 12-13 аъзосини ўз акасининг ҳовлисида милиция ходимларига тутиб берганини (ва бошқа минг хил кирдикорларини) билиш кифоядир.

Нега у ҳозир “... ўз жонини авайлаб, аброр ҳалқни Каримов режимига гаровга ташлаб кетганлар ўзини ҳақли равища мухолифат дея олса, мен бу сафлардан чиқсан бўлардим” – демоқда? Агар у ўзини “Бирлик” партиясининг Бош котиби, ва демак мухолифатчиман деб ҳисобласа, демак Абдураҳим Пўлатов ўзини ҳақли равища мухолифат вакилиман, дея олмас экан-да? У холда, бу хоним назарида, ким у?

Бу саволга на Абдураҳим Пўлатовда ва на Васила Иноятовада жавоб бор!

Мазкур хоним ва унинг шефи баъзиларни ислом экстремистлари ва ҳатто Тоҳир Йўлдош билан алоқада дея айлашади. Бироқ айнан Абдураҳим Пўлатов Тоҳир Йўлдош ва унинг ёрдамчиси Зайниддин Асқаров билан Истанбулда учрашгани ва бирга расмга тушганини негадир яширишади! Нега? Пўлатов бу шахслар билан нималар ҳақида гаплашган бўлиши мумкин? Демократия ҳақидами? Мазлум ўзбек ҳалқи ҳақидами? Ёки ҳокимиятни бўлиш ҳақидами?

**Ю.Р. - Саволларга жавобларда мухолифатнинг келажакда қиласиган ишлари ҳақида аниқ фикрлар борми?**

Т.Ё.: -Афсус-ки, йўқ. Тўлиқ жавоб бўлмаса-да, менинг фикрим: Кураини собитқадамлик билан, руҳан тушибасдан давом эттириши керак.

**Ю.Р.: -Сизнинг назарингизда мухолифат фаоллари нималарга эътибор беришлари керак эди?**

Т.Ё: -Ҳаммасини айтиш қийин. Мен масаланинг фақат бир жиҳатига тўхталаман, холос. Баъзи бировлар: «Мухолифат нуқул Каримов режимини танқид қилиш, фош этиш билан овора, бирор конкрет иш қилмайди» - деб ижирғаланишади. Бунда маълум маънода жон бор. Бироқ ...

90-чи йиллар бошидан бери милиция органларида ҲАР КУНИ развод пайтида маҳсус одамлар «Бирлик», «Эрк» ва «Озод дехқонлар» ташкилотлари ҳақида милиционерларга ўта негатив информация беришади. Шунинг учун бу тоифа одамларда сиёсий мухолифатга

нисбатан МУҚИМ НЕГАТИВ муносабат шакллантирилган. Мен МХХ ҳақида гапириб ҳам ўтирумайман. Худди шундай ОБРАБОТКАдан, кунда бўлмаса-да, бироқ системалик ҳолда маҳаллалар бошлиқлари, посбонлари, айғоқчилар ҳам ўтказилади. Улар орқали мухолифатга муносабат оддий одамларга сингдирилади. Ҳукуматнинг бу фаолияти – негатив информация тарқатиш йўли билан ўз рақибига халқ орасида ишончсизликни шакллантиришга қаратилган.

Ҳукуматдан фарқли ўлароқ мухолифат ўз рақиби (хукумат)га нисбатан бу усулни қўллай олмайди. Битта параллель келтираман. Жиноий иш кўрилаётганда прокуратура, МХХ ва милиция айбланувчига нисбатан истаганча ёлғон айбларни қўяверади. Бироқ, айбланувчининг ҳимоячиси адвокат бу усулдан фойдалана олмайди: у фақат қонунлар асосида ҳақиқатни очишга ҳаракат қиласиди. Дилмурод Сайид, Аъзам Турғунов, Азам Фармонов, Солижон Абдураҳмонов ва бошқаларнинг мисоли бунга яққол кўрсаткичdir.

Мавжуд ҳукуматнинг моҳияти, унинг кирди-корлари ва унинг югурдакларининг башарасини очувчи ҳаққоний, фактик маълумот тўплаш ва тарқатиш мухолифат курашининг асосий бўғинларидан бири бўлиши лозим. Ҳар қандай авторитар ҳукумат ўзи ҳақидаги ҳаққоний информациядан ўлгудек кўрқади, чунки у омманинг онгини эгаллаши мумкин.

\*\*\*\*